Таълим методи ўқув материални баён қилишга ва уни болалар яхши билиб олишга қаратилган фаолиятнинг йўли, усулидир. Таълим жараёни ва натижалари ўқитувчининг ўқувчилар билиш фаолияти ҳаракатини белгитловчи иш усулларига боғлиқдир. Шу сабабли доимо педагогикада ўқитувчининг иш усуллари ва ўқувчиларнинг билиш фаолияти усуллари деб, қаралладики, бу усулларнинг ҳар иккаласи ҳам ўқув вазифаларини бажаришга қаратилгандир. Таълим методлари ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг хусусиятини белгилайди, таълимнинг мақсади ва мазмунига боғлиқ бўлади. Таълим методлари теварак атрофдаги дунёни билишнинг умумий қонуниятларини тушунишга боғлиқдир яъни, улар фалсафий методологик асосга эгадир ва таълим жараёнидаги қарама-қаршиликларни, таълим жараёнининг моҳияти ва тамойилларини тўғри англаш натижасидир. Таълим методлари ўқув материали мазмунида ифодаланган илмий фикр мантиғига боғлиқдир. Ўқув материалнинг мазмуни тобора чуқурлашиб, мураккаблашиб ва илмий тус олиб бормоқда, шунинг учун таълим методлари илмий билишнинг мантиғи ва методларига тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб қолмоқда. Таълим методи психологик асосга эга. Боланинг ўқув материални ўзлаштиришдаги ёш имкониятлари ва унинг етуклик даражасини ўқитиш ва ўқиш усулларига жуда катта таъсир кўрсатади.

Ўқувчиларнинг Фикрлаш фаолиятини ва шахсий хусусиятларини яхши билиш ўқитишнинг самаралироқ усуллари топиш имконини беради.

Таълим методлари ўсаётган организмнинг анатомик-физиологик, биологик хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил қилишда уларнинг ёшига хос биологик ўсишни ҳисобга олиш керакки, таълимнинг кўпгина жиҳатлари иш қобилияти, чарчаш, ижодий қайфият, жисмоний соғлиқ, мактабдаги гигиена шароитлари ана шу ўсишга боғлиқдир.

Таълим методлари назарий жиҳатдан яхши асосланган бўлиши, педагогик назариядан келиб чиқиши керак аммо, таълим методлари амалда қўлланилмаса, фойдасиз бир нарсага айланади. Амалий йўлланганлиги таълим методларининг энг муҳим томонларидан биридир. Бу методларда педагогик назария амалиёт билан бевосита боғланган. Назария қанча чуқур ва илмий бўлса, таълим методлари ўшанча самарали бўлади. Педагогик қарашларда назария қанча кам ифодаланган бўлса, таълим методлари буназарияга шунча кам боғлиқ бўлади.

Таълим методлари олдида қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

1. Ўқув материалининг ўрганиш йўли фикр юритишнинг дидактик усуллари шаклланишига олиб келиши мумкин. Шу талаб нуқтаи назаридан қараганда, таълим методи тарбияловчи характерда бўлиши керак.
2. Таълим методи илмий далиллар билан равшан ва аниқ асосланган бўлиши лозим. Ана шунда ўқитувчи, бу метод билан ишлашда қандай вазифаларни қўйиб, ҳал қилиш мумкинлигини ва қандай вазифаларни амалга ошириб бўлмаслигини кўра олади.
3. Таълим методларининг тизимлилиги уларнинг самарадорлик даражасини белгилайди. Ўқув материални ўрганишнинг ҳар қандай алоҳида олинган усули, гарчи, шу дарсда қўлланиш учун жуда қулай бўлса ҳам, ўқитишнинг бошқа методлари билан қўлланилмаганида ўқувчилар ақлининг ўсишига унча таъсир кўрсатмаслиги мумкин.
4. Таълим методлари олдида муқаррар суръатда қўйиладиган яна бир талаб-уларнинг тушунарли бўлишидир. Ўқитиш йўли ўқувчига тушунарли ва мақбул бўлиши, ўқув материални ўрганиш усуллари эса унинг билимларни ўзлаштиришдаги ёш имкониятларига мувофиқ келиши лозим.
5. Боланинг сезги органлари орқали билишга ўргатиш ва ўқув жараёнида кўрсатмали қуроллардан иложи борича кўпроқ фойдаланиш зарурлиги таълим методлари олдида қўйиладиган талаблардан яна бири билимларнинг асосли ва пухта бўлишидир. Таълим методлари яхши натижа берадиган бўлиши лозим.

6. Таълим методлари олдига қўйиладиган талаблардан яна бири билимларнинг асосли ва пухта бўлишидир. Таълим методлари яхши натижа берадиган бўлиши лозим. Ўқитувчининг тушунтириши ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш усули режалаштирилган ёки мўлжалланган натижани бериши керак.

8.5.Турли хил ўқитишнинг авзалликлари

Ўқитишнинг самарадорлиги таълим жараёнининг яхши ташкил этилишига боғлиқдир. Ўқитиш жараёнида турли хил интерфаол методларнинг қўлланилиши талабаларнинг билишга нисбатан қизиқишларини оширади.

Ҳозирги кунда етук кадрлар тайёрлашда энг кенг қўлланиладиган интерфаол усуллардан бири ўйин усулидир. Ўйин усуллариининг мақсади талабаларни фақат тинглаш эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш ва бу орқали таълим самарадорлигига эришишдир.

Ўйин ҳар хил муаммоларни ҳал этишдаги тахминий фаолиятни тузиш учун энг қулай асос ҳисобланади. Ўйинни моделлаштириш ўйин мақсадларини аниқ тушунишлари ва шахсий қизиқишлари вазиятнинг бошқаришнинг муҳим омиллари ҳисобланади. Ўйинни моделлаштириш қоидалар орқали амалга оширилади.

Таълим оловчиларни ўқув билиш фаолиятини ташкил қилиш методи

Сухбат методи. Оғзаки баён. Умумтехника ва касбий фанларни ўрганиш жараёнида ўқув материални оғзаки баённи гапириб бериш ва тушунтириш орқали амалга оширилади, бунда мавзу тўлиқ таққосланади, исботланиб, мисоллар билан тушунтирилади.

Баён қилинаётган материал таълим оловчиларнинг тушуниши учун қийин бўлган, янги маълумотлар хабар қилинган, меҳнат усуллариини бажариш йўллариини тушунтириб бериш талаб қилинган ҳолларда оғзаки баён қилиш методидан фойдаланилади.

Умумий талаблардан қуйидагиларни ажратиб оламиз:

- илмий-техник аниқ мазмун;
- мантиқий тузилиши ва кетма-кетлиги;
- таълим оловчиларга тушунарли ва осон етиб борадиган;
- ҳар бир босқичда фикрни аниқ ва равшанлиги;
- таълим оловчиларнинг эътиборлигини, фаоллигини ошириш.

Суҳбат– бу касб таълимининг шундай усулидирки, унда ўқитувчи тўғри қўйилган саволлар ёрдамида таълим олувчиларда илгари ўзлаштирилган билимлар ҳосил қилиб эсга туширади ва шу асосда мустақил равишда янги билимлар ҳосил қилишга ундайди.

Таълим олувчиларни ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиши ва бошқариш савол-жавоб методи орқали амалга оширилади. Бундай суҳбат **эвристик суҳбат** дейилади.

Умумий ўтказилган суҳбатлар таълим олувчиларни қизиқишини, диққатини оширишга, билимларни яхши эгаллашга олиб келади. Лекин, суҳбат методи оғзаки баён методидан кўра мураккаброқдир яъни, ўқитувчидан дарсга пухта тайёрланишни талаб қилади.

Умумтехник ва касб фанларини ўрганишда эвристик суҳбатнинг қуйидаги шартларини кўрсатиш мумкин:

- ўқув материалининг мазмуни мантиқий тўғри тузилган бўлиши шарт;
- янги ўқув материални ўрганишда кўпроқ техник ва технологик ҳужжатларни муҳокама қилишга қаратиш керак;
- суҳбатни бошқа методлар ва ўқув ишлари турлари билан бирга ўтказиш керак (тушунтириш, китоб билан ишлаш, кузатув).

Эвристик суҳбатда саволлар кенг қамровли тузилган бўлиши лозим.

Қуйидаги саволларни кўрсатиш мумкин:

- 1.Фанларни қарама-қарши қўйиш, унинг кўринишини, жараёнини, далилларини ва бошқаларни;
- 2.Ҳар хил ҳолатга тушиб қолганда ҳам билимларидан фойдалана олишни аниқлаш;
- 3.Сабабини ташҳисли тушунтириш;
- 4.Исботлаш «ҳа» ёки «қарши» га далил келтириш;
- 5.Фанлараро боғлиқликни ўрнатиш.

Суҳбат ўтказишда унинг мантиқий режасига қатъий риоя қилиш керак, савол-жавобларнинг кетма-кетлиги шундай тузилган бўлиши керакки, унда мавзу мураккаблашиб, ривожланиб боришини таълим олувчи сезиши лозим. Ўқитувчи суҳбатни хулоса қилиб тугатиши керак.

Китоб билан ишлаш: тез ўқитиш, конспект олиш, режа тузиш, мисоллар муҳокамаси, назорат саволларига жавоб бериш ва ҳоказолар.

2. Кўргазмали метод

Инсоннинг ташқи оламни сезишининг энг муҳим органи – кўздир. Олимларнинг фикрича, 80% информация кўз орқали тушади, 80% иш операциялари кўз орқали қилинади. Мана шулардан кўришимиз мумкинки, таълим жараёнида кўргазмали метод катта аҳамиятга эга.

Умумтехник ва касб таълими фанлари бўйича кўргазмали методлар, табиий (асбоб, дастгоҳ, деталл, жиҳоз, материал намуналари) ва тасвирий (плакатлар, модел, макет, схема, кино-видеофильм, кино проекция, компьютер, мультимедиа). Ўқитувчи мавзуни тушунтиришда кўргазма сифатида, ёки бир хил ҳолларда ўрганилаётган фан бўйича аниқ кўргазма сифатида, янги ахборотларни беришда кўргазмали методлар жуда қулайдир.

3. Амалий метод

Машқ амалий методнинг асоси ҳисобланади. Машқ ўтказишнинг асосий мақсади ўқитиш жараёнида таълим олувчилар техника ва касбий фанлар бўйича эгаллаган билимларини амалиётда қўллай билишни ўргатишдир. Таълим олувчиларнинг билимларни мустаҳкамлашда ҳам машқларнинг ўрни каттадир. Ҳамма машқларни 3- та асосий типга келтириш мумкин: репродуктив, бадий, изланувчанлик.

Репродуктив машқ - бу типдаги машқларни бажаришда таълим олувчилар қурилманинг тузилиши, материали, асбоб-ускуналар, ёзма вазифаларни ўрганишади. Репродуктив машқда чизмалар, схемалар, графиклар, диаграммалар муҳокама қилинади ва таълим олувчилар уларни бажаришади. Касбий фанлар бўйича эса техник ҳужжатлар, станок паспортларининг технологик карталари ўрганилиши мумкин.

Бадий машқ - бу турдаги машқларни бажаришда таълим олувчилар эгаллаган билим ва малакаларидан турли хил комбинацияларда фойдаланишади яъни, олдига қўйилган вазифаларнинг мустақил оригинал жавобларини топишади. Бадий машқ турларидан бири продуктив масалаларни ҳал қилиш: танлаш (асбоб, ишлов бериш тури, созловчи механизм), таққослаш ва баҳолаш (ишни бажариш йўли, асбобларнинг қўлланилиши) аниқлашга боғлиқ бўлган (техник талаб, алоқадорлик), турли хил техник жараёнларни тушунтиришдан иборат. Бу турдаги машқлар орқали ўрганилаётган машина, механизм, қурилмаларнинг схемалари тузилади.

Изланиш машқи – бу ҳам эгалланган билимларни машқларда бадиий қўллаш бўлиб, таълим олувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам беради.

Таълимда фаоллик методи

Ҳозирги кунда илмий ва амалий педагогикада таълим методлари катта аҳамият касб этмоқда. Таълим олувчиларнинг ички ва ташқи фаоллигини ошириш учун турли хил ўйинлардан фойдаланилади. Булардан энг кўп қўлланиладигани – дидактик ўйинлардир.

Касб таълимидаги дидактик ўйинлар: «техник диктант», кичик конкурслар, «ким эпчил-у, ким чакқон», «техник курашлар», «саволлар», «техник лото», «техник домино» ва ҳоказолар.

Таълимнинг фаоллик методига семинар дарслари ҳам киради. У уч босқичдан иборат: семинар бўйича ўқитувчининг маърузаси, таълим олувчилар семинар бўйича мустақил уй вазифаларини тайёрлаб келиши ва семинарларни ўтказиши, бунда таълим олувчи тайёрлаб келган матнлари ва кўргазмали қуроллардан, асбоблардан, жиҳозлардан фойдаланиб тушунтириб беради.

Касбий таълим муассасаларида амалий ишларда интерактив дарслар ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу дарсларда икки ёки бир неча фанларнинг мавзулари ўртасидаги алоқадорлик ўрганилади. М: математика ва информатика, физика ва химия, касбий технология ва ишлаб чиқариш таълими ва бошқалар.

Таълим олувчиларнинг ўқув билиш фаолияти фаоллиги дарсдан ташқари ишларда техник кашфиётчилигини ривожлантириш орқали амалга оширилади. Дарсдан ташқари ишлар – касбий таълим устаси танловлар, илмий-амалий конференциялар, рационализаторлар ва кашфиётчилар билан учрашув, илм-фан, техник олимлар билан учрашувлар, намунали ишлар кўргазмаси, техник тўғараклар орқали амалга оширилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

- 1. Таълим методлари олдида қандай асосий талаблар қўйилади?*
- 2. Турли хил ўқитишнинг авзалликлари ҳақида фикр билдиринг.*
- 3. Таълим олувчиларни ўқув билиш фаолиятини ташкил қилиш методини тушунтиринг.*
- 4. Таълимда фаоллик методининг мазмунини тушунтириб беринг.*

5.Таълим методлари олдига қуйидаги асосий талаблар мазмуни ҳақида фикр билдиринг.

Мустақил иш топшириқлари

“Таълим методлари” мавзусида чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги.

1. Сухбат. 2. Тушунтириш. 3. Маъруза. 4. Машқ. 5. Иллюстрация. 6. Демонстрация. 7. Дидактик ўйин. 8. Китоб билан ишлаш. 9. Видеометод. 10. Ҳикоя. 11. Амалий. 12. Лаборатория.

Топшириқни бажаришга доир кўрсатма:

- 1)чалкаштирилган ҳолда берилган таълим методлари билан танишинг;
- 2)методларни жадвалда кўрсатилганидек, мос устунга ёзиб чиқинг.

Оғзаки	Кўргазмали	Амалий

Таълим методлари таснифига доир тўлдирилмаган жадваллар

Топшириқ: қуйидаги тўлдирилмаган жадваллар билан танишинг ва уларни тугалланг.

1)

Анъанавий (манбасига кўра) таълим методлари таснифи

Оғзаки	Кўргазмали	Амалий	Китоб билан ишлаш	Видеометод

2)

Ўқувчиларнинг билиш фаолияти тавсифига кўра таълим методлари таснифи

Таълим методининг номланиши	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти

3)

Таълимнинг бинар методлари

Ўргатиш методлари	Ўрганиш методлари

4)

Интерфаол методлар

Ўрганилаётганларини ўзлаштиришга даъват қилиш методлари	Янги материални англаш методлари	Ўрганилганларини фикрлашга имкон берувчи методлар

9-БОБ. ТАЛАБАЛАРДАГИ ТУРЛИ ШАХСИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ АНГЛАШ БОСҚИЧЛАРИНИ БИЛИШ. АУДИТОРИЯДА БАҲОЛАШНИНГ ТУРЛИ ХИЛ БОСҚИЧЛАРИ

Режа

9.1. Намунали ўқишнинг маданий тушунчаси.

9.2. Билим ва иш –ҳаракат усуллари мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш

9.3..Талабалардаги турли шахсий тушунчаларни англаш босқичларини билиш

9.4.Ўзлаштирмайдиган ўқувчиларни яхши баҳолар билан рағбатлантириш.

Таянч иборалар

Рағбатлантириш, инсон, ривожланиш, умумий ўрта таълим, касбий таълим, касбий педагогика, касбий маҳорат, педагогик фаолият, педагогик жараён, педагогик мулоқот, таълим технологиялари, илк болалик даври.

9.1.Намунали ўқишнинг маданий тушунчаси

Талаба ўз билимининг ютуқ ва камчилиги борлигини тушуниб, нима учун унинг бали ошганлигини ёки пасайганлигини англагандагина у рағбатлантирувчи роль ўйнаши мумкин. Талаба ўз хатосини тушунгач, уни тўғрилашга онгли равишда интилади. Акс ҳолда, бу талабага ҳам ,унинг ўқишга бўлган муносабатига ҳам салбий таъсир этади. Унда тиришқоқлик, ўз билимига ва иқтидорига бўлган ишончи пасая боради.

Ўқитувчининг тўғри ва адолатли асослаши гарчи, салбий характерда бўлса ҳам, талабани қаноатлантиради. Ўқитувчи билимни доим назорат этиб баллбилан баҳолар экан, талабанинг ишига бўлган муносабатини айтиб ўтади.Эришган ютуқлари учун рағбатлантирса, камчилиги учун қийинчи. Уни бартараф қилиш мумкинлигини ҳам ижодий тайёргарлик пайтида асосий эътиборни нималарга қаратиш кераклигини кўрсатади.

Ҳисобга олиш,текшириш ва билимни назорат қилиш ҳамда баҳолаш ,ўқитиш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Жумладан, талабалар билимини ҳақиқий, аниқ ва адолатли баҳолаш ҳамда натижаларни уларга мунтазам равишда маълум қилиб бориш катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашни тўғри йўлга қўйиш ,уларда ўтилган фанларга нисбатан ижодий ёндашиши, мустақил фикрлаш, ўз билимини доимий равишда ошириш, адабиётлардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш демакдир.

Шу билан бирга ўқитувчи ва талаба ўртасидаги узвий боғланишни юзага келтиради, яна ўқитишнинг ўзаро алоқадор икки воситасини юзага келтиради. Яна ўқитишнинг икки воситаси ўқитувчининг фаолияти ва талабанинг меҳнатга онгли муносабатини узлуксиз жараён сифатида доимий бўлиб туришини таъминлайди.

Бунда профессор-ўқитувчиларнинг маъруза ва амалий машғулотларга пухта тайёргарлик кўриши, баҳолашга доир меъёр ва мезонларни, саволномалар, тест саволлари ва турли бошқотирмаларни ҳамда таянч тушунчаларни тузишдаги масъулиятли ёндошиши ва меҳнати ётади.

Талаба билимини баҳолаш муҳим воситалардан бири бўлиб, асосан талабаларнинг хулқи ўзгариши ва тарбиявий таъсири кучайганлигида намоён бўлади.

1. Асосий диққатни биринчи марта баён этаётган яъни, олдин ўзлаштирилмаган материалга қаратиш.

2. Ўхлаштира олмаган ўқувчилар учун материални қайта такрорлаш.

3. Ўқув материални аста-секин мураккаблаштириб бориш.

4. Яхши ўзлаштирамаган ўқувчиларга вазифа моҳиятини такроран баён этиш ёки яхши бажариш бўйича батафсил йўл-йўриқ кўрсатиш, фаол ва яхши ўзлаштириб олган ўқувчиларни рағбатлантириш, қўшимча топшириқ бериш ва шу кабилар.

Билимларни қўллаш ва иш-ҳаракат усуллари шакллантириш

1. Ўзлаштира олмаган ўқувчиларга ёрдамчи саволлар, вазифалар бериш.

2. Яхши ўзлаштирган ўқувчиларга қўшимча вазифалар бериш.

3. Жамоа шаклидаги ишларни ташкил этиш.

4. Жамоа шаклидаги ўқувчилар ишларига яхши ўзлаштирувчи ўқувчиларга раҳбарлик қилишларига жалб этиш.

5. Ўқувчиларнинг ўзаро ёрдамини ташкил этиш.

Назорат қилиш ва баҳолаш

1. Ўзлаштирамайдиган ва фаол бўлмаган ўқувчиларни тез-тез назорат қилиб туриш.

2. Ўзлаштирамайдиган ўқувчиларга ўз нуқтаи назарларини исботлаш талабини қўйиш.

3. Ўзлаштирамайдиган ўқувчиларни яхши баҳолар билан рағбатлантириш.

4. Қўйилган баҳоларни аниқ мезонлар билан исботлаш.

5. Ҳар бир ўқувчининг шахсий сифат ва фазилатларни ривожлантириш шарт-шароитларини ҳисобга олиб бориш.

9.2. Билим ва иш–ҳаракат усуллари мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш. Намунали ўқишнинг маданий тушунчаси

Намунали ўқишнинг маданий тушунчаси деганда, талабанинг маданий фаоллик даражаси тушунилади ва қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган бўлади:

- фаннинг талаба томонидан тизимли тарзда белгиланган муддатларда ўзлаштиришини ташкил этиш;

- талаба ўзлаштиришини мунтазам баҳолаб бориш;

- талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

- талаба нинг билимини адолатли ва аниқ баҳолаш;

- баҳолаш натижаларини мунтазам маълум қилиш ва таҳлил этиш;

- профессор ўқитувчиларнинг ҳар бир дарсга ва баҳолаш жараёнига масъулиятини ошириш;

- ўқув ишларини ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш.

Юқорида келтирганларимиздан кўринадик, билимга баҳо қўйиш битта машғулотнинг барча қисмларига сингиб кетиши билан бирга бутун фаннинг мазмунидан ҳам хабардор бўлишини тақозо қилади. Бу эса ўқитувчи ва талаба ўртасидаги доимий ижодий муносабатни амалга оширишни талаб қилади. Улар ўтилган материалларни қайтариш, янги материалларни тушуниш учун замин эканлигини тушуниб етадилар, барча топшириқларни ўз вақтида бажаришга фаоллик кўрсата бошлайдилар.

Талабаларнинг фаолият турлари ранг-баранг ва қизиқарли бўлиши лозим. Талабалар ўқув фаолиятдан ташқари турли кўнгил очар тадбирларни ҳам ташкил этишлари лозим. Дарсдан ташқари кўнгил очар тадбирларни ташкил этиш ўқитувчилардан талабчанликни талаб этади. Катта курс талабалари кичик курс талабалари билан ҳамкорликда ўз фаолиятларини олиб боришлари лозим. Бу ҳамкорлик муносабатлари албатта ўқитувчининг раҳбарлиги остида бўлади. Бўлажак мутахассисларни тайёрлашда кўпроқ амалий касбий фаолиятга тегишли кўникма ва малакалар муҳим ўрин тутганлиги сабабли назарий материалларни баён қилишда турли хил асбоб-ускуналардан фойдаланиш яхши самара беради.

Бу эса назарий ва амалий машғулотларни ўқувчилар онгига сингдиришда муҳим аҳамиятга эга. Демак, касб-хунар таълимида амалий билимлар, кўникмалар ва малакалар назарий билимлардан кам эмас ва албатта улардан кўзланган мақсад бўлажак мутахассисларни касб фаолиятига тайёрлашнинг самарали йўлларни яратиш ва жорий этишдан иборатдир.

9.3.Талабалардаги турли шахсий тушунчаларни англаш босқичларини билиш

Турли хил қобилият, қизиқиш ва лаёқатга эга бўлган талабаларнинг тил ўрганишлари бугунги кундаги энг долзарб масалалардан биридир. Талаба шахсини ривожланишини лойиҳалашга, ўқувчилар билан ишлаш усуллари танилаб олишга имконият берувчи конструктив дидактик қобилиятлар:

1. Академик қобилиятлар.
2. Перцептив қобилиятлар.
3. Нутқ қобилиятлари.
5. Ўқувчиларни хилма-хил фаолият турига жалб қилувчи ташкилотчилик қобилиятлари.
6. Авторитар қобилиятлар.
7. Коммуникатив қобилиятлар.
8. Педагогик ҳаёл.
9. Дикқатни тақсимлаш қобилияти.

Талабаларнинг фаолият турлари ранг-баранг ва қизиқарли бўлиши лозим. Талабалар ўқув фаолиятидан ташқари турли кўнгил очар тадбирларни ҳам ташкил этишлари лозим. Дарсдан ташқари кўнгил очар тадбирларни ташкил этиш ўқитувчилардан талабчанликни талаб этади. Катта курс талабалари кичик курс талабалари билан ҳамкорликда ўз фаолиятларини олиб боришлари лозим. Бу ҳамкорлик муносабатлари албатта ўқитувчининг раҳбарлиги остида бўлади. Бўлажак мутахассисларни тайёрлашда кўпроқ амалий касбий фаолиятга тегишли кўникма ва малакалар муҳим ўрин тутганлиги сабабли назарий материалларни баён қилишда турли хил асбоб-ускуналардан фойдаланиш яхши самара беради. Бу эса назарий ва амалий машғулотларни ўқувчилар онгига сингдиришда муҳим аҳамиятга эга.

Демак, касб-хунар таълимида амалий билимлар, кўникмалар ва малакалар назарий билимлардан кам эмас ва албатта улардан кўзланган

мақсад бўлажак мутахассисларни касб фаолиятига тайёрлашнинг самарали йўллари яратиш ва жорий этишдан иборатдир. Талабанинг билиш фаоллиги унинг билиш жараёнидаги интеллектуал мулоҳазасида, мутахассислик фанлари бўйича умумий ва алоҳида топшириқларни бажаришида наоёён бўлади. Бу хусусиятлар талабаларнинг фақатгина юқори даражадаги билим олишини кафолатлаб қолмай, балки унинг ҳаётий фаолияти, яъни ўқувчи шахсининг шаклланиши, унинг амалиётга, ҳаётга бўлган фаол муносабати учун характерлидир. Шу сабабли, билиш фаоллигини ошириш инсоннинг фаол ҳаётий қарашларини шакллантириш деб бемалол айтиш мумкин.

Талабалар инглиз тилини жуда ёшлиқдан ўрганишлари лозим. Бунда муҳитнинг аҳамияти катта. Лаёқатсиз талабалар иш олиб борилганда режа асосида олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчилар фанларга қизиқмайдиган, лаёқатсиз талабалар билан иш жараёнида аниқликка аҳамият беришлари лозим.

Билишга қизиқиш талабанинг фаоллиги, таълимга мустақиллиги асосида ётади. Таълим мазмунининг билишга қизиқиш уйғотишнинг ўзига хос томонларига қуйидагилар киради: ўқув материалининг янгилиги, билимлар мазмунига тарихий ёндашув, четлаб ўтиш, замонавий фан ютуқларини кўрсатиш, билимларнинг амалий роли, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва ўқитувчи, ўқувчилар муносабатлари ва бошқалар.

9.4. Ўзлаштирмайдиган ўқувчиларни яхши баҳолар билан рағбатлантириш

Малакаларнинг таълим соҳасидаги бошқарув кўникмаларидан самарали фойдаланиб, ташкилий воситалар ёрдамида уларни ҳар томонлама ривожлантириб бориш лозим. Малакаларнинг таълим, моделлар ва ёшга тегишли ўқув кўникмаларини назорат (масалан, баён, умумлаштириш, тест олиш) ва тадқиқот лойиҳаларини талабаларни вақт бошқарувидан фойдаланишга ёрдам беради.

Малакаларнинг унда ўқитувчи талаба ҳуқуқ-атворидаги салбий омиллар таъсирини камайтириш ва барча талабаларга лойиҳаларни таҳлил этишни ўргатади. Малакаларнинг (масалан, ота-умидлари, жамият ресурслари, жамият муаммолари мавжудлиги), ижтимоий ва маданий омиллар тушунчаси билан таъсири талаба учун таълим ва режалар кўрсатмасини

баҳолаши ва барча ўқувчиларни ривожлантириш учун ,жамиятда ўз ўрнини топишлари учун ҳаракат қилмоқлари лозим.

Ўқитувчи турли ролларни талабаларга тақсимлаб беради. Талабалар фаолликда бу ролларни ўйин фаолиятига кўчирадилар. Аудиторияда ўқитувчи соғлом муҳитни яратиши лозим.Талабалар аудиторияда эркин фикр юрита олишлари учун ўитувчи ҳаракат қилиши лозим. Талабаларда юқори даражада шаклланган малака ва кўникмаларни шакллантириш учун ўзаро фикр алмашиш доимо бўлиши керак. Талаба таълим тўғрисидаги ҳужжатларни таҳлил қилади. Болаларга ёшликдан ақлий қобилиятларини ўстириб боришга ҳаракат қилиш лозим. Мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ақлий фаолиятларини рағбатлантириш лозим.

Малакаларнинг тинчлантирадиган ва фаол ҳаракат фаолиятини мувозанати ёш болалар учун жадвални яратиш муҳимлигини тан олади ва бу ўйин, лойиҳалар ва таълим учун вақт катта блокларини беради.

Малакаларнинг ривожлантириш фаолиятида самарали тартиб ёрдамида, шу жумладан, талаба ўрганиш, энг юқори даражага йўллашни вақт бошқаради; материаллар, сарф материаллари ва технологияни бошқариш учун; ва ўқув фаолияти билан мувофиқлаштирилади.

Малакаларнинг бундай ривожлантирилиши, синф китобларини сақлаш каби маъмурий вазифаларни амалга ошириш учун самарали аҳамиятга эга бўлади. Малакаларни бошқариш ва мониторинг билан боғлиқ назария ва услубларини қўллайди. Юқори ва аниқ хатти-ҳаракат учун аниқ қоидалар бўлиши керак.

Турли хил таълим ва ўқув комплексларида самарали мулоқот қилиш учун қоидалар ва стратегиялар қўлланилиши лозим. Барча талабаларни жалб қилиш учун савол-жавоблар талабалар билимини кенгайтиради. Самарали тартиб ва мулоқотдан фойдаланиб, мураккаб ғояларни соддалаштириш, мисоллар билан таъминлаш орқали, масалан, талаба тушунча ривожлантириш учун мулоқот ўрнатиш учун 106 стратегиясини фойдаланади. Ўқув жараёнида ўқитувчи ва талаба ролларни ўрганади ва интеллектуал фаоллиги ва фаол талаба жалб қилинади. Фаол таълим жараёнида талаба жалб қилинади. Турли таълим техникаси (масалан, савол, муаммо) ишчи меҳнат ва ўқув жараёнида ўқитувчи ва талаба роллари ўзгаради ва интеллектуал фаоллиги ошиб боради. Мослашувчан ўқувдан фойдаланиб, самарали сабоқ олиш томонидан, талабани жалб қилиб бориш керак. Масалан (ўрганиш тарғиб қилиш, турли стратегиялар қўлланиладиган дастурлар). Малакаларнинг тегишли мазмунини турли йўллар билан талабаларга тушунтириш лозим.

Қўйилган баҳоларни аниқ мезонлар билан исботлаш

Ўқитувчи малакаларнинг шаклланишини жорий технология асосида (масалан, аппарат, дастурий таъминот дастурлар ва вазифалари, кириш чиқиш қурилмалар, тармоқлари) амалга ошириб боради. Малакаларнинг жамиятда технология асосида шаклланиши юқори технологиялар ва рақамли ахборот (масалан, махфийлик кўрсатмаларни, муаллифлик ҳуқуқи қонунлари, жоиз фойдаланиш сиёсати) воситалари ёрдамида амалга ошади. Малакаларнинг (аниқлиги ва амал учун электрон маълумот баҳолаш, онлайн ёрдам ва бошқа ҳужжатларни фойдаланиб, масалан, тармоқлар ҳақида маълумот жойлаштириш, кириш ва ўрта сақлаш ва масофадан қурилмалардан маълумотларни манипуляция) касбий таҳлил ва баҳоланиши электрон ахборот жараёнларини тегишли бўлган амалий дастурлари орқали мониторинг этиб борилади.

Малакаларнинг муаммоли вазиятлар ва лойиҳа асосидаги таълим фаолияти билан шахслар ва гуруҳлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун илм яратиш ва ҳал этишни ўзгартириш ва натижаларини баҳолаш вазифасуул ва воситаларни ишлатиш (масалан, режалаштириш, яратиш ва таҳрир қилиш учун қандай билади талаба, ташаббускор сифатида электрон жамоалар иштироки; график воситалари ёрдамида; сўз ишлаш ҳужжатлар, электрон жадвал ҳужжатларва маълумотлар базалари сокин ва ёрдамчи) онлайн орқали маълумот алмашиш керак. Амалий кўникма турли маълумотларни мулоқот қилиш ҳосилдорлик воситалари қандай фойдаланишни билади. Форматланган (масалан, мултимедиа, тақдимот, ахборот бюллетенларини) амалларнимасалан, бир нусхасини чоп (турли йўллар билан маълумот нашр қилиш учун экран воситаларини кузатиб, интернет ҳужжатлари орқали амалга оширилиб борилади. Малакаларнинг жорий технологиядан самарали қандай фойдаланишни амалга ошириш лозим. Муаммони ҳал қилиш ва қарор қабул қилиш, гуруҳда ишлаш; ва тегишли ўқув амалиётини фойдаланиш.турли вазиятларда технологиялар орқали ва турли воситалардан фойдаланиб ҳамкорликни амалга ошириш лозим. Малакаларнинг ўқувчилар технологик ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва топшириқ учун ташкил этилган лойиҳалаштириш билан боғлиқ мезонларинибилади.

Мулоқот вақтида талабаларнинг фикри ёрдам беради ва барча талабалар учун ўзлаштириш имконини беради. Малакаларнинг хусусиятларидан фойдаланиш, афзалликларини аниқлаш, билим, малака ва кўникмаларини ривожлантириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Малакаларнинг ривожлантириш учун юқори тахминлар асосида ўқув мақсадлари ва вазифалари билан мослаш учун баҳолаш мезонларини ва стандартларга мос усулларни талаба яратади. Малакаларнинг тегишли тил ва, аниқ конструктив, мустақил бўлиб ўз вақтида, самарали воситалар орқали талабаларга таълим бериш муҳим аҳамиятга эга.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1.Талабалардаги турли шахсий тушунчаларини ошириш босқичларини тушунтириб беринг.

2.Намунали ўқишнинг маданий тушунчаси ҳақида фикр билдиринг.

3.Маданий ва ижтимоий, иқтисодий наирларни тушунтириб беринг.

4.Билим ва иш –ҳаракат усулларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришнинг мазмунини тушунтиринг.

5.Билимларни қўллаш ва иш-ҳаракат усулларини шакллантиришнинг мазмунини тушунтиринг.

Мустақил иш топшириқлари

1-топшириқ

Талабаларни ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандарти мавзуси бўйича “Блиц” ўйинини ўтказиш.

Топшириқни бажаришга доир кўрсатма:

1)жадвалнинг чап томонида берилган тушунчалар билан танишиб чиқинг;

2)дастлаб индивидуал равишда тушунчаларга мос жавобни ўнг томондаги фикрлар орасидан танлаб, тартибланган рақамини “индив. жавоб” устунига (масалан “1” рақамли тушунчага “10” рақамдаги жавоб) ёзиб қўйинг.

Сўнгра худди шундай тартибда гуруҳларда ишни давом эттиринг.

Тушунчалар	гуруҳ жавоби	гуруҳ хатоси	калит	индив. хато	индив. жавоб	тушунчаларга доир
1.Таълим мазмуни						1.Ўқув дастуридаги соатларга қўшимчалар киритиш
2.Давлат таълим стандарти						2.Ўқувчиларнинг кизиқишларига асосланиш
3.Ўқув режаси						3.“Ҳар қандай билим ақл ўргата олмайди”
4.Ўқув дастури						4.“Билим, билим ва яна билим”

5.Дарслик						5.Аниқ ўқув мақсадини ҳал этади
6.Ўқув қўлланма						6.Таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган минимал талаблар
7.Моддий таълим назарияси						7.Муайян ўқув фани бўйича илмий билимлар тўғрисидаги маълумотларни берувчи манба
8.Формал таълим назарияси						8.Таълим муассасаси сертификати
9.Прагматизм назарияси						9.Муайян ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакалар
10.Таълим мазмунини табақалаштириш						10.Ўқувчиларнинг БКМларининг аниқ белгиланган доираси

2-топширик

Ўзбекистон Республикасидаги касб таълимининг асосий мазмунига доир “Тоифалаш жадвали”ни тўлдириш.

Стандартлаштириш	Интеграция	Квалификация	Прогнозлаштириш

3-топширик

Таълим мазмуни тузилмасининг макродаражаси мавзусига “Чархпалак” жадвалини тўлдириш.

Блокларнинг номланиши ва мазмуни	Умумтаълим блоки	Умумий мутахассислик блоки	Йўналишни ўзгартириш блоки	Касбий таълимни ошириш блоки	Мутахассислик блоки
Назарий ва амалий ўқув материали киради, яқин касблар гуруҳи интеграция асосини ўтайди, тармоқлардан яъни ишлаб чиқаришдан ажратилган ёки тармоқлараро даражада бўлади.					
Кадрлартайёрлашнинг 2 тизими билан боғлиқ. Агар 2 тизим–умумтехник даража ва тармоқли тайёрлашни касбий таълимни ўрта даражасигача олиб бориш масаласи бўлса у ҳолда касбий таълим дипломлари билан техник дипломни ҳам оладилар					

Эгалланган касблар асосида янгисини эгаллаш, ишсизларни ўқитиш тизими учун муҳимдир. Тикувчини қайта ўқитиб ўзини мутахассислигига мос равишда бичувчи мутахассислигини бериш. Бундай йўналишни ўзлаштириш тикувчига якка фаолиятни олиб боришига ёрдам беради					
Айрим ҳолларда кўрсатилади, кенг миқёсли техника ва технологияни камраб оловчи, меҳнатнинг мазмуни бўйича нисбатан ҳар хиллиги билан фарқланади. Бир неча мутахассисликлар учун касблар бўйича умумтаълим мазмунини ажратиб, умумий мутахассислик блокига киритилиши мумкин.					
Назарийваамалийўқувматериаликасбимутахассислигини ўрганишучунзарур					

4-топширик

Микродаражадаги ўқитиш мазмунининг тузилмаси мавзусига оид “Инсерт” жадвалига тегишли белгиларни қўйинг.

Микродаражадаги ўқитиш мазмунининг тузилмаси	Тегишли белги
Юқори даражадаги ўқитиш мазмуни тузилгандан кейин (стандарт, модул-блок ўқув дастури касбий таълим учун таълим бериш муассасалари ёки бўлмаса кишиларнинг бандликка ўқитиш блоки модул ўқув дастури) модулли бирликлар мазмуни очиб берилади (фан, фан доираси, амалий машғулот турлари ва меҳнат). Фандан олдин ўқув предмети дастурини ўзлаштириш учун киритилган объектлар, ҳодисалар ва фаолият услублари «ўқув элементи» деган умумий атама билан ифодалаб оламиз. Ҳар қандай ўқув дастури ўқув элементлардан иборат бўлади. Ўқув элементлари 2- гуруҳга тақсимланади. Биринчи гуруҳга ўқув жараёнида объект ва предмет фаолият услублари кўриб чиқилади. Иккинчи гуруҳда – ҳамма кўрсаткичлар киритилиб, улар ёрдамида объект ва жараёнларни афзалликлари очиб берилади, улар ўқув элементи деб номланади. Йирик ўқув элементи мазмуни, асосий ўқув элементи, бўғинли ўқув элементи энг асосий ўқув элементлари орқали очиб берилади.	

10-БОБ. РЕЖА ТУЗИШ ВА ЎРГАТИШНИНГ МАНТИҚИЙ ТУШУНАРЛИЛИГИ, ЎЗЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШНИНГ ОБЪЕКТИВЛИГИ ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИДИР

**АҚШ- нинг Техас штатидаги зарурий билимлар ва малакаларни
мақсадга йўналтирилган ҳолда ўргатишни мақсади ва объективлиги,
белгиланган ўқув мақсадлари ва вазифаларини аниқлашнинг
муҳимлилигини англаш.**

Режа

- 10.1. Таълимни ишлаб чиқариш орқали амалга ошириш шакли ва турлари.
- 10.2. Талабалар билимларини рейтинг назорати.
- 10.3. Талабаларнинг таълим жараёнидаги билим, кўникма ва малакаларига қўйилган баҳолаш мезони.

Таянч иборалар

Илмий билимлар ҳажми, ривожланиш, умумий ўрта таълим, касбий таълим, касбий педагогика, касбий маҳорат, педагогик фаолият, педагогик жараён, педагогик мулоқот, таълим технологиялари, илк болалик даври.

Мавзунинг қисқача таърифи

Таълимнинг асосий мақсади - замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жиҳатдан бой шахсларни шакллантиришдир. Жамият ривожланар экан, ҳаётий талабларнинг даражаси ҳам ортиб боради. Демак, илмий билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чуқурлашиб борар экан, мантиқий фикрлаш ва муаммоларни тезда ҳал этишга бўлган талаб янада кучайиб боради. Бу фикрдан келиб чиққан ҳолда таълим тизими бугунги кун талабинигина ҳисобга олган ҳолда эмас, балки келажак талабларини аниқлаган ва ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориши керак деган хулосага келамиз. Чунки, бугунги кун талаблари келажакда жамиятнинг асосий ўзагига айланади. Демак, таълим тизими талабаларни бугунги кундаги ҳаётга эмас, балки келажакдаги ҳаётга тайёрлаши лозим. Бу ҳам таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Техас шаҳридаги олий ўқув юртларида талабаларни зарурий билим ва малакалар билан

қуроллантириш ўқув мақсадларига эришишнинг энг муҳим омилларидан биридир.¹

Дидактик тизим негизини тарбиявий ўқув жараёни ташкил этиб, у ўз вақтида 2- босқичга бўлинади:

а) доимий;

б) динамик.

Бунинг асосида ўқув дастурлар ишлаб чиқишни асосий ва махсус жараёни, керакли касб олинган касб таълимига мувофиқ аниқ ва пухта шу билан бир қаторда ўзаро боғлиқликда дастур асосида олиб борилади.

Асосий ўқув жараёни – бу босқичда таълим олувчилар умумий талабларга жавоб берувчи билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиб, улар шундай билим оладиларки, у илмий-техник ўзгаришлар таъсирига мос келади. Умумий меҳнат эгалланган билим, кўникма ва малакаларга касбий билимларга асос бўлиб, унинг мустаҳкамлиги ишлаб ўқитишни самарадорлигига олиб келади. Асосий ўқув жараёнида таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билимлар келажакдаги унинг фаолияти, меҳнат тури ва ишлаб чиқаришдаги эгаллайдиган ўрнига боғлиқ бўлади.

Асосий билим бериш жараёни махсус билим беришни негизи бўлиб хизмат қилади, шунинг учун таълим олувчи кўрсатилган фанлар бўйича назарий ва амалий машғулотларни мустаҳкам эгаллаб бормоғи лозим.

Махсус ўқув жараёни – асосий ўқув босқичдан махсусга ўтиш секин-аста рўй бериб, бутун ўқув жараёни шу мақсадларга қаратилган вақт ичида олиб борилади. Махсус босқичда ўқитиш танланган касбга йўналтириш бўйича олиб борилиб, ўқитиш жараёни шу соҳадаги техник ва технологик ривожланиш талабларига жавоб бермоғи лозим, аммо марказлаштирилган тартибда ишлаб чиқилган ўқув дастури хўжалик соҳасидаги ёки корхона талабларига жавоб бера олмайди, чунки бир соҳада технологик жиҳозларнинг бир тури ўрганилса, иккинчи турида мутахассисларни тайёрлашда турли соҳалар бўйича ўқитиш афзалдир.

Махсус ўқитиш жараёнида таълим олувчиларни корхонанинг хусусиятлари билан аниқ ва мукаммал таништириш жараёнида унинг корхонадаги ҳамма иш турларида эгаллаган билим ва малакасини амалда қўллай олишни таъминлаш лозимдир. Таълим олувчилар ишлаб чиқаришдаги техник ва технологик жараёнлар, қурилма ва мосламалар ҳақида билим олиб амалда қўллай билишлари керак.

Махсус ўқитиш жараёнида ўқитувчи устанинг ишлаб чиқариш жараёнига ўқитишда қўйидагиларга эришмоғи лозим:

- * таълим олувчини ҳозирги замон техника жараёни методлари ва замонавий методларга, қурилмаларда ишлашни ўргатиш;

- * меҳнатни ташкил этиш методи ҳам таълим олувчини зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларига, касбий малакасига қараб турли иш операцияларини бажаришни замонавий технология талабига жавоб берувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- * таълим олувчини иш меъёрини бажаришга ёндошишга ўргатиш;

- * корхонадаги иш чизмаларини тўғри ўқишга, технологик ҳужжатлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш;

- * корхона жамоасида таълим олувчи ишидан муҳим тарбия сифатида фойдаланиш;

- * таълим олувчини меҳнат хавфсизлиги, ишлаб чиқаришдаги ва ёнғин хавфсизлиги талабларига амал қилишга ўргатиш;

- * таълим олувчини иш ўрни ва иш қуролларига нисбатан жавобгарлик ва қадрлаш ҳиссини сингдириш;

- * таълим олувчида иш маданияти ҳақида таассурот бериш, иш жойини тўғри ташкил қилишни ўргатиш.

Умуман олганда, бугунги кунда шундай мутахассис кадрларни тарбиялашга эришиш керакки, у англаган ҳолда иш унумдорлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшсин. Уларни ишлаётган корхонанинг обрўси, иш сифатини ошириш руҳида, меҳнат интизомига қатъиян риоя қилиш руҳида тарбиялаш лозим.

Ўқитувчи барча талабалар учун таълимда мукамалликни таркиб топтиришга алоҳида аҳамият бериши керак. Талабалар илмий тадқиқот ишларини мунтазам равишда олиб боришлари лозим. Ўқитувчининг дарс ўтиш жараёнида талабчан бўлиши, талабалар учун муваффақиятга эришишнинг гарови ҳисобланади. Талабалар ўзқобилиятлариниянада ривожлантиришлари учун ўз-ўзига бўлган ишончни тарбиялаб боришлари лозим. Ўқитувчи талабаларга юксак умидларни турли йўллар орқали шакллантириб боришга ҳаракат қилиб боради. Кўп талабаларани тахминлар асосида ҳар бир имкониятдан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

- илмий муваффақият учун талабанинг ўқув фаолиятига бўлган масъулиятини ўстириб бориш лозим;

- уларнинг муваффақияти учун қўллаб-қувватлашлари лозим. Аудитория ишини бажаришда муваффақиятга эришиш қобилияти юқори бўлиши керак;

- талабанинг ўқишга бўлган масъулиятини ошириб бориш ўқитувчининг масъулияти ҳисобланади;
- жисмоний шахслар сифатида талабалар билан ўқитувчи ўртасида алоқанинг барча шакллари мустаҳкамлаб бориш лозим;
- мактаб тизими раҳбарлари, факултет деканлари талабаларнинг, интеллектуал жисмоний, ҳиссий, ижтимоий ва ахлоқий салоҳиятларини ошириб боришлари учун мунтазам равишда ҳаракат қилишлари лозим. Факултет раҳбарлари, мураббийлар ва ходимлар талабаларнинг турли эҳтиёжларини қондириб боришлари керак.

Жисмоний ривожлантиришнинг ўзига хос масалаларига амал қилиш лозим бўлади. Жисмоний, интеллектуал, маданий, иқтисодий, ёки бошқа мезонлар талаба фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга. Ўқитувчилар ва таълим тизими раҳбарлари талабалар фаолиятини мунтазам равишда назорат этиб боришлари лозим. Барча жисмоний шахсларнинг жисмоний, интеллектуал, маданий, иқтисодий имкониятлардан тенг фойдаланишлари учун давлат раҳбарлари ҳар бир масалани албатта кўриб чиқишади ва муҳокама қилинади. Шунингдек, қонун доирасида амалга оширилади.

Таълим муҳитида бутун мактаб тизими бўйла бсинфда тенгликка эришиш учун ҳеч қандай тўсиқлар бўлмаслиги лозим. Мураббийнинг асосий масъулияти ўқув жараёнининг барча жиҳатларини ва барча маълумотларни талабаларга осонликча таъминлашдан иборат. Ўқув мақсадларини қўллаб-қувватлаш ва тенгликни таъминлаш энг муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Талаба таълим жараёнининг ҳар бир соҳасида фаоллик кўрсатиши керак. Халқ таълими ўқув стандартлари кўпроқ ўқувчиларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб шаклланишлари учун хизмат қилиши керак.

Меҳнат бозори халқ хўжалигининг турли соҳалари учун малакали кадрларни талаб қилади. Унда оддий мутахассисдан то йирик ташкилотчи раҳбарларгача барчаси учун талаб ўзи эгаллаб турган лавозимига мос малакага эга бўлиши ҳисобланади. Касбий малакага эга бўлиш эса ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим ва малака ошириш орқали амалга оширилади.

Касб-ҳунар коллежларида ўқиш давомида касбий малакаларга эга бўлиш, таълим муаассасаларининг кичик корхоналар, ҳиссадор жамиятлари, завод ва фабрикалар, фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда бўлиши таълим ислохотларимизда ҳам халқаро тажрибалар натижалари чуқур ўрганилганлигини кўрсатади.

10.1.Таълимни ишлаб чиқариш орқали амалга ошириш шакли ва турлари

Ўқувчилар ишлаб чиқариш таълимини корхоналарда гуруҳ устасининг раҳбарлигида ўтадилар. Ўқитишни ташкил қилишнинг энг кўп тарқалган шакллари қуйидагилардир;

- гуруҳларни корхона ёки ташкилот ажратган мустақил ўқув майдонларида ўқитиш;
- ўқувчиларни алоҳида-алоҳида жамоаларга бўлиб, ишлаб чиқариш гуруҳларида ўқитиш;
- ўқувчиларни мураккаб машина ва механизмларга хизмат кўрсатиш бўйича индивидуал иш ўринларида ўқитиш;
- корхонанинг сифатли ишчи ўринларида ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш.

Гуруҳ ўқув ишини ташкил қилишнинг у ёки бу шакли қатор шартларда:

- ўқувчилар ўрганаётган касб ва мутахассисликлардаги ишчиларнинг меҳнатларини ташкил қилиш шакллари;
- технологик жараённинг ташкил қилиниши.

Гуруҳни мустақил ўқув майдонларида ўқитиш, ўқувчилар бажараётган топшириқлар бир хил бўлганда ўқув машғулотларини тизимли тарзда ўтиш учун энг қулай шароитлар яратади ва ўқув устасига дарсдан ишлаб чиқариш таълимини ташкил қилишнинг энг маҳсулдор шакли сифатида фойдаланиш имконини беради. Шунинг учун ўқитишнинг бундай тури ва касб характери ёки корхоналардаги меҳнатни ташкил қилиш шароитлари имкон берган вақтда қўлланади.

Кўпгина корхоналардаги айрим цехлар ёки майдонлар маълум турдаги маҳсулотларни чиқаришда мутахассислаштирилганлиги туфайли ўқув майдонларини корхонанинг бир неча цехларидан ажратишга эришиш керак ва бундай ҳолларда ўқувчиларни бир майдондан иккинчисига кўчириб ўқитишни махсус режа асосида ўтказиш лозим. Агар, бир ишлаб чиқариш майдонида гуруҳни қўшиб ўқитиш мумкин бўлмаса, бундай ҳолларда ўқувчиларни алоҳида-алоҳида жамоаларда бўлиб ўқитилади. Уста ўқув гуруҳини алоҳида жамоаларга ажратади ва ҳар бир жамоа мустақил ўқув ишлаб чиқариш топшириғини бажаради. Ўқувчиларнинг ўқув жамоаларидаги ишлари бевосита ишлаб чиқариш таълими устасининг раҳбарлиги остида ўтади. Ўта мураккаб ва жавобгарликни талаб қилувчи ишларни бажаришда ўқувчилар жамоаларига юқори малакали ишчилар бириктирилади. Ишнинг жамоали шакли энг маҳсулдор ҳисобланади.

Ўқувчилар жамоасига маълум ишлаб чиқариш режаси берилади ва шу орқали уларда ўз ишларига, жамоага хизмат кўрсатаётган ишлаб чиқариш майдонининг ишига жавобгарликни ҳис этишни тарбиялаш учун замин яратилади. Ўқитишнинг жамовий шакли ўқувчиларни тоғ саноати ва қурилиш касбларига тайёрлашда, механика-йиғув ишлари чилангарлари ҳамда саноат жиҳозларини таъмирловчи чилангарларни ,электр усталари ва бошқа касбдаги кишиларни тайёрлашда кенг қўлланилади.

Жамоаларни тўлдиришда уста ҳар бир ўқувчининг жисмоний ривожланганлигига индивидуал қобилияти, тайёргарлиги ва малакасини назарда тутиши керак. Ўқувчиларни малакали ишчилар жамоалари таркибида ўқитишда ўқув юртининг устаси ўқувчиларнинг фаолиятларини алоҳида синчковлик билан назорат қилади ва цех раҳбарларидан фақат аниқ белгиланган ишларни бажаришларини ,ишлар белгиланган изчилликда берилишини ҳамда ўқитишнинг тушунарлилиги ва қурби етарлилиги каби дидактик принципларнинг бузилмаслигини талаб қилади.

Ўқувчиларни индивидуал иш ўринларида ўқитиш ўқувчилар алоҳида машина, станок, механизм, аппарат ва шу кабиларга хизмат кўрсатиш учун бириктириб қўйилганда амалга оширилади. Ўқитишнинг бу шаклида ўқув устаси ўз ўқувчиларининг ишини мунтазам кузатиб боради, инструктажлар уюштиради ва керакли ёрдамни беради. Шартли иш ўринларидаги ишлаб чиқариш амалиёти ўқитишнинг охирги ойларида ўтказилади. Топшириқларни бажариш учун тўқувчиларга янги техника билан жиҳозланган ёки энг илғор технология ҳамда мураккаблиги ва типиклиги жиҳатидан муайян мутахассисликка мувофиқ келувчи хилма-хил ишлар билан таъминланган агрегатлар ажратилади. Шартли ишчи ўрнида ишловчи ўқувчиларнинг меҳнат шaroитлари корхонадаги малакали ишчиларнинг меҳнат шaroитларидан фарқ қилмаслиги керак. Шартли иш ўрнидаги ишлаб чиқариш амалиёти ўқувчиларни корхонада малакали ишчилар бўлиб ўтишида зарур бўлган завод тадбирларига одатлантиради, тажриба билан қуроллантиради.

Ўқитишнинг бу даврида уста ишлаб чиқаришнинг талаб қилинадиган меъёрларини ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини тизимли тарзда назорат қилиши,уларга йўл-йўриқлар бериши, бунда улардаги ташаббус ва ижодга интилишни ҳар томонлама ўстириши, ўқувчилар қийналиб қолганларида уларга ёрдам кўрсатиши керак.

10.2.Талабалар билимларини рейтинг назорати

Педагогик, услубий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида дидактик тестлар қуйидаги 2-гуруҳга ажратилади:

а) назарий билимларни назорат қилувчан,малака ва қобилиятларни текширувчи ўзлаштириш тестлари;

б) реал, ўқув имкониятлари бўйича диагностика тестлар ҳамда умумий ва махсус ўқитиш тестлари.

Тестлар типалогияси асосида топшириқларни танлаш,уларнинг структуравий ўзаро алоқадорлиги ва таърифлари қуйидаги омилларга боғлиқдир:

1. Тестларнинг фанлараро қўлланиш соҳаси.

а) оралиқ назорат тестларида мавзулар, боблар бўйича билим ва ўзлаштириш элементларини текшириш;

б) кўп мавзулар бўйича фанларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳисобга олмаган ҳолда билим ва ўзлаштиришнинг чегаравий назоратини ўрнатиш;

в) кўп фанлар бўйича фанларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда билим ва ўзлаштиришларнинг чегаравий назоратини ҳисобга олиш;

г) бутун курс бўйича билимларни назорат қилиш (тест асосида фанлараро туркум тестларни ҳам яратиш мумкин).

Бу ҳолларнинг ҳар бирида фан топшириқларининг қуйидаги саволлари ҳар хил қўйилади: маркетинг-молия, менежмент, солиқлар каби интегратив билимлар ва ҳ.к.

2. Норматив тест тузилишининг умумий йўналиш бўйича мақсади ёки критериял характердаги тестлардан фарқи шундаки, норматив тестларда йиғилган ҳисоб натижаларига кўра бир гуруҳни бошқа гуруҳ билан,гуруҳ ичидагиларни эса бир-бири билан солиштириш мумкин.

Критериял тестларда эса ҳар бир ўқувчининг қандайдир ёки мутахассисликка оид топшириқларини ечиш учун зарур бўладиган билим ва ўзлаштириш қобилиятлари очиб берилади,яъни критериял тестлар ва унга мос топшириқлар ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари аниқ фан соҳалари бўйича ўқитиш мақсадининг минимал талабларига қай даражада эришгани ёки эришмаганлиги ҳақидаги саволларга жавоб беради.

3. Тестларнинг дидактик -психологик йўналиши қандай тест ишлаб чиқиладиганлиги ёки адаптациядан ўтаётган тестни унинг муаллифи қандай характерлашни аниқлайди:

а) назарий билимларни назорат қилиш учун ўзлаштириш тестлари;

- б) берилган фан бўйича билим ва малакаларни назорат қилиш тестлари;
- в) ўқитиш тестлари;

4. Назорат босқичлари бўйича йўналиш:

- а) кириш назорати;

б) кундалик (жорий) назорат ҳарқуни амалга ошириладиган ёки ўқув жараёни мавзулари бўйича;

в) чегаравий назорат оралиқ назорат маълум фаннинг алоҳида бўлими тугаши муносабати билан ўтказилади.

- г) маълум курснинг тугаши муносабати билан ўтказилади.

Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашни тўғри йўлга қўйиш, уларда ўтилган фанларга нисбатан ижодий ёндашиш, мустақил фикрлаш, ўз билимини доимий равишда ошириш, адабиётлардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш демакдир.

10.3.Талабаларнинг таълим жараёнидаги билим, кўникма ва малакаларига қўйилган баҳолаш мезони.

Баҳолашни шакллантириш

Талабаларнинг билим,кўникма ва малакаларини назорат қилиш тест ва бошқа методлар орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини тест орқали аниқлашнинг афзаллик томонлари кўп. Ўқитувчининг тўғри ва адолатли асослаши, гарчи салбий характерда бўлса ҳам, талабани қаноатлантиради. Ўқитувчи билимни доим назорат этиб балл билан баҳолар экан, талабанинг ишига бўлган муносабатини айтиб ўтади. Эришган ютуқлари учун рақбатлантирса, камчилиги учун қийинди. Уни бартараф этиш мумкинлигини ҳам ижодий тайёргарлик пайтида асосий эътиборни нималарга қаратиш кераклигини кўрсатади. Бундай асослаш талаба ютуқларининг аниқ баҳоси бўлибгина қолмай, балки унинг бундан кейинги ўқишдаги вазифаларини бажаришга ёрдам беради.

Адолатли баҳолаш

Ўқитувчи тестларни талабаларга вариантлар асосида беради. Тест топшириқларини тузишда эссе интерфаол усулидан ҳам фойдаланиш керак.

Талабаларнинг тўғри ва аниқ жавоб қайтаришлари учун саволларни бир нечта вариантларда бериш лозим. Тест топшириқларини тузишда саволлар аниқ ва қисқа бўлиши лозим.

Берилган саволларга жавоблар ҳам қисқа ва лўнда бўлиши керак. Ўқитувчилар талабалар билимларини адолатли баҳолашга эътиборни қаратишлари керак. Таълим олувчиларнинг ўзлаштириш натижаларини ҳисобга олишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

* ўқув дастури асосида мавзу ва бўлимни ўрганишда таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама назорат қилиш;

* ҳар бир якунланган мавзу бўйича таълим олувчиларнинг фаолияти тўғрисида тўлиқ хулоса чиқариш ва шу каби вазиятлардан иборат.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Техасдаги зарурий билимлар ва малакалар. Талабаларда қандай шакллантирилади?

2. Техасдаги зарурий билимлар ва малакалар таълимни ишлаб чиқариш орқали амалга ошириш шакли ва турларига нималар киради?

3. Талабаларнинг таълим жараёнидаги билим, кўникма ва малакаларига қўйилган баҳолаш мезони нималардан иборат?

4. Адолатли баҳолаш мезонларини тушунтиринг.

Мустақил иш топшириқлари

1-топшириқ

“Илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш” мавзусини ўрганишда “Чархапалак” интерфаол методидан фойдаланишга доир кўрсатмалар.

1. Қуйида берилган хусусиятлар билан танишинг.

2. Ўзингиз тўғри деб ҳисоблаган хусусиятни мос каттак ичига махсус белгилар (+, -, X, Y) дан бири ёрдамида белгиланг.

3. Сўнгра соат стрелкаси тартибида ўз варақларингизни бошқа талабаларники билан алмаштиринг.

4. Жавоблар варақаси ўзингизга етиб келганидан сўнг, ўқитувчининг тўғри жавоби асосида ўз жавобларингизни текширинг.

№	Хусусиятлар	Билимларни тўлиқ ўзлаштириш технологияси	Шахсга йўналтирилган технологиялар	Модулли таълим технологиялари
1	Билимлар мактабини тарбия мактабига айлантириш			
2	“Аъло” баҳоларнинг сони чекланмайди			
3	Ҳаракатлар режаси			
4	Ахборотлар блоки			
5	Ўзлаштириш учун биринчи дарснинг ўртасидан учинчи дасрнинг ўртасигача бўлган ўкув вақти керак			
6	Қийин мақсад ғояси			
7	Атроф-муҳитни педагогизациялаш			
8	Идеал тарбия – бу ўз-ўзини тарбиялаш			
9	Ўқитиш мазмуни тугалланган мустақил комплексларда акс этади			
10	Дозалаштирилган индивидуал ёрдам кўрсатиш			
11	“Уй вазифасиз тўлиқ ўзлаштириш бўлиши мумкин эмас”			
12	Янги материални эслаб қолишнинг энг самарали методи – ўз-ўзига айтиб бериш			
13	Катта блоклар ғояси			
14	Хато қилиш ҳукуқи			
15	Тўғридан-тўғри мажбур қилишни бекор қилиш			

2-топширик


Касбий таълимда ахборот технологияларининг ўрни мавзусига доир “Тоифалаш жадвали”ни тўлдилинг.

Умумий педагогик даража	Хусусий методик даража	Локаль (модуль) даража

3-топширик

Касбий фанларни ўқитишда муаммоли таълимнинг аҳамиятини “Нима учун?” техникаси ёрдамида тушунтилинг.

«Нима учун?» техникасидан фойдаланиб саволнинг жавобларини жадвал-схемаларига ёзиб тўлдилинг.



4-топширик

“Касбий фанларни ўқитишда илғор педагогик технологияларни қўллашнинг аҳамияти ва зарурати” мавзусига оид “Инсерт” жадвалиги тегишли белгиларни қўйинг.

Касбий фанларни ўқитишда илғор педагогик технологияларни қўллашнинг аҳамияти ва зарурати	Тегишли белги
Биринчи президентимиз И.А.Каримов алоҳида таъкидлаганларидек, «Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётда нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизматқилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак».	

Шу сабабли ҳам биринчи навбатда таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи – ижодий фаолият тажрибаси, теварак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўндаланг қилиб қўйилди. Бизнингча, бу ғояни ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги компонентлари рўёбга чиқариш мумкин: • фаолият турлари (моддий, амалий ижтимоий, маънавий); • ижтимоий онг шакллари (ахлоқ, санъат, сиёсат, фалсафа, фан ва бошқалар); • ижтимоий муносабатлар тизими (моддий ва мафкуравий); • моддий, ижтимоий ва табиий борлиқ (кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирилган бойликлар). Таълим мазмуни, унинг компонентлари, таркиби, вазифалари ҳақида сўз кетганда далиллар билан қонуниятлар, яққоллик билан мавҳумлик, билимлар билан ҳақиқатни мустақил билиш методлари ўртасидаги мақбул келадиган муносабатларни аниқлаш зарур.	
--	--

11-БОБ. ТАЛАБАЛАРНИНГ ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ, ИНДИВИДУАЛ ВА ГУРУҲЛАРДА ЎҚИТИШНИНГ РЕЖАЛАШТИРИШНИ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Режа

11.1. Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятларини ташкиллаштириш шакллари.

11.2. Таълим бериш усуллари танлаш.

11.3. Дарс режалари ва уни мантиқий изчилликда фаол шакллантириш.

Таянч иборалар

Таълим шакли, шахс, тараққиёт, умумий ўрта таълим, касбий таълим, касбий педагогика, касбий маҳорат, педагогик фаолият, педагогик жараён, педагогик мулоқот, таълим технологиялари.

Мавзунинг қисқача таърифи

Таълим муассасалари олдига турган вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши машғулоти мазмуни, таълим шакли, методлари ҳамда воситалари ўқувчиларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш, уларда чуқур билим ва дунёқарашни ҳосил қилиш ишига хизмат қилади.

Таълим шакли ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган тартибда, муайян мақсадга мувофиқ маълум режимда ташкил этиладиган фаолиятларнинг ташқи ифодасидир. Дарс ўқув ишларининг ташкилий шакли ҳисобланади. Синф-дарс тизими қуйидаги мазмунга эгадир:

1. ҳар қайси синф ёши ва билим даражасига кўра бир хил бўлган ўқувчиларнинг доимий гуруҳига эга бўлади;

2. дарс жараёни асосан 45-дақиқа давом этиб, қатъий жадвал асосида олиб борилади;

3. дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолият бирлигига асосланган бўлиб, бевосита ўқитувчи раҳбарлигида жамоа, гуруҳи ва яқка тартибда олиб борилади.

4. Дарс машғулоти ўтилаётган ва ўзлаштирилаётган материалнинг мазмунига қараб турли хил методлар ёрдамида олиб борилади ҳамда умумий таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта, тугалланган

билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратишга хизмат қилади.

Дарсда ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабат жараёни шахсий алоқага асосланади. Ўқитувчи дарсда барча ўқувчилар фаолиятини назорат қилади, шунингдек, ўқувчиларнинг ўзаро алоқалари ва назоратини қўллаб-қувватлаб туради. Ўқитувчининг дарс жараёнидаги фаолияти ўқувчилар томонидан фан асосларининг ўзлаштирилиши уларда зарур кўникма ва малакаларни ҳосил бўлиши учун замин яратади.

Бугунги кунда дарсларни ташкил этишга нисбатан қуйидаги дидактик талаблар қўйилмоқда:

1. дарснинг мақсади ва вазифаларининг аниқлиги ҳамда педагогик жиҳатдан тўғрилиги;
2. дарснинг таълимий, тарбиявий ва шахсни ривожлантирувчанлик вазифаларининг бирлиги ва узвийлиги;
3. ўқитишнинг яхлит дарс ва унинг маълум қисмлари вазифалари ҳамда мазмунига ва мустақил фаолиятларини таъминлашга хизмат қилувчи мақбул методларни танлаш;
4. машғулотларнинг турли шакллари: жамоа, гуруҳли ва якка тартибдаги шакллари мақбул равишда қўшиб олиб бориш;
5. ўқитувчининг раҳбарлик вазифаси билан ўқувчилар фаол билиш фаолиятини бирга олиб бориш;
6. дарсларнинг ўзаро узвий ва диалектик хусусиятга эга бўлишига эришиш;
7. ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш;
8. дарсда ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш учун қулай шарт-шароит яратиш;
9. дарсларни демократик тамойиллар асосида ташкил этиш.

Бир соатлик дарсга мўлжалланган дастур ўқув материали мазмунини баён қилиш, дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ ташкил этилган машғулот тури дарс деб юритилади. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчиларни билим, кўникма ва малака билан қуролантиришда машғулотнинг асосий қисмини ишғол қилган таълим шакли у ёки бу дарс турини ташкил этади.

Дарсни ташкил этишда вақтни тўғри тақсимлаш энг муҳим аҳамиятга эга. Дарс жараёнида ўқув фаолиятини қизиқарли этиб ташкил этиш лозим.

Ўқувчилар дарсда берилган материални ўз вақтида бажаришлари ва баҳо олишлари лозим. Дарс жараёнини ташкил этишга қўйиладиган вазифалар қуйидагилардан иборат:

- ташкилий қисмни тўғри ташкил этиш;

- дарсни эълон қилиш;
- уйга вазифани текшириш;
- ўқув-услубий материалларни тарқатиш;
- кичик гуруҳда ишларни ташкил этиш;
- ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.

Мисол учун таълим муассасаларида энг кўп қўлланиладиган дарс турларидан бири янги билимларни баён қилиш дарсида қуйидаги ҳолатлар амалга оширилиши мумкин:

- а) янги билимларни баён қилиш;
- б) янги билимларни мустаҳкамлаш;
- в) янги билимлар устида машқ қилиш;
- г) янги билимларга боғлиқ ҳолда уй вазифаларини топшириш ва ҳоказо.

Демак, дарс умумий жараён давомида бир дарс тури асосида ташкил этилмайди. Шунга қарамай дарснинг мақсади ўқувчиларга янги билим беришга қаратилган бўлса, бутун дидактик усуллар ана шунга бўйсундирилади. Шунинг учун ҳам бундай дарс янги билим бериш дарси деб аталади. Дарс жараёнида қўлланилаётган ҳар қандай дидактик усул дарс тузилишини ифодалашга хизмат қилавермайди. Дидактик усуллар таълим методи билан баҳолангандагина дарс тузилиши ҳамда таълим методларининг ўзгариши ҳам тузилишининг ўзгаришига олиб келади. Дарс жараёнининг муайян қисмида дарс шакли ҳамда методларининг ўзгариши дарснинг янги босқичини бошланганлигини англатади.

Демак, дарс тузилишининг биридан иккинчисига ўтиши ва шу орқали дарснинг шакл ва методларининг ўзгариши дарс босқичи деб юритилади. Мисол учун аралаш дарс қуйидаги тузилишга эга бўлади:

1. Уй вазифаларини сўраш, текшириш.
2. Янги материални баён қилиш, тушунтириш, ҳикоя қилиш, маъруза , суҳбат.
3. Янги материални мустаҳкамлаш, суҳбат, машқ қилдириш, китоб билан ишлаш.
4. Уй вазифаларини топшириш.

Такрорий умумлаштирувчи дарс, одатда, ўқув дастурининг маълум бир қисми, боб, бўлимёки айрим мавзу ўтиб бўлганидан кейин ўтказилади.

Бугунги кунда таълимни ташкил этиш тизимида якка тартибда таълим олиш ўзига хос ўринга эга бўлиб бормокда. Якка тартибдаги таълим ўқувчининг қизиқиши, эҳтиёжи, хоҳишига кўра муайян фан, предмет юзасидан чуқур билим олиш, маълум фан ёки предмет бўйича юзага келган

ўзлаштирмовчилик ҳолатини бартараф этиш, шунингдек, узоқ вақт соғлиқни сақлаш муассасаларида даволанган ёки тиббиёт ходимлари назоратида бўлган ўқувчиларнинг ўқув дастури талабларини бажаришларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда янги турдаги ўқув муассасалари фаолиятида ўқитишнинг ноанъанавий шакллари асосийси сифатида маърузадан фойдаланиш борасида ҳаракат олиб борилмоқда. Маъруза, асосан ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида қўлланмоқда. Маъруза дарсларини ташкил этиш анча мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Маъруза дарси тажрибали, юксак даражада педагогик маҳорат асосида ташкил этилади. Маърузадан фақат фан, ўқув предмети асослари борасидаги маълумотлар бериб қолмасдан, балки ўқувчиларни ижтимоий-ғоявий жиҳатдан тарбиялаб бориш талаб этилади.

Мактаб амалиётида маърузанинг куйидаги турларидан кенг фойдаланилмоқда: маъруза-ҳикоя, маъруза-суҳбат, маъруза-мунозара ҳамда оммавий маъруза.

Маърузада баён қилинган материалнинг ўқувчилар томонидан тушуниш ва қабул қилиб олишнинг муайян мезонлар асосидаги тартиби мавжуддир. Чунончи бир дақиқада 1-синфда 20-25 сўз, 2-синфда 20-30 та сўз, 3-синфда 30-35 сўз, 4-синфларда 35-50 та сўз, янги турдаги ўқув муассасаларида эса 40-45 та сўз тушуниб олинадиган ва қабул қилинадиган.

Маъруза умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда янги турдаги ўқув муассасаларида 45-дақиқалик бир академик соатдан иборат бўлади. Умумий қоидага мувофиқ маъруза бир академик соатдан иборат бўлади. Умумий қоидага мувофиқ маъруза бир дарс давомида охирига етказилмай қолган бўлса, у янги машғулотда давом эттирилади. Ҳар бир мавзу бўйича маъруза материаллари тушунтириб бўлингач, ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказилади. Ҳар бир мавзу юзасидан фойдаланиш лозим бўлган адабиётлар рўйхати тақдим этилади.

Кейинги йилларда умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида, хусусан, ижтимоий-гуманитар предметлар юзасидан семинар машғулотларини ташкил этиш кенг қўлланилмоқда. Семинарларни ташкил этишдан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг мустақил ишларини янада ривожлантириш, айрим мавзулар юзасидан кенг ва чуқур маълумот бера оладиган манбалар устида ишлай олишлари ҳамда шу асосда келажак фаолиятларида зарур адабиётлардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга қилишдан иборатдир.

Семинар машғулоти ўқувчилар томонидан уёки бу мавзу бўйича маърузалар тайёрлаш ҳамда уни синф ўқувчилари билан муҳокама қилиш йўли билан олиб борилади. Семинарларга 2-3 ҳафта тайёргарлик кўрилади. Ўқувчилар адабиётларни ўрганадилар, материал йиғадилар, турли кузатишлар ўтказадилар.

Семинар машғулоти ўқитувчи раҳбарлигида ўтказилади. Ўқувчилар ишини йўналтириб туради, мавзуга оид саволлар юзасидан ташкил этилган муҳокамани якунлайди. Зарур қўшимча мулоозазалар билдиради, материални муайян тизимга солади. Маъруза қилган, муҳокамада қатнашган ўқувчилар фаолияти баҳоланиб борилади.

Семинар машғулоти ўқувчилар эътиборини дарсга жалб этиш, уларнинг кизиқишини орттириш, уларни мустақил ишлашга, фикрлашга ўргатиш, дарсни фаоллаштириш ҳамда ўқувчилар ақлий қобилиятларини ўстиришда муҳим ўрин тутди.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга таяниб, қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Таълимнинг шакли муайян мақсадга мувофиқ маълум режимда ташкил этиладиган фаолиятнинг ташқи ифодаси бўлиб, таълим жараёнида етакчи ўрин тутди.

2. Таълим жараёни самарасини таъминлаш унда таълим методларидан ўринли ва унумли фойдаланишга боғлиқ. Таълим методи таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолиятларининг усуллари ҳисобланади. Таълим воситалари таълим методларининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

11.1. Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятларини ташкиллаштириш шакллари

Оммавий иш-барча таълим олувчилар олдига бир хил топшириқ бажариш мақсади қўйилади. Жамоавий иш ҳам умумий ва гуруҳга тааллуқли бўлиши мумкин:

- олдинда турган иш режасини ҳамкорликда муҳокама қилиш;
- мажбуриятларни бўлиш, ҳисобот шаклини танлаш;
- хулосаларни муҳокама қилиш;
- мақбул хулосаларни шакллантириш;
- гуруҳли - кичик гуруҳларда ҳамкорликда иш топшириғини бажариш;
- якка тартибли-ўқув топшириғини якка ўзи бажариши.

11.2.Таълим бериш усуллари танлаш

Таълим бериш усуллари танлаш ва қўллашда қуйидаги дидактик омилларни эътиборга олиш муҳим:

- мақсадни белгилаш: таълим баериш мақсади, педагогик вазифалар, ўқув фаолияти натижалари;

- ўқув ахборот мазмуни ҳажми ва мураккаблиги: мақсад ва ушбу ўқув фанини хусусияти, шу тариқа бу фанни шунчалик мураккаб деб қабул қилинган;

- таълим бериш усуллари ўқув ахборотини эгаллашларига таъсири
Г.Майер фикрига мувофиқ 72-соатдан ўтганда маълумот эшитиш орқали қабул қилгандан сўнг тингловчи хотирасида 10%; кўриш орқали -20%;кўриб ва эшитиш орқали-50%; кўриб ва эшитиш орқали қабул қилиш ва мунозарада-70%; кўриб ва эшитиш орқали-50%;кўриб ва эшитиш орқали қабул қилиш ва мунозарада, амалий имкониятлар қўлланилганда -90%; ахборот қолади;

- таълим оловчиларни ўқув имкониятлари: тайёргарлик даражаси, умумўқув малакаларни шаклланилиги, фаолиги, қизиқиши ва йўналтирилганлиги, ёши, ишлаш қобилияти, ўзига хос имкониятлари ва қобилиятлари.

Вақт сарфи:

- ўқув дастурида йил давомидаўқув фанига, унинг алоҳида мавзуларига ажратилган вақт, шунчалик чекланган бўлиши мумкинки, бу эса, кўп вақт оладиган усулларни мақсадга мувофиқроқ жойларда қўллаш имконини беради;

- вақт у ёки бошқа усулни тайёрлаш ва амалга оширишда меҳнат сарфланиш нуқтаи назаридан муҳим омил ҳисобланади.

Шу боис, бундай усулларни қўллашни режалаштиришда, ўзидан ушбу ташкиллаштириш йўлини амалга оширишга зарур тайёргарликка вақт ва куч етарли бўладими?,деб сўраш керак.

Таълим бериш шароити: баъзи усулларни амалга ошириш учун алоҳида шароитлар талаб этилади: таълим беришнинг техник воситалари, компьютер, махсус компьютер дастурлари, магнитли ёзув тахтаси, махсус жиҳозланган хона ва бошқалар.

Таълим оловчилар сони: агарда у катта бўлмаса, таълим беришни фаол таълим усуллари қўллаб, жадаллаштириш мумкин.

Таълим берувчининг чуқур билимдонлиги ва шахсий сифатлари: маъқул деб топилган усулларни қўллашни билиши ва уддалаши, талабларга мос шахсий сифатларга эга бўлиши лозим.

Қўшимча омилар:

- мавзуни ўрганишниташкиллаштириш йўли: қай тарзда?
- дидактик воситалар: қайсилари?
- фаолликни рағбатлантирувчи усуллар: қайсилари?
- назорат ва ўз-ўзини назорат: қайсилари?
- таълим бериш усуллари танлаш.

Таълим оловчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш

Таълимда ёшларни билим, кўникма, малакалар билан қуроллантириш, уларнинг қобилияти ва истеъдодларини ривожлантириш жараёнида баҳолаш ва билимларни текшириб туриш муҳим аҳамият касб этади. Баҳолаш таълим тизимида фойдаланилаётган методлар қанчалик самарали эканлигини, талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Албатта таълим тизимини самарали бўлиши педагог кадрларнинг тайёргарлик даражасига ҳам боғлиқ. Педагог биринчи галда ўз касбини севиши, ҳурмат қилиши, талабага катта қизиқиш ва меҳр билан қараши, жамият олдидаги ўзининг катта масъулиятини ҳис қила олиши шарт. Педагог ҳар бир талабанинг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлай олиши ва ҳисобга олиши, ўқув материалларини тўғри танлай билиши, таҳлил қила олиши ва умумлаштира билиши педагогик маҳорат учун зарур бўлган таълим усуллари, воситалари ва шакллари мукамал билиши, талабага нисбатан талабчан бўлиши педагогик вазиятга қараб улардан ўринли фойдалана олиши, ўз фаолиятини таҳлил қила олиши ва хулосалар чиқара олиши керак.

11.2.Таълим бериш усуллари танлаш

Маълумки, таълим жараёнининг таркибий қисмларидан бири назорат ва ҳисобга олишдир. Бу тушунчалар ўзига хос моҳият ва хусусиятларга эга. Таълим берувчи назорат ва ҳисобга олишни тўғри ташкил этса, таълим жараёнининг самарадорлиги ортади. Бунинг учун таълим берувчи таълим оловчининг ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини аниқлаб бориши лозим.

Назорат (таълим жараёнида) таълим олувчининг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш жараёнини англатади. Аниқлаш ва ўлчаш эса текшириш деб аталади.

Текшириш—назоратнинг таркибий қисми бўлиб, унинг асосий дидактик вазифаси таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасида алоқани таъминдлаш, таълим берувчи томонидан ўқув материални ўзлаштириш ҳақида объектив ахборот олиниши ҳамда билимлардаги камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида аниқлашдир. Шунингдек, текширишнинг мақсади нафақат таълим олувчининг билим даражаси ва сифати, балки унинг ўқув меҳнати ҳажмини ҳам аниқлашдан иборат.

Таълим олувчиларнинг билим ва малакаларини текшириш қуйида кўрсатилган мантикий кетма-кетликда олиб борилади:

- таълим олувчиларнинг билим даражасини олдиндан аниқлаш;
- мавзунини ўзлаштиришни жорий текшириш;
- билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлигининг такрорий текшириш;
- яхлит бўлиб ёки курснинг алоҳида мавзуси бўйича даврий текшириш;
- таълим жараёнининг барча босқичларида эгалланган билим, кўникма ва малакаларни якуний текшириш ва ҳисобга олиш.

Педагогик технология таълим мақсадини аниқ ўрнатишдан бошлаб то унинг натижаларини баҳолашгача бўлган босқичларнинг ҳар бири учун ижодий фаолиятни талаб этади. Улар қуйидаги кўринишда намоён бўлади:

1. Ташҳисланувчан ўрнатилган мақсад – талабалар томонидан дидактик, жараён маҳсули сифатида ўзлаштирилган аниқ ўлчамли тушунчалар, амаллар ва фаолият турлари.

2. Таълим мазмунини ўқув элементлари ёрдамида баён қилишда абстракция поғоналарининг ва ахборотларни ўзлаштириш даражасининг ҳисобга олиниши.

3. Ўқув материалларини ўзлаштириш босқичларининг етарлича мантикий қатъиятлиги – дидактик жараён тузилмасига мослиги.

4. Ўқув жараёнига янги воситалар ва ахборотлаштириш усуллариининг жорий этилиши.

5. Ўқитувчининг қоидабоп ва эркин, ижодий фаолиятидаги мумкин бўлган четга чиқиш чегарасининг кўрсатилиши.

6. Фаолиятида шахсий мотивлашганликнинг таъминланиши (эркинлик, ижодиёт, курашувчанлик, ҳаётий, касбий моҳият ва бошқалар).

7. Ўқитиш жараёнининг ҳар бир босқичида коммуникатив муносабатларнинг, ахборот техникалари билан муомала қилишнинг мақсадга мувофиқлиги.

Юқорида берилган кўрсаткичлар лойиҳаланган ўқув жараёнининг технологик даражасини тўлиқ ифодалайди, амалда жорий этилиши эса педагогни юқори малакали мутахассисга айлантиради, талабанинг нуфузини ҳам бирмунча оширади ва ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг янги қирраларини очади.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида таълим технологияси асосида ўтказиладиган машғулотлар анъанавий педагогик амалиётдан қатор хусусиятларига кўра фарқ қилади:

- машғулотлар талабаларнинг ўқув мақсадларини ойдинлаштиришдан бошланади;
- таълим-тарбия жараёни олдиндан қайд этилган натижага мўлжаллаб ташкил этилади;
- ҳар бир талаба ўз фаолияти хусусиятларига мос келадиган суръатда ишлайди;
- жамоа аъзоларининг ҳар бири ўзлари эришган натижадан тез-тез огоҳлантириб турилади; эришилган натижа таълимнинг ҳар бир босқичида эталонга бирлаштириб турилади;
- натижа талабаларнинг асосий ўқув мақсадларига кўра аниқланади;
- ўқув материални тўлиқўзлаштирган талаба кейинги мавзунини ўрганишга ўтади;
- эталондан паст ўзлаштирган талабалар учун таълим ўхшаш шароитларда такрорланади;
- талаба учун ўқиш-ўрганиш ҳаракатига тенг мақсадларни амалга оширишдан бошланади;
- талаба ҳаракатга тенг мақсадлардан оралиқ мақсадга – билимларга, ундан умумий ўқув мақсадига қараб боради;
- ҳаракатга тенг мақсаддан умумий ўқув мақсадига қараб бориш ўқиш-ўрганишнинг циклийлигини таъминлайди;
- якуний (назорат) баҳо ўқув курси тўлиқўрганилгач чиқарилади.

Бугунги кунга келиб, интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Демак, бунинг асосий сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабалар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар эса, уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил

ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функцияларини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади.¹

Педагогик технология усулининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда таълимнинг режалаштирилган мақсадига эришишни кафолатлайдиган ўзлаштириш жараёни лойиҳалаштирилади.

Мақсадни кўзлаш, жорий натижаларни текшириб бориш, ўқув материални айрим бўлақларга ажратиш – ўқув жараёнини ташкил этишнинг бу белгилари - қайта ишлаб чиқиладиган яъни такрорланадиган таълим циклига хос хусусиятлардир.

Бошқача айтганда, такрорланадиган таълим циклининг асосий қисмлари қуйидагилар:

- * таълим мақсадларини умумий белгилаш;
- * умумий мақсадни ойдинлаштириб, ўқув мақсадларига айлантириш;
- * ўқув амаллари мажмуи;
- * таълим натижасини баҳолаш.

Ўқув жараёни бундай такрорланадиган шаклга эга бўлгани учун модуль характерини касб этади, алоҳида қисмларга ажратилади, улар турли мазмунга ва умумий тузилишга эга бўлади.

11.3. Дарс режалари ва уни мантиқий изчилликда фаол шакллантириш

Ўқув режаси - бу таълим мазмуни умумий шароитни белгиловчи давлат хужжатидир. Ўқув режасида ўқув фанларининг рўйхати берилади, уларнинг ярим йиллик ва бутун курс бўйича тартиби ва изчиллиги, ҳар бир фанга бутун курс ,йил ҳамда ҳафталик дарс соатлари кўрсатилади. Ўқув машғулотларининг режими ва ўқув йилининг тузилиши маслаҳатлар вақти белгиланади. Айрим мутахассисликлар бўйича ҳар бир фанга оид назарий ва лаборатория амалий машғулотларнинг вақти тақсимланади.

Барча фанлар бўйича ўқув режасида шундай жойлаштирилиши керакки, улар орасида боғланиш бўлсин, ўқув режасидаги ҳар бир фанни ўрганиш касбий тайёргарлик учун муҳимлигига қараб белгиланган.

Ўқув режаси – ҳар бир йўналиш учун алоҳида тузилиб, вазирлик томонидан тасдиқланади:

1. Тайёрлов йўналиши коди ва унинг номланиши..
 2. Ўқиш муддати.
 3. Ўқишни тугатгандан сўнг олинadиган академик даражаси.
 4. Таълим шакли.
 5. Ўқув даврининг тақсимоти.
 6. Ўқув жараёнинг режаси.
 - 6.1. Ўрганиладиган ўқув предметлари.
 - 6.2. Ҳар бир ўқув предметини ўрганиш учун ажратилган умумий вақт миқдори.
 - 6.3. Ўрганиш учун ажратилган вақтни -маъруза ,амалий машғулот,лабаротория ишлари,семинарлар,курс лойиҳалари ва мустақил таълимга қандай миқдорда тақсимланганлиги.
 - 6.4. Ўқув предметини қайси босқич,семестрларда,хафтасига қанча соатдан ўрганиш тартиби.
 7. Давлат аттестацияси.
 8. Танлов фанларининг рўйхати.
 9. Иохлар.
- Ўқув режалари мазмуни ва тузилишига мос ҳолда қуйидаги омилларга эътиборни қаратмоқ лозим:
- таълим ва тарбиянинг мақсадли йўналтирилганлиги;
 - меҳнат ва ишлаб чиқариш жараёнининг тузилишига;
 - таълим-тарбия жараёнининг қонуниятларига.
- Ўқув режаларини ишлаб чиқишда бўлғуси мутахассисларда шакллантирилаётган малака маҳоратлари даражасининг ўрганилаётган ўқув фанлари миқдорига ва ўргатиш даврига аниқ мос тузилишини эътиборга тутмоқ лозим.

Календар мавзули режа

Мавзули режа ўқитиш жараёнида ишлаб чиқариш таълими мавзулари, махсус технология, шунингдек, умумтаълим фанлари қандай қўшиб олиб борилишини белгилайди.

Режада дастурдаги ишлаб чиқариш ва назарий таълим мавзуларининг ўтишининг ўзаро алоқаси вақт ҳамда мазмунига кўра кўрсатилиб, мавзуларнинг номи ва уларга ажратилган соатлар сони берилади.

Тартиб-интизомни баҳолаш методлари.

Табақалаштирилганликни акси таълим тизимининг интегративлиги ҳисобланади. Агар, табақалаштирилганлик-таълим тизимининг бўлиниш даражасини тавсифловчи сифат бўлса, интегративлик аксинча, таълим тизимининг айрим элементлари ва унинг кичик тизимларининг ўзаро боғлиқлик даражасини тавсифлайдиган сифатдир. Интеграцияга эҳтиёж табақалашув яъни, меҳнат тақсимоти оқибатида юзага келади. Таълим тизимларида табақалаштирилганлик ва интегративлик даражаси муносиблиги турлича бўлиши мумкин. Табақалаштирилганлик ва интегративлик даражасининг пастлигига умумтаълим мактабларидаги анъанавий тизимни мисол сифатида фан билан таълим жумладан, ўрта-махсус, касб-хунар таълими жараёнининг алоқаларини ривожлантиришда касб (ўрта-махсус, касб-хунар) таълимининг илмий тадқиқот ишлари билан интеграцияси катта ўрин тутати. Ўрта-махсус, касб-хунар таълими, унинг муаммолари ва ечимлари, истиқболлари соҳасида илмий изланишлар олиб борувчи олимлар томонидан ўрта-махсус, касб-хунар таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор амалий илмий тадқиқотлар ўтказилади. Таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ келишини ўрганиш ва уни мувофиқлаштиришни ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиб амалиётда қўлланилади. Фанларнинг бир-бири боғлиқ интеграциясини мазмунини англаш учун “интеграция” тушунчасининг ўзини кўриб чиқамиз.

- “интеграция” тушунчасига интеграцияланадиган объектларнинг моҳиятига кўра турлича таъриф бериш мумкин. Масалан:

- “мамлакатлар-интеграцияси” тушунчаси остида дунёдаги бир қанча мамлакатларнинг иқтисодий, илмий-техник ҳамкорлиги;

- “ишлаб чиқариш интеграцияси” тушунчаси орқали саноат, агросаноат ёки илмий ишлаб чиқариш мажмуалари тушунилади.

Умуман, илмий адабиётларда “интеграция” тушунчасига қуйидагича таъриф берилган “интеграция - бу айрим таркибий қисмларнинг янги хосса ҳосил қилиб, бир бутун бирлашиш жараёнидир” интеграция-тизимли ёндашувдан иборатдир. Чунки, “тизим”-бир бутуннинг объектив шакли, “интеграция” эса, айрим қисмларнинг бирлашиш механизми ва натижасидир. Биз, “интеграция” тушунчасига берилган турли хил изоҳларни умумлаштирган ҳолда, бу жараёни у ёки бу фаннинг уларни унификациялаш ёки мажмуалаштиришга олиб келадиган таркибий

қисмларнинг ягона дунёқараш мантиқий-методологик ўзаро таъсири жараёни деб биламиз.

Фанларни дарс жадвалига жойлаштириш, талабалар учун имконият яратиш, ўз-ўзини баҳолаш.

Ўқув жараёнини бошқариш.

Таълим муассасаларида ва оилада таълим соҳасида ижобий натижага эришиш учун бошқаришнинг методларини тўғри олиб бориш катта аҳамиятга эга. Таълим муассасаларида чекланган ва аралаш методлардан иш олиб борилса оғир вазиятлар вужудга келади.

Масалан, аудиторияда дарс жараёнида кўп гапиришга йўл қўйилмаслиги лозим, болани огоҳлантириши керак. Агар дарс жараёнида яхши натижаларга эришилса болани раҳбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ўқув йили бошланишининг биринчи кунда ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашиш талаб этилади. Талабаларни ривожлантиришда бошқаришнинг аниқ тартиб қоидаларига риоя этиш талаб этилади. Аудиторияни бошқаришда аниқ тартиб қоидаларга риоя этилиши лозим. Талабаларни ҳар томонлама ривожлантиришда ҳар бир талаба ўз масъулиятига эга бўлиши ва аудиторияда тартиб интизомга риоя этиши керак.

Тартиб интизомни бошқариш методлари

Тартиб интизомни бошқаришнинг бир нечта босқичлари мавжуд.

Сўзлаб бериш: Оммавий ахборот воситалари болаларда тартиб интизомни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Кўпинча ўқитувчилар болаларни жисмоний жиҳатдан ривожлантиришнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берадилар. Кўргазмали воситалар ёрдамида тушунтириб бериш муҳим аҳамиятга эга. Болаларни аста-секинлик билан тартиб-интизомга чақириб бориш лозим.

Кўрсатмалилик: Болаларни ҳар томонлама ёшлиқдан ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун кўрсатмалиликнинг аҳамияти катта.

Ўқитувчилар катта мактаб ёшидаги ўқувчиларда моделлик санъатини ўрганишлари учун ҳаракат қилишлари лозим. Болалар ёшлигидан ёқимтой бўлишлари учун катта моделларнинг ҳулқ атворини кўчириб олишлари мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам ўқитувчилар болаларда аста-секинлик билан яхши хулқ одобни шакллантириб боришлари лозим. Болалар ёшлигидан бошлаб ўқитувчиларининг хулқ одобидан кўчирма оладилар.

Узлуксизлик: Болаларда ёшликдан хулқ-одобни тўғри тарбиялаб бориш энг муҳим аҳамиятга эга. Бобо-бувиси бор бўлган хонадонларда болалар ёшликдан тўғри тарбия оладилар. Уларнинг тарбиясида хатоликлар кам учрайди. Энг муҳими натижа келиб чиқади. Бундай болалар математика фанидан берилган топшириқларни 85% бажарадилар. Катталар мактаб таълимига болаларни ёшликдан тайёрлаб боришлари лозим. Болалар хулқ-атворини шакллантиришда мактаб таълимининг аҳамияти катта. Ўқув йилининг охирида ўқувчилар ўқитувчилари билан ҳамкорликда турли кўнгил очар тадбирларни уюштирадилар. Таътил вақтида ўқувчилар ўқитувчилари билан ёзма равишда мулоқотда бўладилар. Таътилда ўқитувчилар ота-оналар билан ёзма равишда мулоқотни олиб борадилар. Чунки, таътил вақтида болаларнинг нималар билан шуғулланишларидан ўқитувчилар хабардор бўлишлари лозим.

Гуруҳ раҳбарини шакллантириш

Гуруҳ раҳбарлари амалиётида талабаларда ёшлик вақтидан бошлаб тартиб интизомни шакллантиришга эътибор берилиши лозим. Гуруҳ раҳбари ўқув йилининг бошида талабалар билан ишлаш режасини тўғри тузиб олиши муҳим вазифалардан биридир. Гуруҳ режасининг бўлимларида талабалар билан ишлашнинг бир ўқув йилига мўлжалланган тартиби белгиланган бўлади.

Тартиб интизом қондаси

1. Тартиб интизом қоидаларини аудиторияда талабалар билан муҳокама қилиб чиқиш лозим. Белгиланган тартиб қоидаларни талабалар қийналмасдан тушуниб олишлари зарур. Гуруҳ раҳбари ҳар бир талабага хулқ атворининг намунали бўлиши лозимлигини тайинлайди. Гуруҳдаги талабаларнинг хулқ атвори намунали бўлган тақдирдагина аудиториядаги ўзлаштириш жараёни анча юқори бўлади. Гуруҳ раҳбарининг ўзининг хулқ атвори талабга жавоб бериши лозим, шундагина гуруҳда қайтар алоқани амалга оширса бўлади.

Талаба қизиқишлари

Талабалар гуруҳда қайси қоидага амал қилинишини чуқур муҳокама этишлари лозим. Талабалар бу тартиб қоидага амал қилишлари лозимлигини тушунишлари лозим. Шундагина ўрнатилган бу тартиб қоидалар мустаҳкам бўлади.

Талабаларни мукофотлаш

Талабаларга ўрнатилган тартиб қоида аниқ ва тушунарли бўлиши лозим. Белгиланган вазифалар талабалар учун оғир бўлмаслиги керак. Талабалар тартиб интизом қоидаларини бузганда, белгиланган тартибда талабалар жазоланиши керак. Тартибли интизомли бўлган талабаларни рағбатлантириш ҳақида ваъда бермасликлари лозим. Гуруҳ раҳбари гуруҳ ичида ҳар бир масалани адолатли ҳал қилиб боришлари лозим.

Узоқ кутилган натижа

Ўқитувчи аудиториядаги таълим жараёнида юқори даражадаги режани ҳал этишлари лозим. Талабалар хулқ атворини бошқаришда гуруҳда тўғри ташкил этилган тартиб қоиданинг аҳамияти катта. Талабалар бир-бири билан тўғри сўзлашлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Талабалар ёлғон сўзлашнинг оқибатлари ёмон натижаларга олиб келишини билашлари лозим. Ўқитувчининг талабаларга бўлган ишончи гуруҳда ўзаро муносабатларни ривожлантиришга олиб келади. Талабалар бир-бирини тушуниши ва ҳурмат қилиши лозим. Бир-бирини ҳурмат қилиш бу энг юксак мукофот эканлигини билишлари лозим. Талабалар ўзининг хулқ атвори ва юриш туришига ўзлари жавоб беришлари керак. Талабалар ўқиш ва меҳнат қилиш этикасини мунтазам равишда ўрганишлари лозим. Талабалар меҳнат қилиш этикасининг кучли томонларини ўрганишлари лозим. Талабалар уйга берилган вазифаларни мунтазам равишда ўз вақтида бажаришлари лозим.

Талабалар ўртасида содир бўлган низоларни бартараф этиш

Ўқитувчилар мунтазам равишда талабалар ўртасида содир бўлган вазиятларни таҳлил этиб боришлари лозим. Талабалар ўртасида содир бўлган низоларни бирданига бартараф этиш лозим.

Ўқитувчилар талабалар гуруҳида содир бўлган низоларни тезда бартараф этишга ва эҳтиёткорлик билан масалани ҳал этишни билиши керак. Талабалар гуруҳида ҳар бир муаммони дарров ҳал этиш лозим. Талабалар ҳар бир муаммони қандай ҳал этиш лозимлигини билишлари лозим.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. *Талабаларнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш, ўқитувчи фаолияти самарадорлигини баҳолаш, индивидуал ва гуруҳларда ўқитишнинг режаслаштиришни йўл-йўриқларини баҳолашни тушунтириб беринг.*
2. *Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятларини ташкиллаштириш шакллари ҳақида фикр билдиринг.*
3. *Таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш қандай ташкил этилади?*
4. *Касб таълими ўқитувчиларининг баҳолаш ва таҳлил қилиш бўйича вазифаларини айтинг.*

Мустақил иш топшириқлари

1-топшириқ

1. Ўқув-тарбиявий жараёнини бошқариш мавзусига доир “Тоифалаш жадвали”ни тўлдиринг.

Ўқув жараёнини бошқариш	Тарбиявий жараёнини бошқариш	Ўқув тарбиявий жараёнини бошқариш

2-топшириқ

2. Педагогик жамоа – ўқув муассаси бошқаришнинг объекти мавзусига доир “Инсерт” жадвалига тегишли белгиларни қўйинг.

Таълим муассасасини бошқаришда	Тегинли белги
1. Тизимни ташкил этишни ишлаб чиқиши, тадқиқот, лойиҳалаш ишларини йўлга қўйиб иш тартибини белгилаши, шошма-шошарликка йўл қўйилмаслиги.	

2.Амалий иш бажаришнинг белгиланган тартибда ва тизимга мувофиқ бажарилаётганини текшириш. 3.Иш меъёрининг бузилишига йўл қўймасликни, қийинчилик ва тўсиқларни ўз вақтида бартараф этилишини кузатиши ва шу сингари бошқа муҳим ишларни амалга ошириши лозим 4.Олинган ахборот асосида қарор қабул қилиш. Ишнинг вазифаларини ва йўналишларини белгилаш. Маълум объектив маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш. Яқин истиқболли режаларни белгилаш. Ишнинг мавжуд ҳақиқий аҳволини белгилаш, уларни таққослаш, имконият даражаларини ҳисобга олиш, вариантларни танлаш, муассасанинг ривожланиш йўлини белгилаш ва бошқалар. 5.Тегишли янги қарорларнинг асосий ғояларини уларни ижро қилувчиларга тунутириши, олинган маълумотларга асосан ишни кўриб чиқиб, камчиликларни тузатиши, бу вазифаларни амалга оширишда ўқув-трабияга оид тадбирларни амалга ошириши, кадрлар танлашдан тўғри фойдаланиши ва ҳоказолар.	
--	--

3-топширик

Педагогик фаолиятни бошқариш дастурини ФСМУ технологияси ёрдамида таҳлил қилинг.

Савол	Таълим муассаси ишини ҳар жиҳатдан тўғри ташкил қилиш, унинг самарадорлиги натижаси гаровидир
(Ф) Фикрингизни баён етинг	
(С)Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

4-топширик

Бошқарув фаолиятини амалга оширишда маркетинг мавзусига оид “Инсерт” жадвалига тегишли белгиларни қўйинг.

Бошқарув фаолиятини амалга оширишда маркетинг	Тегишли белги
Бугунги кунда касбий таълим муассасалари ҳам бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида фаолият кўрсатиши ва таълим олувчиларни рақобатбардош қилиб тайёрлаши талаб этилади. Бунда таълим муассасасининг маркетинг хизмати муҳим ўрин тутди. Таълим муассаси бошқарувнинг педагогик йўналтирилганлиги барча имкониятларни асосий мақсад - ёш авлодни ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасига муваффақиятли кириб боришини таъминлашга қаратилган бўлади. Таълим муассаси раҳбари томонидан олға суриладиган режалар, муҳим тадбирлар жамоада муҳокама қилиниши ва мувофиқлаштирилиши лозим.	

12-БОБ:ЎҚИТУВЧИ ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИНИ ТУШУНИШИ,БИЛИМЛАРНИ КЎРСАТМАЛИ ВА ИЖОБИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ҲАМКОРЛИҚДАГИ БАҲОЛАШ

Режа

- 12.1. Ҳозирги замон ўқитиш воситаларининг тавсифномаси
- 12.2. Ўқитиш воситалари ва уларни турлари
- 12.3. Ўқитиш воситаларининг ривожланиш истиқболлари
- 12.4. Ривожлантириш босқичларининг таълим жараёнига боғлиқлиги
- 12.5. Ўқувчилар билиш фаолиятининг хусусиятлари.

Таянч иборалар

Потенциал назорат, ривожланиш, умумий ўрта таълим, касбий таълим, касбий педагогика, касбий маҳорат, педагогик фаолият, педагогик жараён, педагогик мулоқот, таълим технологиялари, илк болалик даври.

Мавзунинг қисқача таърифи

Ўқитиш воситалари бу моддий ва теvarак-атворлар, табиий объектлар, бундан ташқари инсон томонидан ўқув-тарбиявий жараёнда ахборот олиб юрувчи педагог ва ўқитувчилар фаолиятида ўз олдига қўйган ўқитиш, тарбиялаш ва ривожланиш учун қўлланиладиган қурол сифатида яратилган сунъий объектлардир.

Ўқитиш воситалари шу билан бирга унинг мазмуни, услублари, ташкилий шакллари ўқитиш тизимини лойиҳалаштирилган ва ўқув-тарбиявий жараённинг таркибий бўлимларидан биридир. Бундан ташқари ҳар бир ўқув-тарбиявий муассасанинг энг муҳим таркибий қисмидир. Педагогика фани ва амалиётида қўлланиладиган турли хил тизимларнинг бўлимларида бўлаётган моддий ўқитиш воситалари ҳозирги пайтда жорий қилинган тизимларнинг ҳаракатланиши, қайта қурилиши ва бир-бири билан боғлиқлигини назарда тутган ҳолда бошқа таркибий қисмларга бевосита таъсир кўрсатади. Бугунги кунда таълим олувчилар ўз ижодий потенциалини назорат қилиш, табиатдан берилган истеъдод ва қобилиятларини ривожлантиришга янги техника пайдо бўлгандан бери ўқитишнинг янги усул ва технологияларини эгаллашга реал имкониятлари бор. Шундай қилиб, дидактиканинг категория аппаратида моддий воситалар (иш қуроллари) мақсадлар, мазмунлари, усуллари, ўқитишнинг ташкилий

шакллари билан биргаликда мустақиллик ҳолатига эга. Бундан ташқари ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасида технологиялаштириш муносабати билан ўқув-тарбиявий фаолиятда ўқитиш воситаларининг аҳамияти ортиб бормоқда, муаммоларга оид тадқиқотларда икки асосий йўналиш: педагогик ва инженерлик нуқтаи назари бор.

Дидактик нуқтаи назарга атроф-муҳитни тавсифлашга бағишланган ўқув воситаларини таснифлаш киради:

1. Табиий объектлар – изланиш ва ўрганиш учун ҳақиқий реал фанларни ўз ичига олади: моддаларнинг намуналари ва коллекцияларини, хом-ашё, асбоблар, деталлар, ўсимликлар, гербарийлар, ҳайвонлар ва уларнинг қотириб қўйилган ҳолати, микропрепаратлар ва ҳоказолар. Ўқитиш воситаларининг бу гуруҳига яна махсус ишлов берилган мосламалар ва уларнинг механизмлари ҳамда касбий кўникма ва малакаларни ривожлантириш учун ўқув ишлаб чиқариш мосламалари киради.

2. Моддий объектларни тасвирлаш ва акс эттиришга кирадиган гуруҳни қуйидагилар ташкил этади: моделлар, муляжлар, макетлар, жадваллар, кўргазмали қуроллар (расмлар, фотоаксли чизмалар, портретлар), экран-товуш воситалари (диафильмлар, диапозитивлар, слайдлар), кинофильмлар, видео ва товуш ёзувлари, пластинкалар, радиоёшиттириш ва телекўрсатувлар.

Алоҳида гуруҳга ўқитишнинг техник воситалари киради. Бундай ўқитиш воситаларига ўқув маълумотларини етказиб берувчи, уни ифодалаш учун махсус техник мосламалар талаб қилинади. Бу мосламалар транспортлар, диафильм ва кинофильмлар, видеофильмлар, товуш ёзиш компьютер дастурлари ва бошқалардан иборат. Ўқитиш воситаларини шакллантириш тизими нафақат ўқитиш воситаларининг турли хил белгилардан аниқлаб классификация қилиш эмас, балки уларни функциялар ва хусусиятлари ҳақида билимлари ҳам тахмин қилинади.

12.1. Ҳозирги замон ўқитиш воситаларининг тавсифномаси

Ўқитиш воситалари қуйидагича тавсифланади:

1. *Натурал (табиий) объектлар.* Табиий объектларга одатда жонли ва жонсиз табиатнинг объектлари киради, улар билан таълим олувчилар машғулотларда тарқатма ёки намоёиш қилинадиган материаллар шаклида танишадилар.

2. **Ўқув моделлар, муляжлар, макетлар.** Моделлар сунъий яратилган табиий объектларни кўриниши уларнинг муҳим сифатларини, алоқаларини ва муносабатларини қайта такрорлайдиган ўқув кўргазмали қўлланмалар деб қабул қилинади. Моделларнинг энг кенг тарқалган ва типик турлари бу моддий яъни предметли моделлардир. Моделлар ҳажмига кўра эга ва текис моделларга бўлинади.

Муляж ва макетлар предметларнинг ташқи белги ва хусусиятларини ва атроф-муҳит ҳодисаларини ўрганишда қўлланилади, моделлар ўрганилаётган объектларнинг ички қурилмаси ва ҳаракатланиш тамойили машина ва механизмларнинг кинематикасини ўрганилаётган ҳодисаларда ўрин олган бошқа алоқалар ва муносабатлар имкониятини беради.

Экран ва экран – товушлик ўқитиш воситалари бугунги кунда кенг тарқалган. Бу ўқитиш воситаларига қўйилган талаблар энг аввало уларнинг мавзуга оидлиги, иккинчидан, бу ўқитиш воситаларининг сифати яхши бўлиши билан ажралиб туради.

Диапозитив – (слайд) бу ҳаракатланмайдиган ўқитиш экран воситаси ҳисобланади. Диапозитивдаги чизмалар ва расмлар одатда плакатдагидан яхши қабул қилинади.

Диапозитив – бу жуда қулай ўқитиш воситаси, чунки ўқитувчи унинг бир қисмини, ёки бир кадрни алоҳида кўрсатиши мумкин. Ҳар бир кадр тўлиқ бир информацияга эга. Диафильм ҳам ҳаракатланмайдиган экран ўқитиш воситасидир.

Транспортлар – бу ҳам ҳаракатланмайдиган экран қўлланмасидир.

Транспорантлар проектор ёрдамида кўрсатилиши ва хонани қоронғилатиш шарт эмаслиги бу ўқитиш воситасининг катта ютуғидир. Транспорантлар синф доскасини ўрнини босадиган воситадир. Ўқитувчи таълим олувчиларга юзланган ҳолатда, ўтилган ёзувлар ёки чизмаларни экранга проекция қилиб тушунтириши мумкин.

Сўнгги йилларда ўқув фильмлари чиқарилмай қўйди. Уларнинг ўрнини ўқув видео ёзуви информацияни акс эттирувчи экран-товушли воситаларнинг ўзида мужассамлаштирган; кино, радио, телевидение, видеофильм, диапозитивлар эгаллади. Ўқув приборлари, мосламалари, асбоблари, лаборатория приборлари тизимининг аҳамиятга эга бўлган қисмини ташкил қилади. Ўқув устахоналарида олиб борилган ишлаб чиқариш қулайликларга ўргатиш шу устахоналарда қулай вазиятларни яратишни талаб қилади.

Моддий техникавий - етарли майдонда ишлайдиган мосламалар, техник муҳофазалашни таъминлаш.

Санитар гигиеник – табиий ва сунъий ёритиш, устахона санитар гигиеник шартларига жавоб бериши ва биринчи ёрдам бериш воситаларини таъминлаши.

Эстетик – устахонанинг ички безаги ва мосламаларнинг рангларига эътибор бериш, **ўсимлик ва гуллар билан безатиш**.

Техник педагогик – ўқув ишлаб чиқариш хоналарининг ишлар бажаришида бир-бири билан боғлиқлиги, таълим олувчиларга мос бўлган иш шароитини яратиш ва шахсий иш жойи билан таъминлаш ва ишни илмий техника асосида ташкиллаштириш.

Таълим олувчиларнинг иш жойини ташкиллаштириш:

- иш жойини техник созлиги;
- етарли даражада ёритилганлиги;
- керак бўлган ҳолда авария сигналини ишлаши ёки уста билан боғланиш мосламаси;
- ишлаб чиқариш мосламасини тозалаш, созлаш ва йиғиштиришнинг қулайлиги.

Ўқитиш устахонасининг устаси учун иш жойи шундай ёритилган ва ташкил қилинган бўлиши керак. Ўқитиш жараёнида уста ишини илмий асосда ташкиллаштириши, уни мазмуни ва шаклини таълим олувчиларнинг иш жойлари билан боғланиши унинг педагогик фаолиятини аниқлаб берувчи сифат бўлиши керак.

Кейинги вақтларда «ўқитишнинг компьютер технологиялари» тушунчаси тарқалиб, бунда компьютерлар базасида амалга оширилган ўқитиш технологиялари тушунилади. Бироқ ахборот технологиялари тушунчаси ўқитишнинг компьютер технологиялари тушунчасидан кенгрокдир, чунки компьютерлар ахборот технологиялари техник воситаларининг таркибий қисмидир. Бугунги кунда турли оптик хотирловчи қурилмалар (видеодисклар, оптик дисклар) кенг тарқалди. Улардан фойдаланиш матнли график ахборотни бир вақтда биргаликда ёзиш имконини беради, шу билан бирга уни қайта тиклашда юқори сифатли тасвир пайдо бўлади. Магнит ёзувдан фарқли ўлароқ, оптик дисклардаги ёзув исталган сондаги қайта тиклашларда ҳам ёмонлашмайди.

Компьютерлар ишининг дастур-математик таъминоти юқори технологик ишлаб чиқариш тараққиётининг муҳим йўналиши бўлмокда. Шунингдек, техник ва дастурли ахборот технологиялари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

ЭХМ тармоқлари. Ҳозирги вақтда билимларнинг барча соҳаларида ЭХМ ёки компьютер (локал ёки глобал) тармоқлари кенг тарқалган. ЭХМ локал тармоқлари унча катта бўлмаган фазода амалга оширилади ва ахборот хизмати турли тармоқларининг интегратори бўлади. Улар ташкилотлардаги барча ахборот технологиялари воситаларини бирлаштиради ҳамда уларнинг самарадорлигини оширади. ЭХМ глобал тармоқлари эса, ахборотни катта масофаларга узатилишини амалга ошириш имконини беради.

Йўлдош алоқа тизимлари. Кўплаб ер устидаги станцияларни ва ер сунъий йўлдошидаги ретренсляторларни ўз ичига олади. Бугунги кунга келиб, бу тизимлар компьютерлар орасидаги алоқани амалга ошириш учун маълумотлар тўплаш телевидение дастурини узатиш учун ишлатилмоқда.

Сунъий интеллект тизимлари. Сунъий интеллект элементли ЭХМнинг одатдаги ЭХМдан фарқи шундаки, одатдаги ЭХМлар фақат статистик маълумотларни, сунъий интеллект тизимлари эса билимларни ишлаб чиқади. Информатиканинг алоҳида йўналиши сунъий интеллектдир. Одам ақлий фаолиятининг баъзи турларини амалга оширувчи дастурли-техника воситалари ишлаб чиқилмоқда.

Электрон почта. «Электрон почта» – бу корреспонденциялар алмашиши учун почтага ўхшаш ахборот узатиш ва ишлаб чиқишнинг электрон усулларида фойдаланиш яъни, босма материаллар, жадваллар ва журналларни узатиш ҳамда электрон почта қоғозсиз почта алоқалари хизматидан иборат бўлиб, у хабарларни тўплаш, ишлаб чиқиш ва тақдим этиш ҳамда маълумотларни узатиш тармоқлари тизимидир.

Электрон почта асосида аҳолига электрон газета ва журналлар каби ахборот хизмати кўрсатиш амалга оширилган. Сўнгги йилларда жаҳон бозорида электрон нашрлар борган сари кўп ўрин эгалламоқда. Бу жараён компакт оптик дисклар кенг тарқалиши билан тезлашди.

Телеконференциялар. Телеконференциялар замонавий ахборот технологияларнинг амалга оширилишига мисол бўла олади. Телеконференцияларни ўтказиш учун қуйидаги аппаратуралардан фойдаланилади: терминаллар, телевизион камералар, график дисплейлар, катта намоиш экранлари. Шунингдек, телеконференциялар орқали долзарб масалалар муҳокамасини тезкорлик билан ташкил этиш, муҳокама учун исталган расмий материаллардан фойдаланиш, долзарб масалаларни муҳокама қилишда иштирок этувчи мутахассислар доирасини кенгайтириш, халқаро маълумотлар банкларидаги исталган ахборотдан фойдаланиш каби имкониятлар юзага келади.

Ўқитишнинг янги ахборот технологиялари ўқувчи-талабанинг эмас, у энг аввало ўқитувчи (педагог)нинг технологиясидир. Ўқувчи-талаба замонавий ахборот технологиясини ўрганмайди, балки унинг маҳсулотидан ўқитишнинг техник воситаси сифатида фойдаланади. Ўқитувчи (педагог) замонавий технологияларни қўллаб дарсга тайёрланади, дарсни ташкил қилади, ўқувчи- талабалар билимини назорат қилади ва таълим мазмунини такомиллаштиришда компьютерлаштиришнинг энг юқори даражаси янги ахборот технологияларини таълим жараёнига олиб киришдан иборат бўлади.

Ахборот тенологиялари, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашни ривожлантириш омиллари қуйидагилар: бунда компьютерлаштиришнинг ҳар иккала йўналишини ҳам ривожлантириб бориш зарурияти туғилади. Бунинг учун шу соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳукукий ҳужжатларга асосланган ҳолда узлуксиз таълим тизимини ҳамма босқичларида «компьютерлаштиришнинг концепцияси» яратилиши лозим.

Компьютерли технологиялар дастурли ўқитиш ғояларини ривожлантиради, замонавий компьютерлар ва телекоммуникацияларнинг ноёб имкониятлари билан боғлиқ таълимнинг ҳам тадқиқ қилинмаган янги технологик вариантларини очади. Таълимнинг компьютерли (янги ахборот) технологиялари — бу таълим оловчига ахборотни тайёрлаш ва узатиш жараёни бўлиб уни амалга ошириш воситаси компьютердир яъни,:

- * ўқувчи-талабаларда ахборот билан ишлаш маҳоратини шакллантириш, коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш;
- * «ахборотли жамият» шахсини тайёрлаш;
- * таълим оловчиларнинг ўзлаштириш имкони даражасидаги етарли миқдорда ахборот билан таъминлаш;
- * ўқувчи-талабаларда тадқиқотчилик маҳоратини, оптимал қарорлар қабул қилиш маҳоратини шакллантириш.

Компьютерли технология мазмуни бир қанча шакллантирилган моделини қўллашга асосланган бўлиб, бу модел компьютер хотирасига ёзиб қўйилган педагогик дастурли воситалар ва телекоммуникация тармоғининг имкониятлари орқали намоён бўлади.

Ахборот технологияларидан фақат ўқув жараёнида эмас, балки узлуксиз таълим тизимида фаолият юритаётган ўқитувчиларни илмий-техник ва махсус ахборот билан таъминлайдиган ахборот ишида, таълим тизимини бошқаришда ҳам фойдаланилиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда ахборот технологияларини таълимга жорий этишда уларнинг техник воситаларини интеграциялаш асосий йўналиш бўлмоқда. Шу муносабат билан ҳатто «мултимедиа» тушунчаси пайдо бўлдики, у ўқитишда кўпчилик техник воситалардан комплекс фойдаланишни билдиради. Мултимедиани қўллаган ҳолда энг муҳим нарсаси талабаларни керакли ахборотни танлаб олишга ўргатишдан иборат бўлади. Ўқитувчи (педагог)нинг вазифаси ахборотни беришдан иборат эмас, балки уни топишда ёрдам беришдан иборат бўлади, ўқитувчи (педагог) билимлар соҳасида йўл кўрсатувчи бўлади.

Бу каби ўқитиш воситалари комплексида фойдаланилган ҳолда талабага таъсир кўрсатиш биргина ахборот каналлари (кўриш, эшитиш ва ҳ.к.) орқали амалга оширилади. Бу эса таълим самарадорлигини оширади.

Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланилганда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шакллари тиклаш муаммоси янгича ҳал этилиши лозим. Агар анъанавий таълим шароитларида билиш фаолиятини ташкил этишнинг энг кўп тарқалган шакллари индивидуал ва фронтал шакллар бўладиган бўлса, ахборот технологияларидан фойдаланиш шароитида уларнинг иккаласидан бир вақтда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, таълим жараёнига ахборот технологияларининг жорий этилиши ўқитувчи (педагог) вазифасининг ўзгаришига сабаб бўлади яъни, педагог таълим-тарбия беришдан кўра кўпроқ тадқиқотчи, ташкилотчи, маслаҳатчи ва дастурловчига айлана боради. Буларнинг ҳаммаси эса ўқитувчи (педагог)ларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ўзгартиришни талаб қилади. Тадқиқотчилар таъкидлаганидек, ўқитувчи (педагог) ларнинг ахборот маданияти асослари методологик, умумтаълимий, умуммаданий характерда бўлиб, педагогик ходимларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида барча ўқув фанлари комплексини ўрганишда шаклланиши лозим.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, янги тизим мутахассис кадрларини тайёрлаш учун фикр муҳим вазифаларни ҳал этишга ёрдам бера оладиган янги самарали, ҳаммабоп педагогик услубни жорий этиш зарурияти туғилди, деб айта оламиз. Бунинг учун лаборатория стендлари ва ўқув устахоналаридаги машғулотлар барча талабалар учун нафақат қизиқарли, балки қулай ва осон бўлишига эришмоқ лозим. Машғулотлар ўзига жалб эта олиши, барча руҳий ва дидактик омилларни ҳисобга олиши, жараёнларни жўшқин тарзда намоён этиши, машғулотлар ўтказиш ва ўқитилаётган фанни ўзлаштиришни, умуман бутун ўқитиш самарасини

ошириши, эгалланган билимлар хусусида ўзига-ўзи баҳо бериш имконини таъминламоғи зарур. Айнан шу нуқтаи назардан замонавий ахборот технологияларининг тадбиқ этилиши юқорида кўрсатилган вазифаларни мақбул тарзда ҳал қилиш ва анъанавий ўқитиш усулининг бир қатор камчиликларини бартараф этишга кўмак беради.

12.2. Ўқитиш воситалари ва уларни турлари

Ҳозирги вақтда ўқитиш ва тарбиялашнинг янги технологияларига сифат жиҳатдан тез ўтиш учун объектив асос юзага келди, *чунки* иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги инновацион жараёнлар ўз-ўзидан таълимда ҳам тубдан ўзгартиришларни тақозо этмоқда. Ҳеч бир ўқитувчи эртами-кечми бу жараёнга қўшилмасдан четда қолиши мумкин эмас. Ўқитувчининг анъанавий иш усуллари, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, ўқитишни компьютерлаштириш сифатларини ўзлаштириш зарурияти буларни илмий-методик асослаш эҳтиёжини туғилишида объектив омил бўлиб қолмоқда.

Ўқитувчига албатта психологик-педагогик саводсизликни тугатиш эмас, балки таълим амалиётининг ривожланиш истиқболларини онгли программалаштиришга, янги педагогик технологияларни асослашга имкон берадиган илмий тасаввурлар тизими керак.

Бунда, айниқса, замонавий жиҳозлар ва аппаратларни харид қилиш, уларни барча таълим муассасаларида тақсимлаш билан боғлиқ улкан молия захираларининг тежаб қолиниши муҳимдир. Замонавий ахборот технологияси бўлган оддий компакт дискка ўнлаб, баъзан эса, юзлаб лаборатория ишларини жойлаштириш мумкин. Энди эса бир дона шундай виртуал лаборатория стенди неча марта арзонга тушишини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Бундан ташқари, улар билан бирга таълим муассасаларини таъминлаш мумкин. Агар уларда Интернетга уланган компьютер тармоғи бўлса, ундан ҳам яхши бўлади. Бундан шуни кўриш мумкинки, виртуал стендлар кўпроқ қўлланса, шундай сарфларнинг олдини олиш мумкин бўлади. Интернет тизимининг халқаро ахборот тизими орқали масофали усуллар ёрдамида мутахассис кадрлар тайёрлаш ва педагогик кадрлар малакасини ошириш имконияти республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрда эълон қилинган махсус қарорида кўзда тутилган. Таҳсил олаётганлар ҳам, таълим муассасалари ҳам виртуал стендлардан фойдаланишдан манфаат кўрадилар.

Уларнинг жорий қилиниши натижасида, анъанавий таълимга қиёслаганда, мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим жараёнининг янада

юқори сифати таъминланади. Бунга автоматлаштирилган ўқитувчи (педагог) ва тест ўтказувчи, тизимлар, тест топшириқлари ва ўз-ўзини текшириш учун саволларни ўз ичига олган ихтисослашган ўқув-услубий қўлланмалардан фойдаланиш, ўқув жараёнининг услубий негизини тезкор янгилаш ҳисобига эришилади. Биз ўқитишнинг ташкилий шакллари, замонавий ахборот технологиялари ҳамда турли таълим масканларининг ўқув имконига эга бўламиз. Бу эса маълум даражада турли муассасалар мутахассислари дипломлари қадри тенг бўлишини таъминлайди.

Демак, таълим жараёнида виртуал стендлардан самарали фойдаланиш таълим сифатини оширибгина қолмай, балки улкан молия заҳираларини тежашга имкон беради ҳамда хавфсиз, экологик тоза муҳитни яратади. Виртуал стендлар жорий этилиши таълим, ишлаб чиқариш, бошқа давлат муассасаларининг умумий ёндашувини талаб қилади. Виртуал ўқитиш стендларини, айниқса қимматбаҳо жиҳозни харид қилишдан олдин диққат билан ўрганиб чиқиш зарур. Бу ходимларни маҳаллий шароитда ўқитишга, таълим олувчиларни хориж мамлакатларига гуруҳ-гуруҳ бўлиб жўнашини олдини олишга имкон яратади.

Шундай қилиб, таълим жараёнига ўқитиш воситаларининг жорий этилиши қуйидагиларга олиб келади:

- таълим жараёнини, ўқувчи-талабаларнинг аниқ тайёргарлик даражасини, қобилиятларини, янги материални ўзлаштириш суръатини, қизиқиш ва майлларини ҳисобга олиб кўпроқ индивидуал равишда ёрдам бериш;
- ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятларини кучайтириш, уларнинг ўзини ўзи такомиллаштириш, таълим ва касбга қизиқишларини шаклланишига интилишларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;
- таълим жараёнида фанлараро алоқаларни кучайтириш, борлиқ ҳодисаларини комплекс ўрганиш;
- таълим жараёнининг мослашувчанлиги, омилкорлиги, ташкил топиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш ҳисобига уни доимий ва динамик янгилаш;
- барча таълим муассасаларида ўқитишнинг муаммоли ва компьютер воситаларидан ҳамда виртуал стендлардан фойдаланиш;
- таълим жараёнининг технологик базасини ҳозирги замон техник воситаларини жорий этиш йўли билан такомиллаштириш.

12.3. Ўқитиш воситаларининг ривожланиш истиқболлари

Инсон фаолиятининг турли соҳасида ахборот алмашиш, муаммони жамоа бўлиб муҳокама қилиш натижасида янги натижаларни олиш зарурияти конференция, семинарлар, йиғинлар каби мулоқот шакллари келтириб чиқарди. Ҳозирда бирор бир жиддий ишни оралиқ натижалар, якунлар, вариантлар, қарорлар вариантлари, оппонентларни тинглаш ва тегишли қарорлар қабул қилишнинг турли даражаларида ҳал қилмасдан амалга ошириб бўлмайди.

Ахборотни узатиш ва қайта қабул қилишнинг рақамли техникаси имконияти телеконференция — янги техник даражада телефон ва телевидениенинг бирга қўшилгани — телеконференцияни ташкил этиш имкониятини беради. Телеконференцияни ўтказиш технологияси бир пайтнинг ўзида турли муассасаларнинг турли масофадаги кишилари билан биргаликда мулоқот қилиш имконини яратади. Иштирокчилар бунда нафақат бир-бирини кўриш ва эшитиш билан бирга ёнма-ён, юзма-юз тургандек шароитга эга бўладилар.

Телеконференциянинг асосий афзалликлари қуйидагилар:

1. Долзарб масалалар муҳокамасини тезкор ташкил этиш ва ҳудудий жиҳатдан узоқда бўлган, бу масалага қизиққан ўртоқларни ўз вақтида хабардор қилиб қўйиш. Бу ҳолатда бирор жойга боришга ва транспорт харажатларига зарурият қолмайди. Мутахассис ўз иш жойидан узоқ вақт кетмайди.

2. Муҳокама қилиш учун иштирок этувчи ташкилотлардан биридаги ҳар қандай материалдан — жадвал, диаграмма, матндан фойдаланиш мумкин. Баъзан айрим ҳисоб китоблар қилиш ёки модел вазиятларни қайтариш керак бўлиб қолади. Буларнинг барини телеконференция учун фойдаланиладиган техника ёрдамида бажариш мумкин.

3. Телеконференция аппаратуралари мавжуд бўлганда, муҳокама этиладиган муаммо бўйича қарор қабул қилиш учун қатнашиши зарур мутахассислар доирасини кенгайтириш мумкин. Анъанавий усуллар орқали эса ишни амалга ошириш мушкул.

4. Телеконференция пайтида маълумотлар базаси билан алоқа бўлганда деярли ҳар қандай маълумотнома ахборотидан фойдаланиш ва у билан бутун телеконференция иштирокчиларни таништириш мумкин бўлади.

Телеконференция факсимиль алоқа, телевизион камера, видео магнитофон, компьютер, модем, дисплей, акустик аппаратура каби турли хил қурилмаларни жалбэтишни талаб қилади.

Одатда видеоконференция ўтказиш учун махсус зал ажратилади ва шу ерга телевизион ва акустик аппаратура, бошқа техникалар жойлаштирилади. Шу ерга алоқа линияси ўтказилади. Бинога катта телевизион экран ўрнатилади.

Телекоммуникация тизимлари янги педагогик ва ахборот ҳамда турли соҳалардаги касбий билимларни энг қисқа вақтда узатиш имкониятини беради. Ахборот технологияларини ривожланиши, ўқитишнинг яна бир йўналишини яъни, - медиа ўқитишни вужудга келтиради. Бунда таълим олувчилар турли хил оммавий ахборот воситаларини (газета, журнал, ТВ, кино, радио, видео ва бошқа) эгаллаб олишга тайёрлаш йўналишида олиб борилади. Ёш болалар учун аниқ тушунчаларни ва сенсор тарбияни ривожлантириш, таълимни баҳолаш тажрибаларини ривожлантириш, таълим жараёнини режалаштиришни ижобий аҳамиятга эга эканлиги.

Фан ва техниканинг ривожи ҳам илмий билимларнинг ҳажмига ва характерига таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси эса ўз навбатида таълим тизимида ўз аксини топади. Таълим тизими ҳар бир жамиятнинг ривожланиш асоси бўлиб хизмат қилади. Чунки айнан таълим тизими жамиятнинг ҳар бир аъзосини маънавий, илмий дунёқарашини шаклланишида энг асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам барча тарихий юксалиш, янгиланиш босқичларида айнан таълим тизимини ислоҳ қилиш муҳим ўрин тутган. Таълим тизими ҳар бир жамиятнинг ривожланиш даражасидан ҳамда шу жамиятнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда шаклланади.

Ўсиб келаётган ёш авлод таълими жараёнида:

- * Зарур билимлар билан қуроллантирилади.
- * Керакли малакаларга эга бўлади.
- * Кўникмалар ҳосил қилади.

Ўқув жараёнида таълим олувчилар ва педагоглар ўртасида ўзига хос муносабатлар ўргатилиб бу жараён икки томоннинг биргаликдаги фаолияти натижасида боради. Шунинг учун ҳам таълим жараёни икки томонлама характерга эга дейилади. Педагоглар ва талабаларнинг фаоллик даражаси таълим жараёнининг самарасини белгилайди. Албатта бу жараёнда педагог йўналтирувчи сифатида майдонга чиқади. Педагог аниқ мақсадни кўзлаб режа ва дастур асосида билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради. Талабалар эса уларни фаол ўзлаштириб олишлари керак. Таълим жараёнида педагог ўргатиш, билим, малака, кўникма ҳосил қилиш вазифасини бажарса, талабалар ўзлаштириш жараёнини ўз бошидан кечирадилар.

Бу мураккаб психик жараён бўлиб, сезги, идрок, тасаввур, тафаккур кабилар иштирокида боради. Ўқиш талабаларнинг ўзлаштириш, билиш қобилиятлари, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларини ҳосил қилиш жараёнидир. Бу пассив томошабинлик жараёни эмас, балки талабага номаълум бўлган ҳақиқатларни очиб берадиган фаол, ижодий фаолият жараёнидир.

Таълимнинг асосий вазифаларидан бири инсоният ҳозиргача эришган илмий билимлар ва фан техниканинг ютуқлари билан ёш авлодни қуроллантиришдир. Ёш авлодда шундай билимлар тизимини яратиш лозимки, бу билимлар уларнинг кейинги ривожини учун асос бўлиб хизмат қилсин. Ҳозирги кунда билимлар ҳажми, ахборотлар ҳажми тобора ошиб бораётган бир даврда таълим тизими талабаларга беришили керак бўлган билимлар, малака ва кўникмалар ҳажминини белгилаш ҳамда бу жараёнда қайси омилларни ҳисобга олиш керак деган масалаларни ечимини топиш устида бош қотирмоқда. Зарурий билимлар ҳажминини белгилаш ва шу билан бир қаторда ўқиш муддатини аниқлаш энг муҳим масалалардан бири. Таълим жараёнида бирор фан соҳасидаги инсоният томонидан эришилган ҳамма нарсаларни ўрганиш керак деб ўйлаш мутлақо нотўғри бўлар эди. Ўқув жараёнида энг асосий, энг муҳим билимлар-фанларнинг асослари ўрганилади. Аммо, шунга қарамай ҳозирда ўрганиш зарур бўлган янги-янги фанларнинг тармоқлари (экология, ЭҲМ, оила психологияси, иқтисод асослари, маънавият асослари) вужудга келмоқдаки улар таълим ҳажминини бениҳоя кенгайтишига сабаб бўлмоқда. Бундай муаммолар ҳозирда деярли барча давлатларда мавжуд ва ҳар бир давлат бу муаммоларни ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Биз бу муаммоларни таълим тамойилларини (принципларини) бузмаган ҳолда, ёш авлоднинг соғлиғига зиён етказмаган ҳолда ечимини топишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Педагогик жараён – бу ўқитувчи ва талаба билимларини, кўникма ва малакаларини амалиётда қўллашни ўз ичига қамраб олади. Касб таълими жараёнида мазмун, ўқиш, ўқитиш, тарбиялаш асосий боғловчи компонентдир.

Таълим билиш фаолиятининг тури сифатида педагогика фанида бир неча асосий маънони англатади. Яъни бу: талабаларда билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш: уларда дунёқараш, фикр ва эътиқодларни шакллантириш; ўқувчиларнинг муайян даражада ўқимишли, маданиятли, тарбияли чин инсон бўлишига эришиш; уларнинг қобилиятларини ўстиришдан иборатдир.

Таълим– инсоният тажрибасининг маълум томонларини яъни, талабалар ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги талабларига мувофиқ даражада билим ва тарбияга эга бўлишларини таъминлайдиган фаолиятдир.

Демак, педагогик таълим жараёнининг мазмунини билим, кўникма ва малакалар ташкил қилади. Талабалар ўқиш орқали билим билан қуролланадилар. Бунда билимнинг ўзи кифоя қилмайди. Уни ҳаётда кўп унум берадиган қилиб қўллай олиш лозим. Бунинг учун эса талабада кўникма ва малака ҳосил қилиш лозим.

Кўникма – машқ қилиш натижасида бериладиган ҳаракатлар йиғиндиси. Икtidор ва кўникма машқ қилиш ва такрорлаш орқали малакага айланади.

Билим асосида кўникма ва малака ҳосил қилинади. Билим баҳсда керак бўлса, кўникма меҳнатда, дунёни ўзлаштиришда зарур бўлади. Шу жиҳатдан Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, касб-хунар коллежларида ва мактабларда баҳслар, беллашувлар, ўткир зехнлилар мушоираси, қувноқлар ва зукколар беллашувини ташкил этиш фойдалидир.

Таълим олувчининг характери ва фаоллиги ривожланган ҳолда унинг даражалари турличадир. Аммо шу билан бирга таълим олувчилар пассив бўлса, ўқитиш жараёнини амалга ошириб бўлмайди.

*Таълим олувчининг илм қабул қилиши фаоллиги унинг шахс сифатида шакллантиришига ҳам таъсир кўрсатади. Таълим олувчида ўз-ўзига, меҳнатига, бошқа шахсларга, жамиятга, ишлаб чиқаришга, атороф-муҳитга муносабати шаклланиб боради.

*Педагогик жараённинг муҳим специфик шароитлари. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг муҳим специфик шартларидан бири бу амалий ўқитишдир. Бу унинг муҳим ташкил этувчи компоненти. Ўқитиш жараёни амалиётдан тубдан фарқ қилади, чунки ишлаб чиқаришдаги ўқитиш услубининг асосий мақсади, бу таълим олувчини маълум бир касбга йўналтириш ва шакллантиришдир.

Педагог ва таълим олувчи орасидаги ўзаро бирлик ва алоқадорлик ҳақида гапирганда бошқарувчи ва ўргатувчи шахс бу ўқитувчи эканлигини унутмаслик керак. Фақат педагог таълим олувчига билим бера олиши, шахс сифатида шакллантира олиши ва ўз таъсирини кўрсата олиши мумкин.

12.4.Ривожлантириш босқичларининг таълим жараёнига боғлиқлиги. Фаолият турлари. Жисмоний ва ақлий ҳаракатлар

Ҳар қандай фаолият реал шарт-шароитларда, турли усулларда ва турлича кўринишларда намоён бўлади. Қилинаётган ҳар бир ҳаракат маълум нарсага - предметга қаратилгани учун ҳам, фаолият предметли ҳаракатлар мажмуи сифатида тасаввур қилинади. Предметли ҳаракатлар ташқи оламдаги предметлар хусусиятлари ва сифатини ўзгартиришга қаратилган бўлади. Масалан, маърузани конспект қилаётган талабанинг предметли ҳаракати ёзувга қаратилган бўлиб, у аввало ўша дафтардаги ёзувлар сони ва сифатида ўзгаришлар қилиш орқали, билимлар захирасини бойитаётган бўлади. Фаолиятнинг ва уни ташкил этувчи предметли ҳаракатларнинг айнан нималарга йўналтирилганига қараб, аввало ташқи ва ички фаолият фарқланади. Ташқи фаолият шахсни ўраб турган ташқи муҳит ва ундаги нарса ва ҳодисаларни ўзгартиришга қаратилган фаолият бўлса, ички фаолият - биринчи навбатда ақлий фаолият бўлиб, у соф психологик жараёнларнинг кечишидан келиб чиқади. Келиб чиқиши нуқтаи назаридан ички - ақлий, психик фаолият ташқи предметли фаолиятдан келиб чиқади. Дастлаб, предметли ташқи фаолият рўй беради, тажриба орттириб борилган сари, секин-аста бу ҳаракатлар ички ақлий жараёнларга айланиб боради. Буни нутқ фаолияти мисолида оладиган бўлсак, бола дастлабки сўзларни каттиқ товуш билан ташқи нутқида ифода этади, кейинчалик ичида ўзича гапиришга ўрганиб, ўйлайдиган, мулоҳаза юритадиган, ўз олдига мақсад ва режалар қўядиган бўлиб боради.

Ҳар қандай шароитда ҳам барча ҳаракатлар, ҳам ички-психологик, ҳам ташқи - мувофиқлик нуқтаи назаридан онг томонидан бошқарилиб боради, ҳар қандай фаолият таркибида ҳам ақлий, ҳам жисмоний ва мотор ҳаракатлар мужассам бўлади. Масалан, фикрлаётган донишмандни кузатганмисиз? Агар ўйланаётган одамни зийраклик билан кузатсангиз, ундаги етакчи фаолият ақлий бўлгани билан унинг пешоналари, кўзлари, хаттоки, тана ва қўл ҳаракатлари жуда муҳим ва жиддий фикр хусусида бир тўхтамга келолмаётганидан, ёки янги фикрни топиб, ундан мамнуният ҳис қилаётганлигидан дарак беради. Бир қарашда ташқи элементар ишни амалга ошираётган, мисол учун, узум кўчатини ортиқча барглардан халос этаётган боғбон ҳаракатлари ҳам ақлий компонентлардан холи эмас, у қайси баргнинг ва нима учун ортиқча эканлигидан англаб, билиб туриб олиб ташлайди.

Ақлий ҳаракатлар-шахснинг онгли тарзда, ички психологик механизмлар воситасида амалга оширадиган турли-туман ҳаракатларидир. Экспериментал тарзда шу нарса исбот қилинганки, бундай ҳаракатлар доимо мотор ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. Бундай ҳаракатлар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- * перцептив – яъни, булар шундай ҳаракатларки, уларнинг оқибатида атрофдаги предметлар ва ходисалар тўғрисида яхлит образ шаклланади;
- * мнемик фаолият-нарса ва ходисаларнинг моҳияти ва мазмунига алоқадор материалнинг эслаб қолиниши, эсга туширилиши, ҳамда эсда сақлаб турилиши билан боғлиқ мураккаб фаолият тури;
- * фикрлаш фаолияти - ақл, фаҳм - фаросат воситасида турли хил муаммолар, масалалар ва жумбоқларни ечишга қаратилган фаолият;
- * имажитив - (“image” -образ сўзидан олинган) фаолияти шундайки, у ижодий жараёнларда ҳаёл ва фантазия воситасида ҳозир бевосита онгда берилмаган нарсаларнинг хусусиятларини англаш ва ҳаёлда тиклашни тақозо этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар қандай фаолият ҳам ташқи ҳаракатлар асосида шаклланади ва мотор компонентлардан иборат бўлиши мумкин. Агар ташқи фаолият асосида психик жараёнларга ўтиш рўй берган бўлса, бундай жараённи психологияда интериоризация деб аталади, аксинча, ақлда шаклланган ғояларни бевосита ташқи ҳаракатларда ёки ташқи фаолиятга кўчирилиши экстериоризация деб юритилади.

Фаолият турлари яна онгнинг бевосита иштироки даражасига кўра ҳам фарқланади. Масалан, шундай бўлиши мумкинки, айрим ҳаракатлар бошида ҳар бир элементни жиддий равишда, алоҳида-алоҳида бажаришни ва бунга бутун диққат ва онгнинг йўналишини талаб қилади. Лекин вақт ўтгач, бора-бора унда онгнинг иштироки камайиб, кўпгина қисмлар автоматлашиб боради. Бу оддий тилга ўгирилганда, малака ҳосил бўлди дейилади. Масалан, ҳар биримиз шу тарзда хат ёзишга ўрганганмиз. Агар малакаларимиз қатъий тарзда биздаги билимларга таянса, фаолиятнинг мақсади ва талабларига кўра ҳаракатларни муваффақиятли бажаришни таъминласа, биз буни кўникмалар деб атаймиз. Кўникмалар - доимо биздаги аниқ билимларга таянади. Масалан, кўникма ва малакалар ўзаро боғлиқ бўлади, шунинг учун, ҳам ўқув фаолияти жараёнида шаклланадиган барча кўникмалар ва малакалар шахснинг муваффақиятли ўқишини таъминлайди. Иккаласи ҳам машқлар ва қайтаришлар воситасида мустаҳкамланади.

Агар, фақат малакани оладиган бўлсак, унинг шаклланиш йўллари куйидагича бўлиши мумкин:

*оддий намоёиш этиш йўли билан;

*тушунтириш йўли билан;

*кўрсатиш билан тушунтиришни уйғунлаштириш йўли билан.

Ҳаётда кўникма ва малакаларнинг аҳамияти катта. Улар бизнинг жисмоний ва ақлий уринишларимизни енгиллаштиради ва ўқишда, меҳнатда, спорт соҳасида ва ижодиётда муваффақиятларга эришишимизни таъминлайди. Фаолиятни классификация қилиш ва турларга бўлишнинг яна бир кенг тарқалган усули - бу барча инсонларга хос бўлган асосий фаоллик турлари бўйича табақалашдир. Бу - мулоқот, ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятларидир.

Мулоқот - шахс индивидуал ривожланиши жараёнида намоён бўладиган бирламчи фаолият турларидан бири. Бу фаолият инсондаги кучли эҳтиёжлардан бири - инсон бўлиш, одамларга ўхшаб гапириш, уларни тушуниш, севиш, ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиришга қаратилган эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шахс ўз тараққиётини айнан шу фаолият турини эгаллашдан бошлайди ва нутқи орқали (вербал) ва нутқсиз воситалар (новербал) ёрдамида бошқа фаолият турларини мукаммал эгаллашга замин яратади.

Ўйин - шундай фаолият турики, у бевосита бирор моддий ёки маънавий неъматлар яратишни назарда тутмайди, лекин унинг жараёнида жамиятдаги мураккаб ва хилма-хил фаолият нормалари, ҳаракатларнинг символик андозалари бола томонидан ўзлаштирилади. Бола токи ўйнамагунча, катталар хатти-ҳаракатларининг маъно ва моҳиятини англаб етолмайди.

Ўқиш фаолияти ҳам шахс камолотида катта роль ўйнайди ва маъно касб этади. Бу шундай фаоллики, унинг жараёнида билимлар, малака ва турли кўникмалар ўзлаштирилади.

Меҳнат қилиш ҳам энг табиий эҳтиёжларга асосланган фаолият бўлиб, унинг мақсади албатта бирор моддий ёки маънавий неъматларни яратиш, жамият тараққиётига ҳисса қўшишдир.

Ҳар қандай касбни эгаллаш, нафақат эгаллаш, балки уни маҳорат билан амалга оширишда фаолиятнинг барча қонуниятлари ва механизмлари амал қилади. Оддийгина бирор касб малакасини эгаллаш учун ҳам унга алоқадор бўлган маълумотларни эслаб қолиш ва керак бўлганда яна эсга тушириш орқали уни бажариш бўлмай, балки ҳам ички (психик), ҳам ташқи (предметга йўналтирилган) ҳаракатларни онгли тарзда бажариш билан боғлиқ мураккаб жараёнлар ётишини унутмаслик керак.

Лекин, ҳар бир шахсни у ёки бу фаолият тури билан шуғулланишига мажбур қилган психологик омиллар, сабаблар муҳим бўлиб, бу фаолият мотивларидир. Жамият билан доимий муносабатни ушлаб турувчи, ўз-ўзини англаб, ҳар бир ҳаракатини мувофиқлаштирувчи шахсга хос бўлган энг муҳим ва умумий хусусият – унинг фаоллигидир. Фаоллик лотинча ҳаракат ва фаол сўзларидан келиб чиққан бўлиб, шахснинг ҳаётдаги барча хатти-ҳаракатларини намоён этишини тушунтирувчи категориядир. Психологияда шахс, унинг онги ва ўз-ўзини англаши муаммолари унинг фаоллиги, у ёки бу фаолият турларида иштироки ва уни уддалашига алоқадор сифатлари орқали баён этилади.

Фанда инсон фаоллигининг асосан икки тури фарқланади:

Ташқи фаоллик – бу ташқаридан ва ўз ички истак-хоҳишларимиз таъсирида бевосита кўриш, қайд қилиш мумкин бўлган ҳаракатларимиз, мушакларимизнинг ҳаракатлари орқали намоён бўладиган фаоллик.

Ички фаоллик – бу бир томондан у ёки бу фаолиятни бажариш мобайнидаги физиологик жараёнлар (моддалар алмашинуви, қон айланиши, нафас олиш, босим ўзгариши) ҳамда иккинчи томондан, бевосита психик жараёнлар яъни, аслида кўринмайдиган, лекин фаолият кечишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўз ичига олади.

Инсон фаоллиги “ҳаракат”, “фаолият”, “хулқ” тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс ва унинг онги масаласига бориб тақалади. Шахс айнан турли фаолликлар жараёнида шаклланади, ўзлигини намоён қилади. Фаоллик ёки инсон фаолияти пассив жараён бўлмай, у онгли равишда бошқариладиган фаол жараёндир. Инсон фаоллигини мужассамлаштирувчи ҳаракатлар жараёни фаолият деб юритилади. Яъни, фаолият инсон онги ва тафаккури билан бошқариладиган, ундаги турли туман эҳтиёжлардан келиб чиқадиган ҳамда ташқи оламни ва ўз-ўзини ўзгартириш ва такомиллаштиришга қаратилган ўзига хос фаоллик шаклидир.

**Ривожлантириш босқичларининг таълим жараёнига боғлиқлиги
(масалан, диққатнинг чегараланганлиги, жисмоний фаоллик, кичик
ёшдаги ўқувчилар учун ҳаракат ўқувчиларнинг ҳаётӣ мақсадлари)**

Диққат турлича сифат кўринишлари билан таърифланади. Диққатнинг бу кўринишларини диққатнинг сифати ёки *диққатнинг хусусиятлари* деб аталади. Диққатнинг барқарорлиги, кўчиши, тақсимланиши ва кўлами шулар жумласига киради. Диққатнинг ҳар хил сифатлари бир-бирларига боғлангандир. Барқарорлик-диққатнинг замон ичидаги таърифидир. У жадал диққатни сақлаб туришнинг давомийлиги билан белгиланади. Фаолият нисбатан узоқ вақт мобайнида юксак унумлилиги барқарорлик кўрсаткичи ҳисобланади. Шундай қилиб, диққатнинг барқарорлиги унинг давомийлиги билан ҳам, у юз берган бутун вақт мобайнида қаратилганлиги даражаси билан ҳам белгиланади.

Диққатнинг барқарорлиги диққат қаратиладиган объектларнинг хусусиятларига ва диққати йўналтирилган шахснинг фаоллигига боғлиқ бўлади. Диққат жалб қилинадиган объектларнинг ўзгарувчанлиги, ҳаракатчанлиги диққатни узоқ вақт мобайнида жалб этишнинг муҳим шартларидандир. Агар объектнинг ўзи ўзгармайдиган бўлса ва агар уни турли жиҳатдан ўрганиб бўлмаса, у холда бундай объектларга узоқ вақт мобайнида диққатни жалб қилиб туриш ўта мушкулдир. Барча бир хиллик диққатни сусайтриб қўяди.

Объект мураккаблашиб боргани сари диққатнинг барқарорлиги орта боради. Мураккаб объектлар фаол фикрлаш фаолиятини тақозо этади. Диққатнинг жалб этишнинг давомийлиги ҳам шунга боғлиқдир. Лекин бу мураккаблик мақбул даражада бўлиши керак, акс холда диққатнинг жалб этилиши кишини тез толиқтириб қўйиши ва унинг диққати сусайиб қолиши мумкин. Фаолиятга қизиқиш қанчалик кучли бўлса, кишини ўзига қанчалик кўп жалб этса, диққатнинг қаратилиши ҳам шунча узоқ ва жадал давом этади. Киши бажарилаётган ишнинг муҳимлигини, аҳамиятини англаб етган тақдирда диққат ғоят барқарор бўлиши мумкин. Шунинг учун билишга оид барқарор қизиқишларни шакллантириш – ўқувчиларнинг таҳлимдаги синчковликларини оширишнинг, ўқув жараёнини муваффақиятлилигини муҳим шартларидан биридир.

Диққатнинг барқарорлигини сақлашда шахснинг фаоллиги катта аҳамиятга эгадир. Фаоллик объектлар билан юз берадиган ташқи ифодага эга бўлган амалий ҳаракатларда намоён бўлиши мумкин. Диққат жалб этиладиган объектларнинг анча тўлароқ акс эттирилишини тақозо

киладиган турли хилдаги перцептив ва тафаккурга оид вазифаларни хал этиш билан боғлиқ ички фаоллик ҳам муҳим рол уйнайди.

Диққатнинг барқарорлиги унинг статиклик дегани эмас. Диққатнинг барқарорлиги унинг ҳаракатчанлик хусусиятлари билан узвий боғлиқдир.

Диққатнинг кўчиши субъектнинг бир фаолиятдан иккинчи бир фаолиятга, бир объектдан иккинчи объектга, бир ҳаракатдан иккинчи бир ҳаракатга атайлаб ўтишида намоён бўлади. Диққатнинг кўчиши ё онгли равишдаги хулк-атворга, фаолиятнинг талабларига, ёки ўзгариб кетаётган шарт-шароитларга мувофиқ тарзда янги фаолиятга киришиш заруратига боғлиқ бўлади ёки дам олиш мақсадида амалга оширилади. Объектлар ва жараёнлар ўзгариб, фаолият эса узоқ вақт давомида ўзгармасдан қолган ҳолларда диққатнинг барқарорлиги доирасида унинг кўчиши юз беради. Бундай кўчиш узоқ вақт давом этадиган иш пайтида чарчашнинг олдини олади ва шу билан диққатнинг барқарорлигини оширади. Лекин, бу тез-тез такрорланавермаслиги лозим, акс ҳолда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Диққатнинг кўчишида қатор кўрсаткичлар алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бу энг аввало, битта фаолият ёки жараёнлардан бошқа бирига ўтиш учун сарф бўладиган вақт, ишнинг унумдорлиги ёки махсулдорлиги; ишнинг сифати, аниқлиги бўлиши мумкин. Диққатнинг чала кўчирилиши натижасида унинг йўналишидаги ўзгариш диққатнинг янги фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш, янги вазифани бажариш учун зарур бўладиган даражада жамланишининг юз беришига олиб келмайди. Диққатнинг чала кўчишида олдинги фаолиятнинг тормозловчи таҳсири бўлиши мумкин. Диққатни кўчиришнинг тезлиги унинг тугалланмаганлиги билан уйғунлашиб кетган ҳолларда янги фаолият, янги вазифалар ва талабларга бўйсундирилиши шарт.

Диққатнинг кўчирилишида анчагина индивидуал фарқлар мавжуддир. Баҳзи одамлар бир фаолиятни қўйиб, иккинчисини бажаришга тез ва осонгина киришиб кетса, бошқаларига бундай тарзда ўтиш учун узоқ вақт ва анчагина куч-ғайрат сарфлашга тўғри келади. Диққатни кўчиришнинг индивидуал ўзига хос хусусиятлари нерв жараёнлари ўзгарувчанлиги хусусиятлари билан боғлиқ, деб тахмин қилинади. Шу билан бирга машқ қилиш йўли билан ҳам диққатни кўчириш кўрсаткичлари оширилиши мумкин. Диққатнинг кўчиши ўқув жараёнида ҳам катта аҳамиятга эга. Ўқувчилар диққатини кўчиришнинг зарурлиги ўқув жараёнининг ўзи қандай олиб борилаётганлиги хусусиятларидан келиб чиқади. Диққатнинг оқилона кўчирилиши ақлий меҳнат гигиенаси нуктаи-назаридан ҳам муҳим

аҳамиятга эга ва ишга лаёқатлиликини тегишли даражада сақлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Диққатнинг хусусиятлари қаторига айтиб бериш вақтнинг ўзида аниқ-равшан идрок этиладиган объектлар сони билан белгиланадиган кўлами ҳам киради. Кўплаб содда объектлар (ҳарфлар, шакллар ва ҳоказолар) 0,07 - 0,1 секунд вақт оралиғида идрок этилган тақдирда катта ёшдаги кишида диққатнинг кўлами ўртача 5–7 элементга тенг бўлиши аниқланган. Диққатнинг кўлами идрок этиладиган объектларнинг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Жумладан, англанган матн тақдим этилганда 14 ҳарфли сўзлар осонгина илғаб олинади. Шу билан бирга идрок этувчи субъект объектни умуман илғаб олар экан шунинг учун ҳам ундаги хатоларни пайқамаслиги мумкин. Кичик ёшдаги ўқувчилар диққатининг кўлами жуда ҳам чекланган бўлади ёш улгайган сари у кенгая боради. Идрок этилаётган материални мазмунига кўра гуруҳларга ажрата билиш, бирлаштира олиш, системага сола билиш малакаларининг шаклланиши диққатнинг кўламини кенгайтиришнинг асосий шarti ҳисобланади.

Айрим тадқиқотчилар диққатнинг доимийлигини соф биологик ритмлар билан чеклашга интиланлар. Улар «диққатнинг тебраниши» деб аталмиш хусусиятини диққатнинг биологик ритмига киритганлар. Диққатнинг тебраниш хусусияти, одатда, билинар-билинемас кўзгатувчилар орқали ўрганилган. Маълум бўлишича, агар жуда кучсиз, зўрға эшитиладиган овозга қулоқ соладиган бўлсак, масалан, соатнинг чиқиллашига қулоқ соладиган бўлсак, диққатимиз жиддий қаратилган бўлишига қарамай, бу овоз баозан пайқалади, баъзан эса пайқамайди. Бир-бирига яқин бўлган ёруғлик фарқини ажратишда ҳам худди шундай ҳодиса рўй беради. Диққатнинг бундай тебраниш даврлари ҳисоблаб чиқилган. Маълум бўлишича, диққат тебранишининг давомийлиги 1,5 секунддан 2,5 секундгача етади, бир қадар барқарор характерга эга бўлади. Бу ҳол диққат тебранишининг асосини биологик процесслар ритми ташкил этишини кўрсатувчи бир далил бўлади. Диққатнинг салбий жиҳатларидан бири паришонхотирликдир. Паришонхотирлик диққатни узоқ вақт давомида жадал бир нарсага қаратишга лаёқатсизликда, диққатнинг осонгина ва тез-тез бўлиниб туришида намоён бўлиши мумкин. Паришонхотирликнинг бу кўриниши кўпинча иш қобилиятини сусайиб кетишини ва ҳулқ-атвордаги уюшмаганлиқнинг сабабларидан бири ҳисобланади.

Паришонхотирлик сабаблари ҳар хилдир. Паришонхотирлик шахснинг барқарор ҳислати сифатида ихтиёрий диққатнинг сустлиги кўрсаткичи ҳисобланади ва нотўғри тарбия натижаси (боланинг эркалатиб юборилиши,

жазоланмасдан қолиши, таассуротларнинг ҳар хиллигига одатланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин. Бу хилдаги паришонхотирликка қарши, аввало шахсда иродали фазилатларни шакллантириш йўли билан кураш олиб бориш керак. Доимий паришонхотирликни бола саломатлигининг яхши эмаслиги, нерв системасининг умуман бузилганлиги билан изохлаш мумкин. Паришонхотирлик хаддан ташқари, хиссий хаяжонланиш ёхуд чарчаш оқибати сифатида қисқа муддатли бўлиши ҳам мумкин. Сўнгги ҳолатда у кўпинча ўқиш куни ва ҳафтасининг охирида намоён бўлади. Педагогик иш тажрибасида диққатни тарбиялаш мақсадида паришонхотирликнинг барча сабаблари ва хусусиятлари инobatга олиниши шарт

Билимларнинг бир-бири билан боғлиқлиги учун таълим ғояларининг йўналишлари, битта аудиторияда талабалар билиш даражасининг турлилиги.

Турли даражада фикрлаш.

Маълумки, билиш фаолиятининг субъекти ўқувчи саналади. Шу боис ижтимоий-педагогик асосларга эга бўлган марказида унинг шахси, онги, ҳам ўрганлаётган оламга, ҳам билиш фаолиятидаги ҳамкорлиги, ўқувчилар ва унинг таълим олишини ташкил этувчи ва йўналтирувчи ўқитувчилар муносабати ётади. Таълимда ўқувчиларнинг фаолияти ҳақида гап борганда ўқувчининг билиш фаоллиги тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Ўқувчининг билиш фаоллиги унинг билиш жараёнидаги интеллектуал мулоҳазасида, мутахассислик фанлари бўйича умумий ва алоҳида топшириқларни бажаришида намоён бўлади. Бу хусусиятлар ўқувчиларнинг фақатгина юқори даражадаги билим олишини кафолатлаб қолмай, балки унинг ҳаётий фаолияти яъни, ўқувчи шахсининг шаклланиши, унинг амалиётга, ҳаётга бўлган фаол муносабати учун характерлидир. Шу сабабли билиш фаоллигини ошириш инсоннинг фаол ҳаётий қарашларини шакллантириш деб бемалол айтиш мумкин. Битта синфда талабалар билиш даражаси турлича бўлади.

12.5.Ўқувчилар билиш фаолиятининг хусусиятлари

Ўқувчилар билиш фаолиятининг яна бир фарқли хусусияти унинг кечиш характери дир. Ўқувчининг жалб этилаётган таълим жараёни турлича кечиши; субъект (ўқувчи) кучи фаоллиги, мустақиллиги, турлича сарф этилиши билан бориши мумкин. Айрим ҳолларда унинг жараёни тақлидий репродуктив, бошқаларда изланиши, учинчиларида ижодий характерга эга бўлиши мумкин. Ўқувчининг билиши худди етук билиш йўли каби ўқитувчи томонидан фандаги фактлар, илмий кашфиётларни ўрганиш уларнинг тарихий йўлини ўзлаштириш ёрдамида кечади.

Инсониятнинг умумлаштирилган билимлари тизими таълим давомида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади ва улар илмий ҳақиқат ташувчиларига айланади. Ўқувчиларнинг таълим муассасасидаги билиш фаолиятининг характери шундаки, унинг натижаси ҳамма вақт ҳам моддийлашган маҳсулга эга эмас ва ўқувчининг ўзи ҳамма вақт ҳам ҳис этмайди—жавоби учун ёмон баҳо олган ўқувчининг хафа бўлиб, “мен ўқидим, ўргандим! Адолатдан эмас” деган фикрини қатъий такрорлаши бежиз эмас.

Ўқувчиларнинг билишга қизиқиши мотив сифатида ривожланиши ўзига хос узоқ йўлга эга бўлиши мумкин. Билишга қизиқишнинг ижтимоий мотивлар билан ўзаро алоқаси жиддий бўлиб, улар орасида ўқитувчи ва ўқувчилар билан мулоқот алоҳида рол ўйнайди. Ижтимоий мотивлар кенг, узоқлашган, истиқболли, уларнинг ифодаси таълимнинг бошланғич давридаёқ пайдо бўлади.

Талабаларни танқидий фикрлашга ўргатиш (масалан, кичик ёшдаги боларнинг ўйин фаолиятини таълим билан боғлаб олиб бориш, талабаларнинг таълим жараёнидаги муаммоларини биргаликда ҳал этиш, ижобий боғлиқлик ва ғояларни ҳурмат қилиш).

Ўқитишнинг интерфаол усули билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар, интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман талабаларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади.

Бу услубларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга:

- * талабаларнинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга жалб этилиши;
- * талабаларнинг ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишларини доимийлигини таъминланиши;
- * талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтирилиши;
- * педагог ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равишда ташкил этишлари киради.

Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим ёрдамида ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлаари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш, мустақил ҳамда танқидий фикрлаш, фикр-мулоҳазаларни эркин баён қилиш, ўз нуқтаи-назарларини ҳимоя қилиш, муаммоларнинг ечимини топишга уриниш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими интерфаол методларни қўллаш орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.

Танқидий фикр-қўйилган масала ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён қилиш, ўзгаларнинг фикрларини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуқтаи назарини асослаб бериш ва сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишга асослангандир.

Танқидий фикр шу билан аҳамиятлидир:

- * ҳаётнинг мураккаб ўзлаштирувчанлик маъносини тушуниб етишга ёрдам беради;
- * алоқа, тушуниш ва ҳурматларнинг икки томонлигини англатади;
- * шахснинг ривожланишига шароит яратиш ва бошқалар.
- * ўқитувчи ва ўқувчи талаба ўртасидаги ҳамда ўқувчи- талаба билан ўртасидаги ўзаро ҳурматни тарбиялайди.
- * машғулот жараёнида ўқувчи –талабанинг ўз тажрибасидан фойдаланилади.
- * маълум ўқув мазмуни ўқувчи –талабанинг талабларига мос ва аниқ тарзда фойдаланилади.
- * муаммони ҳал қилишда ўқув материалларидан фойдаланилади.

* ҳар хил фикр ва қарашлар интеграцияланади.

Танқидий фикрлаш талабаларнинг фаоллиги билан бевосита боғлиқдир. Чунки, талабалар сузташ тингловчилар бўлишади, уларда ўқитувчи билимли ёки матнда унинг бу билимлари акс этган, шу туфайли уларнинг билимларига ўқитувчи масъул, деган ишонч шаклланиб қолган. Таълим жараёнидаги талабаларнинг фаол иштироки ва таълимга ўзларининг масъул эканлигига тайёриги, танқидий фикрлашда кутилган натижани беради. Талабаларни фикр юритишга, ўз ғояси ва фикрлари билан ўзаро ўртоқлашишга даъват этиш каби педагогик ёндашув уларнинг фаоллигини ўстиради. Фикрлаш жараёни талабаларнинг бир-бири билан фикр алмашишларини кўзда тутди. Ўзаро фикр алмашишга талабаларни диққат билан тинглаш, ўзининг қарашлари тизимини сўзловчига зўрлаб ўтказиш ва бошқа сўзловчилар фикрини тузатиб туришдан ўзини тийиб туриши ҳам талаб этилади.

Талабалар учун таълим жараёнини кенгайтириш, турли ёшда фикрлаш тартиби (масалан, турли ғояларни талабаларга тушунтириш, фаол тажриба тузилиши, муаммоларга ечим топиш, талабаларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш).

ФАОЛ ТАЪЛИМ

Ҳозирги кунда илмий ва амалий педагогикада таълим методлари катта аҳамият касб этмоқда. Таълим олувчиларнинг ички ва ташқи фаоллигини ошириш учун турли хил ўйинлардан фойдаланилади. Булардан энг кўп қўлланиладигани – дидактик ўйинлардир.

Касб таълимидаги дидактик ўйинлар: «техник диктант», кичик конкурслар, «ким эпчил-у, ким чаққон», «техник курашлар», «саволлар», «техник лото», «техник домино» ва ҳоказолар.

Таълимнинг фаоллик методига семинар дарслари ҳам киради. У уч босқичдан иборат: семинар бўйича ўқитувчининг маърузаси, таълим олувчилар семинар бўйича мустақил уй вазифаларини тайёрлаб келиши ва семинарларни ўтказиши, бунда таълим олувчи тайёрлаб келган матнлари ва кўргазмали куруллардан, асбоблардан, жиҳозлардан фойдаланиб тушунтириб беради.

Касбий таълим муассасаларида амалий ишларда интерактив дарслар ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу дарсларда икки ёки бир неча фанларнинг мавзулари ўртасидаги алоқадорлик ўрганилади. М: математика ва

информатика, физика ва химия, касбий технология ва ишлаб чиқариш таълими ва бошқалар.

Таълим олувчиларнинг ўқув билиш фаолияти фаоллиги дарсдан ташқари ишларда техник кашфиётчилигини ривожлантириш орқали амалга оширилади. Дарсдан ташқари ишлар – касбий таълим устаси танловлар, илмий-амалий конференциялар, рационализаторлар ва кашфиётчилар билан учрашув, илм-фан, техник олимлар билан учрашувлар, намунали ишлар кўргазмаси, техник тўғараклар орқали амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида фаоллик методи

Ишлаб чиқариш таълимининг асосий мақсади – таълим олувчиларда аниқ бир касб, соҳа бўйича усталикни шакллантиришдир. Ишлаб чиқариш таълимида шу асосий мақсадга босқичма-босқич эришилади. Қуйида «касб устаси» тушунчасини очиқ берувчи мезон кўрсаткичлари келтирилган:

- * бажарилаётган ишнинг сифати – техник талабларни бажариш, меъёр ва кўрсаткичларга мос келиши, ижобий натижалар олиш;

- * меҳнатни ташкил қилиш – белгиланган вақтда бажариш, вақтдан унумли фойдаланиш, иш вақтида тежамкорлик;

- * касбий мустақиллик – мустақил иш турини танлашни билиш, ишлаб чиқаришнинг юқори сифатини таъминлаш, тўғри хулосалар чиқариш, ўз-ўзини бошқариш, меҳнат маданиятига амал қилиш, ишни режалаштириш, янги техника ва технология билан ишлай олиш, юқори технологик интизом, касбий билимларни ишда қўллай билиш, меҳнат фаолиятини ва иш жойини тўғри ташкил қилиш, меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.

Ўқув ишлаб чиқариш ишларида фаоллик яъни, ақлий билим катта рол ўйнайди. Фаоллик таълим олувчилар мустақиллигида ва мақсадли фаолият танлашларида ва уларни ижобий натижаларга олиб келиш, меҳнатни режалаштириш, анализ ва хатоликларга йўл қўймаслигида кўринади. Таълим олувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш таълимидаги фаоллиги – машиналарни, агрегатларни ишлатишдаги қобилияти, ички жараённи билиши ва қилинган таҳлиллар асосида мақсадли ечимларга келишларида кўринади. Ишлаб чиқариш таълимидаги «фаоллик» методига – ишлаб чиқаришдаги техник масалаларни ечиш киради: ишлов бериш, тузатиш, бошқариш меъёрини ҳисоблаш, автоматлаштирилган жихозлар учун бошқарув дастурини ишлаб чиқиш, жадвал, диаграммалардан керакли маълумотларни топиш кабилар.

Ишлаб чиқариш таълимининг «фаоллик» методига машқлар ҳам киради. Машқлар ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган масалаларни ечиш учун қўлланилади. Бундай машқлар ишлаб чиқариш ҳаётида содир бўладиган жараёнларга таълим олувчиларни тайёрлайди. Машқларни ўтказиш учун жараён ҳосил қилиш керак бўлади. М: агрегатларни сошлаш, технологик меъёрларни бузилганлиги, иш жойида бузилиш ҳолатларининг содир бўлиши кабилар.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўқув жараёнидаги назарий таълим жараёнида ўқитишнинг босқичларидан фойдаланиш учун таълим жараёнини енгиллаштириш ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни билдиринг.
2. Талабаларни танқидий фикрлашга ўргатиш ҳақида фикр ва мулоҳазаларингизни билдиринг.
3. Ишлаб чиқариш жараёнида фаоллик методига қайси методлар киради?
4. Ўқувчилар билиш фаолиятининг хусусиятларига нималар киради.

Мустақил иш топшириқлари

Ишлаб чиқариш жараёнида механизациялаштириш ва автоматлаштиришнинг ривожланиш босқичларини “Чархпалак” жадвали асосида аниқланг.

Автоматлаштиришнинг ривожланиш босқичлари ва уларнинг мазмуни	1-босқич	2-босқич	3-босқич	4-босқич	5-босқич
Бутунлай автоматлаштириш ёки ярим автоматлаштириш, махсус ёки универсал ускуналар иш жараёни					
Мосламалар ва транспортлар орасида ўзаро боғлиқликни ҳосил қилиш.					
Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ва ўлчамларини назорат қилиш учун махсус ўлчовчи ва механик бошқарувчи					
Мосламалар ва транспортлар орасида ўзаро боғлиқликни ҳосил қилиш					
Бутунлай автоматлаштириш ёки ярим автоматлаштириш, махсус ёки универсал ускуналар иш жараёни					

2-топширик

Ишлаб чиқариш турига қараб ўқитиш дастурларига доир “Тоифалаш жадвали”ни тўлдилинг.

Якка ҳолда ишлаб чиқариш	Гуруҳлаб ишлаб чиқариш	Оммавий ишлаб чиқариш

3-топширик

Ишлаб чиқариш таълимининг даврларини “Чархпалак” жадвали асосида аниқланг.

Ишлаб чиқариш таълимининг даврлари ва уларнинг мазмуни	Бошланғич давр	Тайёргарлик даври	Касбни ўзлаштириш	Назорат қилиш ва яқунлаш даври
Бу муддатнинг асосий вазифаси фақатгина олинган билим ва малакаларни мустаҳкамлаб қолмай, балки уларни замонавий мослама ва қурилмалардан фойдаланган ҳолда мукаммаллашиб боришидир. Ишлаб чиқариш илғорлари ва фахрийларининг ишларини ўрганиш, ўзлаштириб олиш таълим олувчида ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида мустақиллик ҳиссини шаклланиб боришига ёрдам беради. Таълим олувчилар меҳнат жамоаси оқимига кириб жамоада тарбияланиб шахс сифатида шаклланиб борадилар.				
Иш жараёнларини ўргангандан сўнг олинган билим ва малакаларни мукаммалашга ўтилади. Бунинг учун шундай ишлар танланадики, иш жараёнида янги ўрнатилган мавзу ва ундан олдингилари қамраб олинади. Шунда таълим олувчиларда эгалланган билим шаклланиш хусусиятлари ривожланади.				
Бу вақтда таълим олувчилар ўзларини усталарини танимайдилар, бир-бирларини ишлаб чиқариш жараёни ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмайдилар. Ўқув устаси ҳар бир таълим олувчини шахсий хусусиятларини ўрганиб, уларда иш жойини, касбни танлашга қизиқишни уйғотиб меҳнатга бўлган умумий талаблар, иш шароити билан таништиради. Уста таълим олувчиларни техник тўғаракларга қизиқтириб, ишлаб чиқариш соҳаси бўйича фахрийлар билан учрашувлар ташкил этади. Бу босқичда ташкилий ишлар кўпроқ олиб борилиб, таълим олувчилар асосан ўзаро бир-				

барлари билан ва иш жараёни билан танишадилар. Бу жараёни ишлаб чиқаришга, таълим беришга алоқаси бўлмайди ва бу давр икки ҳафта давом этади.				
Бу вақтга келиб таълим олувчилар аниқ иш турлари билан танишиб, уларни ўқув-ишлаб чиқариш, меҳнат фаолияти ишлаб чиқарувчи характерга эга бўлади. Гуруҳда уста ишонадиган ўз-ўзини бошқарувчи органлар фаолият кўрсатиб, бу вақтга келиб уста қуйидаги масалаларни ҳал қилади: иш ўрнини ташкил этиш, меҳнат хавфсизлигига риоя қилиш, ишлаб чиқаришда интизомли бўлиш, иш қуролларини асраб-авайлаш, шахсий гигиена ва санитария қоидаларига риоя қилиш ва бошқалар. Таълим олувчиларни иш жараёни техник ҳужжатларни ўрганиш, мосламаларни созлаш, иш ўрнини ишга тайёрлаш, ишлаб чиқилган маҳсулотнинг сифатини текширишдан иборат бўлиб, улар оддий иш жараёнларини ўрганиб борадилар.				

**13-БОБ. ТАЛАБАДАРНИ ЎҚУВ УСТАХОНАДАГИ ИШЛАРГА
ЙЎНАЛТИРИШ (МАСАЛАН, КИЧИК МАКТАБ ЁШИДА СИНФДА
ОДДИЙ ЎЙИНЧОҚЛАР УЧУН ШКАФ ЯСАШГА ЎРГАТИШ,
БИРГАЛИКДА МАТЕРИАЛЛАРНИ САҚЛАШ, ПРЕДМЕТЛАРДАН
ИЖОБИЙ ФОЙДАЛАНИШ, ТИЗИМЛИ АХБОРОТ ОЛИШ)**

13.1.Ўқитувчиларнинг бошқарувчанлик қобилияти.

Педагогик фаолиятни бошқариш дастури

Режа

- 13.1. Бошқарув фаолиятини амалга оширишда маркетинг.
- 13.2.Таълим жараёнини таҳлил қилиш.
- 13. 3.Ўқитувчининг ҳар бир иш йўналишини таҳлил қилиш, хулқ-атвори
назорат қилиш, талабаларнинг таълим жараёнини режалаштириш ва
баҳолаш.
- 13.4.Талабаларда хулқ-одоб қоидаларини шакллантириш.
- 13.5. Талабаларда мустақил таълим фаолиятини ташкил этиш.
- 13.6. Оилада ва жамоат жойларида турли хил факторларни таҳлил қилиш.

Таянч иборалар

*Педагогик фаолият, бошқарув дастурлари, таълим жараёни усуллари,
инновацион фаолият, бошқарув жараёни, хулқ-атвор нормалари, ўқув
устахонаси, илмий тадқиқот фаолияти.*

Мавзунинг қисқача мазмуни

Ушбу қонуният ўқитувчилардан ташаббусни, мустақил қарор чиқара олишни, ўз вазифасига ижодий ёндашувни талаб қилувчи педагогик фаолиятга ҳам том маънода таалуклидир. Шу сабабли бу соҳада бажарилиши қатъий талаб этиладиган директив дастурларнинг камроқ қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Мисол учун, бундай дастурларда иш тартибига, ҳужжатларни юритишга ва меҳнат фаолиятининг охириги натижасига аниқ талабларни белгилаш билан чекланиш мумкин. Таълим натижасига белгиланадиган талаб қатъий белгиланади ва давлат таълим стандартларида расмийлаштирилади. Педагогик фаолиятнинг сифат кўрсаткичи эса, мос равишда таълим олувчиларнинг ушбу талаблар даражасига мувофиқлигида ўз аксини топади. Демак, директив бошқарув дастурларидан воз кечиш педагогларга чекланмаган эркинлик берилишини

англатмайди. Ушбу йўналиш эътиборини таълим жараёни усуллари ва мазмунидан унинг якуний натижасига кўчирилишига қаратилган.

Бажарилишнинг мажбурийлиги нуқтаи назаридан бошқарув дастурларини информатив ва директив турларга ажратиш мумкин. Жумладан, матбуотда нашр этилаётган турли илмий-методик тавсиялар информатив дастурлар ҳисобланади ва уларнинг бажарилиши мажбурий деб белгиланмайди. Педагоглар улардан фақат ўзи учун зарур деб билган қисмини бажариш ҳуқуқига эга. Информатив дастурларни бажариши тўлалилигича педагогнинг хоҳиши, унинг эҳтиёж ва истакларидан келиб чиқиб белгиланади. Директив ҳужжатларнинг бажарилиши мажбурий бўлиб, у тегишли тартибда назорат қилинади. Жамиятимизнинг демократлашиб бориши натижасида информатив дастурларга бўлган эҳтиёж ортиб бориши кузатилмоқда.

Таълим муассасини бошқариш концепциясини кўплаб бошқарув ғояларини ўзида мужассамлаштирган ташкилий модел сифатида тасаввур қилиш мумкин. Фаолият нуқтаи назаридан ёндошилганда, бошқарув моделида қуйидаги таркибий элементларни кўрсатиш мумкин: мотив, мақсад, режалаштириш, жорий ахборотларни таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш, ҳаракат, натижаларни баҳолаш ва тизимга тегишли тузатишлар киритиш. Бошқарув жараёни даврий характерда бўлиб, бу даврларнинг ҳар бири ўз давомийлиги, ўз тадбиқ этилиш соҳаси, вазифалари ва ўз ечимига эга. Бошқарувнинг алоҳида олинган даврини қуйидаги жараёнларни қамраб олган бўғин сифатида тасаввур қилиш мумкин:

1. Ахборотларни қабул қилиш ва уларнинг таҳлили.
2. Бошқарув қарорининг қабул қилиниши.
3. Таълим муассаси фаолиятини режалаштириш.
4. Режани бажариш учун ишни ташкил қилиш.
5. Ҳисоб-китоб, назорат ишлари ва натижаларини таҳлил қилиш.

13.1. Бошқарув фаолиятини амалга оширишда маркетинг

Бугунги кунда касбий таълим муассасалари ҳам бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида фаолият кўрсатиши ва таълим олувчиларни рақобатбардош қилиб тайёрлаши талаб этилади. Бунда таълим муассасасининг маркетинг хизмати муҳим ўрин тутди. Маркетинг тадқиқотлари бир қанча кенг соҳадаги масалаларни қамраб олади:

- қисқа (1 йилгача) муддатли ижтимоий-педагогик прогнозлар;
- узоқ (1 йилдан ортиқ) муддатли ижтимоий-педагогик прогнозлар;

- бозорнинг жорий ва истиқбол потенциалини ўрганиш;
- битирувчиларнинг иш жойлашув статистикаси таҳлили;
- янги соҳалар мутахассисларининг иш ўринларини ўрганиш;
- янги иш ўринларини яратишнинг йўналишларини тадқиққилиш;
- бозор нархларининг белгиланиш характериini ўрганиш;
- таълим муассасаси иш фаолиятининг самарадорлигини белгилаш.

Таълим муассаси бошқарувнинг педагогик йўналтирилганлиги барча имкониятларни асосий мақсад - ёш авлодни ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасига муваффақиятли кириб боришини таъминлашга қаратилган бўлади. Таълим муассаси раҳбари томонидан олға суриладиган режалар, муҳим тадбирлар жамоада муҳокама қилиниши ва мувофиқлаштирилиши лозим. Раҳбарнинг бу борадаги ҳаракатлари қўйилган вазифани амалга оширишга изчил ва қатъий ёндашиб борилганда доимо қабул қилинади ва қўллаб-қуватланади. Ўқув юрти раҳбари жамоада ўз ишини ўзаро ҳурмат ва талабчанлик асосида ташкил этиши лозим. Раҳбарлик қилувчи шахс ўз хатти-ҳаракатлари билан жамоага ибрат кўрсата олиши амалга ошириладиган қатъий чораларнинг тушунилиши ва ижодий самарасини таъминлайди.

13.2.Таълим жараёнини таҳлил қилиш (масалан, график ташкилотчилик ёрдами), илмий-тадқиқот ишларининг тузилиш (масалан, талабаларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш) қобилиятларни ривожлантириш

Талабаларни инновацион фаолиятга тайёрлашдан кўзланган асосий мақсад -уларнинг янгиликка интилувчанликлари, янгиликни мустақил излаш, яратиш ва қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш, илғор педагогик технологиялар,интерфаол усуллардан фойдаланиб,дарс ва дарсдан ташқари машғулотларини ўтказиш маҳоратини такомиллаштиришдан иборат. Илмий-тадқиқот фаолияти-педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи,замон билан бирга қадам ташлашга ёрдам берувчи куч саналади.

Илмий-тадқиқот фаолияти - узлуксиз равишда янгликлар билан ишлашдан иборат бўлиб,у узок вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Талабалар илмий-тадқиқот фаолиятини ўрганиб чиққан педагог олимларнинг фикрига таянган ҳолда, қуйидагиларни инновацион фаолиятнинг белгилари деб эътироф этиш мумкин:

- * ижодий фаолият фалсафасини эгаллаш;

* педагогик тадқиқот усулларида самарали фойдаланиш малакаларини ўзлаштириш;

* муаллифлик концепцияларини яратиш қобилиятига эга бўлиш;

* тажриба- синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;

* ҳамкасблар билан ҳамкорликка эришиш;

* ҳамкасблар билан ўзаро фикр алмашиш;

* зиддикларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тажрибасини ўзлаштириш;

* янгиликларни излаб топиш, уларнинг баъзиларини яратиш ва ўз шароитига мослаштириб бориш.

Педагогик фаолиятда инновациялар қанча кўп бўлса, талаба ўзи ташкил этадиган тажриба моҳиятини шунчалик яхши тушунади, Шу билан бирга, у ўз илмий-тадқиқот фаолиятининг субъекти ва ташкилотчиси сифатида янгиликни яратиш, қўллаш ҳамда такомиллаштиришда фаол иштирок этади. Уфандаги билим, анъаналардаги ўзгаришларни мазмун в моҳиятини таҳлил эта билишга кўниб боради. Бугунги кунга келиб, таълим тизимидаги янгиликларни қуйидагича тавсифламоқдалар:

* фаолият йўналишига қараб;

* киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра;

* келиб чиққан манбаига кўра.

Талабанинг илмий-тадқиқот фаолиятига тайёргарлигини таҳлил қилишни 3-босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Янгиликни педагогик фаолиятда қўллашдан олдинги даврдаги фаолиятини таҳлил қилиш.

2. Инновацион фаолиятнинг фаол шаклланиши даврини таҳлил қилиш.

3. Педагогик жараёнга янгилик киритиб бўлгандан кейинги даврдаги фаолиятини таҳлил қилиш.

Маълумки, шахснинг хислат ва фазилатлари педагогик фаолият кўрсатиш жараёнида шаклланади ва унинг фаолияти натижаси ҳисобланади. Шу сабабли талабаларда янгиликка интилувчанлик ва тинимсиз мустақил ўқиб - ўрганишга доимий зарурият сезиш психологиясини ҳосил қилиш лозим. Ҳозирги кунда, ўқитувчи педагогик фаолиятини янгилаш ва янгиликларни таълим жараёнига киритиб бориш асосий, кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланади. Таълиим сифатини ошириш жамиятнинг барча жабҳаларида ҳаётни яхшилаш ва фаровон турмуш кечиришга олиб келади. Янгиликни киритиш таълим сифатини оширишнинг самарали воситаси бўлганлиги учун ҳам

ривожланган давлатлар таълим жараёнида узлуксиз янгилик киритишга ҳаракат қиладилар.

13.3.Ўқитувчининг ҳар бир иш йўналишини таҳлил қилиш, хулқ-атвори назорат қилиш, (масалан, ўқитувчи, кутиш, талабанинг гуруҳ амалиёти, ўқитувчи ва талабанинг муносабатлари) талабаларнинг таълим жараёнини режалаштириш ва баҳолаш.

Ҳар бир хулқ-атвор

Ахлоқий тарбия нормалари ҳар бир жамиятнинг ҳуқуқий нормаларига асос бўлади. Ахлоқий билимларни ўзлаштирибгина қолмай, ҳар қандай вазиятларда ўзини ана шу нормаларга муносиб тута оладиган кишилар ахлоқий тарбияланган ҳисобланади. Бундай кишида барқарор маънавий мотивлар шаклланган бўлади. Ёш авлодни жамиятга, меҳнатга, ўзига муносабатни очиқ берувчи маънавий фазилатларга мувофиқ равишда тарбиялаш тарбияланувчи шахсининг ахлоқий тарбиянинг педагогик ва психологик асосларини чуқур билишини талаб қиладиган мураккаб жараёндир. Ахлоқ кишиларнинг хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини, уларнинг ўз-ўзига, бошқа кишиларга меҳнатга, жамиятга муносабати каби ахлоқий тушунчаларини ўз ичига олувчи ижтимоий онгнинг шаклларида биридир.

Ахлоқли, одобли инсонда одамийликнинг энг яхши хислатлари; меҳр-муҳаббат, раҳм-шавқат, адолат-у-диёнат, ҳаё-иффат, имон-эътиқод кабилар мужассам бўлади.

13.4.Талабаларда хулқ-одоб қоидаларини шакллантириш

Ўқувчиларни тарбиялаш жараёнида қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- 1.Фан асосларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларни тарбиялаш.
- 2.Дарсдан ташқари машғулотлар ва мулоқотлар ўтказиш жараёнида ўқувчиларни тарбиялаш.
- 3.Дарсдан ташқари пайтларда ва ўқув юртидан ташқарида маънавий-маърифий ва турли хил тарбиявий тадбирлар жараёнида ўқувчиларини тарбиялаш.

Фан асосларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларни тарбиялаш ҳар бир фан ва ундаги ҳар бир мавзунини ўрганиш жараёнида унинг тарбиявий характерини, томонларини очиқ бериш орқали амлга оширилади.

Ўқувчилар билан дарсдан ташқари машғулотлар ва мулоқотлар ўтказиш уларнинг жисмоний руҳий ривожланиши ва таълим-тарбияси учун муҳим, кўп ҳолларда эса, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Дарсдан ташқари тарбиявий машғулот ва мулоқот қуйидагиларга имкон беради:

- * бир-бирини билаш;
- * яхши муносабатлар шакллантириш;
- * шахс қирраларини англаш;
- * яхши дақиқаларни биргаликда бошдан кечириш;
- * инсонларнинг яқинлашуви;
- * ҳамкорликдаги ҳиссий кечинмалар;
- * дўстлашиш –руҳий яқинлаштириш;
- * тарбиячи касбининг кераклигини ҳис этиш;
- * эҳтиёж талабни ҳис этиш.

Дарсдан ва ўқув юртидан ташқарида маънавий-маърифий ва турли хил тарбиявий тадбирлар ўтказиб тарбияламоқ ўқувчи ёшларнинг фаолиятини ташкил қилмоқ демакдир.

13.5.Талабаларда мустақил таълим фаолиятини ташкил этиш

Таълим –тарбия ишида аниқ дидактик мақсадларга кўра, таҳсил берувчи ва таҳсил олувчиларнинг ўзаро алоқадорлиги бири иккинчисини тақозо этувчи хатти ҳаракатлари мажмуаси ёки мулоқотда бўлиш усулларига таълим-тарбия усуллари деб юритилади.

Тарбия усулларини туркумлаш:

1. Тарбиявий жараёнда ахборотни ўзлаштириш манбаига кўра:

- а) оғзаки (сўзлаб бериш, савол-жавоб, суҳбат, маъруза, тушунтириш, баён этиш кабилар);
- б) кўрсатмали (кўрсатмали баён этиш, тушунтириш);
- в) амалий (тажриба синовлари ва лаборатория ишлари, ўқув ишлаб чиқариш меҳнати).

2. Тарбиявий жараёнда ахборотни узатилиши ва ўзлаштириш мантиғига кўра:

- а) оддийдан мураккабга;
- б) мураккабдан оддийга ёки мавҳумдан маълумга.

3. Тарбия жараёнини ўрганувчиларнинг мустақил тарбия тафаккури даражасига кўра:

- а) маҳсулсиз;

б) маҳсуллик.

4. Тарбиявий ишларнинг бажарилиш даражасига кўра;

а) тарбия берувчи раҳбарлигидаги таълим-тарбиявий ишлар;

б) тарбия берувчи раҳбарлигисиз таҳсил олувчиларнинг мустақил ишлари.

5. Тарбияланувчиларнинг ўрганишига бўлган қизиқишларини ошириш бўйича:

а) тарбиялаш ўйинлари;

б) тарбия бўйича мунозаралар;

в) тарбия бўйича қизиқарли амалий вазиятларни юзага келтириш.

6. Жавобгарлик бурчини шакллантириш ва рағбатлантириш усулига кўра:

а) ишонтириш;

б) талаб қўйиш;

в) қўйилган талабга мувофиқ машқ қилдириш.

г) рағбатлантириш ва жазолаш.

7. Назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш усулига кўра;

а) якка ҳолда тарбиялаш;

б) ёппасига тарбиялаш;

в) оғзаки ва ёзма синов ёки сўровнамалар;

г) ўз-ўзини назорат қилиш ва шу кабилар;

Педагогикада мақсадига кўра тарбия усуллари қуйидаги гуруҳларга ажратилади; фаолиятни ташкил этиш ва ижтимоий хулқ -атвор тажрибасини шакллантириш усуллари; хулқ-атвор ва фаолиятни ривожлантириш усуллари.

13.6. Оилада ва жамоат жойларида турли хил факторларни таҳлил қилиш(масалан, ота-оналар кузатиши, жамоачилик ресурсларидан фойдаланиш, жамоачилик муаммолари) талабанинг таълим жараёнини режалаштириш ва баҳолаш, талабалар билим даражасининг сифатини кўтарилиши учун ижтимоий ва маданий факторларнинг аҳамияти

Болаларни тарбиялаш ва соғломлаштириш ишини амалга оширишнинг йўл ва усуллари ўқувчиларга ахлоқий сабоқ бериш каби махсус ишни ташкил қилишда алоҳида хусусиятга эга. Ушбу йўللارни кўриб чиқайлик. Ахлоқий билим бериш бир қанча тарбиявий вазифаларни бажаради: инсон ҳаёти ва маданиятининг ахлоқий қадриятлари тўғрисида кенг тасаввур беради. Ахлоқий тасаввурлар, қараш, мулоҳаза ва шу асосда ахлоқий эътиқодни шакллантиришга қуйдагича таъсир кўрсатади:

- * ўқувчиларни ўзларининг ахлоқий тажрибаларини мушоҳада қилишлари ва бойитишларига ёрдам беради;

- * турли манбалардан ахлоқ тўғрисида олинган билимларни тарбиялайди;

- * шахснинг ўзини ахлоқий тарбиялашга ёрдам беради.

Ахлоқий билим асосан ахлоқ тўғрисидаги суҳбатлар, маърузалар, мавзуй кечалар, турли касб намоёндалари билан учрашувлар, ўқувчилар конференцияси ва бошқа воситалар билан амалга оширилади.

Ахлоқий билим беришни ташкил қилишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, уларнинг шахсий ахлоқий тажрибаларини, ахлоқий меъёрлар тўғрисидаги хабардорлик даражасини, ахлоқ, соҳасидаги ўзлаштирган билимларининг ахлоқий талаблари билан муносабатини ҳисобга олиш зарур.

Ахлоқий меъёрларни тушунтириш ахлоқий билимларнинг пойдевори бўлиб хизмат қилувчи дунёқарашга таянилганда самарали амалга оширилади. Масалан, инсоннинг ватанга муносабатининг ахлоқий моҳиятини очиқ берувчи ахлоқий тушунчалар, давлатнинг ижтимоий тузилиши, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, ижтимоий ва маданий қадрият аниқ, тушунилган ҳолдагина ўзлаштирилиши мумкин.

Шахснинг ахлоқий ривожланиши ахлоқий эҳтиёжларни шакллантиришни ўз ичига олади: меҳнатга, мулоқотга, маданий қадриятларни ўзлаштиришга, билиш қобилиятини ривожлантириш ва бошқаларга эҳтиёж сезилади. Бу эҳтиёжлар ўқувчилар фаолияти ва муносабатларининг реал тажрибасида ривожланади.

Кўп қиррали фаолият жараёнида ҳатти-ҳаракатнинг ижтимоий фойдали кўникмалари, ахлоқий одатлар, барқарор муносабатлар шаклланади.

Ахлоқий тарбия тизимида ахлоқий одатлар алоҳида ўринни эгаллайди. Одатлар ўзлаштирилган ҳатти-ҳаракатни ишлаб чиқариш йўлларида фойдаланишни ўз ичига олади. Феъл-атворнинг одатдаги меъёрларини ўзлаштириш жараёнида ишлаб чиқилади. Кўпинча ахлоқий одатлар инсонпарварлик, меҳнатга масъулият билан ёндашиш туйғуларини шакллантириш учун зарурдир.

Одатлар шартли равишда оддий ва мураккабга бўлинади. Оддий одатлар дейилганда, ижтимоий турмушнинг элементар қоидалари, белгиланган интизом меъёрлари ва мулоқот маданияти асосида ётган ишлар ва ҳаракатлар кўзда тутилади.

Ахлоқий тарбиянинг муҳим вазифаси ҳатти-ҳаракатларни одатга айлантиришдир. Ахлоқий одатларни тарбиялашга қўйиладиган педагогик талаб ўқувчининг феъл-атвори ва онгининг бирлиги ва ўзаро алоқасига асосланади. У ёки бу одатни тарбиялашдан олдин, ўқувчиларни ижобий одатларни эгаллаш ва салбий одатларга барҳам беришга мойил қилиш лозим. Ахлоқий одатларни тарбиялаш ўқувчи феъл-атворининг ижобий далиллари асосида амалга оширилади. Ахлоқий одатларни тарбиялашда ўқув юртининг умумий муҳити катта аҳамиятга эга. Анъаналар, жамоа қонунлари билан қўллаб-қувватланаётган феъл-атворнинг шаклланиш усуллари ўқувчилар томонидан енгил ўзлаштирилади. Феъл-атвор тажрибасини ташкил қилиш асосан барқарор ижобий таъсир воситаларини яратишдадир. Ахлоқий меъёрларни ўзлаштириш инсоннинг бу меъёрларига эмоционал муносабати билан бойийди.

Ахлоқий меъёрни маълум маънода у ёки бу ҳатти-ҳаракатни келтириб чиқаришга ундовчи сабаблар ҳам белгилайди.

Психологларнинг аниқлашларича, кичик мактаб ёши ахлоқий талаб ва меъёрларни ўзлаштиришга мойиллигининг юқорилиги билан характерланади. Бу шахс ривожланишига ўз вақтида ахлоқий пойдевор қўйиш имконини беради. Кичик ёшда шахснинг ахлоқий ривожланишини белгиловчи тарбиянинг моҳияти боланинг ҳиссий ҳозиржавоблигига таянувчи инсонпарварлик муносабати ва ўзаро муносабатларини шакллантиришдан иборат.

Ўсмирлик ёшида яқин атроф-муҳитини ўзлаштиришда муайян тажриба пайдо бўлади, тенгдошлари билан барқарор алоқалар ўрнатилади, ўз-ўзини англаш, хусусан шахсни тасдиқлашга эҳтиёж кучаяди, ўсмир атрофдаги

кишилар намунасига эргашади, идеал ахтариш, ўз мавқеини белгилаш воситасини танлашга интилади.

Ўз-ўзини англаш ҳиссиёти ривожланишининг маълум босқичда, ўспиринда, ҳаётда ўз ўрнини топиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бу эҳтиёж шахснинг ижтимоийлашувчи жараёни, жисмоний ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари қандай ўтишига боғлиқ равишда ниҳоятда қарама-қаршилиқда намоён бўлади.

Болаларни ахлоқий тарбиялашда болалар мулоқотларини тўғри ташкил қилишнинг роли каттадир. Муваффақиятли уюштирилган мулоқотда бола фақатгина айрим укув ва кўникмаларни қабул қилиб қолмасдан, хатти-ҳаракатнинг усул ва йўллари, нутқ равонлигини, гавдани тутиш ва бошқа ҳолатларини ўрганади.

Оилада тарбиянинг энг муҳим йуналишларидан бири болаларнинг меҳнат тарбияси ҳисобланади. Меҳнат тарбиясига ота-оналарнинг, ўзларининг ва оиланинг бошқа катта ёшдаги аъзоларининг меҳнатга ҳалол ва виждонан ёндошишлари катта таъсир кўрсатади.

Педагогларнинг оила билан ишлаш тартиби ўзаро боғланган ўта хилма-хил шакл ҳамда методлар кўмагида илгари эришилган барча ижобий муваффақиятларни ҳисобга олиб, келажакни мўлжаллаб, олинadиган натижаларни таҳлил қилиб, режали ва изчил амалга ошириладиган аниқ мақсадни назарда тутди. Педагогларнинг ота-оналар билан бажарадиган ишларини аниқлаш унинг истиқболлиги, изчиллиги ва кетма-кетлигини таъминлайди.

Суҳбатлар. Оила билан якка тартибда ишлашнинг энг кенг тарқалган шакли сифатида болаларни қабул қилиш ва уларни уйига кузатиш вақтида ўтказилади. Бундай суҳбатлар педагог ва ота-оналарни бир-бирлари билан яқиндан танишиш, боланинг ҳаёти давомида бир-бирларини хабардор қилиш, соғлиғидаги ўзгаришларни кузатиш имконини беради. Бундай суҳбатлар гарчи қисқа бўлсада, жуда фойдалидир.

Суҳбат вақтида ўзаро тушуниш муҳитини яратиш учун ота-оналар олдида у ёки бу талабларнигина қўйиб қолмай, балки уларни нима хавотир қилаётганлигини билиб олиш керак.

Маслаҳатлар суҳбатларга яқиндир. Маслаҳатлар мавзулари болаларни кузатишлари ёки тарбия вазифаларидан келиб чиқиб аниқланади.

Педагог – педагогик маслаҳатга олдиндан тайёргарлик кўради: зарур адабиёт ва кўргазмали материалларни танлайди, у ҳақда ота-оналарни огоҳлантиради.

Гуруҳ билан бўладиган маслаҳатлар ота-оналарга муайян маълумотларни беришнигина эмас, балки оилавий тарбия алмашинувини ҳам қамраб олади.

Ота-оналар конференцияларининг асосий мақсади-оилавий тарбиянинг энг яхши тажрибаси билан алмашишдир. Конференцияда ота-оналар маъруза қиладилар. Маърузалар учун мавзулар олдиндан танланади ва улар битта марказий муаммога бағишланади.

Машғулотларга биринчи марта келган ота-оналар шахсининг шаклланиши муаммолари билан эмас, балки боланинг жисмоний ривожланиши билан қизиқадилар. Шунинг учун маърузаларда боланинг ҳар томонлама ривожланишида оиланинг аҳамиятига асосий эътибор берилади.

Мулоқот боланинг эҳтиёжи бўлиб, унинг ривожланишида улкан аҳамиятига эга. Бола ота-онаси ва оиланинг бошқа аъзолари билан ўзаро мулоқот жараёнида уларга мақсад қилиб, хулқ-атвор нормалари, қоидалари ва шакллари ўзлаштиради. Оиладаги мулоқот ҳар доим эмоционал асосда бўлади. Бироқ, ҳамма ота-она ҳам болалар билан мазмунли, педагогик жиҳатдан қимматли мулоқотни ташкил этишга интилавермайди. Айрим ота-оналар болага кўплаб қимматбаҳо ўйинчоқлар, китобчалар, ширинликлар совға қиладилар, телевизорни бутунлай улар ихтиёрига бериб қўядилар ва шу билан уларнинг барча эҳтиёжларини қондираяпман деб ҳисоблайдилар. Лекин боланинг энг муҳим эҳтиёжи ота-онаси билан мулоқотда бўлиш эҳтиёжи қондирилмай қолади.

Болаларни тарбиялаш ва соғломлаштиришда ота-оналарнинг биргаликдаги меҳнати айниқса муҳимдир. Оила тарбиясида объектив ва субъектив омилларнинг роли катта. Объектив омиллар сирасига: оиланинг моддий таъминоти ва фаровонлик шу билан бирга маиший турмуш даражаси, оила бюджетининг мавжуд ҳолати, ундан оқилона фойдаланиш борасидаги тажриба, соғлом руҳий муҳитнинг барқарорлиги ва ҳоказолар кирса:

- оиладаги шахслараро муносабатлар мазмуни, оила аъзоларининг физиологик психологик маданий жиҳатдан комиллик ҳамда маълумот даражаси, уларнинг қизиқиш ва эҳтиёжлари ўртасидаги мутаносиблик оилавий ҳаётни тартибга солиш борасидаги ўзаро ёрдам ҳамкорлик, бирлик тамойилларига таяниш ва шу кабилар субъектив омиллар сирасига киради.

Оила тарбиясидаги болалар ҳаётини тўғри уюштириш, уларни вақтдан тўғри ва унумли фойдаланишининг асосий гаровидир. Боланинг оиладаги вақтини ўйин, меҳнат ва фаолиятларига тўғри тақсимлаш ниҳоятда муҳимдир.

Оила жисмоний ва психологик жиҳатдан соғлом, маънавий баркамол, меҳнат, ижтимоий ҳамда оилавий ҳаётга тайёр шахсни шакллантириб бериши лозим. Оила тарбияси мазмуни болаларга ижтимоий тарбиянинг машҳур йўналишлари жисмоний, ахлоқий, ақлий-эстетик меҳнат, экологик иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий-ғоявий ҳамда жинсий таълим бериш, уларда фаолият, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборатдир.

Ота-оналар педагогик таълимотининг шакл ва усуллари кенгайтириш, оилага у орқали ва у билан бирга болага таъсир кўрсатишнинг янада натижали усуллари излаш лозим.

Ҳақиқатан ҳам, ана шу фазилатлар соҳиби бўлган ҳар бир ота ва она келгусида ўз фарзандлари томонидан бир умр эъзозланади.

Ота-онанинг сўзи билан ишининг бирлиги муҳим фазилат бўлиб, катта тарбиявий таъсир кучига эгадир. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар бир-бирига ўзаро таъсир қилиши табиий ҳол. Ўқитувчилар талабаларнинг ўз фикри ва ғояларига масъулиятларини шакллантиришлари лозим.

Ўқувчилар ҳамкорликдаги фаолият жараёнида ўқитувчининг нималарга қодир эканини, илм-фанга қўшган ҳиссасини, билимдонлиги ва маънавий-ахлоқий қиёфасини тезда пайқаб оладилар ва шунга қараб ўзаро ҳамкорлик муносабатларида бўладилар. Улар ўқитувчини машғулотларни яхши ўтгани учунгина эмас, балки шахсий-инсоний ва маънавий-ахлоқий фазилатлари учун ҳам ҳурматлайдилар. Ва аксинча, ўқувчилар билими саёз ўқитувчини хуш кўрмайдилар. Ўқувчиларда ўқув фаолиятининг муваффақияти кўпинча мустақилликнинг қай даражада шакллантирилганлигига боғлиқдир. Талабаларнинг билимларни юқори савияда ўзлаштиришлари уларнинг билиш фаолиятига нисбатан қизиқишларини оширади. Ўқувчиларда ўқув фаолиятларини юқори савияда ўзлаштиришлари учун имконият яратилади.

Талабалар учун тадбирлар ташкил этишнинг муваффақияти

Талабалар ташкил этадиган тадбирларнинг турлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим жараёнини ташкиллаштиришнинг асосий мазмуни.
2. Мамлакат вақт давомида янги билимларни ўзлаштиришнинг муваффақиятлари.
3. Талабаларга мустақил таълим фаолиятини тўғри ташкил этиш учун имконият бериш.
4. Талабаларни ўзлаштирган билимларини аниқлаш учун улар ўртасидаги қайтар алоқани вужудга келтириш.

5. Гуруҳ талабалари ўртасида мустақил таълим фаолиятини тўғри йўлга қўйиш.

Талабаларнинг таълим жараёнидаги муаммоларини ўзлари бартараф этишлари учун имконият яратиб бериш. Ўқитувчи таълим жараёнида ютуқларга эришиши учун талабаларнинг юқори даражада ўзлаштиришларини таъминлаб беришлари лозим.

13.7. Ўқитувчининг таълим жараёнидаги фаоллиги

Ўқув йилининг бошланғич даврида талабалар ўқув фаолиятига яхши мослашмаган бўладилар. Талабани янги муҳитга мослашиши учун вақт талаб қилинади. Янги ўқув йилининг бошланишида ўқитувчилар таълим жараёнини аста-секинлик билан олиб боришлари лозим. Таълим жараёнида талабаларни ўқув фаолиятига тайёрлашда уларда бор бўлган билимларига таяниб иш олиб бориш лозим бўлади. Ўқитиш жараёни кўп қисмлардан тузилган. Ўқитувчи талабаларнинг ижодий ва инновацион фаолиятларини тўғри режалаштира олишлари лозим. Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашдан кўзланган асосий мақсад-уларнинг янгиликка интилувчанликлари, янгиликни мустақил излаш, яратиш ва қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш, илғор педагогик технологиялар, интерфаол усуллардан фойдаланиб, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ўтказиш маҳоратини такомиллаштиришдан иборат.

Инновацион фаолият -бу янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёки амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрларнинг мавжуд меъёрлар билан тўқнашуви натижасида вужудга келган муаммоларни ечишга қаратилган фаолиятдир.

Инновацион фаолият - узлуксиз равишда янгликлар билан ишлашдан иборат бўлиб, у узок вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Ўқитувчи инновацион фаолияти хусусиятларини ўрганиб чиққан педагог олимларнинг фикрларига таянган ҳолда, қуйидагиларни инновацион фаолиятнинг асосий белгилари дея эътироф этиш мумкин:

- ижодий фаолият фалсафасини эгаллаш;
- педагогик тадқиқот усулларида самарали фойдаланиш малакаларини ўзлаштириш;
- муаллифлик концепцияларини яратишқобилиятига эга бўлиш;
- тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амлга ошириш;
- ҳамкасблар билан ўзаро фикр алмашиш, уларга амалий кўрсата олиш кўникмаларига эга бўлиш;

- зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тажрибасини ўзлаштириш;

- янгиликларни излаб топиш, уларнинг банкени яратиш ва ўз шароитига мослаштириб бориш.

Инновацион жараёнлар динамикасининг таҳлили фақат фан ва техника эришган замонавий ютуқлардан фойдаланишни ўз ичига олибгина қолмай, балки янгиликларни излаш, яратиш, мослаштириш, тадбиқ этиш ва олинган натижаларни қайта текшириш, умумлаштириш каби жараёнларни ўз ичига қамраб олади.

Таълим жараёнига турлича ёндашув

Талабаларда таълим жараёнига жалб этишнинг турли хил йўл ва усулларидан фойдаланиш лозим. Таълим жараёнига ёндашиш фаолият турларининг қизиқарлилиги муҳим аҳамиятга эга. Аудиторияда талабалар овоз чиқариб ўқишни яхши кўрадилар. Талабаларга мусиқа, она-тили, оғзаки маърузалар ўқишни кўпроқ хоҳлайдилар. Кўрсатмали ўқиш талабаларда ўқишга бўлган кўникма ва малакаларни шакллантирибгина қолмай, балки улар диаграмма, карта, видео, графика ва фотосуратларга билан ишлаш кўникма ва малакаларини ошириб боради. Масалан, ўқувчилар имтиҳонлар жараёнида аудиторияда эссе топшириғини муҳокама этадилар, тест материалларини ечадилар, мунозарада иштирок этадилар, аудиокассетани тинглайдилар, оғзаки имтиҳон топширадилар ва материалларни ёзиб ҳам борадилар. Бундай талабалар ўз устида ишлашни, илмий-тадқиқот лойиҳаларини бажаришни, ролли ўйинларни, мусиқа, спорт ва рақсни жон дилдан яхши кўриб ўйнайдилар. Бу фаолият турларини тўғри ташкил этиш талабалар учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўқитувчининг касбий компетентлиги

Педагогнинг касбий компетентлиги деганда ўз мутахассислигини яхши биладиган, фаолият турларини тўғри ташкил эта оладиган, дарс жараёнида ўзининг тажрибасини қўллай оладиган мутахассисга айтилади. Ўқитувчи ўзи таълим бераётган фанини чуқур ва мукамал билиши ва ўқувчилар билан мулоқот эҳтиёжига эга бўлиши шарт.

Ҳар бир ўқитувчи ўзи ўқитаётган фанининг ўтмиш тарихини, ҳозирги аҳволини ва келажагини мукамал билиши керак. Кенг ва асосли билимга эга бўлган педагог ҳар бир дарсини эркин ўтади ва қийналмайди.

Ўқувчиларнинг ҳар бир саволига жавоб бера олади. Талаба касбий билимларни чуқур эгаллаши билан бирга амалий педагогик фаолиятини ҳам кенгайтириши керак.

Талабаликка мослашиш

Талабаларда жисмоний ва руҳий билимларни ривожлантириш уларнинг касбий билимларини шакллантиришга олиб келади. Улар янги ва нотаниш билимларни ўз вақтида ўзлаштириб боришлари лозим. Талаба ёш болалик давридан бошлаб, мактабга биринчи борган кунидан бошлаб ўз келажагини тасаввур қила билиши керак. Талаба мактабда ҳар бир машғулотларга тўлиқ иштирок этиши ва керакли билим, кўникма ва малакаларни ўз вақтида ўзлаштириб боришлари лозим. Ўқитувчилар болаларни ёшлигидан бошлаб ўз муаммоларини ўзлари еча олишларига барча имкониятни яратиб қўйишлари лозим. Талабаликка мослашув даврида ўқитувчи уларнинг бир-бирларини тўғри қўллаб қувватлашларига шароит яратиб беришлари лозим. Талабалар фаолиятини қизиқарли этиб ташкил этиш уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини тўғри шаклланишига ёрдам беради.

Талабаларнинг турли хил фаолиятларини қизиқарли ташкил этиш

Талабаларнинг фаолият турлари ранг-баранг ва қизиқарли бўлиши лозим. Талабалар ўқув фаолиятидан ташқари турли кўнгил очар тадбирларни ҳам ташкил этишлари лозим. Дарсдан ташқари кўнгил очар тадбирларни ташкил этиш ўқитувчилардан талабчанликни талаб этади. Катта курс талабалари кичик курс талабалари билан ҳамкорликда ўз фаолиятларини олиб боришлари лозим. Бу ҳамкорлик муносабатлари албатта ўқитувчининг раҳбарлиги остида бўлади. Бўлажак мутахассисларни тайёрлашда кўпроқ амалий касбий фаолиятга тегишли кўникма ва малакалар муҳим ўрин тутганлиги сабабли назарий материалларни баён қилишда турли хил асбоб-ускуналардан фойдаланиш яхши самара беради. Бу эса назарий ва амалий машғулотларни ўқувчилар онгига сингдиришда муҳим аҳамиятга эга.

Демак, касб-ҳунар таълимида амалий билимлар, кўникмалар ва малакалар назарий билимлардан кам эмас ва албатта улардан кўзланган мақсад бўлажак мутахассисларни касб фаолиятига тайёрлашнинг самарали йўлларни яратиш ва жорий этишдан иборатдир.

Мавзунини мустахкамлаш учун саволлар

1. Мустақил таълимнинг муҳимлиги ва таълим жараёнининг баҳолашнинг режалаштирилиши, талабаларнинг таълим жараёнига қизиқишларини ва жавобгарлигини ошириш ҳақида фикрларингизни билдиринг.
2. Ўқитувчининг таълим жараёнидаги фаоллигини тушунтириб беринг.
3. Талабаларнинг турли хил фаолиятларини қизиқарли таъкил этиш учун педагог қандай вазифаларни амалга ошириши керак?
4. Талабаларни ўқув устахонадаги ишларга йўналтириш учун қандай методлардан фойдаланиш зарур?
5. Ўқитувчиларнинг бошқарувчанлик қобилиятига нималар киради?
6. Педагогик фаолиятни бошқариш дастурининг мазмунини тушунтириб беринг.

Мустақил иш топшириқлари

Мавзу: Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида услубий ишларни ташкил қилиш асослари ва ўқитувчиларнинг бошқарувчанлик қобилияти.

1-топшириқ

Ўрта махсус, касб-хунар таълимида услубий ишлар мақсади, вазифалари мавзусига оид “Инсерт” жадвалига тегишли белгиларни қўйинг.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимида услубий ишлар мақсади, вазифалари	Тегишли белги
Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида услубий ишларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти умумтаълим мактабидан фарқли равишда, маълумтайёрлов йўналишлар бўйича малакали мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилганлигидир. Ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, малакали мутахассислар тайёрлаш жараёни услубий ишлар билан боғлиқдир. Ўқитувчиларни кундалик таълим-тарбия жараёнига педагогик томондан тайёрлаш – бу услубий ишларнинг асосий мақсади бўлиб, у кундалик таълим-тарбия ишларини муваффақиятли равишда амалга оширишга замин яратади. Шунинг билан бирга бўлажак мутахассислар малакасини шаклланишига хизмат қилади. Услубий ишларнинг мазмуни ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасаларида тайёрлов йўналишлари бўйича малакали мутахассисларни тайёрлашда ўқитувчиларга янги ахборот ва педагогик технологияларни таълим жараёнига қўллашда ёрдам бериш, таълимнинг барча йўналишларини касбий таълим билан боғлаш, таълим жараёнида юзага келган муаммоларни ҳал этишда илмий-услубий тавсиялар беришни ўз ичига олади. Услубий ишлар – бу педагогик тизим бўлиб, иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларига кичик мутахассислар тайёрлаш учун ўқитувчиларнинг педагогик ва касбий маҳоратини ошириш, илғор тажрибаларини умумлаштириш, янги педагогик технологияни қўллаш орқали ўқув-тарбиявий жараёнига мақсадга мувофиқ ташкиллашдир.	

2-топширик

Услубий ишларни ташкил қилиш ва амалга ошириш функцияларига доир “Тоифалаш жадвали”ни тўлдилинг.

Технологик функция	Педагогик функция	Илмий функция	Ахборот бериш функцияси

3-топширик

Услубий ишларнинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари ВЕННА диаграммаси ёрдамида таҳлил қилинг.



Услубий ишларнинг индивидуал шакллари мазмуни мавзусига “Чархпалак” жадвалини тўлдилинг.

Блокларнинг номланиши ва мазмуни	индивидуал	жамоавий	ишга муносабат	ўқувчиларга муносабати	дарсларга тайёргарлиги
Ўқитувчининг касбий, педагогик ва услубий маҳоратини ва уммаданий даражасини ошириш жараёнидаги мустақил иши					
Ўқитувчиларнинг назарий ва услубий семинарларда, педагогик билимлар, маданият, адабиёт, санъат университетларида, услубий кенгаш ва комиссиялар, илмий-амалий конференциялар, педагогик ўқишлар, илғор педагогик тажриба мактабларида иштирок этиши ва бошқалар.					
Топширилган вазифани тиришқоқлик ва виждонан жон-дили билан бажариши, педагогик фаолиятига меҳр қўйганлиги, ўқувчилар билан ишлашга қизиқиши, педагогик ижодга қобилиятлилиги, илғор тажрибаларни ўрганишга мойиллиги, ўз устида тинимсиз ишлаши					
Педагогик одоб-қоидаларига риоя қилиши, адолатлилиги, талабчанлиги, ўқувчиларга ҳар доим самимий муносабатда бўлиши, ўқувчи шахсига ҳурмат билан қараши, интизомни ушлаб туриши, дарс ва дарсдан ташқарида ҳам ўқувчиларга эътиборли бўлиши					
Ўқув режаси ва дастурга амал қилиши, маъруза матни ва дарс ишланмасини тузиш, дидактик материаллар тўплаши, дарсни тўлиқ таъминлаш бўйича барча ишларни амалга ошириши					

5- топшириқ

Илмий педагогик кенгаш фаолиятини амалга ошириш бўйича тавсияларни ФСМУ технологияси ёрдамида таҳлил қилинг.

Савол	Илмий-педагогик кенгашнинг муваффақияти долзарб муаммони ўз вақтида назарий асослаб, керакли чора-тадбирларни белгиланганлигидир!
(Ф) Фикрингизни баён етинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

**14-БОБ. ЎҚИТУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛ
ҚИЛИШНИНГ ТУРЛИ ХИЛ УСУЛЛАРИ (МАСАЛАН, МАЪРУЗАЧИ)
ВА ТАЛАБАЛАР РОЛИ (МАСАЛАН, ГУРУҲ
ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ФАОЛ КУЗАТУВЛАРИ ТАЛАБАЛАР
ТАЪЛИМИГА БОҒЛИҚЛИГИ) ЎҚИТУВЧИНИНГ ТАЪЛИМ
ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ**

Режа

- 14.1. Билимларни қўллашда кўникма ва малакаларни шакллантириш.
- 14.2. Касбий таълимнинг самарадорлик мезони.
- 14.3. Аудиториянинг таълим жараёнидаги аҳамияти.
- 14.4. Дарснинг тузилиши.
- 14.5. Билим олишга йўналтирилган катта мақсадлар.
- 14.6. Аудиторияда талабаларнинг билимларини ривожлантириш.
- 14.7. Таълим жараёнидаги самарадорликни таъминлаш.

Таянч иборалар

Фаолият, самарадорлик, ўқув материали, ташиқи факторлар, таълим жараёни, тарбияланганлик даражаси, педагогик вазият, таҳлил этиши.

Мавзунинг қисқача мазмуни

Таълимда ёшларни билим, кўникма, малакалар билан қуроллантириш, уларнинг қобилияти ва истеъдодларини ривожлантириш жараёнида баҳолаш ва билимларни текшириб туриш муҳим аҳамият касб этади. Баҳолаш таълим тизимида фойдаланилаётган методлар қанчалик самарали эканлигини, талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Албатта таълим тизимини самарали бўлиши педагог кадрларнинг тайёргарлик даражасига ҳам боғлиқ. Педагог биринчи галда ўз касбини севиши, ҳурмат қилиши, талабага катта қизиқиш ва меҳр билан қараши, жамият олдидаги ўзининг катта масъулиятини ҳис қила олиши шарт. Педагог ҳар бир талабанинг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлай олиши ва ҳисобга олиши, ўқув материалларини тўғри танлай билиши, таҳлил қила олиши ва умумлаштира билиши педагогик маҳорат учун зарур бўлган таълим усуллари, воситалари ва шакллари мукамал билиши, талабага нисбатан талабчан бўлиши педагогик вазиятга қараб улардан ўринли фойдалана олиши, ўз фаолиятини таҳлил қила олиши ва хулосалар чиқара олиши керак.

Таълим оловчиларнинг асосий ўқув фаолияти билимларни ўзлаштириш бўлиб, қуйидаги компонентларни ўз ичига олади: ўқув материалларини қабул қилиш, фикрлаш, эгаллаб қолиш ва қўллаш. Бу компонентлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, ўқув жараёнида кетма-кет қўлланилиб бутун бир ўқув жараёнини ташкил этади.

Таълим оловчининг ўқув материални қабул қилиши.

Ўқув материални қабул қилиш ўқув жараёнининг энг муҳим қисмидир. Ўқув материални яхши қабул қилиниши ўқув ишлаб чиқариш фаолиятида мустаҳкам фундамент ролини ўйнайди.

Ўқув материални самарали ўзлаштиришнинг ички шароитлари.

Ўқув материални самарали ўзлаштириш учун энг аввало таълим оловчининг ички эҳтиёжи бўлиши керак. Ички ўзлаштириш жавоб бергандан имтиҳонгача эсда сақланиб жавоб бериб бўлганидан кейин эсдан чиқади. Ўзлаштиришнинг муваффақияти таълим оловчининг фаолиятига ҳам боғлиқ бўлади. Чунки таълим оловчи берилаётган материалларга қизиқса ва ўз устида ишласа ўзлаштиришнинг энг юқори чўққисига эришиши мумкин.

Ўзлаштиришнинг ички фактларидан яна бири берилаётган материални таълим оловчи томонидан тушунишдир. Чунки таълим оловчи мавзунини тушунмаса, қанча ўз устида ишламасин, олдинги мавзулар билан боғлиқ бўлмаса, мавзунинг ўзлаштирилиши содир бўлмайди ва жуда саёз бўлади.

Қабул қилишнинг ташқи факторлари

Ўқув материални қабул қилишнинг асосий факторлари асосан ўқув материалнинг мазмунига боғлиқ бўлади. Унинг қийинлиги, ўқув материалда қўлланиладиган техник материаллар аниқ ва абстрактлигига, амалиётга боғлиқлигига қараб фарқ қилади.

Эслаб қолиш

Ўқув материални қабул қилишнинг энг муҳим компоненти бу янги материални эслаб қолиши ва хоҳлаган вақтда уни назарий ва амалий қўллай олишдир. Таълим оловчи ўқув материал билан фаол ишлаганда уни яхши

эслаб қолиб, самарали қўллайди. Эслаб қолишнинг энг асосий самарадорлиги таълим олувчининг иродавий хусусиятларига боғлиқ.

14.1.Билимларни қўллашда кўникма ва малакаларни шакллантириш

Бизга маълумки, билимларни амалий фаолият давомида қўллай билиш, билимларни эгаллаганлик даражасини кўрсатади. Назарий билимларни амалиётда қўллай билиш яъни, лаборатория ишларини бажариш давомида эгаллаган билимлар асосида уй вазифасини бажариш, билимларни мустақил эгаллашдан иборат. Бу жараёнда билимлар кенгайиб мукаммаллашиб чуқур ўзлаштирилган билимга айланади.

Таълим олувчилар ўқув фаолиятини ташкил қилишда ўз устида мустақил иш олиб бориши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шахсий билимларни ошириш, таълим олишнинг алоҳида тури ҳисобланиб, ўз-ўзини ўқитиш жараёни кўпроқ таълим олувчининг зиммасига юклатилади. Бу жараёнда ижтимоий-психологик шартлар қуйидагилар ҳисобланади:

- * таълим олувчининг шахсий касбий малакасининг юқорилиги;
- * мутахассисларнинг билим даражаси меҳнатни рақобатбардошлигини кўтаради;
- * ҳозирги замон технологиялари ва мутахассислар фаолияти ишсизликни келтириб чиқариб, ишсизларни янги мутахассислик турига қайта ўқитишни тақоза этади;
- * дунё иқтисодиётининг ривожланиши мутахассис кадрлар билимини мукаммаллашиб бориша олиб келади.

14.2.Касбий таълимнинг самарадорлик мезони

Асосий самарадорлик мезонига мутахассислик киради:

- * малакавий фаолиятда мустақиллик ҳисси;
- * меҳнат хавфсизлигига амал қилган ҳолда техник талабларни бажариш;
- * ишлаб чиқаришда вақт ва нормаларни бажариш;
- * касбий фаолиятда фикрлаш ва ўз-ўзини назорат қилиб бориш;
- * меҳнат маданиятига қатъий амал қилиш;
- * меҳнат фаолиятига ижодий ёндашиш;
- * бажарилган иш учун масъулият ҳис қилиш кабилар киради.

Касб-ҳунар таълими дастури касб-ҳунар коллежи битирувчисига эгаллаган касби бўйича ишни малакали бажариш имконини бериш

ҳажмидаги маълум касбга доир умумкасбӣ ва махсус фанларни ҳамда ишлаб чиқариш таълими ва амалиётини ўз ичига олади.

Касб-ҳунар таълими дастурини муваффақиятли эгаллаш касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини касби ва ихтисослиги бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи билан таъминлайди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг стандартлаштиришнинг мақсади ва вазифалари – ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг юксак сифатини ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган чуқур иқтисодӣ ва ижтимоӣ ислохотларни, ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи рақобатбардош кадрлар тайёрлашни таъминлаш, сифатли таълим хизматлари кўрсатиш, кадрлар тайёрлаш соҳасида шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш, кадрлар тайёрлаш сифатини, таълим фаолиятини баҳолаш мезонлари ва тартибини белгилашдан иборатдир.

Олий малакали кадрлар сифатига ошган талабларга мувофиқ аспирантура ва докторантурада кадрлар тайёрлаш иши кенгаймоқда. Фан ва таълим соҳасида халқаро алоқалар кенгаймоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида юқори малакали кадрлар билан таъминлаш унинг ҳаётӣ циклининг учта асосӣ босқичларига комплекс ёндашилган.

Биринчи босқичда кадрларга бўлган эҳтиёжларни прогнозлаштириш ва шахс, жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда бозор иқтисодиётини ривожлантириш белгиланган. Бу ўринда квалификация даражасининг ўсиб бориши белгиланади.

Иккинчи босқичда кадрлар тайёрлашни таъминлаш ва квалификация даражасини амалга ошириш.

Учинчи босқичда, профессионал фаолият соҳасида кадрлардан фойдаланиш, вақти-вақти билан малакани ошириш ва қўшимча профессионал таълим ёки қўшимча профессионал таълим доирасида квалификация даражасини таъмин этиш ва янгилаб туриш.

Миллий дастурнинг комплекс вазифаларида сифатли кадрлар тайёрлаш қароридан, энг муҳим вазифани ишлаб чиқиш ва профессионал таълимнинг барча поғоналарида давлат таълим стандарти тамойилларига бағишланган “рақобатбардош ва сифатли кадрлар тайёрлаш” дастури ишлаб чиқилган.¹

Рақобатбардош кадрларни тайёрлашни таъминлаш учун касбӣ таълимда стандартлаштириш ўсиб, юксалиб бориши зарур. Унинг моҳияти юқори ва сифатли талаблар бўйича амалиётда эришилган нормаларга муносабати белгиланади. Касбӣ таълимда стандартлаштириш комплекс бўлиши керак.

***Биринчидан,** ундаги ўзаро боғлиқлик даражасида кадрлар тайёрлаш ишчи ходимдан тортиб, то юқори малакали мутахассисгача профессионал таълимнинг узлуксизлиги қамраб олиши зарур.

***Иккинчидан,** таълим стандарти мутахассиснинг ҳаётий циклининг барча босқичларини қамраб олиши ва уларнинг ўзаро алоқаларини таъминлаши керак.

Таълим муассасаларининг интеграциялашган академик лицей, касб-хунар коллежи ва бошқаларни ташкил қилиш. Бундай таълим муассасаларида қуйидагилар назарда тутилади:

***Профессионал таълимнинг ташкилий ва методик изчиллигини таъмин этиш;**

***Соҳалар вазифасини ҳал этиш учун мақсадли мутахассислар тайёрлашни амалга ошириш;**

***Ўрта звено мутахассисларини тайёрлаш учун моддий-техника базаларидан ва олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибидан фойдаланиш.**

Касб таълими интеграциясининг горизонти бўйича – йирик техника университетлари, илмий ўқув, илмий ишлаб чиқариш ва ўқув ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этишдан иборат. Бундан мақсад рақобатбардош олий маълумотли мутахассислар (бакалавр ва магистрлар), шунингдек, ишлаб чиқариш бирлашмалари, касб-хунар коллежлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш.

14.3.Аудиториянинг таълим жараёнидаги аҳамияти

Бугунги кундаги замонавий аудиторияларда талабаларнинг тўлиқ мутахассислиги бўйича ахборот олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Таълим марказида талаба бўлганлиги учун ўқитувчилар таълим беришга тўлиқ тайёр бўлишлари зарур.Аудиториянинг етакчиси ўқитувчи бўлганлиги учун талабаларнинг билим ўзлаштиришлари,ютуқлари ҳақида ҳар куни тўлиқ уларнинг ота-оналарига ёзма равишда маълумот бериб туришлари зарур.Аудиторияда ўқитувчи ўзининг вазифасини талабага бериб туриши лозим.Талаба аудиторияда жим эшитиб ўтирганидан кўра фаол иштирокчи бўлганлиги маъкул.Ўқитувчилар аудиторияда талабаларни фаол иштирокчига айлантиришлари учун мунтазам равишда улар билан мулоқот ишларини олиб боришлари лозим.Фанлардан ўзлаштириладиган мавзулар муҳокамасида талаба ўта фаол иштирок этиши керак.

14.4.Дарснинг тузилиши

Дарсда билимларнинг ўзлаштирилиши, малака ва кўникмаларнинг ҳосил қилиниши мураккаб, қарама-қарши жараёндир. Ўқув материалининг ўрганишнинг турли вазифалари, йўллари, усул ва формалари вужудга келади, бунинг натижасида дарснинг жуда кўп турлари, унинг ҳар хил вариантлари пайдо бўлади.

Айни вақтда таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қуйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.
2. Ўтилган материални мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш дарси.
4. Такрорий умумлаштирувчи дарс.
5. Аралаш дарс.

Муайян дарс тури асосида олиб бориладиган машғулотларда иккинчи, учинчи бир дарс турининг қисмлари бўлиши мумкин:

- а) янги билимларни баён қилиш;
- б) янги билимларни мустаҳкамлаш;
- в) янги билимлар устида машқ ўтказиш;
- г) янги билимларга боғлиқ ҳолда уй вазифаларини топшириш ва ҳоказо.

Кўп ўқитувчилар Блум таксономияси асосида дарсларни олиб борадилар.

Блум таксономиясининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

- * Билиш.
- * Тушуниш.
- * Қўллаш.
- * Таҳлил.
- * Умумлаштириш.
- * Баҳолаш.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга таяниб, қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Таълимнинг шакли муайян мақсадга мувофиқ маълум режимда ташкил этиладиган фаолиятнинг ташқи ифодаси бўлиб, таълим жараёнида етакчи ўрин тутади.

2. Таълим жараёни самарасини таъминлаш унда таълим методларидан ўринли ва унумли фойдаланишга боғлиқ. Таълим методи таълим жараёнида

Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолиятларининг усуллари ҳисобланади.

14.5.Билим олишга йўналтирилган катта мақсадлар

Маълумки, билиш фаолиятининг субъекти ўқувчи саналади. Шу боис ижтимоий-педагогик асосга эга таълим марказида унинг шахси, онги, ҳам ўрганилаётган оламга, ҳам билиш фаолиятидаги ҳамкорлари ўқувчилар ва унинг таълим олишини ташкил этувчи ва йўналтирувчи ўқувчилар муносабати ётади. Таълимда ўқувчиларнинг фаолияти ҳақида гап борганда ўқувчининг билиш фаоллиги тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Ўқувчининг билиш фаоллиги унинг билиш жараёнидаги интеллектуал мулоҳазасида, мутахассислик фанлари бўйича умумий ва алоҳида топшириқларни бажаришда намоён бўлади. Бу хусусиятлар ўқувчиларнинг фақатгина юқори даражадаги билим олишини кафолатлаб қолмай, балки унинг ҳаётий фаолияти яъни, ўқувчи шахсининг шаклланиши, унинг амалиётга, ҳаётга бўлган фаол муносабати учун характерлидир. Шу сабабли, билиш фаоллигини ошириш инсоннинг фаол ҳаётий қарашларини шакллантириш деб бемалол айтиш мумкин.

Ўқувчининг билиши худди етук илмий билиш йўли каби ўқитувчи томонидан фандаги фактлар, илмий кашфиётларни ўрганиш уларнинг тарихий йўлини ўзлаштириш ёрдамида кечади.

Билишга қизиқиш ўқишнинг энг муҳим ва энг қимматли мотиви сифатида болани таълим муассасасига, фанга, дарсларга, ўз билиш фаолиятига нисбатан ижодий муносабатига кўмаклашади.

Ўқувчиларнинг билишга қизиқиши мотив сифатида ривожланиши ўзига хос узоқ йўлига эга бўлиши мумкин. Айрим ўқув ҳаракатлари таъсиридан то бутун фаолиятнинг устувор мотивигача. Ҳатто ўқишнинг етакчи мотивларидан бирига айланиб, қизиқиш шахсининг маънавий бойишига кўмаклашувчи умумий йўналганлигининг аҳамиятли қисмига айланиши мумкин.

Таълим мазмунининг билишга қизиқишнинг уйғотишнинг ўзига хос томонларига қуйидагилар киради: ўқув материалининг янгилиги, билимлар мазмунига тарихий ёндашув, четлаб ўтиш, замонавий фан ютуқларини кўрсатиш, билимларнинг амалий роли, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва ўқитувчи, ўқувчилар муносабатлари ва бошқалар.

Педагогик кузатиш

Педагогик кузатишнинг аҳамиятини баҳолаш керак эмас. Таълим жараёнида ўқитувчи талабаларнинг фаолиятини мунтазам равишда баҳолаб боради. Бу кузатувлар дарсда талабаларнинг дарс жараёнидаги фаоллигини оширишда, хулқ одобини шаклланиши учун хизмат қилади. Дарсда ўқитувчи ҳар бир мавзунинг тақдиротини юқори савияда олиб бориш учун ҳаракат қилиши лозим. Шунинг учун аудиторияда интерфаол усуллардан фойдаланишга эътиборни қаратиш лозим.

14.6. Аудиторияда талабаларнинг билимларини ривожлантириш (масалан, талабалар ва кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари ўртасида ижобий ҳурматни шакллантириш, юқори босқич талабаларининг инсонларга ҳурмати).

Аудиториядаги мутоола

Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар бир-бирига ўзаро таъсир қилиши табиий ҳол.

Ўқувчилар биргаликдаги фаолият жараёнида ўқитувчининг нималарга қодир эканини, илм-фанга қўшган ҳиссасини, билимдонлиги ва маънавий-ахлоқий қиёфасини тезда пайқаб оладилар ва шунга қараб ўзаро ҳамкорлик муносабатида бўладилар. Улар ўқитувчини, фақат машғулотларни яхши ўтгани учунгина эмас, балки шахсий инсоний ва маънавий-ахлоқий фазилатлари учун ҳам ҳурматлайдилар.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлар жуда мураккаб хусусиятга эга. Чунки, у энг оддий руҳий ва ижтимоий боғланишлардан тортиб доимий характерга эга бўлган энг мураккаб ижтимоий ҳаракатлар ва ўзаро муносабатларгача бўлган ижтимоий алоқалар тизимидан иборат. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлар объектив равишда вужудга келади ва таълим муассасида таълимнинг мақсади ҳамда вазифалари нуқтаи назаридан онгли равишда тартибга солинади, бошқарилади.

Ўқитувчилар таълим жараёнини бошқаришда талабаларнинг ўтиш давридаги ўзига хос хусусиятларини эътиборга олишлари муҳимдир. Ҳар бир дарснинг ижобий натижаси бўлиши учун ўқитувчилар унга алоҳида тайёргарлик кўришлари лозим. Ҳар бир дақиқани бекорга ўтказмаслик лозимлигини ҳисобга олган ҳолда иш олиб боришлари лозим. Ўсмирлик ёши даври бола ҳаётида ўтиш даври деб юритилади.

Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларини ўқитувчилар эътиборга олишлари керак. Ҳар бир фаолият турини қизиқарли этиб ташкил этишлари лозим. Ҳар куни таълим жараёнида ижобий натижа бўлиши учун уни қизиқарли этиб ўтказишга ҳаракат қилиш лозим. Дарс бошланишидан олдин ўқитувчилар ўқувчиларни тинчлантириб олишлари зарур. Олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг кўрсатишича ўқувчиларни тинчлантиришга 8-минут вақт кетар экан. Бу вақтни янада қисқартиришга ҳаракат қилиш лозим. Худди шунингдек, аудиторияни тозалаш ишларига ҳам кам вақт сарфлаш талаб этилади. Ҳар бир дарснинг самарали олиб борилиши учун талабалар ўртасида билишга бўлган қизиқишни шакллантиришга ҳаракат қилиш лозим. Дарс жараёнида ҳар хил интерфаол усуллардан фойдаланиш зарур. Ўқитувчи дарс жараёнининг бошланишидан олдин тарқатмали куролларни тайёрлаб қўйишлари зарур.

Таълим ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг тарихи жуда узоқдир. Маълумки, ўқитувчининг билими унинг дарсдаги ва уйдаги фаолиятининг характериға бевосита боғлиқдир, фаолиятсиз билимлар ҳосил бўлмайди. Ўқитувчи юқори савияда дарс ўтиши ва лекин, бу дарснинг натижаси муайян ўқувчи учун ҳеч нарсага арзимаслиги мумкин. Зотан, тарбия ва таълим аста-секин амалга ошади ҳамда ўқувчига барча дарслар мажмуи қандай таъсир этишига, ўқитувчи ва ўқувчи раҳбарлигида онгли ва фаол бажарадиган ишларнинг ҳажми ҳамда мунтазамлилигига боғлиқ.

Ўқитувчининг вазифаси дарсда тафаккур ва фаолиятнинг ана шу турларини тўғри уйғунлаштиришдир. Бундай уйғунлик дарс самарадорлигини оширишнинг муҳим омилдир.

Ўқитувчи дарс муаммоларига тўғри ёндашиши учун таълим жараёнининг асосий компонентларини билиши, уларни ўзаро боғлиқлигини ва бир-бирига таъсирини тушуниши лозим. Объектив мавжудликнинг моҳиятини билиши – таълимнинг мақсадларидан биридир. Таълимда билимларни ўзлаштириш жараёнига қуйидаги компонентлар киради:

1. Ҳодисаларни, нарсаларни кузатиш, ахборотларни идрок этиш.
2. Олинган ахборотларни таҳлил қилиш.
3. Эслаб қолиш.
4. Умумлаштиришнинг тўғрилигини текшириш ҳамда баҳолаш.

Умуман айтганда, таълимни бошқариш ўқитувчи ўқиш жараёнининг асосий структураси элементлари, ўқув материалининг мазмуни, таълим методлари, фаолият усуллари, шакллари ва воситаларининг тўғри амалга ошуви ҳамда ўзаро таъсирини таъминлашдан иборат.

Кичик мактаб ёшидан бошлаб, болалар гуруҳида фаолиятнинг ҳар хил турларини ташкил этиш лозим. Минглаб фаолият турлари борки, улар болаларни кичик ёшлигидан бошлаб ҳар томонлама ривожлантиради.

Мисол учун:

*Артур: Тарих гуруҳи: тарихни ҳар томонлама сифатли ўрганиш. Бир қанча вариантлари бор.

*Паутина: Қурилиш командасида талабалар бир-бири билан яқиндан танишадилар.

*Савдо картаси: Талабалар савдо-сотиқ ишларини шу фаолият жараёнида ўрганадилар.

*Сиз қуришни биласизми? Талабалар биргаликда фаолиятга киришиб асосий мақсад йўлида хизмат қиладилар.

*Мен ким? Болаларни ёшлиқдан бир-бири билан фаолиятга киришиши уларда бир-бирига бўлган муносабатини янада яхшиланишига хизмат қилади.

Аудиторияда ижобий муҳитни шакллантириш, талабаларнинг таълим жараёнидаги фаол иштироки ва бир-бирига бўлган ҳурмати.

Аудиторияда ижобий муҳитни шакллантириш

Аудиториядаги таълим жараёнида талабалар ўртасида ўзаро бир-бирини ҳурмат қилишга ва бир-бирига нисбатан ўзаро муносабатларни тўғри шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўқитувчилар талабалар ўртасида аудиторияда соғлом муҳитни шакллантириб бориши лозим. Аудиторияда қачон соғлом муҳит яратилган бўлса, талабаларнинг билим олишга бўлган қизиқиши юқори даражада шаклланган бўлади. Талабалар таълим жараёнида тўлиқ иштирок этадилар. Аудиторияда таълим жараёнидаги муаммоларни диққат билан кўриб чиқиш ва тўлиқ муҳокама этиб бориш лозим. Кўпчилик талабалар таълим жараёнида фаоллик билан иштирок этадилар. Ўқитувчилар талабаларнинг таълим жараёнидаги барча муаммоларини диққат билан тинглашлари ва ечишга шароит яратиб беришлари зарур. Ўқитувчилар талабаларга янги ғоялар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришлари лозим. Талабаларнинг бу ғояларни ўзларига ишонч ҳосил қилиб ишлаб чиқишга шароит яратилиши керак. Талабалар ғоялар муҳокамасида фаоллик билан иштирок этиб, мустақил равишда ҳал этишлари лозим.

14.7. Таълим жараёнидаги самарадорликни таъминлаш

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўқитувчиларнинг таълим жараёнидаги фаоллиги таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлайди. Ўқитувчилар талабалар ўртасидаги шахсий қизиқишларини эътиборга олишлари лозим.

Ўқитувчилар талабаларнинг билишга бўлган қизиқишларини, ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олишлари лозим. Ўқитувчилар томонидан талабалардаги тиришқоқлик мунтазам равишда иошириб борилиши лозим. Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, талабалардаги тиришқоқликни кучайтиришда ўқитувчиларнинг ҳиссаси катта. Талабаларда ўқитувчиларнинг ёрдамисиз ўқишга қизиқишни шакллантириб боришга ҳаракат қилиш лозим. Масалан, талабалар томонидан берилган саволга тўғри ва аниқ жавоб беришга ҳаракат қилиши лозим. Ўқитувчилар талабалар томонидан берилган саволларга тўғри ва аниқ жавоб қайтаришлари лозим. Улар ҳар бир мавзунинг тақдимотини юқори савияда тайёрлашлари ва талабалар ўртасида қайтар алоқани вужудга келтириш учун ҳаракат қилишлари лозим.

Талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини юқори савияда ташкил этиш

Талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқишини шакллантиришда аудиториянинг жиҳозланганлик даражаси катта аҳамиятга эга. Чиройли жиҳозланган аудиторияда ҳамма талабаларнинг ўқишга бўлган фаоллигини янада оширади. Аудиторияда талаба ўзини эркин ҳис қилиши керак. Аудитория талабаларни ўзига чакирувчи бўлиши керак. У ердаги хонанинг таъмирланганлик ҳолати ижобий бўлиши керак. Талабаларни аудиториядан итариши керак эмас. Деворнинг бўёғи, шифтнинг ранги, мебеллар тўғри танланган бўлиши керак. Аудиторияда мебеллар тўғри жойлаштирилган ва талабалар сонига етарли бўлиши керак. Ўрта мактабларнинг ҳар бир синф хонасида стол, стул ёзув столи ва бошқа мебеллар ўқувчилар сонига етарли бўлиши шарт. Аудиторияда ўқитувчи талабалар билан бемалол мулоқот қилишлари учун мебелларнинг жойлашиши ҳалақит қилмаслиги керак.

Таълим жараёнини ташкиллаштириш

Қуйи синфларда синф етакчиси аудиторияда китоблар ва жиҳозларнинг жойлаштиришга ёрдам беради. Синф етакчилари аудиторияда нарса ва предметларни шундай жойлаштириши керакки улардан фойдаланиш қулай бўлсин. Аудиториядаги жиҳозлар шундай тартиб билан жойлаштирилиши керакки, улар барчага кўринарли бўлиши ва фойдаланишда қулай жойда туриши керак. Бўлғуси мутахассисларни тайёрлашда ўқитувчилар дарсларни юқори савияда ўтишлари учун компьютер технологияси билан етарли даражада жиҳозланган бўлиши керак. Аудиторияда дарс жараёнини ташкил этиш учун керакли барча материаллар мужассам бўлиши керак. Таълим жараёнини юқори савияда ташкил этиш учун тарқатма материаллар талаба сонига етарли даражада бўлиши керак. Машғулотларда талабалар барча ўқув материалларидан тез осонлик билан фойдаланиши учун етарли даражада бўлиши лозим.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. *Ўқитувчилар фаолиятининг таҳлил қилишининг турли хил усуллариини тушуинтириб беринг.*
2. *Ўқитувчининг таълим жараёнидаги фаоллиги мазмунини тушуинтиринг.*
3. *Талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини юқори савияда ташкил этиш учун педагоглар қандай вазифаларни амалга оширишлари лозим?*
4. *Таълим жараёнини ташкиллаштиришининг мазмунини тушуинтиринг.*

Мустақил иш топшириқлари

1-топшириқ

“Илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш” мавзусини ўрганишда “Чархапалак” интерфаол методидан фойдаланишга доир кўрсатмалар.

5. Қуйида берилган хусусиятлар билан танишинг.
10. Ўзингиз тўғри деб ҳисоблаган хусусиятни мос каттак ичига махсус белгилар (+, -, X, Y) дан бири ёрдамида белгиланг.
11. Сўнгра соат стрелкаси тартибида ўз варақларингизни бошқа талабаларники билан алмаштиринг.
12. Жавоблар варақаси ўзингизга етиб келганидан сўнг, ўқитувчининг тўғри жавоби асосида ўз жавобларингизни текширинг.

№	Хусусиятлар	Билимларни тўлиқ ўзлаштириш технологияси	Шахсга йўналтирилган технологиялар	Модулли таълим технологиялари
1	Билимлар мактабини тарбия мактабига айлантириш			
2	“Аъло” баҳоларнинг сони чекланмайди			
3	Ҳаракатлар режаси			
4	Ахборотлар блоки			
5	Ўзлаштириш учун биринчи дарснинг ўртасидан учинчи дасрнинг ўртасигача бўлган ўкув вақти керак			
6	Қийин мақсад ғояси			
7	Атроф-муҳитни педагогизациялаш			
8	Идеал тарбия – бу ўз-ўзини тарбиялаш			
9	Ўқитиш мазмуни тугалланган мустақил комплексларда акс этади			
10	Дозалаштирилган индивидуал ёрдам кўрсатиш			
11	“Уй вазифасиз тўлиқ ўзлаштириш бўлиши мумкин эмас”			
12	Янги материални эслаб қолишнинг энг самарали методи – ўз-ўзига айтиб бериш			
13	Катта блоклар ғояси			
14	Хато қилиш ҳукуқи			
15	Тўғридан-тўғри мажбур қилишни бекор қилиш			

2-топширик


Касбий таълимда ахборот технологияларининг ўрни мавзусига доир “Тоифалаш жадвали”ни тўлдилинг.

Умумий педагогик даража	Хусусий методик даража	Локаль (модуль) даража

3-топширик

Касбий фанларни ўқитишда муаммоли таълимнинг аҳамиятини “Нима учун?” техникаси ёрдамида тушунтиринг.

«Нима учун?» техникасидан фойдаланиб саволнинг жавобларини жадвал-схемаларига ёзиб тўлдилинг.



4-топширик

“Касбий фанларни ўқитишда илғор педагогик технологияларни қўллашнинг аҳамияти ва зарурати” мавзусига оид “Инсерт” жадвалиги тегишли белгиларни қўйинг.

Касбий фанларни ўқитишда илғор педагогик технологияларни қўллашнинг аҳамияти ва зарурати	Тегишли белги
Биринчи президентимиз И.А.Каримов алоҳида таъкидлаганларидек, «Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётда нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда	

тутишимиз керак». Шу сабабли ҳам биринчи навбатда таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи – ижодий фаолият тажрибаси, теварак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўндаланг қилиб қўйилди. Бизнингча, бу ғояни ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги компонентлари рўёбга чиқариш мумкин: • фаолият турлари (моддий, амалий ижтимоий, маънавий); • ижтимоий онг шакллари (ахлоқ, санъат, сиёсат, фалсафа, фан ва бошқалар); • ижтимоий муносабатлар тизими (моддий ва мафкуравий); • моддий, ижтимоий ва табиий борлиқ (кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирилган бойликлар). Таълим мазмуни, унинг компонентлари, таркиби, вазифалари ҳақида сўз кетганда далиллар билан қонуниятлар, яққоллик билан мавҳумлик, билимлар билан ҳақиқатни мустақил билиш методлари ўртасидаги мақбул келадиган муносабатларни аниқлаш зарур.	
---	--

15-БОБ. ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ТУРЛИ ХИЛ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, АУДИТОРИЯДА ИШЧАНЛИК МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ. АУДИТОРИЯДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТ

Режа

- 15.1. Ўқитувчининг илмий тадқиқот ишларига йўналтириш.
- 15.2. Таълимдан самарали фойдаланиш
- 15.3. Гуруҳ фаолиятини ташкил этиш.
- 15.4. Болалар ғоясини ривожлантириш.

Таянч иборалар

Илмий-тадқиқот, фикрлаш қобилияти, муаммоли вазиятлар, бошқарув кўникмалари, педагогик жараён, билим, кўникма, малака.

Мавзунинг қисқача мазмуни

Аудиторияда талаба ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар ижобий характерда бўлиши керак. Аудиторияда таълим жараёнида талабалар ўртасида ўзаро муносабатларни шакллантириш узоқ давом этадиган жараён. Аудиториядаги ўзаро мунозарада талабаларда фикрлаш қобилиятини шакллантириб бориш муғим аҳамиятга эга. Ўқитувчилар талабалар ўртасида ўзаро муносабатларни шакллантириш учун барча имконият ва шароитларни яратишлари лозим. Ўқитувчилар аудиторияда талабалардан қайтувчан алоқани амалга оширишга ҳаракат қилиши лозим.

15.1. Ўқитувчининг илмий тадқиқот ишларига йўналтириш.

Ижобий мулоқотни таъминлаш

Малакаларнинг таълим соҳасидаги бошқарув кўникмаларидан самарали фойдаланиб, ташкилий воситалар ёрдамида уларни ҳар томонлама ривожлантириб бориш лозим. Малакаларнинг таълим, моделлар ва ёшга - тегишли ўқув кўникмаларини назорат (масалан, баён, умумлаштириш, тест олиш) ва тадқиқот лойиҳаларини талабаларни вақт бошқарувидан фойдаланишга ёрдам беради. Малакаларнинг унда ўқитувчи талаба хулқ – атворидаги салбий омиллар таъсирини камайтириш ва барча талабаларга лойиҳаларни таҳлил этишни ўргатади. Малакаларнинг (масалан, ота-умидлари, жамият ресурслари, жамият муаммолари мавжудлиги), ижтимоий

ва маданий омиллар тушунчаси билан таъсири талаба учун таълим ва режалар кўрсатмасини баҳолаши ва барча ўқувчиларни ривожлантириш учун, жамиятда ўз ўрнини топишлари учун ҳаракат қилмоқлари лозим.

Ўқитувчи турли ролларни талабаларга тақсимлаб беради. Талабалар фаолликда бу ролларни ўйин фаолиятига кўчирадилар. Аудиторияда ўқитувчи соғлом муҳитни яратиши лозим. Талабалар аудиторияда эркин фикр юрита олишлари учун ўқитувчи ҳаракат қилиши лозим. Талабаларда юқори даражада шаклланган малака ва кўникмаларни шакллантириш учун ўзаро фикр алмашиш доимо бўлиши керак.

Талаба таълим тўғрисидаги ҳужжатларни таҳлил қилади. Болаларга ёшлиқдан ақлий қобилиятларини ўстириб боришга ҳаракат қилиш лозим. Мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ақлий фаолиятларини рағбатлантириш лозим. Малакаларнинг тинчлантирадиган ва фаол ҳаракат фаолиятини мувозанати ёш болалар учун жадвални яратиш муҳимлигини тан олади ва бу ўйин, лойиҳалар ва таълим учун вақт катта блокларини беради. Малакаларнинг ривожлантириш фаолиятида самарали тартиб ёрдамида, шу жумладан, талаба ўрганиш, энг юқори даражага йўллар вақт бошқаради; материаллар, сарф материаллари ва технологияни бошқариш учун; ва ўқув фаолияти билан мувофиқлаштирилади.

Малакаларнинг бундай ривожлантирилиши, синф китобларини сақлаш каби маъмурий вазифаларни амалга ошириш учун самарали аҳамиятга эга бўлади. Малакаларни бошқариш ва мониторинг билан боғлиқ назария ва услубларини қўллайдди. Юқори ва аниқ ҳатти-ҳаракат учун аниқ қоидалар асосида бўлиши керак. Турли хил таълим ва ўқув контекстларда 102-самарали мулоқот қилиш учун қоидалар ва стратегиялари қўлланилиши лозим. Барча талабаларни жалб қилиш учун савол-жавоблар талабалар билимини кенгайтиради. Самарали тартиб ва мулоқотдан фойдаланиб, мураккаб ғояларни соддалаштириш, мисоллар билан таъминлаш орқали, масалан, талаба тушунча ривожлантириш учун мулоқот ўрнатиш учун 106 стратегиясини фойдаланади. Ўқув жараёнида ўқитувчи ва талаба ролларни ўзганади ва интеллектуал фаоллиги ва фаол талаба жалб қилинади. Фаол таълим жараёнида талаба жалб қилинади. Турли таълим техникаси (масалан, талк, савол, муаммо ҳал) ишчи меҳнат ва ўқув жараёнида ўқитувчи ва талаба роллари ўзгаради ва интеллектуал фаоллиги ошиб боради мослашувчан ўқувдан фойдаланиб, самарали сабоқ қуриш томонидан, талабани жалб қилиб бориш керак. Масалан, (ўрганиш тарғиб қилиш, турли стратегиялар қўлланиладиган дастурлар). Малакаларнинг тегишли мазмунини турли йўллар билан талабаларга тушунтириш лозим.

15.2.Таълимдан самарали фойдаланиш

Ўқитувчи малакаларнинг шаклланишини жорий технология асосида (масалан, аппарат, дастурий таъминот дастурлар ва вазифалари, кириш чиқиш қурилмалар, тармоқлари) амалга ошириб боради.

Малакаларнинг жамиятда технология асосида шаклланиши юқори технологиялар ва рақамли ахборот (масалан, махфийлик кўрсатмаларни, муаллифлик ҳуқуқи қонунлари, жоиз фойдаланиш сиёсати) воситалари ёрдамида амалга ошади. Малакаларнинг (аниқлиги ва амал учун электрон маълумот баҳолаш, онлайн ёрдам ва бошқа ҳужжатларни фойдаланиб, масалан, тармоқлар ҳақида маълумот жойлаштириш, кириш ва ўрта сақлаш ва масофадан қурилмалардан маълумотларни манипуляция), касбий таҳлил ва баҳоланиши электрон ахборот жараёнларини тегишли бўлган амалий дастурлари орқали мониторинг этиб борилади. Малакаларнинг муаммоли вазиятлар ва лойиҳа асосидаги таълим фаолияти билан шахслар ва гуруҳлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун, илм яратиш ва ҳал этиш ўзгартириш ва натижаларини баҳолаш учун вазифа-усул ва воситаларни ишлатиш (масалан, режалаштириш, яратиш ва таҳрир қилиш учун қандай билади талаба, ташаббусқори сифатида электрон жамоалар иштирок; график воситалари ёрдамида; сўз ишлаш ҳужжатлар, электрон жадвал ҳужжатларва маълумотлар базаларисокин ва ёрдамчи; онлайн орқали маълумот алмашиш керак. Амалий кўникма турли маълумотларни мулоқот қилиш ҳосилдорлик воситалари қандай фойдаланишни билади.

Форматланган (масалан, слайде show, мултимедиа тақдимот, ахборот бюллетенларини) амалларни масалан, бир нусхасини чоп (турли йўллар билан маълумот нашр қилиш учун экран воситаларини кузатиб, Интернет ҳужжатлари орқали амалга оширилиб борилади. Малакаларнинг жорий технологиядан самарали қандай фойдаланишни амалга ошириш лозим. Муаммони ҳал қилиш ва қарор қабул қилиш, гуруҳда ишлаш ва тегишли ўқув амалиётини фойдаланиш. турли вазиятларда технологиялар орқали ва турли воситалардан фойдаланиб ҳамкорликни амалга ошириш лозим. Малакаларнинг ўқувчилар технологик ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва топшириқ учун ташкил этилган лойиҳалаштириш билан боғлиқ мезонларини билади.

Мулоқот вақтида талабаларнинг фикри ёрдам беради ва барча талабалар учун ўзлаштириш имконини беради. Малакаларнинг хусусиятларидан фойдаланиш, афзалликларини аниқлаш, билим, малака ва кўникмаларини ривожлантириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Малакаларнинг ривожлантириш учун юқори тахминлар асосида ўқув мақсадлари ва вазифалари билан мослаш учун баҳолаш мезонларини ва стандартларга мос усулларни талаба яратади. Малакаларнинг тегишли тил ва, аниқ конструктив, мустақил бўлиб ўз вақтида, самарали воситалар орқали талабаларга таълим бериш муҳим аҳамиятга эга.

Тескари алоқа ва ўзини ўзи ривожлантириш иш қобилиятини рағбатлантириш малакаларнинг(масалан, бир фаолиятда талаба жалб қилинмаганлиги, бир қутилмаган таълим имконияти пайдо бўлиши) ва талаба бажариши лозим бўлган ўқув ёндашувлари асосида мослашувчан турли вазиятлар яратилади.

**Таълим жараёни учун барча предметларни тайёрлаш (синфда
мебелларни тўғри жойлаштирилиши организмни тўғри
ривожланганлик даражасига ижобий таъсири).
Ўқув жараёнининг вақти**

Педагогик жараён – бу ўқитувчи ва талаба билимларини, кўникма ва малакаларини амалиётда қўллашни ўз ичига қамраб олади. Касб таълими жараёнида мазмун, ўқиш, ўқитиш, тарбиялаш асосий боғловчи компонентдир.

Таълим билиш фаолиятининг тури сифатида педагогика фанида бир неча асосий маънони англатади. Яъни бу: талабаларда билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш: уларда дунёқараш, фикр ва эътиқодларни шакллантириш; ўқувчиларнинг муайян даражада ўқимишли, маданиятли, тарбияли чин инсон бўлишига эришиш; уларнинг қобилиятларини ўстиришдан иборатдир.

Таълим–инсоният тажрибасининг маълум томонларини яъни, талабалар ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги талабларига мувофиқ даражада билим ва тарбияга эга бўлишларини таъминлайдиган фаолиятдир.

Демак, педагогик таълим жараёнининг мазмунини билим, кўникма ва малакалар ташкил қилади. Талабалар ўқиш орқали билим билан қуролланадилар. Бунда билимнинг ўзи кифоя қилмайди. Уни ҳаётда кўп унум берадиган қилиб қўллай олиш лозим. Бунинг учун эса талабада кўникма ва малака ҳосил қилиш лозим.

Кўникм–машқ қилиш натижасида бериладиган ҳаракатлар йиғиндисидир. Икtidор ва кўникма машқ қилиш ва такрорлаш орқали малакага айланади.

Билим асосида кўникма ва малака ҳосил қилинади. Билим баҳсда керак бўлса, кўникма меҳнатда, дунёни ўзлаштиришда зарур бўлади. Шу жиҳатдан Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, касб-хунар коллежларида ва мактабларда баҳслар, беллашувлар, ўткир зехнлилар мушоираси, кувноқлар ва зукколар беллашувини ташкил этиш фойдалидир.

Таълим олувчининг характери ва фаоллиги ривожланган ҳолда унинг даражалари турличадир. Аммо, шу билан бирга таълим олувчилар пасив бўлса, ўқитиш жараёнини амалга ошириб бўлмайди.

*Таълим олувчининг илм қабул қилиши фаоллиги унинг шахс сифатида шакллантиришига ҳам таъсир кўрсатади. Таълим олувчида ўз-ўзига, меҳнатига, бошқа шахсларга, жамиятга, ишлаб чиқаришга, атороф-муҳитга муносабати шаклланиб боради.

*Педагогик жараённинг муҳим специфик шароитлари. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг муҳим специфик шартларидан бири бу амалий ўқитишдир. Бу унинг муҳим ташкил этувчи компонентида. Ўқитиш жараёни амалиётдан тубдан фарқ қилади, чунки ишлаб чиқаришдаги ўқитиш услубининг асосий мақсади, бу таълим олувчини маълум бир касбга йўналтириш ва шакллантиришдир.

Педагог ва таълим олувчи орасидаги ўзаро бирлик ва алоқадорлик ҳақида гапирганда бошқарувчи ва ўргатувчи шахс бу ўқитувчи эканлигини унутмаслик керак. Фақат педагог таълим олувчига билим бера олиши, шахс сифатида шакллантира олиши ва ўз таъсирини кўрсата олиши мумкин.

Ўқитиш жараёнининг муҳим компоненти

Бериладиган билим мазмуни ўқув дастури, давлат таълим стандартида белгиланган бўлиб, унинг таркибига ижтимоий мақсадлар давлат буюртмаси, педагогик тизимни аниқ мақсадларини белгилайди. Педагогик жараён фақат таълим мазмундалигига эмас, балки унинг қонунийлигига ҳам таъсир кўрсатади яъни, педагогик жараённинг шароитига қараб мазмун белгиланмаса, таълим олувчилар ўзлаштиришлари қийин ва педагогик жараён билан амалиётдаги шароит орасидаги боғлиқлик йўқолади.

Гуруҳнинг шахсий имкониятидан келиб чиқиб, ўқитувчи дастурига мантикий ўзгаришлар киритиб, шу билан педагогик жараённинг ўзаро боғлиқлигини бузмаган ҳолда мақсадга эришилади. Маълумот беришнинг педагогик жараёни - ўқитувчиларнинг илмий, техник ва технологик ишлаб чиқаришдаги билимларни шакллантиришдир.

Педагогик жараёнда ўқитувчи ва устанинг вазифаси таълим олувчида ижобий сифатларни ривожлантириш учун тарбиявий вазифаларни максимал қўллаши керак. Ўқитувчи таълим олувчиларда жамоатчилик, дўстлик, ишчи интизом, ростгўйлик, ўз ишига жавобгарлик шу каби инсоний сифатларни ривожлантиришга асосий эътибор қаратади. Бунинг учун ўқитувчининг ўзида тарбияловчи сифатлар мужассам бўлиши керак.

Вақтнинг қадрига етишга ўргатиш

Гуруҳ раҳбарлари ўқувчиларни дарсга кечикмасдан келишга, синфда давомадни тўлиқ таъминлашга ўргати боришлари лозим. Ўқитувчи дарс бошланишидан олдин 5-минут вақтни ташкилий қисмга ажратади.

Педагогик фаолият - маълум бир шароитда ижтимоий қимматли мотивлврга кўра таълим-тарбия мақсади сари йўналтирилган ўзига хос воситалар асосида мўлжалланган педагогик натижа билан яқунланадиган хатти-ҳаракатлар тизимидир. Профессор ўқитувчининг педагогик фаолияти сон-саноксиз ўқув-тарбия вазифаларини ўқувчилар билан бирга ечишдан иборат. Улардан энг муҳими таълим-тарбиянинг мақсадини ойдинлаштириб, ўқувчилар билан ҳамкорликда рўёбга чиқаришдир. Бу вазифа ўқувчиларни ўқитиш ишини ўз-ўзини ўқитишга, уларнинг хатти-ҳаракатларини рўёбга чиқаришдир. Бу вазифа ўқувчиларни ўқитиш ишини ўз-ўзини ўқитишга, уларнинг хатти-ҳаракатларини бошқаришни ўз-ўзини бошқаришга айлантириш, ўқувчиларни ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш йўли билан ҳал этилади.

Таълим олувчи ўқув фаолияти билан шуғулланишдан мақсади мавжуд ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг мақсади, вазифаларига мос ҳолда, ўрта-махсус маълумот олиш, баркамол шахс, юксак маънавий-ахлоқий фазилатга эга юқори малакали, рақобатбардош ўрта-махсус маълумотли мутахассис бўлиб етишишдан иборат.

Таълим-тарбия жараёни икки томонлама хусусиятга бўлиб, унинг самарадорлиги профессор ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик муносабатларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам таълим-тарбия жараёнининг субъектларидир, уларнинг фаолияти ўзаро чамбарчас боғлиқ ва нисбатан мустақиллик хусусиятига эга. Чунки, уларнинг мақсади бир яъни, умумий ишни бирга бажарадилар.

15.3. Гуруҳ фаолиятини ташкил этиш

Кичик мактаб ёшидан бошлаб, болалар гуруҳида фаолиятнинг ҳар хил турларини ташкил этиш лозим. Минглаб фаолият турлари борки, улар болаларни кичик ёшлигидан бошлаб ҳар томонлама ривожлантиради.

Мисол учун:

*Артур: Тарих гуруҳи: тарихни ҳар томонлама сифатли ўрганиш. Бир қанча вариантлари бор.

*Паутина: Қурилиш командасида талабалар бир-бири билан яқиндан танишадилар.

*Савдо картаси: Талабалар савдо-сотиқ ишларини шу фаолият жараёнида ўрганадилар.

*Мен ким? Болаларни ёшлиқдан бир-бири билан фаолиятга киришиши уларда бир-бирига бўлган муносабатини янада яхшиланишига хизмат қилади.

15.4. Болалар ғоясини ривожлантириш

* Математик фаолиятни ривожлантириш.

* Биз ҳаммамиз: Талабалар ўртасидаги ҳар хил фаолият турларини ривожлантириб боришга ҳаракат қилиш лозим.

* Биз ўхшаймиз: Талабалар бир-бирига фаолият жараёнида ёрдам бериши лозим.

* Синфда бажариш: Болалар турли хил ижтимоий гуруҳларда иштирок этишлари лозим.

* Буни баланд овозда эшитиш: Бу режа талабаларга таълим жараёнидаги фаолият турларини тартибга солишга ёрдам беради..

Иқтисод таълимнинг беш элементи

Кичик гуруҳларда ҳамкорликдаги таълимнинг аҳамияти катта. Талабалар таълим жараёнида натижага эришишлари учун ҳамкорликдаги таълимнинг ҳамияти катта. Бу беш босқичга боғлиқ:

1. Ижобий мустақиллик: Муваффақиятга эришишда гуруҳнинг барча аъзолари ҳаракат қилишлари лозим.

2. Бир-бирига ўзаро ёрдам бериш. Ахборотларни бир-бирига етказишда гуруҳнинг барча аъзолари ҳаракат этишлари лозим.

3. Ҳар бир талабага алоҳида ёндашиш: Талабалар гуруҳида жавобгарликни таъминлаш.

4. Фаолият турларини ташкил этишда талабаларнинг бир-бирига ёрдам кўрсатишини шакллантириш.

5. Гуруҳни тозалик ишларидаги иштироки: Талабалар гуруҳида ҳар бир талабага ижодий ёндашиш ва меҳнатсеварликни шакллантириш.

6. Ҳамкорликдаги таълимда талабалар кўпинча нималарга эътибор қаратишлари лозим:

*Марказлар.

*Муаллифнинг мастер-класс ўтказиши.

*Уч поғонали суҳбат.

*Ўйлаб кўр.

*Адабиёт давраси.

*Даврв суҳбати.

Синф рўйхати

Болаларни ёшликдан ақлий, жисмоний ва руҳий томондан ривожлантириш лозим. Ўқитувчи таълим жараёнида аудиторияда тартиб қоидага амал қилишларини таъминлаб боришлари зарур. Болаларни кичик ёшидан бошлаб ақлий ва жисмоний ривожлантиришда фаолиятга қизиқтиришнинг аҳамияти катта. Болаларни кейинги фаолиятга тайёрлашда ақлий таълимнинг аҳамияти катта. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларига ўқитувчилар соатлаб маъруза ўқимайдилар балки балаларни зўриқтирмасдан ўйинлар орқали фаолиятни олиб борадилар. Ўқитувчилар таълим жараёнидаги ҳар бир модулни режалаштиришда дарснинг мақсадини, талабаларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Талабалар ҳар бир ишни график асосида ташкил этишни билишлари лозим. Талабалар гуруҳ тадбирларини режалаштиришда аниқликка риоя этишлари лозим.

1. Ўқитувчиларнинг турли хил фаолиятларини таҳлил қилиш, аудиторияда ишчанлик муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришнинг мазмунини тушунтириш.

2. Ўқитувчининг илмий тадқиқот ишларига йўналтиришнинг аҳамиятининг тушунтириш.

3. Таълимдан самарали фойдаланишнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

4. Гуруҳ фаолиятини ташкил этишнинг аҳамиятини очиб беринг.

Тарқатма материал – 9

1-топширик

“Таълим воситалари” мавзусидаги Т-чизмани тўлдиринг.

Таълим воситаларидан фойдаланишнинг афзалликлари	Таълим воситаларидан самарали фойдаланмасликнинг салбий оқибатлари

2-топширик

Ҳозирги замон ўқув воситаларининг тавсифномасига оид “Тоифалаш жадвали”ни тўлдиринг.

ЭҲМ тармоқлари	Йўлдош алоқа тизимлари	Сунъий интеллект тизимлари	Электрон почта	Телеконферен- циялар

3-топширик

Таълим воситалари ва уларни турлари мавзусига оид “Чархпалак” жадвалини тўлдиринг.

Таълим воситаларининг номланиши ва мазмуни	экран	диапозитив	транспортлар	виртуал стенд
Бу каби ўқитиш воситалари бугунги кунда кенг тарқалган. Бу ўқитиш воситаларига қўйилган талаблар энг аввало уларнинг мавзуга оидлиги, иккинчидан, бу ўқитиш воситаларининг сифати яхши бўлиши билан ажралиб туради.				

Бу ҳаракатланмайдиган ўқитиш экран воситаси ҳисобланади. Бу жуда қулай ўқитиш воситаси, чунки ўқитувчи унинг бир қисмини, ёки бир кадрни алоҳида кўрсатиши мумкин. Ҳар бир кадр тўлиқ бир информацияга эга. Диафильм ҳам ҳаракатланмайдиган экран ўқитиш воситасидир.				
Бу ҳам ҳаракатланмайдиган экран қўлланмасидир. Улар проектор ёрдамида кўрсатилиши ва хонани қоронғилатиш шарт эмаслиги бу ўқитиш воситасининг катта ютуғидир. Ўқитувчи таълим олувчиларга юзланган ҳолатда, ўтилган ёзувлар ёки чизмаларни экранга проекция қилиб тушунтириши мумкин.				
Ўқув амалий стенди ёки ўқув-малака устахонаси бўлиб, ўқувчи-талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, компьютер дастур ва технологиялари орқали маълум йўналишда зарурий кўникмаларни ҳосил қилишга ёрдам беради.				

16-БОБ. ГУРУҲ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАШКИЛЛАШТИРИШ. ТАЛАБАЛАРДА ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖАНТИРИШ. ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАЪЛИМ. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎҚИТИШДА БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. БОШҚАРУВНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ

Режа

- 16.1. Тартиб интизомни бошқариш методлари.
- 16.2. Талабалар ўртасида содир бўлган низоларни бартараф этиш.
- 16.3. Кичик ёшдаги болалар учун кун тартибини аҳамияти.
- 16.4. Талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини юқори савияда ташкил этиш.
- 16.5. Талабаларда бошқарувни шакллантиришда ўқитувчининг касбий билимлари.
- 16.6. Назария ва методларнинг қўлланилиши, ўқувчиларнинг ҳуқ-атвори таҳлили ва бошқарилиши.
- 16.7. Таълим жараёнида талабаларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш. Турли хил интерфаол методлардан фойдаланиш.

Таянч иборалар

Бошқарув, ахборот воситаси, фаолият, қизиқиш, ўйин фаолияти, таълим лойиҳаси, тарбиялаш, дарс жараёни, аудиторияни бошқариш, масъулиятлилик, ривожлантириш.

Мавзунинг қисқача мазмуни

Таълим муассасаларида ва оилада таълим соҳасида ижобий натижага эришиш учун бошқаришнинг методларини тўғри олиб бориш катта аҳамиятга эга. Таълим муассасаларида чекланган ва аралаш методлардан иш олиб борилса оғир вазиятлар вужудга келади. Масалан, аудиторияда дарс жараёнида кўп гапиришга йўл қўйилмаслиги лозим, болани огоҳлантириши керак. Агар дарс жараёнида яхши натижаларга эришилса болани раҳбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ўқув йили бошланишининг биринчи кунда ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашиш талаб этилади. Талабаларни ривожлантиришда бошқаришнинг аниқ тартиб қоидаларига риоя этиш талаб этилади. Аудиторияни бошқаришда аниқ тартиб қоидаларга риоя этилиши лозим. Талабаларни ҳар томонлама

ривожлантиришда ҳар бир талаба ўз масъулиятига эга бўлиши ва аудиторияда тартиб интизомга риоя этиши керак.

16.1.Тартиб интизомни бошқариш методлари

Тартиб интизомни бошқаришнинг бир нечта босқичлари мавжуд.

* Сўзлаб бериш: Оммавий ахборот воситалари болаларда тартиб интизомни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Кўпинча ўқитувчилар болаларни жисмоний жиҳатдан ривожлантиришнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берадилар. Кўргазмали воситалар ёрдамида тушунтириб бериш муҳим аҳамиятга эга. Болаларни аста-секинлик билан тартиб-интизомга чақириб бориш лозим.

*Кўрсатмалилик: Болаларни ҳар томонлама ёшликдан ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун кўрсатмалиликнинг аҳамияти катта.

Ўқитувчилар катта мактаб ёшидаги ўқувчиларда моделлик санъатини ўрганишлари учун ҳаракат қилишлари лозим. Болалар ёшлигидан ёқимтой бўлишлари учун катта моделларнинг ҳулқ атворини кўчириб олишлари мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар болаларда аста-секинлик билан яхши ҳулқ одобни шакллантириб боришлари лозим. Болалар ёшлигидан бошлаб ўқитувчиларининг ҳулқ одобидан кўчирма оладилар.

*Узлуксизлик: Болаларда ёшликдан ҳулқ-одобни тўғри тарбиялаб бориш энг муҳим аҳамиятга эга. Бобо-бувиси бор бўлган хонадонларда болалар ёшликдан тўғри тарбия оладилар. Уларнинг тарбиясида хатоликлар кам учрайди. Энг муҳими натижа келиб чиқади. Бундай болалар математика фанидан берилган топшириқларни 85% бажарадилар. Катталар мактаб таълимига болаларни ёшликдан тайёрлаб боришлари лозим. Болалар ҳулқ-атворини шакллантиришда мактаб таълимининг аҳамияти катта.Ўқув йилининг охирида ўқувчилар ўқитувчилари билан ҳамкорликда турли кўнгил очар тадбирларни уюштирадилар. Таътил вақтида ўқувчилар ўқитувчилари билан ёзма равишда мулоқотда бўладилар. Таътилда ўқитувчилар ота-оналар билан ёзма равишда мулоқотни олиб борадилар. Чунки, таътил вақтида болаларнинг нималар билан шуғулланишларидан ўқитувчилар хабардор бўлишлари лозим.

Гуруҳ раҳбарини шакллантириш

Гуруҳ раҳбарлари амалиётида талабаларда ёшлик вақтидан бошлаб тартиб интизомни шакллантиришга эътибор берилиши лозим.

Гуруҳ раҳбари ўқув йилининг бошида талабалар билан ишлаш режасини тўғри тузиб олиши муҳим вазифалардан биридир. Гуруҳ режасининг бўлимларида талабалар билан ишлашнинг бир ўқув йилига мўлжалланган тартиби белгиланган бўлади.

Тартиб интизом қондаси:

1.Тартиб интизом қондаларини синфда талабалар билан муҳокама қилиб чиқиш лозим. Белгиланган тартиб қондаларни талабалар қийналмасдан тушуниб олишлари зарур. Гуруҳ раҳбари ҳар бир талабага ҳуқ атворининг наиунали бўлиши лозимлигини тайинлайди. Гуруҳдаги талабаларнинг ҳуқ атвори намунали бўлган тақдирдагина синфдаги ўзлаштириш жараёни анча юқори бўлади. Гуруҳ раҳбарининг ўзининг ҳуқ атвори талабга жавоб бериши лозим, шундагина гуруҳда қайтар алоқани амалга оширса бўлади.

Талаба қизиқишлари

Талабалар гуруҳда қайси қондага амал қилинишини чуқур муҳокама этишлари лозим.Талабалар бу тартиб қондага амал қилишлари лозимлигини тушунишлари лозим.Шундагина ўрнатилган бу тартиб қондалар мустаҳкам бўлади.

Талабаларни муқофотлаш

Талабаларга ўрнатилган тартиб қонда аниқ ва тушунарли бўлиши лозим. Белгиланган вазифалар талабалар учун оғир бўлмаслиги керак. Талабалар тартиб интизом қондаларини бузганда, белгиланган тартиб да талабалар жазоланиши керак. Тартиб интизомли бўлган талабаларни рағбатлантириш ҳақида ваъда бермасликлари лозим. Гуруҳ раҳбари гуруҳ ичида ҳар бир масалани адолатли ҳал қилиб боришлари лозим.

Узоқ кутилган натижа

Ўқитувчи аудиториядаги таълим жараёнида юқори даражадаги режани ҳал этишлари лозим. Талабалар ҳуқ атворини бошқаришда гуруҳда тўғри ташкил этилган тартиб қонданинг аҳамияти катта. Талабалар бир-бири билан тўғри сўзлашлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Талабалар ёлғон сўзлашнинг оқибатлари ёмон натижаларга олиб келишини билашлари

лозим. Ўқитувчининг талабаларга бўлган ишончи гуруҳда ўзаро муносабатларни ривожлантиришга олиб келади. Талабалар бир-бирини тушуниши ва ҳурмат қилиши лозим. Бир-бирини ҳурмат қилиш бу энг юксак мукофот эканлигини билишлари лозим. Талабалар ўзининг хулқ атвори ва юриш туришига ўзлари жавоб беришлари керак. Талабалар ўқиш ва меҳнат қилиш этикасини мунтазам равишда ўрганишлари лозим. Талабалар меҳнат қилиш этикасининг кучли томонларини ўрганишлари лозим. Талабалар уйга берилган вазифаларни мунтазам равишда ўз вақтида бажаришлари лозим.

16.2.Талабалар ўртасида содир бўлган низоларни бартараф этиш

Ўқитувчилар мунтазам равишда талабалар ўртасида содир бўлган вазиятларни таҳлил этиб боришлари лозим.Талабалар ўртасида содир бўлган низоларни бирданига бартараф этиш лозим.Ўқитувчилар талабалар Гуруҳида содир бўлган низоларни тезда бартараф этишга ва эҳтиёткорлик билан масалани ҳал этишни билиши керак.Талабалар гуруҳида ҳар бир муаммони дарров ҳал этиш лозим.Талабалар ҳар бир муаммони қандай ҳал этиш лозимлигини билишлари лозим.

6.Ҳамкорликдаги таълимда талабалар кўпинча нималарга эътибор қаратишлари лозим:

*Марказлар.

*Муаллифнинг мастер-класс ўтказиши.

*Уч поғонали суҳбат.

*Ўйлаб кўр.

*Адабиёт давраси.

*Давр суҳбати.

16.3.Кичик ёшдаги болалар учун кун тартибини аҳамияти, тинчлантириш ва фаол ўйин фаолияти, ўқув фаолиятини лойиҳалаштириш

Тадқиқотларнинг кўрсатишича ўқитувчиларнинг таълим жараёнидаги фаоллиги таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлайди.Ўқитувчилар талабалар ўртасидаги шахсий қизиқишларини эътиборга олишлари лозим.

Ўқитувчилар талабаларнинг билишга бўлган қизиқишларини, ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олишлари лозим.

Ўқитувчилар томонидан талабалардаги тиришқоқлик мунтазам равишда иошириб борилиши лозим. Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шунки кўрсатадики, талабалардаги тиришқоқликни кучайтиришда ўқитувчиларнинг ҳиссаси катта. Талабаларда ўқитувчиларнинг ёрдамисиз ўқишга қизиқишни шакллантириб боришга ҳаракат қилиш лозим. Масалан, талабалар томонидан берилган саволга тўғри ва аниқ жавоб беришга ҳаракат қилиши лозим. Ўқитувчилар талабалар томонидан берилган саволларга тўғри ва аниқ жавоб қайтаришлари лозим.

Улар ҳар бир мавзунинг тақдиротини юқори савияда тайёрлашлари ва талабалар ўртасида қайтар алоқани вужудга келтириш учун ҳаракат қилишлари лозим. Кичик ёшдаги болалар учун кун тартибини тўғри тузилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

16.4.Талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини юқори савияда ташкил этиш

Талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқишини шакллантиришда аудиториянинг жиҳозланганлик даражаси катта аҳамиятга эга. Чиройли жиҳозланган аудиторияда ҳамма талабаларнинг ўқишга бўлган фаоллигини янада оширади. Аудиторияда талаба ўзини эркин ҳис қилиши керак. Аудитория талабаларни ўзига чақирувчи бўлиши керак. У ердаги хонанинг таъмирланганлик ҳолати ижобий бўлиши керак. Талабаларни аудиториядан итариши керак эмас. Деворнинг бўёғи,шифтнинг ранги,мебеллар тўғри танланган бўлиши керак. Аудиторияда мебеллар тўғри жойлаштирилган ва талабалар сонига етарли бўлиши керак. Ўрта мактабларнинг ҳар бир синф хонасида стол, стул ёзув столи ва бошқа мебеллар ўқувчилар сонига етарли бўлиши шарт. Аудиторияда ўқитувчи талабалар билан бемалол мулоқот қилишлари учун мебелларнинг жойлашиши ҳалақит қилмаслиги керак.

Таълим жараёнини ташкиллаштириш

Қуйи синфларда синф етакчиси аудиторияда китоблар ва жиҳозларнинг жойлаштиришга ёрдам беради. Синф етакчилари аудиторияда нарса ва предметларни шундай жойлаштириши керакки улардан фойдаланиш қулай бўлсин. Аудиториядаги жиҳозлар шундай тартиб билан жойлаштирилиши керакки улар барчага кўринарли бўлиши ва фойдаланишда қулай жойда туриши керак. Бўлғуси мутахассисларни тайёрлашда ўқитувчилар дарсларни юқори савияда ўтишлари учун компьютер технологияси билан

етарли даражада жиҳозланган бўлиши керак. Аудиторияда дарс жараёнини ташкил этиш учун керакли барча материаллар мужассам бўлиши керак. Таълим жараёнини юқори савияда ташкил этиш учун тарқатма материаллар талаба сонига етарли даражада бўлиши керак. Машғулотларда талабалар барча ўқув материалларидан тез осонлик билан фойдаланиши учун етарли даражада бўлиши лозим.

Ўқув устахоналарида хавфсизлик техника қоидаларига риоя этиш

Таълим муассасаларидаги мебел, ўқув лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари ва бошқа инвентарлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш тўғрисида йўриқномада олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида техника хавфсизлиги талаблари тўғрисида маълумотлар берилган.

Техника хавфсизлик талаблари

1. Барча таълим муассасаларида содир бўладиган ёнғин, портлашлар кўплаб моддий зарар кўришга олиб келади. Турар жой, жамоа бинолари хом-ашё маҳсулотлари ускуна ва дастгоҳлар, тайёр маҳсулотлар ёниб кетади. Натижада, бу халқ хўжалигининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш лозим:

1.1. Жиҳоз ва ускуналар сақланадиган хоналар, кўрикли ва ўт ўчирғич, хабар бериш қурилмаси ва бошқалар билан таъминланиши керак.

1.2. Ёнғинга қарши ускуналар сақланадиган жойни тўсиб қўйиш ва бошқа мақсадлар учун ишлатиш ман этилади.

1.3. Чанг ва мойни артиш учун мўлжалланган фойдаланилган материаллар ёпиқ қопқоқли темир қутиларда сақланиши керак.

1.4. Тез ёнувчан ва ёнғинга хавфли материаллар ёнғинга қарши инспекция билан келишилган махсус хонада сақланиши керак.

1.5. Электр ускуналар махсус ажратилган жойга ўрнатилиши керак.

1.6. Электр ускуналарининг носозлиги ёки уларни ишлатиш қоида ва талабларига амал қилмаслик одамни шаклланишига олиб келади.

Фан ўқитувчилари аудиториядаги носозликлар ҳақида зудлик билан мутахассисларга хабар беришлари лозим. Масалан, хонадаги ойналарнинг синганлиги, чироқларнинг носозлиги, девор ва шифтларнинг кўчганлиги ва хавфли ҳолатлар бўлса дарров хабар бериш керак.

Гуруҳ раҳбарлари аудиториядаги барча носозликлар ҳақида зудлик билан таълим муассасаси раҳбарларига хабар беришлари лозим. Талабалар мунтазам равишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишлари лозим. Агар аудиторияда ёнғин чиқса, ёнғинга қарши барча воситалардан зудлик билан фойдаланиш лозим. Аудиторияда ёнғинга қарши барча воситалар бўлмоғи керак. Масалан (инвалидлар коляскаси) ҳам бўлиши керак.

16.5. Талабаларда бошқарувни шакллантиришда ўқитувчининг касбий билимлари.

Жараённинг аҳамияти

Ҳиндистонлик ўқитувчилар ўқув йилининг бошидаёқ таълим жараёнини таҳлилини юритиб борадилар. Масалан, ўқувчилар ҳар куни дарсга 10-минутдан кечикиб келишса, ўқув йилини 2-ойга узайтиришга тўғри келади. Шунинг учун ўқувчиларга дарсга кечикмаслик, дарс қолдирмаслик ҳақида тушунчалар бериб борилади. Аудиторияда тартиб-интизом бўлса, у ерда таълим жараёнида ҳам ижобий натижаларга эришилади.

Таълим технологияси бўйича қилинадиган ишлар икки қисмдан иборат: таълим лойиҳасини тайёрлаш ва лойиҳани амалга ошириш.¹

1. Таълим лойиҳасини тайёрлаш. Лойиҳа ўқитувчи ёки эксперт аъзолари туза олиш фаолиятининг маҳсули бўлиб, қатор умумий хусусиятларга эга. Лойиҳа асосида ўқитувчи ва талабаларнинг келажақда биргаликда амалга оширадиган фаолияти ётади. Таълим лойиҳаси маълумот мазмунини давлат стандартлари талаблари асосида таҳлил этишдан бошланади. Таҳлил маълумот мазмуни элементлари (билимлар, кўникма ва малакалар, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатлар) дастурларда қандай берилганлиги, дарсликларда қандай акс эттирилганлигига қаратилади. Кейин таълим мазмуни ўрганилади, у ёки бу мавзунини ўрганишдан кўзда тутилган мақсад, таълимнинг дидактик мақсади, ўқитувчи ва ўқувчилар мақсади, мақсадларни амалга ошириш ва ҳисобга олиш варақалари, бериладиган уй ишлари миқдори, мавзулар бўйича ўтказиладиган тест саволлари, рейтинг назорати босқичлари, эталон даражасида ўзлаштириш усули олдиндан белгилаб қўйилади. Бу ишларнинг барчаси онгда таълим моделини яратишга олиб келади.

2.Таълим лойиҳасини амалга ошириш.Таълим лойиҳаси бевосита таълим шароитида амалга оширилади. Бу жараёнда қуйидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилади:

- * ўрганилаётган мавзу бўйича мақсад, вазифалар билан ўқувчиларни олдиндан таништириш, муаммо, топшириқларни, шунингдек, уй вазифалари, мустақил бажариладиган ишларни, уларни бажариш тартиби, пайтини эълон қилиш, мавзунини тўлиқ ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар бериш, ўзлаштириш меъёрларини айтиб бериш;

- * талабаларни фаол, мустақил фаолиятга рағбатлантириш, улар диққатини бўлим ёки мавзу мазмунига тортиш, уни қандай ўрганиш зарурлигини айтиб бериш, билишга қизиқиш уйғотиш, ўқиш-ўрганишга ҳавас, муаммоларни бажаришга эҳтиёж уйғотиш, эмоциялар, тафаккур ходисалари, билимларни ўқув ҳолатларига татбиқ этиш йўллари орқали мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, тўпланган маълумотлар юзасидан жорий назоратни ташкил этиш, мавзунини тўлиқ ўзлаштиришга оид ўзгариш, қўшимча, тузатишларни белгилаш;

- * бўлим ёки мавзу бўйича тўпланган билимларга ишлов бериш.

Таълим жараёни схластик характерга эга. Унда кутилган ва кутилмаган, режалаштирилган, фавқудлодда ва тасодифий ҳодисалар ҳам учраб туради. Ўрганилган билимларга ишлов бериш жараёнида ҳам жорий назорат натижаларига асосланиб лойиҳага янги ўзгариш, қўшимча ва тузатишлар киритилади;

- * бўлим ёки мавзу бўйича умумий хулосалар чиқариш, чиқарилган хулосаларни мураккаб ўқув ҳолатларига татбиқ қилиш, оралик назорат натижаларига кўра мавзу ёки бўлим бўйича ахборот тўплаш, тўпланган ахборотларга ишлов бериш жараёнларида талабалар эришган ютуқларни таҳлил қилиш, талабаларнинг билим ва малакаси, ижодий фаолият тажрибасидаги камчиликларини кўрсатиш, гуруҳдаги ҳар бир талабага якуний назоратгача бажариладиган қўшимча топшириқларни бериш, уларни ўқув материаллини янада атрофлича ўзлаштиришга рағбатлантириш;

- * якуний назоратнинг асосий вазифаси талабаларнинг маълумот ва таълим мазмунини элементларини эталон даражасида ўзлаштиришларини аниқлаш, эталон даражасидан паст ўзлаштирган ўқувчиларни огоҳлантириш, қўшимча топшириқлар бериш кабилардан иборат.

Расм чизиш фаолиятини бошқариш, талаба таълим фаолиятини шакллантириш, бошқаришга мослашиш, технология ва предмет, ўқув устасининг фаолияти.

Техника воситаларидан фойдаланиш

Аудиторияни бошқаришда ўқитувчининг шахсий, касбий билимдонлиги муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчилар мунтазам равишда янги технологиялар билан қуролланган бўлишлари керак. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади. Ўқитувчи техника воситаларини ўзи бошқара оладиган, улар билан ўзи мунтазам ишлай оладиган, таълим жараёнини ўзи мунтазам таҳлил эта оладиган бўлиши лозим. Мактаб тарихи тизимида ўқитувчи янги техника ва технология билан қуролланган бўлиши лозим.

Компьютер технологияси

Аудиторияда ўқитувчи ўзининг касбий билимларидан фойдаланиб, дарс жараёнида компьютер технологиясининг иш фаолияти фаол ишлаши керак. Аудиторияда интернет тармоғидан ҳам фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Аудиторияда ўқитувчилар таълим жараёнини шундай ташкиллаштириш керакки, кўп тармоқли веб-сайтлардан ҳам фойдаланиш имконияти бўлсин. Аудиторияда ўқитувчилар ташқи дунёдаги барча муаммо ва саволларга жавоб топишлари лозим. Бугунги кунда ўқитувчилар учун шундай мулоқот воситалари борки, улар билан ўқитувчилар бемалол таълим муассасаси жамоаси, ота-оналар ва талабалар билан мулоқотда бўла оладилар.

Биринчидан, ўқитувчиларнинг бундай ёзишмалари қўл ёзишмалари вақтини камайтиради. Ўқитувчилар таълим жараёнидаги кўп ахборотларни бу программалар орқали таҳлил этиб борадилар. Бундан ташқари ўқитувчилар талабаларнинг ота-оналарига уларнинг дарсга қатнашган ёки қатнашмаганликлари ҳақида ҳам маълумот беришлари мумкин. Мисол учун, ўқитувчилар талабаларнинг ота-оналарига элэктрон почталари орқали турли маълумотларни бериб туришлари мумкин.

Интернет воситалари

Таълим муассасасида мактаб ҳудудида таълим олаётган ёшлар учун вертуал тизим мавжуд. Ўқитувчилар ҳар куни интернетга кириб, талабаларнинг кунлик дарсларга иштироки ва уларнинг ўзлаштиришлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари лозим. Аудиторияни бошқаришда ўқитувчининг интернетдан фойдалана олиши талабаларнинг ўзлаштиришлари бўйича кунлик таҳлилни олиб борилишида муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчилар ўзларининг алоҳида веб сайтлари орқали талабаларга уйга берилган вазифаларни таҳлилини юритиб боришлари лозим. Ўқитувчиларнинг ота-оналар билан бундай иш олиб боришлари талабаларнинг дастурни ўзлаштиришлари учун муҳим аҳамиятга эга.

Ота-оналарга ўқитувчилар мунтазам равишда талабаларнинг уйга вазифаларни қандай бажараётганликлари, уларнинг ўзлаштиришлари ҳақида хабар бериб борадилар. Ўқитувчилар уйга берилган вазифалар бўйича талаба билан мулоқотда бўлиб, уларнинг таҳлилини қилиб боришлари лозим. Таълим муассасаларида ўтказиладиган тадбир ва конференцияларда ўқитувчилар ўқитувчилар талабаларнинг ота-оналарини ҳам иштирок этишларини таъминлашлари лозим. Ўқитувчилар давлат таълим стандартларини тўлиқ бажарилишини таъминлашлари лозим. Ўқув дастурларини бажарилишида уйга берилган вазифаларнинг тўлиқ бажарилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўқув дастурларини тўлиқ бажарилиши учун ота-оналар ҳам ўзларининг ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Аудиториядаги ёрдамни таҳлил этиш

Аудиториядаги ёрдамчилар касбий билимларни ўзлаштиришлари учун бюджетдан ташқари маблағлардан ҳам фойдаланишади. Аудиторияга берилаётган ёрдам таълим жараёнида ижобий натижага эришиш учун муҳим аҳамиятга эга. Аудиторияда жисмоний ва касбий билимларни олиб борилишида аниқликнинг аҳамияти жуда катта.

Жараённи ташкил этиш босқичлари:

- * Мустақил тадқиқотчилар амалиётчи талабаларга фан асосларини аниқ тушунтиришлари лозим.

- * Аудиторияда талабалар билан мустақил тадқиқотчиларнинг ишини муҳофама қилиш.

* Ўқитувчи ва мустақил тадқиқотчи кунлик график ишларида келишувга амал қилишлари лозим.

* Бирон-бир масалани муҳокама этишда аниқликка риоя этишлари лозим.

* Мустақил тадқиқотчилар аудиторияда талабалардан қайтиш алоқани ўрнатишга риоя этишлари лозим.

Ўқитувчилар ижобий натижага эришишлари учун олиб борилган тадқиқот ишларининг ижобий натижаси бўлиши лозим. Ўқитувчилар ота-оналарнинг ёрдамига таяниб мустақил ўқитувчиларга ёрдам кўрсатишлари лозим.

Ўқитувчи педагогларнинг касбий шакллантириш

Аудиториядаги таълим жараёни аниқ режалаштирилган бўлиши лозим. Ўқитувчилар бўлажак ота-оналар учун махсус билимларни ҳам бериб боришлари лозим. Ўқитувчилар фан асосларини талабаларга чуқур ўргатишлари муҳим аҳамиятга эга. Талабалар фан асосларини чуқур ўзлаштиришлари керак. Ўқитувчилар ўқувчилар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари лозим.

Мажбуриятларни таҳлил этиш

Ўқитувчилар шахснинг турли фаолият турларини, давлат таълим стандартлари мазмунини, ҳар бир ўқувчининг ўқишдан мақсадини билиши лозим:

* Ўқитувчилар талабаларга касбий билимларни ўргатиб боришлари лозим.

* Турли хил фаолият турларини ташкил этишда талабалар бир-бирига ёрдам кўрсатишлари лозим.

* Турли тадбирлар билан дарсларнинг бир-бирига боғлиқлигини ва уларнинг аҳамиятини билишлари лозим.

* Талабалар ўртасида ўзаро муносабатларнинг қарор топишида касбий билимларнинг аҳамияти.

* Ўқитувчилар дарсларни тақдимот қилишда талабаларнинг саволларига тўлиқ жавоб беришлари лозим.

* Талабаларнинг ота-оналари билан ҳам мулоқот ишларини олиб боришлари лозим.

Мустақил ёлланма ўқитувчи

Ўқитувчиларнинг мустақил равишда аудиторияда дарс бериши жуда фойдали аҳамиятга эга. Талабалар билан турли тадбирларни ташкил этишда ва уюштиришда ёрдамчи ўқитувчиларнинг роли катта. Ўқитувчилар ўзларининг иш режаларини тўғри расмийлаштиришлари керак. Таълим жараёнидаги кундалик фаолиятда валантёр ўқитувчиларнинг ёрдами жуда зарур. Бугунги кунда аудиториядаги тартиб-интизом ва таълим жараёнини мустаҳкамлашда ўқитувчиларнинг ижобий фаолият олиб боршлари жуда муҳимдир. Таълим муассасаларидаги ҳар бир аудиторияда техника хавфсизлиги бўйича барча чоралар кўриб қўйилган бўлиши керак.

Таълим муассасаларидаги ўқувчиларни ўқитишда бошқарувни ташкил этиш.

Бошқарувни таҳлил этиш.

Таълим муассасаларида ва оилада таълим соҳасида ижобий натижага эришиш учун бошқаришнинг методларини тўғри олиб бориш катта аҳамиятга эга. Таълим муассасаларида чекланган ва аралаш методлардан иш олиб борилса оғир вазиятлар вужудга келади. Масалан, аудиторияда дарс жараёнида кўп гапиришга йўл қўйилмаслиги лозим, болани огоҳлантириши керак. Агар дарс жараёнида яхши натижаларга эришилса болани раҳбатлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув йили бошланишининг биринчи кунда ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашиш талаб этилади. Талабаларни ривожлантиришда бошқаришнинг аниқ тартиб қоидаларига риоя этиш талаб этилади. Аудиторияни бошқаришда аниқ тартиб қоидаларга риоя этилиши лозим. Талабаларни ҳар томонлама ривожлантиришда ҳар бир талаба ўз масъулиятига эга бўлиши ва аудиторияда тартиб интизомга риоя этиши керак

Гуруҳ раҳбарини шакллантириш

Гуруҳ раҳбарлари амалиётида талабаларда ёшлик вақтидан бошлаб тартиб интизомни шакллантиришга эътибор берилиши лозим. Гуруҳ раҳбари ўқув йилининг бошида талабалар билан ишлаш режасини тўғри тузиб олиши муҳим вазифалардан биридир. Гуруҳ режасининг бўлимларида талабалар билан ишлашнинг бир ўқув йилига мўлжалланган тартиби белгиланган бўлади.

Тартиб интизом қоидаси:

1. Тартиб интизом қоидаларини аудиторияда талабалар билан муҳокама қилиб чиқиш лозим. Белгиланган тартиб қоидаларни талабалар қийналмасдан тушуниб олишлари зарур. Гуруҳ раҳбари ҳар бир талабага хулқ атворининг намунали бўлиши лозимлигини тайинлайди. Гуруҳдаги талабаларнинг хулқ атвори намунали бўлган тақдирдагина синфдаги ўзлаштириш жараёни анча юқори бўлади. Гуруҳ раҳбарининг ўзининг хулқ атвори талабга жавоб бериши лозим, шундагина гуруҳда қайтар алоқани амалга оширса бўлади.

Талаба қизиқишлари

Талабалар гуруҳда қайси қоидага амал қилинишини чуқур муҳокама этишлари лозим. Талабалар бу тартиб қоидага амал қилишлари лозимлигини тушунишлари лозим. Шундагина ўрнатилган бу тартиб қоидалар мустаҳкам бўлади.

Талабаларни мукофотлаш

Талабаларга ўрнатилган тартиб қоида аниқ ва тушунарли бўлиши лозим. Белгиланган вазифалар талабалар учун оғир бўлмаслиги керак. Талабалар тартиб интизом қоидаларини бузганда, белгиланган тартибда талабалар жазоланиши керак. Тартиб интизомли бўлган талабаларни рағбатлантириш ҳақида ваъда бермасликлари лозим. Гуруҳ раҳбари гуруҳ ичида ҳар бир масалани адолатли ҳал қилиб боришлари лозим.

Узоқ кутилган натижа

Ўқитувчи аудиториядаги таълим жараёнида юқори даражадаги режани ҳал этишлари лозим. Талабалар хулқ атворини бошқаришда гуруҳда тўғри ташкил этилган тартиб қоиданинг аҳамияти катта. Талабалар бир-бири билан тўғри сўзлашлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Талабалар ёлгон сўзлашнинг оқибатлари ёмон натижаларга олиб келишини билашлари лозим. Ўқитувчининг талабаларга бўлган ишончи гуруҳда ўзаро муносабатларни ривожлантиришга олиб келади. Талабалар бир-бирини тушуниши ва ҳурмат қилиши лозим. Бир-бирини ҳурмат қилиш бу энг юксак мукофот эканлигини билишлари лозим. Талабалар ўзининг хулқ атвори ва юриш туришига ўзлари жавоб беришлари керак.

Талабалар ўқиш ва меҳнат қилиш этикасини мунтазам равишда ўрганишлари лозим. Талабалар меҳнат қилиш этикасининг кучли томонларини ўрганишлари лозим. Талабалар уйга берилган вазифаларни мунтазам равишда ўз вақтида бажаришлари лозим.

Аудиторияда касбий тайёргарлик ва ўқитувчи фаолиятини таҳлил қилиш.

Ўқитувчининг касбий билимлари

Ўқитувчи ўзи таълим бераётган фанини чуқур ва мукаммал билиши ва ўқувчилар билан мулоқот эҳтиёжига эга бўлиши шарт. Ҳар бир ўқитувчи ўзи таълим бераётган фанини ўтмиш тарихини ҳозирги аҳволини ва келажагини билиши керак. Кенг ва асосли билимга эга бўлган педагог ҳар бир дарсини эркин ўтади ва қийналмайди. Ўқувчиларнинг ҳар бир саволига жавоб бера олади. Дарс жараёнида келиб чиққан муаммони ўқувчилар билан эркин муҳокама этади ва унга ўзининг тўғри, аниқ муносабатини билдиради. Ўз фанини мукаммал билган ўқитувчи мукаммал саволлардан ўзини четга олмайди. Ўқитувчи бутун фаолияти давомида ўз устида ишлашини билимини кенгайтириш талаб этилади. Педагогнинг ғоявий-сиёсий билими, назарий, педагогик-психологик, услубий ва технологик билими мукаммал бўлиши керак. Талаба касбий билимларни чуқур эгаллаш билан бирга амалий педагогик фаолиятни ҳам кенгайтириш керак.

Таълим жараёни – таълим жараёнининг компонентларини ўз ичига олиб, унда ўқитиш ва фойдаланиладиган воситалар, муайян мақсад – вазифаларни ҳал қилиш учун таълимнинг усуллари, мазкур жараёнда мустақил ишлайдиган таълим олувчи ва таълим берувчи ҳамда кўргазмали ва техник воситалар иштироки таъминланади.

Таълим жараёни – бу таълим олувчининг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган педагог фаолият бўлиб, инсоннинг ақлий фаолиятини ривожлантириш жараёнидир. Таълим жараёни таълим олувчиларнинг ўқиш – ўқитиш жараёнининг мазмун – моҳиятини онгли равишда англаб етишлари орқали амалга оширилади.

Таълим жараёнини амалга оширишнинг самарали йўллари таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги узвий алоқа орқали қўлга киритилади. Шу сабабли ҳам таълим жараёнида ва уни бошқаришда тескари алоқа (таълим жараёнини боришини назорат қилиб боришдаги жорий ва оралик натижаларни аниқлаш воситаси) таълим олувчилар томонидан ўқув материални англаб етишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Бу ерда тескари алоқа таълим берувчи ва таълим олувчи режалаштирилган мақсад сари тўғри бораётганлигини аниқлаб ва керакли ҳолларда жараён кечишини ростлашда ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Унинг ёрдамида режалаштирилган мақсадга эришишнинг оптимал вариантини танлаш кафолатланади. Бу орқали таълим олувчилар ўқув материали моҳиятини англаб етадилар, оптимал ечимларни излаб топадилар, педагогик амалиётда маълум бўлган ғоялар ва қонуниятларни, шунингдек, таълим олувчилар ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини такомиллаштирадилар.

Демак, таълим жараёни, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасида узвийлик ҳамда узлуксизлик яъни, алоқадорлик педагогик жараённинг муҳим компонентлари экан. Бунда ўқиш жараёнининг қуйидаги ғояларига доимо аҳамият беришга тўғри келади:

- ўқиш – бевосита бажариладиган жараён бўлиб, унинг ёрдамида таълим олувчилар бутун ҳаётлари давомида янги ахборотлар олади;
- болаларни ўқитишга ўргатишнинг ўзи камлик қилади, уларни чуқур ўйланиб ўқишга ўргатиш керак ва булар натижасида таълим олувчиларда янги фикр пайдо бўлиб, уларнинг илмий ижодга кириб келиши таъминланади;
- ўқиш – оддий ўрганиш фани эмас, балки фикрлаш ва дунёни билиш куролидир;
- ўқиш ва ўқиганда жавобан таъсирланиш танқидий таҳлилнинг асосий йўлидир;
- ҳар хил фанларни ўрганиш, одатда таълим олувчидан жуда кўп мустақил ўқишни талаб қилади, шунинг учун ўқиш жараёнини тушуниш аниқ фан бўйича ўқилганни ўзлаштиришни ва таҳлил қилишни яхшилаш мумкин.

Демак, таълим жараёнидаги таълим олувчи ҳолати ҳам ушбу соҳадаги фаолиятни оптимал вариантларини қўлга киритишда мустаҳкам дидактик асос бўлар экан. Бу борада таълим олувчининг интеллектуал салоҳиятини, руҳий ва физиологик саломатлиги ҳамда улардаги қувонч ҳисси таълим жараёнида ўта муҳимдир.

Таълим олувчининг қувонч ҳисси – бу уларнинг дарс жараёнида ўқув топшириқларини бажаришга муваффақиятли вазиятни яратишдаги маънавий муҳим ҳосиласидир. Бу таълим жараёнидаги асосий жиҳатлардан бири бўлиб, унда ўқишга ҳавасни рағбатлантиришнинг таъсирчан усулларида бири амалга оширилади ва уларда қувонч ҳиссини рўёбга чиқарилади.

Маълумки, таълим оловчи муваффақият қувончларини бошидан кечирмас экан, кейинги муваффақиятларга тўла ишона олмайди. Шунинг учун тажрибали ўқитувчилар таълим оловчилар учун топшириқларни шундай танлайдиларки, улар тегишли босқичда ечилиши осон топшириқларга айланади. Бунда икки турдаги топшириқлардан фойдаланилади, улардан бирини таълим оловчи бемалол бажаради ва нисбатан мураккаброқ бошқа топшириқни ечиш учун унда интилиш базаси яратилади. Муваффақият базаси бир хил мураккабликдаги топшириқларни табақалаштириш йўли билан яратилади. Муваффақият вазиятини яратишда ўқув топшириқларини бажариш учун қулай маънавий муҳитни танлаш муҳим роль ўйнайди. Қулай микро – ижтимоий муҳит ўқиш вақтида ўзаро ишончсизлик, чўчиш ёки қўрқиш, ийманиш туйғуларига барҳам беради. Бунда иккиланиш ҳолати ишонч ҳолати билан алмашинади.

Таълим жараёни ва унинг қатнашчилари орасидаги алоқадорликни таъминлашда ўқув ўйин фаолияти технологиясининг аҳамияти ҳам катта. Бундай технология табақалашган ўқитиш технологиясига ўхшашроқ бўлиб, унда ўқув ўйини таълим берувчи ва таълим оловчи ўзаро фаол бўлганда мазмунли бўлади. Бунинг учун ўқув ўйини лойиҳаси олдиндан ишлаб чиқилади ва режалаштирилган натижаларнинг баҳоланиши олдиндан аниқланади, шунингдек, ўқув вазифалари аниқ белгиланган, мураккаб вазиятдан чиқиб кетишнинг методик усуллари, имкониятлари аниқланган бўлиши керак.

Ўқув устахоналарининг мавжудлиги ўқувчиларни амалий ўқитиш учун зарур шароитлар яратиш, назарий машғулотларни ишлаб чиқариш таълими билан боғлаш имконини беради. Ўқув устахоналарини жиҳозлаш таълим-тарбия мақсадлари, ишлаб чиқариш таълими шакл ҳамда методларига мувофиқ бўлиши, ишлаш учун қулай шароит, жуда кам вақт ичида энг юқори самарадорликка эришишга имкон беради. Ўқув устахоналарини жиҳозлаш ва иш режасини тузиш тайёрланадиган касбларнинг тавсифи ва ишлаб чиқаришнинг хусусиятларига мувофиқ тарзда амалга оширилади. Устахоналар одатда, биринчи қаватда жойлаштирилади.

Ўқув ишлаб чиқариш устахоналари ўргатиладиган касб га қараб меъёрлар билан белгиланади. Ўқув устахоналари режасини тузишда қўйиладиган умумий талаблар қуйидагилардан иборат:

1. Ўқув устахоналари машғулотлари ишлаб чиқариш таълими дастурида ҳамда операцион комплекс тизимга мувофиқ бўлиши керак.

2. Ҳар бир бўлим майдони ва асбоб ускуналари миқдорига кўра ҳамда бериладиган касбга мувофиқ 25-30 ёки 12-15 кишилик ўқувчиларни бир вақтга ўқитишга мўлжалланади.

3. Кишиларга хос бўлган асбоб ва материаллар ташкил қилинади.

4. Ёнғинга қарши жиҳозлар бўлиши шарт.

16.6.Назария ва методларнинг қўлланилиши, ўқувчиларнинг хулқ-атвори таҳлили ва бошқарилиши

Боланинг ўқув материални ўзлаштиришдаги ёш имониятлари ва унинг етуклик даражаси ўқитиш ва ўқиш усулларига жуда катта таъсир кўрсатади. Таълим олувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ва шахсий хусусиятларини яхши билиш ўқитишнинг самаралироқ усуллари топиш имкониятини беради. Таълим методлари ўсаётган организмнинг анатомик – физиологик, биологик хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил қилишда уларнинг ёшига хос биологик ўсишни ҳисобга олиш керак. Бунга сабаб таълимнинг кўпгина жиҳатлари таълим берувчи ва таълим олувчининг иш қобилияти, чарчаши, ижодий кайфияти, жисмоний соғлиғи, мактабдаги гигиена шароитлари ва шу кабиларга боғлиқдир.

Мутахассислар тайёрлашнинг шахсий фаолияти концепцияси бўйича таълим жараёнида индивидуал таълим жараёнини индивидуал – ижодий шахсни шакллантириш жараёни сифатида қарашга, шунингдек, ўқитишни нафақат ўқитиладиган фан мантиқига, балки шахснинг ривожланиши мантиқига мувофиқ ҳолда ташкил этишга имкон беради, деб қаралади.

Таълим олувчининг яратувчилик (ижодий потентцион) қобилияти, унинг мулоқот қила олиш қобилиятини, таълим олиш маданиятини, таълим жараёнининг барча босқичларида самарадорлик ва сифатни оширишда ахборотлашган жамият куриш орқали ижтимоий жамият буюртмасини бажариш (ахборот технологиялари соҳаси, ахборот таълим ҳужжатлари, фойдаланувчилари)ни ва шу каби жараёнларни ривожлантиришдаги оптимал вариантларни танлашда истиқболли натижаларни қўлга киритишни кафолатлайди. Бунинг учун таълимда инновацион технологияларни кенг жорий этишга тўғри келади ва унинг натижасида фаол таълим жараёнини амалга ошириш мумкин бўлади.

Тарбия – маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир.

Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда бекиёсдир. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу хатти-ҳаракатини секин-аста кўникмага айлантириб бориш лозим. Бу эса, инсонни мушоҳада қилиш қобилиятини тарбиялайди ва мушоҳада қилиш ақлни пешлайди. Ақл онгни сақлайди, онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон аста-секин комилликка эришиб боради. Аммо бунинг учун тарбиячи ва тарбияланувчидан узоқ давом этадиган масъулият, шарафли меҳнат ва кунт, иродани талаб этади.

Жамият тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, фақат маънавият-маърифат кенг қулоч ёйган, илм-урфон тараққий этган мамлакатдагина адолатли жамият қуриш ва унда бир-бирига меҳр-оқибатли, камолатли инсонлар шаклланиши мумкин. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик, яратувчилик ишига, эзгуликка интилиши кучли ва жамият фуқароларида соғлом фикр, ақл-идрок ҳар доим устувор бўлади.

Мустақиллик бизга маърифий, маданий, адолатли ва инсонпарвар жамият қуриш имконини берди. Энди бу жамиятга ҳар бир инсон ўз ўрни, мавқеига яраша виждонан ҳисса қўшмоғи лозим.

Инсоннинг маънавияти унинг одоби, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий билимлари замирида шаклланади. Мазкур билимлар ўз навбатида инсон ижобий сифатларининг камол топиб, бойиб боришига олиб келади. Фазилатлар инсоннинг ижобий сифатлари мажмуидан иборат.

Сифат – алоҳида бир шахснинг муайян бир хислатини ифодаловчи ахлоқий категориядир.

Фазилат – алоҳида шахс, эл, элат, халқ, улусга тааллуқли бўлган ижобий ахлоқий сифатлар мажмуи.

Одамнинг инсон сифатида шакллана бориши жараёнида унинг камолоти даражаси одоб, ахлоқ, маданият, маънавият элементларининг унда қанчалик мужассамланганлиги билан белгиланади. Шу ўринда бу категорияларнинг моҳияти устида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Одоб – ҳар бир инсоннинг ўзи бир инсон ёки жамоа билан бўлган мулоқотида ҳамда юриш-туришида ўзини тута билишидир.

Ахлоқ - жамиятда қабул қилинган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган ҳуқ-одоб нормалари мажмуи.

Маданият – жамиятнинг ва унда яшовчи фуқароларнинг фаолияти жараёнида тўпланган барча ижобий ютуқлар мажмуаси.

Маънавият – инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, руҳий, интеллектуал фазилатлар мажмуаси.

Камолотга эришган, ҳар томонлама ривожланган авлодни тарбиялаш жараёни унинг доимий, мунтазам изчил ва бир тизимга кирган шаклда бўлишини тақоза этади. Бу йўлда касбий таълим муассасаларида таълим жараёнини такомиллаштириш, профессионал фанлар сингари ғоявий мазмуни талабаларга янги жамиятнинг ҳар бир мутахассисига зарур бўлган ижтимоий дунёқарашни шакллантирувчи тасаввурлар заҳирасини ҳосил қилиши лозим бўлган ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишга янгича ёндошув асосида ахлоқ малакаларини ҳосил қилиш мумкин. Талаба ёшларда ягона педагогик жараёнда маънавий-ахлоқий одатларни тарбиялашда қуйидаги вазифалар ҳал этилиши лозим.

Талабаларнинг турли даражадаги хулқ-атворини намоёниш этиш

Жамиятда мавжуд анъана ва урф-одатларда ҳам ахлоқ меъёрлари ва мазмуни ўз аксини топади. Ахлоқий тарбиянинг бир категорияси сифатида ахлоқий қадриятлар қабул қилинган ва бу ахлоқий қадриятлар ахлоқий тарбиянинг мазмунини ва меъёрларини белгилашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Умуман қадриятлар деганда миллий ва умуминсоний қадриятлар тушунилади. Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Сўнгра аста-секин субъект фаоллигининг орта бориши натижасида нисбий мустақил соҳа тарзида амал қила бошлайди. Ахлоқий мазмундаги қадриятлар боланинг онги ва фаолиятини фаоллаштиради, иш ва сўз бирилигини таъминлашга ёрдам беради. Бундай қадриятлар жумласига инсонпарварлик, маърифатпарварлик, меҳр-муҳаббат, поклик, катталарга ҳурмат, муҳаббат, хушмуомалалик, дўстлик, саҳийлик, саҳоват, ширинсўзлик ва бошқалар киради. Мазкур қадриятлар негизида жамиятда, оилада, мактабда болани юксак инсоний фазилатларга онгли равишда амал қилишга даъват этиш ғояси ётади.

Ахлоқий тарбия жараёнининг дастлабки босқичида шахс ахлоқ меъёрларига маълум даражада тўғридан-тўғри бўйсунган ҳолда кўр-кўрона амал қилса, ахлоқийликнинг юқори даражасига етганда, тўғридан-тўғри кўр-кўрона бўйсунниш онгли идрок этишга яқка шахснинг ахлоқ меъёрлари ва жамият ахлоқ меъёрлари ўртасида уйғунликнинг ҳосил бўлишига эришиш лозимдир. Ахлоқий маданиятнинг муҳим белгиларидан бири ҳам

худди ана шу шахс ва жамият орасидаги уйғун муносабатнинг, ахлоқий бирликнинг ҳосил бўлишидир.

Инсон ахлоқий маданиятнинг энг оддий меъёрларини илк ёшлигидан бошлабоқ аввал оилада, сўнг ўртоқлари билан бўладиган муносабатларида эгаллай бошлайди. Бу ахлоқий меъёрларга амал қилишнинг мотивлари турлича бўлади. Ота-онага бўлган ҳурмат ва муҳаббат болани ахлоқий талабларга амал қилишга ва шу орқали ота-онанинг ҳайрихоҳлигига ва меҳрига сазовор бўлишга ундайди. Бундан ташқари меъёрларга амал қилмаслик ҳолатида жазолашдан фойдаланиш ҳам болани огоҳ бўлишга ундайди. Ўз тенгқурлари билан мулоқотга киришиш иштиёқи, ички эҳтиёж ҳам болада ахлоқий меъёрларга амал қилиш мотивациясини уйғотади. Буларнинг барчаси ҳар бир ёш болани ахлоқий меъёрлар билан тўқнашишига ва уларга амал қилишни ўрганишига ёрдам беради. Буларнинг барчаси инсонда ахлоқий меъёрларга амал қилиш малакасини ва кўникмасини ҳосил бўлишига олиб келади. Аммо бундай ахлоқий меъёрларга амал қилишни биз хали ахлоқий онглилик даражаси деб айта олмаймиз. Чунки бу ҳолда ахлоқий меъёрлар ички эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда эмас, балки ташқи таъсирларнинг натижаси сифатида вужудга келади. Шунга қарамай ахлоқий даражанинг бу дастлабки поғонаси жуда муҳим аҳамият касб этади, чунки у бошланғич нуқта сифатида кейинги ривожланиш учун хизмат қилади. Ахлоқий ривожланишнинг бу босқичида атроф-муҳитдаги ахлоқий маданият даражаси энг муҳим ролни ўйнайди.

Ривожланишнинг барча босқичларида жамиятда қарор топган ахлоқий билимлар янги ахлоқий билимлар билан тўлдирилиб бириши талаб этилган. Айтиш жоизки, бу қонуний жараёнدير. Демак, ҳозирги вақтда ҳам ахлоқий билимларимиз қанчалик бой бўлмасин диалектик ривожланиш қонуни ушбу ахлоқий билимларни янада тўлдириб борилишини талаб этади. Айниқса Ўзбекистон республикасида рўй бераётган сифат ўзгаришлар бугунги кунда ахлоқий қарашларни қайтадан талқин этишни, фан ва техниканинг ривожини натижасида эришилаётган янги билимлардан ахлоқий тарбия жараёнида фойдаланишни тақозо этишини назарга олсак, бу вазифани қанчалик зарурлигини ҳис этамиз. Демак, биз ахлоқий тарбияни учинчи вазифасини ҳам аниқлаб олдик бу: - ахлоқий билимларни янада тўлдириб бориш, илм-фан эришган янги билимлардан ва ютуқлардан фойдаланишни йўлга қўйишдан иборат.

Талабалар хулқ-атворини бошқаришнинг ижобий томонлари

Таълим муассасаларида ва оилада таълим соҳасида ижобий натижага эришиш учун бошқаришнинг методларини тўғри олиб бориш катта аҳамиятга эга. Таълим муассасаларида чекланган ва аралаш методлардан иш олиб борилса оғир вазиятлар вужудга келади. Масалан, аудиторияда дарс жараёнида кўп гапиришга йўл қўйилмаслиги лозим, болани огоҳлантириши керак. Агар дарс жараёнида яхши натижаларга эришилса болани раҳбатлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув йили бошланишининг биринчи кунда ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашиш талаб этилади. Талабаларни ривожлантиришда бошқаришнинг аниқ тартиб қоидаларига риоя этиш талаб этилади. Аудиторияни бошқаришда аниқ тартиб қоидаларга риоя этилиши лозим. Талабаларни ҳар томонлама ривожлантиришда ҳар бир талаба ўз масъулиятига эга бўлиши ва аудиторияда тартиб интизомга риоя этиши керак.

Таълим жараёнини баҳолашда ижобийликка эришиш.

Ўқитувчининг таълим жараёнидаги амалиёти жараёнида ижобий натижага эришишда мулоқот маданияти тамойилларининг ижобийлиги.

Новербал мулоқот

Замонавий ўқитувчининг талабалар билан новербал мулоқотга киришиши, муомалада киришимлилик ижобий натижаларни келтириб чиқаради. Замонавий ўқитувчи талабалар билан дарсни тақдимот асосида ўтиш жараёнида новербал мулоқотга киришиш орқали аудиторияда ижобий муҳитни тарбиялайди. Новербал нутқ турини шартли равишда қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин:

- 1) имо-ишора;
- 2) мимика;
- 3) пантомимика;
- 4) акс-садо;
- 5) сигнификация;
- 6) дактилогик(бармоқ нутқи).

Инсон ер юзасидан ҳаёт ва фаолият кўрсатиш даврининг дастлабки палласида асосий нутқ тури сифатида имо-ишора алоҳида аҳамият касб этган.

Ўқитувчилар дарс жараёнида талабалар билан мулоқотга киришишида ўтказиладиган ҳар бир дарсдан ижобий натижалар олиш учун қизиқтиришга эътиборни қаратишлари керак. Ўқитувчилар билан талабалар ўртасида мунтазам қайтиш алоқани вужудга келтириш лозим. Замонавий ўқитувчида куйидаги фазилатлар намоён бўлиши лозим:

1. Ўқитувчи жамият иқтисодий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни бера олиши лозим.

2. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

3. Ўқитувчи ўз мутахассислига бўйича чуқур, пухта билимга эга, ўз устида тинимсиз изланиши лозим.

4. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият ташкил этиши керак.

5. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

6. Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши шарт.

7. Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳорат, чунончи, коммуникативлик лаёқати, педагогиктехника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика) қоидалари чуқур ўзлаштириб олишга эришишлари лозим.

8. Ўқитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрнак бўла олиши лозим.

Ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ўзида бир қатор сифатларнинг таркиб топишига эришиши зарур. Чунончи, у энг аввало, мулоҳазали, босиқ, вазиятни тўғри баҳолай оладиган, мавжуд зиддиятларни бартараф этишни уддасидан ичиқа олиши зарур.

Вербал мулоқот

Кичик ёшдаги болаларда ижодкорликни ривожлантиришда ечилиши кийин бўлган масалаларни муҳокама этиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Болаларга кичик ёшлигидан бошлаб катталар билан мулоқот қила олиш малакаси ва нутқни ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим.

* болаларда нутқни ривожлантиришни кичик ёшлигидан бошлаб амалга ошириш лозим;

* замонавий ўқитувчи кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда маънавий, маданий ва гигиеник тушунчаларни кичик мактаб ёшидан бошлаб тушунтиришга ҳаракат қилишлари лозим;

* ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчиларга теварак атроф-олам ҳақидаги ахборотларни бериб тушунтириб бориши лозим.

* замонавий ўқитувчилар талабаларга мулоқот қила олиш кўникма ва малакаларини, вербал ва невербал мулоқот турларини ўргатишлари лозим;

* талабалар фаолиятининг ҳар хил турларида амалий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни билиши керак.

Талабаларнинг қизиқарли мунозаралари, таълим мазмунини аудиторияда қизиқарли муҳокама этиш, талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юқори фикрлаш жараёни, ҳамкорликдаги ўзаро муносабат муаммоларини ҳал этиш, вақтдан унумли фойдаланиш.

Танқидий мулоҳазалар

Дарсни бошлашдан олдин ўқитувчи дарс жараёнида талабалар ўқитувчини диққат билан эшитишлари, саволларга ўйлаб аниқ ва тўғри жавоб қайтаришлари лозимлигини тушунтиради.

Талабалар ўқитувчининг берган саволларига тўғри ва аниқ жавобларини ўқитувчи рағбатлантириб бориши керак. Талабалар қийин саволларга жавоб қайтаришда қийинчиликларга дуч келишганида ўқитувчилар ёрдам кўрсатиши лозим.

Масалан, қизғин тортишув музокараларда ўқитувчи талабаларга шундай савол беради: Ромео ва Жульёттанинг ғоясини ким ишлаб чиққан?

Талабалар кўлини кўтариб сўрайди: Мен дам олиш хонасига ўтсам бўладими? Бундай вазиятда ўқитувчи 2-хил усулни қўллаши мумкин. Талаба саволга жавоб беришни хоҳламагани учун аудиториядан чиқишни истаган. Агар, ўқитувчи бу саволни аниқроқ берганида эди -талаба бундай вазиятда аудиториядан чиқишни хоҳламас эди. Талабалар аудиторияда бармоғини кўрсатиб жавоб бериш учун бир минут вақт сўраса ўқитувчи кўшимча вақт бериши керак. Чунки, энг яхши фикрлар танг ҳолатда туғилади.

Талабалар иштирокини кенгайтириш

Талабалар саволларга жавобни ўйлаб кўриб жавоб қайтаришлари керак. Аудиторияда талаба саволларга нотўғри жавоб берса, бу муҳокама этилмайди. Саволга берилган нотўғри жавобдан қониқмаган талабалар сўраши мумкин. Сиз нима учун бу жавобни нотўғри деб ўйлайсиз? Унда менга китобингизни кўрсатинг. Бу эса талабаларнинг жавобини тўғрилашга имкон яратади.

Масалан, муҳокамадан сўнг ўқитувчи совуққонли ва иссиққонли ҳайвонлар ҳақида сўзлаб беришларини сўрайди. Талаба қўлини кўтаради ва жавоб беради: ”Илон”. Шунда ўқитувчи жавоб беради: ”Эслаб кўринг, илон тухум қўяди, улар туғмайдилар”. Демак, илонлар иссиққонли ҳисобланадилар. Сўнгра ўқитувчи доскага илон сўзини ёзди. Шундан кейин талабалар аудиторияда қизгин баҳс-мунозаралар олиб бордилар. Совуққонли ва иссиққонли ҳайвонлар ҳақида тушунтириб беради.

Гуруҳда олдинга интилиш

Ўқитувчи белгиланган вақт ичида берилган саволларга жавоб беришни талабалардан сўрайди. Талабалар ҳар бир саволга тўғри ва аниқ жавоб беришларини сўрайди. Ўқитувчи кейинги дарсда талабаларга анкета сўровнома ўтказди. Берилган анкета саволларига талабалар тўғри ва аниқ жавоб қайтардилар. Талаба саволларга тўғри ва аниқ жавоб қайтарганларидан кейин ҳам энг тўғри жавоб берганлигини ҳис қилиши керак. Масалан, ўқитувчи сўрайди: ”Ҳаётингдаги кичкина ҳодисанинг моҳиятини тушунтириб берчи?” Қисқа минутли танаффусдан сўнг талаба жавоб беради.

“Менинг велосипедим менинг ҳаётимдаги ҳақиқий ҳодисадир”. Шундан сўнг аудиторияда қизгин баҳс мунозара бошланиб кетди. Ўқитувчи томонидан берилган барча саволларга жавоб олинди. Ўқитувчи талабаларнинг жавобларини қабул қилади ва изоҳ беради. Берилган савол ва жавобларга талабалар томонидан қониқарли эканлиги ҳақида фикрлар билдирилади.

Талабаларда тушунчаларнинг фаоллашуви

Тушунчалар талабаларда 2-хил усул билан шакллантирилади:

Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг билим савияси, ўзлаштириш қобилияти, таълим манбаи, дидактик вазифаларга қараб, муносиб равишда қуйидаги усуллар қўлланилади:

- ўқитишнинг маъруза усули;
- ўқитишнинг амалий ишлар усули;
- лаборатория ишлар усули;
- мустақил ишлар усули;
- муаммоли эвристик моделлаштириш усули;
- илмий тадқиқот усуллари;
- ўқитишнинг муаммоли-изланиш ва репродуктив усули;
- ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усуллари ёрдамида;
- ўқитишнинг назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усули.

Методлар қуйидаги гуруҳчаларни ўз ичига олади:

Биринчи гуруҳ усуллари:-сўз орқали узатиш ва информацияни эшитиш орқали қабул қилиш усуллари.

Иккинчи гуруҳ усуллари:-ўқув информациясини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш усуллари.

Учинчи гуруҳ усуллари:- ўқув информациясини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш (амалий усуллар, машқлар, лаборатория ишлари, дастур тузиш, педагогик масалаларни ечиш, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар.

Таълимнинг рағбатлантириш усуллари:

1. Таълимга қизиқишни рағбатлантириш усули.
2. Таълимга бурч ва масъулиятини рағбатлантириш усули.

Худди шунингдек, таълимда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари қуйидагилар:

1. Оғзаки назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш.
2. Ёзма назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш.
3. Лаборатория ва амалий назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усули.
4. Тест назорати.

Бу усуллардан талабаларда билиш фаолиятини, қабул қилиш, англаш ва амалда қўллаш фаолиятини шакллантиришда фойдаланилади.

Тушунтириш ва уқтириш усули.

Ушбу тарздаги усулни қўллашда ўқитувчи сўз воситасида мавзуни баён қилади ва тушунтиради. Ўқувчилар эса тинглашади, эслаб қолиш, англаб етиш орқали уни фаол қабул қилади ва ўзлаштиради.

Мавзуни асосини тушунтириш ва уқтиришда ҳикоя усулидан фойдаланилади. Ўқув материаллари мазмунини оғзаки баён қилиш, унинг асосий жойларини тушунтириш кўзда тутилади. Бу мақсадга эришиш учун, ҳикоя усулини қўллаш самарали натижа беради. Бу усул орқали мавзуга хизмат қиладиган маълумот ва воқеаларни баён қилиш диққатни фаоллаштиради.

Билим ўзлаштиришга нисбатан танқидий ёндашувни шакллантириш

Таълим жараёнида талабаларда билимларни ўзлаштиришга нисбатан танқидий ёндашувни шакллантиришга эътибор қаратилади. Юқори синф ўқувчиларида таълим жараёнида билим олишга нисбатан танқидий фикрлашни шакллантиришга катта эътиборни қаратиш лозим. Таълимда ўқувчиларнинг фаолияти ҳақида гап борганда ўқувчининг билиш фаоллиги тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Ўқувчининг билиш фаоллиги унинг билиш жараёнидаги интеллектуал мулоҳазасида, мутахассислик фанлари бўйича умумий ва алоҳида топшириқларни бажаришда намоён бўлади.

Бу хусусиятлар ўқувчиларнинг фақатгина юқори даражадаги билим олишини кафолатлаб қолмай, балки унинг ҳаётий фаолияти яъни, ўқувчи шахсининг шаклланиши, унинг амалиётга, ҳаётга бўлган фаол муносабати учун характерлидир. Шу сабабли, билиш фаоллигини ошириш инсоннинг фаол ҳаётий қарашларини шакллантириш деб бемалол айтиш мумкин.

Ўқитувчининг билиш фаолиятининг яна бир фарқли хусусияти унинг кечиш характеридир. Ўқувчининг жалб этилаётган таълим жараёни турлича кечиши, субъект кучи фаоллиги, мустақиллиги, турлича сарф этилиши билан бориши мумкин. Айрим ҳолларда унинг жараёни таҳлилий репродуктив, бошқаларда изланишли, учинчиларида ижодий характерга эга бўлиши мумкин.

Ўқувчининг билиши худди етук илмий билиш йўли каби ўқитувчи томонидан фандаги фактлар, илмий кашфиётларни ўрганиш уларнинг тарихий йўлини ўзлаштириш ёрдамида кечади.

Ўқувчиларнинг билишга қизиқиши мотив сифатида ривожланиши ўзига хос узоқ йўлига эга бўлиши мумкин. Айрим ўқув ҳаракатлари таъсирчисидан етакчи мотивларидан бирига айланиб, қизиқиш шахсининг

маънавий бойишига кўмаклашувчи умумий йўналганлигининг аҳамиятли қисмига айланиши мумкин. Билишга қизиқишнинг ижтимоий мотивлар билан ўзаро алоқаси жиддий бўлиб, улар орасида ўқитувчи ва ўқувчилар билан мулоқот алоҳида рол ўйнайди. Ижтимоий мотивлар кенг, узоқлашган, истиқболли, уларнинг ифодаси таълимнинг бошланғич давридаёқ пайдо бўлади.

16.7.Таълим жараёнида талабаларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш. Турли хил интерфаол методлардан фойдаланиш (масалан, муҳокама этиш, муаммони ҳал этиш) ва ўқитувчилар таълим жараёнини турли хил услубий қўлланмалар билан таъминлаш, таълим жараёнида талабаларнинг ақлий салоҳияти ва фаоллигини таъминлаш. Муаммони биргаликда ҳал этиш

Таълим жараёнида муаммолар юзасидан чиқариладиган қарор кучли бўлиши зарур. Муаммолар бўйича талабалар аудиторияда мустақил қарор қабул қилишни ҳам билишлари зарур. Талабалар мустақил қарор қабул қилишлари учун ўқитувчилар уларни кўпроқ ўйлаш, фикрлаш ва сўнгра тўғри қарорни қабул қилишга йўналтиришлари керак. Кейинги босқичда ўқитувчилар ҳар бир муаммони ечимини тўғри ҳал этиш учун бир нечта муаммоларни ечими учун ғоялар ишлаб чиқиш ва тўғри қарор қабул қилиш йўллари йўлашга талабаларни жалб этишлари лозим.

Муаммоларни биргаликда ҳал этамиз.

Таълим жараёнидаги муаммоларни ечимини биргаликда ҳал этиш учун гуруҳда аниқ қарорни бериш учун фаоллик билан гуруҳда муҳокамани амалга ошириш зарур. Бунинг учун эса гуруҳда интерфаол усуллардан фойдаланиш энг яхши самара беради.

Масалан:

- * Билимлар беллашуви.
- * Ақлий ҳужум.
- * Анология.
- * Венна диаграммаси.
- * Хронология жадвали.
- * Давра столи.
- * ФСМУ технологияси.
- * Пинборд.
- * Тоифалаш жадвали.

Бу интерфаол усуллардан таълим жараёнида фойдаланиш таълимнинг самарадарлигини оширишга хизмат қилади.

Аудиториянинг таълим жараёнидаги аҳамияти

Бугунги кундаги замонавий аудиторияларда талабаларнинг тўлиқ мутахассислиги бўйича ахборот олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Таълим марказида талаба бўлганлиги учун ўқитувчилар таълим беришга тўлиқ тайёр бўлишлари зарур. Аудиториянинг етакчиси ўқитувчи бўлганлиги учун талабаларнинг билим ўзлаштиришлари, ютуқлари ҳақида ҳар куни тўлиқ уларнинг ота-оналарига ёзма равишда маълумот бериб туришлари зарур. Аудиторияда ўқитувчи ўзининг вазифасини талабага бериб туриши лозим. Талаба аудиторияда жим эшитиб ўтирганидан кўра фаол иштирокчи бўлганлиги маъқул. Ўқитувчилар аудиторияда талабаларни фаол иштирокчига айлантиришлари учун мунтазам равишда улар билан мулоқот ишларини олиб боришлари лозим. Фанлардан ўзлаштириладиган мавзулар муҳокамасида талаба ўта фаол иштирок этиши керак.

Дарснинг тузилиши

Дарсда билимларнинг ўзлаштирилиши, малака ва кўникмаларнинг ҳосил қилиниши мураккаб, қарама-қарши жараёндир. Ўқув материалнинг ўрганишнинг турли вазифалари, йўллари, усул ва формалари вужудга келади, бунинг натижасида дарснинг жуда кўп турлари, унинг ҳар хил вариантлари пайдо бўлади.

Айни вақтда таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қуйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.
2. Ўтилган материални мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш дарси.
4. Такрорий умумлаштирувчи дарс.
5. Аралаш дарс.

Муайян дарс тури асосида олиб бориладиган машғулотларда иккинчи, учинчи бир дарс турининг қисмлари бўлиши мумкин:

- а) янги билимларни баён қилиш;
- б) янги билимларни мустаҳкамлаш;
- в) янги билимлар устида машқ ўтказиш;

г) янги билимларга боғлиқ ҳолда уй вазифаларини топшириш ва ҳоказо.

Кўп ўқитувчилар Блум таксономияси асосида дарсларни олиб борадилар.

Блум таксономиясининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

- * Билиш
- * Тушуниш
- * Қўллаш
- * Таҳлил
- * Умумлаштириш
- * Баҳолаш.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга таяниб, қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Таълимнинг шакли муайян мақсадга мувофиқ маълум режимда ташкил этиладиган фаолиятнинг ташқи ифодаси бўлиб, таълим жараёнида етакчи ўрин тутди.

2. Таълим жараёни самарасини таъминлаш унда таълим методларидан ўринли ва унумли фойдаланишга боғлиқ. Таълим методи таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолиятларининг усуллари ҳисобланади.

Билим олишга йўналтирилган катта мақсадлар

Маълумки, билиш фаолиятининг субъекти ўқувчи саналади. Шу боис ижтимоий-педагогик асослага эга таълим марказида унинг шахси, онги, ҳам ўрганилаётган оламга, ҳам билиш фаолиятидаги ҳамкорлари ўқувчилар ва унинг таълим олишини ташкил этувчи ва йўналтирувчи ўқувчилар муносабати ётади. Таълимда ўқувчиларнинг фаолияти ҳақида гап борганда ўқувчининг билиш фаоллиги тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Ўқувчининг билиш фаоллиги унинг билиш жараёнидаги интеллектуал мулоҳазасида, мутахассислик фанлари бўйича умумий ва алоҳида топшириқларни бажаришда намоён бўлади. Бу хусусиятлар ўқувчиларнинг фақатгина юқори даражадаги билим олишини кафолатлаб қолмай, балки унинг ҳаётий фаолияти яъни, ўқувчи шахсининг шаклланиши, унинг амалиётга, ҳаётга бўлган фаол муносабати учун характерлидир. Шу сабабли, билиш фаоллигини ошириш инсоннинг фаол ҳаётий қарашларини шакллантириш деб бемалол айтиш мумкин.

Ўқувчининг билиши худди етук илмий билиш йўли каби ўқитувчи томонидан фандаги фактлар, илмий кашфиётларни ўрганиш уларнинг тарихий йўлини ўзлаштириш ёрдамида кечади. Билишга қизиқиш ўқишнинг энг муҳим ва энг қимматли мотиви сифатида болани таълим муассасасига, фанга, дарсларга, ўз билиш фаолиятига нисбатан ижодий муносабатига кўмаклашади.

Ўқувчиларнинг билишга қизиқиши мотив сифатида ривожланиши ўзига хос узоқ йўлига эга бўлиши мумкин. Айрим ўқув ҳаракатлари таъсиридан то бутун фаолиятнинг устувор мотивигача. Ҳатто ўқишнинг етакчи мотивларидан бирига айланиб, қизиқиш шахснинг маънавий бойишига кўмаклашувчи умумий йўналганлигининг аҳамиятли қисмига айланиши мумкин. Таълим мазмунининг билишга қизиқишнинг уйғотишнинг ўзига хос томонларига қуйидагилар киради: ўқув материалининг янгилиги, билимлар мазмунига тарихий ёндашув, четлаб ўтиш, замонавий фан ютуқларини кўрсатиш, билимларнинг амалий роли, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва ўқитувчи, ўқувчилар муносабатлари ва бошқалар.

Педагогик кузатиш

Педагогик кузатишнинг аҳамиятини баҳолаш керак эмас. Таълим жараёнида ўқитувчи талабаларнинг фаолиятини мунтазам равишда баҳолаб боради. Бу кузатувлар дарсда талабаларнинг дарс жараёнидаги фаоллигини оширишда, хулқ одобини шаклланиши учун хизмат қилади. Дарсда ўқитувчи ҳар бир мавзунинг тақдиротини юқори савияда олиб бориш учун ҳаракат қилиши лозим. Шунинг учун аудиторияда интерфаол усуллардан фойдаланишга эътиборни қаратиш лозим.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

- 1. Таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг ўқитишда бошқарувни ташкил этишнинг мазмунини тушунтириб беринг.*
- 2. Аудиториянинг таълим жараёнидаги аҳамиятини тушунтиринг.*
- 3. Билим олишга йўналтирилган катта мақсадлар ҳақида сизнинг фикрларингиз.*
- 4. Таълим жараёнида талабаларнинг фаол иштирок этишларини таъминлашнинг мазмунини тушунтиринг.*

Мустақил иш топшириқлари.

1-топшириқ.

“Таълим воситалари” мавзусидаги Т-чизмани тўлдириг.

Таълим воситаларидан фойдаланишнинг афзалликлари	Таълим воситаларидан самарали фойдаланмасликнинг салбий оқибатлари

2-топшириқ.

Ҳозирги замон ўқув воситаларининг тавсифномасига оид “Тоифалаш
жадвали”ни тўлдириг.

ЭҲМ тармоқлари	Йўлдош алоқа tizimлари	Сунъий интеллект tizimлари	Электрон почта	Телеконферен- циялар

3-топшириқ.

Таълим воситалари ва уларни турларимавзусига оид “Чархпалак” жадвалини тўлдилинг.

Таълим воситаларининг номланиши ва мазмуни	экран	диапозитив	транспортлар	виртуал стенд
Бу каби ўқитиш воситалари бугунги кунда кенг тарқалган. Бу ўқитиш воситаларига қўйилган талаблар энг аввало уларнинг мавзуга оидлиги, иккинчидан, бу ўқитиш воситаларининг сифати яхши бўлиши билан ажралиб туради.				
Бу ҳаракатланмайдиган ўқитиш экран воситаси ҳисобланади. Бу жуда қулай ўқитиш воситаси, чунки ўқитувчи унинг бир қисмини, ёки бир кадрни алоҳида кўрсатиши мумкин. Ҳар бир кадр тўлиқ бир информацияга эга. Диафильм ҳам ҳаракатланмайдиган экран ўқитиш воситасидир.				
Бу ҳам ҳаракатланмайдиган экран қўлланмасидир. Улар проектор ёрдамида кўрсатилиши ва хонани қоронғилатиш шарт эмаслиги бу ўқитиш воситасининг катта ютуғидир. Ўқитувчи таълим олувчиларга юзланган ҳолатда, ўтилган ёзувлар ёки чизмаларни экранга проекция қилиб тушуштириши мумкин.				
Ўқув амалий стенди ёки ўқув-малака устахонаси бўлиб, ўқувчи-талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, компьютер дастур ва технологиялари орқали маълум йўналишда зарурий кўникмаларни ҳосил қилишга ёрдам беради.				

4-топшириқ.

Ўқитиш воситаларининг ривожланиш истиқболлари мавзусига доир Т-чизмани тўлдилинг.

Телеконференциянинг асосий афзалликлари	Телеконференциянинг салбий томонлари
1. Долзарб масалалар муҳокамасини тезкор ташкил этиш ва ҳудудий жиҳатдан узоқда бўлган, бу масалага қизиққан ўртоқларни ўз вақтида хабардор қилиб қўйиш. Бу ҳолатда бирор жойга боришга ва транспорт харажатларига зарурият қолмайди. Мутахассис ўз иш жойидан узоқ вақт кетмайди. 2. Муҳокама қилиш учун иштирок этувчи ташкилотлардан биридаги ҳар қандай материалдан — жадвал, диаграмма, матндан фойдаланиш мумкин. Баъзан	-

айрим ҳисоб китоблар қилиш ёки модел вазиятларни қайтариш керак бўлиб қолади. Буларнинг барини телеконференция учун фойдаланиладиган техника ёрдамида бажариш мумкин. 3. Телеконференция аппаратуралари мавжуд бўлганда, муҳокама этиладиган муаммо бўйича қарор қабул қилиш учун қатнашиши зарур мутахассислар доирасини кенгайтириш мумкин. Анъанавий усуллар орқали эса ишни амалга ошириш мушкул. 4. Телеконференция пайтида маълумотлар базаси билан алоқа бўлганда деярли ҳар қандай маълумотнома ахборотидан фойдаланиш ва у билан бутун телеконференция иштирокчиларни таништириш мумкин бўлади.	
---	--

5-топшириқ.

Ўқув жараёнига янги ахборот технологияларини киритиш йўллари мавзусига оид “Инсерт” жадвалиги тегишли белгиларни қўйинг.

Микродаражадаги ўқитиш мазмунининг тузилмаси	Тегшли белги
Ҳозирги замон ахборот технологияларининг асосини қуйидаги учта техника ютуғи ташкил этади: 1. Ахборотнинг машина ёқийдиган тушунчаларда жамлаш муҳитининг пайдо бўлиши (магнит, ленталар, кинофильмлар, магнит дисклар ва ҳ.); 2. Ахборотни ер шарининг исталган нуқтасига вақт ва масофа бўйича муҳим чеклашларсиз етказишини таъминловчи алоқа воситаларининг ривожланиши, аҳолининг алоқа воситалари билан кенг қамраб олиниши (радио эшиттириш, телевидение, маълумотларни узатиш тармоқлари, йўлдош алоқа, телефон тармоғи ва ҳ.); 3. Ахборотни компьютерлар ёрдамида берилган алгоритм бўйича автоматлаштирилган ишлаб чиқиш имконини (саралаш, таснифлаш, керакли шаклда ифодалаш, яратиш ва ҳ.) ошириш. Таълим тизими нуқтаи назаридан ахборот технологияларининг жорий этилиши билан бирга юзага келадиган қуйидаги муаммолар муҳимдир: 1. Техник муаммолар – булар таълим тизимида фойдаланиладиган электрон ҳисоблаш ва микропроцессор техникасига қўйиладиган талабларни, уни қўллаш хусусиятларини белгилайди; 2. Дастур муаммолари – булар таълим тизимида фойдаланиш учун дастур таъминотининг таркиби ва турларини, уларнинг қўлланиш таркиби ва хусусиятларини белгилайди; 3. Тайёргарлик муаммолари – булар ўқитувчи ва ўқувчи, педагог ва талабаларнинг ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш уқуви билан боғлиқдир.	

17-БОБ. ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА АКТИВ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ (МАСАЛАН,САМАРАЛИ ДАРСНИНГ ТУЗИЛИШИ, ГУРУҲЛАРДА ГУРУҲ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЖИПСЛИГИ, ТАЛАБАЛАРНИНГ ВАҚТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ЎРГАТИШ)

Режа

17.1. Талабалар билимининг фаоллиги ва аҳамиятлилиги.

17.2. Ўқув методик материаллар.

17.3. Таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш.

17.4. Ўқитувчининг ахборотлардан ижобий фойдаланиши, аудиториянинг технологиялар билан таъминланганлиги.

Таянч иборалар

Дарс, таълим жараёни, синф- дарс, фаолият, шахс, ривожлантириш, шакллантириш, услубий материал, фаоллик, шакл, метод, узвийлик, машқ қилиш, мактаб амалиёти, дастур.

Мавзунинг қисқача таърифи

Таълим муассасалари олдида турган вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши машғулоти мазмуни, таълим шакли, методлари ҳамда воситалари ўқувчиларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш, уларда чуқур билим ва дунёқарашни ҳосил қилиш ишига хизмат қилади. Таълим шакли ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган тартибда, муайян мақсадга мувофиқ маълум режимда ташкил этиладиган фаолиятларнинг ташқи ифодасидир.

Дарс ўқув ишларининг ташкилий шакли ҳисобланади. Синф-дарс тизими қуйидаги мазмунга эгадир:

* Ҳар қайси синф ёши ва билим даражасига кўра бир хил бўлган ўқувчиларнинг доимий гуруҳига эга бўлади;

* Дарс жараёни асосан 45-дақиқа давом этиб, қатъий жадвал асосида олиб борилади;

* Дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолият бирлигига асосланган бўлиб, бевосита ўқитувчи раҳбарлигида жамоа, гуруҳи ва яқка тартибда олиб борилади.

* Дарс машғулоти ўтилаётган ва ўзлаштирилаётган материалнинг мазмунига қараб турли хил методлар ёрдамида олиб борилади ҳамда умумий таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта, тугалланган

билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратишга хизмат қилади.

Дарсда ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабат жараёни шахсий алоқага асосланади. Ўқитувчи дарсда барча ўқувчилар фаолиятини назорат қилади шунингдек, ўқувчиларнинг ўзаро алоқалари ва назоратини қўллаб-қувватлаб туради. Ўқитувчининг дарс жараёнидаги фаолияти ўқувчилар томонидан фан асосларининг ўзлаштирилиши уларда зарур кўникма ва малакаларни ҳосил бўлиши учун замин яратади.

Бугунги кунда дарсларни ташкил этишга нисбатан қуйидаги дидактик талаблар қўйилмоқда:

- * дарснинг мақсади ва вазифаларининг аниқлиги ҳамда педагогик жиҳатдан тўғрилиги;

- * дарснинг таълимий, тарбиявий ва шахсни ривожлантирувчанлик вазифаларининг бирлиги ва узвийлиги;

- * ўқитишнинг яхлит дарс ва унинг маълум қисмлари вазифалари ҳамда мазмунига ва мустақил фаолиятларини таъминлашга хизмат қилувчи мақбул методларни танлаш;

- * машғулотларнинг турли шакллари; жамоа, гуруҳли ва якка тартибдаги шакллари мақбул равишда қўшиб олиб бориш.

- * ўқитувчининг раҳбарлик вазифаси билан ўқувчилар фаол билиш фаолиятини бирга олиб бориш;

- * дарсларнинг ўзаро узвий ва диалектик хусусиятга эга бўлишига эришиш;

- * ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш;

- * дарсда ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш учун қулай шарт-шароит яратиш;

- * дарсларни демократик тамойиллар асосида ташкил этиш.

Бир соатлик дарсга мўлжалланган дастур ўқув материали мазмунини баён қилиш, дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ ташкил этилган машғулот тури дарс деб юритилади. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчиларни билим, кўникма ва малака билан қуролантиришда машғулотнинг асосий қисмини ишғол қилган таълим шакли у ёки бу дарс турини ташкил этади.

Дарсни ташкил этишда вақтни тўғри тақсимлаш энг муҳим аҳамиятга эга. Дарс жараёнида ўқув фаолиятини қизиқарли этиб ташкил этиш лозим.

Ўқувчилар дарсда берилган материални ўз вақтида бажаришлари ва баҳо олишлари лозим. Дарс жараёнини ташкил этишга қўйиладиган вазифалар қуйидагилардан иборат:

- ташкилий қисмни тўғриташкил этиш;

- дарсни эълон қилиш;
- уйга вазифани текшириш;
- ўқув-услубий материалларни тарқатиш;
- кичик гуруҳда ишларни ташкил этиш;
- ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.

Мисол учун таълим муассасаларида энг кўп қўлланиладиган дарс турларидан бири янги билимларни баён қилиш дарсида қуйидаги ҳолатлар амалга оширилиши мумкин:

- а) янги билимларни баён қилиш;
- б) янги билимларни мустаҳкамлаш;
- в) янги билимлар устида машқ қилиш;

г) янги билимларга боғлиқ ҳолда уй вазифаларини топшириш ва хоказо. Демак, дарс умумий жараён давомида бир дарс тури асосида ташкил этилмайди. Шунга қарамай дарснинг мақсади ўқувчиларга янги билим беришга қаратилган бўлса, бутун дидактик усуллар ана шунга бўйсундирилади. Шунинг учун ҳам бундай дарс янги билим бериш дарси деб аталади. Дарс жараёнида қўлланилаётган ҳар қандай дидактик усул дарс тузилишини ифодалашга хизмат қилавермайди. Дидактик усуллар таълим методи билан баҳолангандагина дарс тузилишининг ўзгаришига таълим методларининг ўзгариши ҳам тузилишининг ўзгаришига олиб келади. Дарс жараёнининг муайян қисмида дарс шакли ҳамда методларининг ўзгариши дарснинг янги босқичини бошланганлигини англатади. Демак, дарс тузилишининг бирдан иккинчисига ўтиши ва шу орқали дарснинг шакл ва методларининг ўзгариши дарс босқичи деб юритилади. Мисол учун аралаш дарс қуйидаги тузилишга эга бўлади.

1. Уй вазифаларини сўраш, текшириш.
2. Янги материални баён қилиш, тушунтириш, ҳикоя қилиш, маъруза, суҳбат.
3. Янги материални мустаҳкамлаш, суҳбат, машқ қилдириш, китоб билан ишлаш.
4. Уй вазифаларини топшириш.

Такрорий умумлаштирувчи дарс , одатда,ўқув дастурининг маълум бир қисми, боб, бўлим, ёки айрим мавзу ўтиб бўлганидан кейин ўтказилади.

Бугунги кунда таълимни ташкил этиш тизимида якка тартибда таълим олиш ўзига хос ўринга эга бўлиб бормоқда. Якка тартибдаги таълим ўқувчининг қизиқиши, эҳтиёжи, хоҳишига кўра муайян фан, предмет юзасидан чуқур билим олиш, маълум фан ёки предмет бўйича юзага келган ўзлаштирмовчилик ҳолатини бартараф этиш, шунингдек, узоқ вақт

соғлиқни сақлаш муассасаларида даволанган ёки тиббиёт ходимлари назоратида бўлган ўқувчиларнинг ўқув дастури талабларини бажаришларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда янги турдаги ўқув муассасалари фаолиятида ўқитишнинг ноанъанавий шакллари асосийси сифатида маърузадан фойдаланиш борасида ҳаракат олиб борилмоқда. Маъруза асосан ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида қўлланмоқда. Маъруза дарсларини ташкил этиш анча мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Маъруза дарси тажрибали, юксак даражада педагогик маҳорат асосида ташкил этилади. Маърузадан фақат фан, ўқув предмети асослари борасидаги маълумотлар бериб қолмасдан балки, ўқувчиларни ижтимоий-ғоявий жиҳатдан тарбиялаб бориш талаб этилади.

Мактаб амалиётида маърузанинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилмоқда: маъруза-ҳикоя, маъруза-суҳбат, маъруза-мунозара ҳамда оммавий маъруза.

Маърузада баён қилинган материалнинг ўқувчилар томонидан тушуниш ва қабул қилиб олишнинг муайян мезонлар асосидаги тартиби мавжуддир. Чунончи бир дақиқада 1-синфда 20-25 сўз, 2-синфда 20-30 та сўз, 3-синфда 30-35 сўз, 4-синфларда 35-50 та сўз, янги турдаги ўқув муассасаларида эса 40-45 та сўз тушуниб олинадилар ва қабул қилинадилар.

Маъруза умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда янги турдаги ўқув муассасаларида 45-дақиқалик бир академик соатдан иборат бўлади. Умумий қоидага мувофиқ маъруза бир академик соатдан иборат бўлади. Умумий қоидага мувофиқ маъруза бир дарс давомида охирига етказилмай қолган бўлса, у янги машғулотда давом эттирилади. Ҳар бир мавзу бўйича маъруза материаллари тушунтириб бўлингач ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказиладилар. Ҳар бир мавзу юзасидан фойдаланиш лозим бўлган адабиётлар рўйхати тақдим этилади.

Кейинги йилларда умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида, хусусан, ижтимоий-гуманитар предметлар юзасидан семинар машғулотларини ташкил этиш кенг қўлланилмоқда. Семинарларни ташкил этишдан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг мустақил ишларини янада ривожлантириш, айрим мавзулар юзасидан кенг ва чуқур маълумот бера оладиган манбалар устида ишлай олишлари ҳамда шу асосда келажак фаолиятларида зарур адабиётлардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга қилишдан иборатдир.

Семинар машғулоти ўқувчилар томонидан у ёки бу мавзу бўйича маърузалар тайёрлаш ҳамда уни синф ўқувчилари билан муҳокама қилиш

йўли билан олиб борилади. Семинарларга 2-3 ҳафта тайёргарлик кўрилади. Ўқувчилар адабиётларни ўрганадилар, материал йиғадилар, турли кузатишлар ўтказадилар. Семинар машғулоти ўқитувчи раҳбарлигида ўтказилади. Ўқувчилар ишини йўналтириб туради, мавзуга оид саволлар юзасидан ташкил этилган муҳокамани якунлайди. Зарур қўшимча мулоозазалар билдиради, материални муайян тизимга солади. Маъруза қилган, муҳоқамада қатнашган ўқувчилар фаолияти баҳоланиб борилади.

Семинар машғулоти ўқувчилар эътиборини дарсга жалб этиш, уларнинг қизиқишини орттириш, уларни мустақил ишлашга, фикрлашга ўргатиш, дарсни фаоллаштириш ҳамда ўқувчилар ақлий қобилиятларини ўстиришда муҳим ўрин тутди. Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга таяниб, қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1.Таълимнинг шакли муайян мақсадга мувофиқ маълум режимда ташкил этиладиган фаолиятнинг ташқи ифодаси бўлиб, таълим жараёнида етакчи ўрин тутди.

2.Таълим жараёни самарасини таъминлаш унда таълим методларидан ўринли ва унумли фойдаланишга боғлиқ. Таълим методи таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолиятларининг усуллари ҳисобланади. Таълим воситалари таълим методларининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

17.1.Талабалар билимининг фаоллиги ва аҳамиятлилиги

Фаол таълим – бу таълим жараёнида таълим берувчи ва таълим олувчининг онгли ва фаол иштироки, мустақиллиги ҳамда ижодий қобилиятларини таъминловчи тизимий – педагогик жараёндан иборат.

Фаол таълим шароитида ўзлаштирилган билим ва ҳаракат усуллари мазмунан мукаммал тизимли, мантиқан тугал ва турли ишлаб чиқариш вазиятларида қўлланишга яроқли бўлади. Бунда асосан қуйидаги таълим методларидан фойдаланилади: баҳс – мунозара; фикрлашга жалб қилиш; доскада мустаҳкамлаш; турли таълимий – касбий ўйинларни амалиётга жорий этиш ва ҳ.к.

Таълим олувчиларда фаол ўрганиш қобилияти яъни, таълим олувчиларнинг тадқиқ қилиш (ижод) ва ўрганишга қизиқишини (интилишини) юзага чиқарувчи фаолиятли ёндашув таълим методларини фаоллаштиришга асосий дидактик асос бўла олади. Таълим методларини фаоллаштириш қуйидаги таълим қонунларига эътиборни кучайтиришни тақозо этади.

***Таълимда интеллектуал соҳани ривожлантириш қонуни.** Бу қонун бўйича таълим олувчининг фикрлашини (билишини, ижодини), хотирасини, диққатини, ақл сифатларини (теранлик, эгулувчанлик, тежамкорлик, мустақиллик), фикрлаш кўникмаларини (ажратиш, кўшиш, таҳлил қилиш ва ҳ.к.), билишини (таълим олувчиларни қарама – қаршилиқ муаммоларни қуриш, саволлар қўйган фаразларни илгари суриш ва ҳ.к.), ўрганишини билишини ривожлантириш, предметга оид билим, ўқув ва кўникмаларни ташкиллантиришнинг истиқболли усуллари ишлаб чиқилади ва улардан амалиётда фойдаланиш шакллари яратилади;

***Таълимда ирода соҳасини ривожлантириш қонуни.** Бу қонун бўйича таълим олувчидаги мақсадга интилишни шакллантириш жараёни эътиборга олинади. Унда асосан асаб ва мускулларнинг зўриқишини енга олиш, ташаббускорлик, ўз кучига ишониш, ўзини бошқара олишни ривожлантириш, билимларни ўқитиш (қандай фаолият кўрсатиш), фаолиятни ривожлантириш, уни қандай амалга ошириш ва назоратни ташқи кўникмасиз олиб бориш каби қобилиятлар ҳисобга олинади;

***Таълимда эмационал соҳани ривожлантириш қонуни.** Бу қонун таълим олувчига ўз ҳиссиётини ва руҳий ҳолатини бошқариш бўйича зарурий кўникмаларини шакллантириш жараёнидан иборат бўлиб, унда ортиқча ҳавотирни енгиш ва ўзини ҳолисона баҳолаш кўникмасига эга бўлишликни тарбиялаш муҳим ҳисобланади;

***Таълимни ахборотлаштириш қонуни.** Бу қонун бўйича ахборотлаштирилган жамият шароитида таълим олувчиларнинг жамоатчилик ва касбий фаолиятида тўлақонлироқ самарали қатнашишига тайёрлаш мақсадида таълим тизимининг барча компонентлари компьютерли ва ахборотли технологиялар ёрдамида яхшиланади. Таълимни ахборотлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

* ўқув – услубий ишларни қайта ташкил этиш;

* таълим берувчи ва унинг ролини ўзгартиришга қўйилган талаблар орттирилади;

* таълим олувчи шахснинг ва уни индивидуаллаштириш хусусияти ролининг ортиши;

* таълим муассасаси ролининг замонавийлашуви, ўзгариши ва унинг таълим олувчилар таркиби жойлашган жойларга таъсирини эътиборга олиш;

* ахборот ресурсларининг мумкин бўлган ҳажмининг тўсатдан ортишини ҳисобга олиш;

* замонавий ахборот хизмати кўрсатишга бўлган талабнинг мунтазам равишда ортиб бориши асосидаги ахборотлаштиришнинг аҳамияти ўсиши, айниқса башоратли, таълимий ва илмий ҳарактердаги йўналишнинг ривожланишини ҳисобга олиш;

* бешта муҳим масалаларни ҳал қилишни кафолатлаш. Улар: таълим сифатини ошириш; таълим жараёнини қулай ҳолга келтириш асосида таълим олишни енгиллаштириш; аҳоли саводхонлиги ошишини таъминлаш; мамлакатнинг иқтисодий потенциалли (қуввати) ўсишини таъминлаш; миллий таълимнинг жаҳон талими тизимида интеграциялашувини таъминлаш;

***Таълимда мустақиллик қонуни.** Бу қонун бўйича таълим олувчиларнинг билимларини ҳаётга қўллай олиш учун таълим бериш жараёнини фаол фикрлаш жараёнига айлантириш асосида уларда ижодий ташаббускорлик ва мустақил тафаккур, нутқ, маданияти ва илмий дунёқараш, эътиқодни таркиб топтиришнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқилади. Юқорида қайд этилган таълим методларини фаоллаштиришга имкон берувчи таълим қонунлари мустақил ва намунали таълимдан амалиётда фойдаланишга кенг имконият яратади. Бу айниқса таълим олувчилар билан уюштириладиган мустақил таълимда яққол сезилади

17.2.Ўқув методик материаллар

Ўқувчини шахс сифатида шакллантириш учун ўқув қўлланма ва дарсликлардан ташқари компьютер технологиясининг ҳам аҳамияти катта.

Жумладан, слайдлардан, магнитофондан, проекторлардан фойдаланиш таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш учун бугунги кунда катта аҳамиятга эга. Таълим жараёни самарадорлигини таъминлаш учун таълим муассасаларининг махсус инвентарлар билан таъминлаб қўйилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Ўқитувчи дарсга қуйидаги омилларнинг аҳамияти катта:

- * аниқлик
- * ёшга боғлиқлик
- * фойдалилик
- * тарқатма материалларнинг етарлилиги
- * ўқувлилиқ
- * вебсайтлардан фойдаланиш

* ўқув режаси билан алоқадорлик

Ўқитувчилар таълим дараёнида талабаларнинг тўғри ва адолатли баҳолаб бориши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ўқитувчи бир қанча саволларга жавоб бериши керак:

* булар менинг талабаларимни қизиқтира оладими?

* келажаги учун кераклими?

* танқидий тафаккурини ривожлантирадими?

* халқаро давлатлар таълимига тўғри келадими?

* таълим жараёнининг қандай босқичлари бор?

* бир қанча кузатувлар асосларини тасдиқлайдими?

* интерфаол ва амалий таълим жараёнидан фойдаланилганми?

Фаол талабаларни юқори даражада рағбатлантиб бориш лозим. Ўқитувчилар шу нарсани эътиборга олишлари зарурки, дарс жараёнида тарқатмали қуролларни кўп бўлиши таълим жараёнида самарадорликни таъминлайди.

17.3.Таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш

Баҳолашнинг таълим тизими стратегияси мувофиқлигининг самарадорлигининг ва уни рўёбга чиқаришнинг кейинги таҳлилини мақсад қилиб қўйган жараён деб белгилаш мумкин. Баҳолашнинг муҳимлиги ва юз бераётган ўзгаришларни мониторинг қилиш, тизимнинг ҳамда унинг таркибий қисмларининг кучли ва заиф томонларини имкон қадар илк босқичда аниқлаш учун ҳамда ушбу тизимнинг самарали амал қилишини, сабаблари билан бирга, тавсифлаш учун хизмат қиладиган восита эканлигидан келиб чиқади.

Таълим берувчи ўқитиш билан бир вақтда таълим олувчиларнинг ўрганилаётган мавзунини қандай қилиб идрок этишини, эсда сақлашга ҳаракат қилишини ва уни амалда қўллаш малакаларини эгаллашини ҳисобга олиб бориши керак.

Ҳисобга олиш

Ҳисобга олиш-бу ўқитишнинг муайян бир даврда таълим олувчилар ва таълим берувчи фаолиятини умумлаштириб хулосалаш. Ҳисобга олиш натижасида таълим берувчи ҳам, таълим олувчи ҳам ўзларининг кейинги бажарадиган ишларининг шаклини ва мазмунини белгилайди. Ўзлаштиришни ҳисобга олиш таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини рағбатлантириб, маълум бир ҳаракатларни бажариш учун унинг ифодасини тавсифлайди. Шунингдек, ўзлаштиришни ҳисобга олиш таълим берувчининг фаолиятини ташкил этади. Ўқитиш методлари ва шакллариининг тобора такомиллашуви натижасида баҳо ўқитувчининг педагогик маҳорати кўрсаткичига айланмоқда ва таълим берувчининг ўз малакасини ошириб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Тўғри ташкил этилган ҳисобга олиш натижасида таълим берувчи таълим олувчиларнинг ўзлаштиришини аниқ баҳолай олади, уларнинг ўз билимларини такомиллаштиришга интилишини юзага келтиради, ақлий ва ахлоқий ривожланишига таъсир этади.

Таълим олувчиларнинг ўзлаштириш натижаларини ҳисобга олишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- * ўқув дастури асосида мавзу ва бўлимни ўрганишда таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама назорат қилиш;

- * ҳар бир якунланган мавзу бўйича таълим олувчиларнинг фаолияти тўғрисида тўлиқ хулоса чиқариш;

- * ўртача арифметик маълумотларга таянибгина таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини баҳоламаслик;

- * таълим олувчиларнинг мавжуд билимларга аниқ, батафсил маълумот бериш учун уларнинг бир неча ўқув йилидаги статистик ўзлаштириш маълумотларига асосланиб таҳлил таҳлил этиш.

Демак, ўзлаштиришни назорат қилиш ва ҳисобга олиш назорат,ўқитиш,тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларини бажаради.

Назорат қилиш

Назорат қилиш вазифаси ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалар даражасини аниқлаш ва баҳолашдан иборат.

Бу ўқув материалларини ўрганишнинг кейинги босқичида ўтиш имкониятларини аниқлаштиради ҳамда таълим берувчининг ўқув методлари ва усулларини тўғри танлаганини назорат қилади.

Ўқитиш вазифаси

Ўқитиш вазифаси таълим олувчиларнинг билимини текширишда аниқ кўринади. Янги мавзуни мустаҳкамлаш жараёнида ёки уй вазифасини текширишда таълим олувчиларнинг ўтилган мавзуни такрорлашга, улар учун тушунарсиз бўлган маълумотларни билиб олишлариги имкон туғдиради. Чунки, гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар жавоб бераётган таълим олувчининг фикрини диққат билан тинглашади ва аввал эгаллаган билимларини мустаҳкамлаб, қўшимча маълумотлар билан бойитишади. Ўртоқларининг жавобларига қўшимча қилишга ечилмай қолган саволларга жавоб беришга шайланиш орқали ўрганилаётган мавзуни аниқлаштиришга ҳаракат қилишади.

Назоратнинг тарбиялаш вазифаси шундан иборатки, таълим олувчилар текширишга тайёр бўлиши учун дарсларни ўз вақтида тайёрлайдилар, бўш вақтларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар, интизомга ўрганадилар.

Шунингдек, текшириш ва баҳолаш таълим олувчининг ўз билимлари ва қобилиятларини ўзи мустақил аниқлашига ҳам ёрдам беради. Ўзидаги камчиликларни кўра олишга ва уни тугатиш йўлларини излашга кўмаклашади. Энг асосийси, ўзлаштиришни ҳисобга олиш, шахснинг ижобий фазилатларини шакллантириш, яхши ўқишга хоҳиш уйғотиш, ўқув ишларига виждонан ёндашиш, яхши ўқишга хоҳиш уйғотиш, ўқув ишларига виждонан ёндашиш, жавоб тайёрланишда мустақил бўлиш ҳамда билиш фаолиятини чуқурлаштиришга қаратилмоғи лозим.

Агар назоратнинг ўқитиш ва тарбиялаш вазифалари тўғри амалга оширилса, шахснинг тафаккурини ривожлантиришга, ҳис-туйғулари ва ахлоқий сифатларини тарбиялашга имкон туғдиради. Бу эса ўз-ўзидан назоратнинг ривожлантирувчи вазифаси саналади.

Баҳолашда эътиборга олинадиган омиллар

Фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни баҳолаш учун савол ва тестлар, топшириқлар ва машқлар, лойиҳалар, ёзма ишлар берилади. Назорат саволлари ва тестлар талабаларнинг билим олишга қизиқишларини, мустақил фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга, таққослаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш усулларида фойдалана олиш маҳоратларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Аудиторияда талабаларни ўқишга бўлган муносабатларини қизиқтириш босқичлари

Олиб борилган тадқиқот ишларини кўрсатишича, талабаларни ўқишга қизиқтиришнинг бир нечта босқичлари мавжуд. Биринчидан, ҳар бир берилган саволларга талабалар ўйлаб жавоб қайтаришлари лозим. Талабалар фанларни ўзлаштиришда турли хил методлардан фойдаланиб, ўқитувчининг берган саволларига аниқ ва тўғри жавоб беришлари лозим. Иккинчидан, талабалар тажрибасидан фойдаланган ҳолда дарслар олиб борилиши лозим. Талабалардан ўқитувчининг ҳаёлиига келмаган фикрлар айтилиши ва аудиторияда муаммога ечим топилиши мумкин.

Масалан: ўқитувчи талабага савол беради: ”Бизнинг болалар майдончасига нима бўлди?” Бу савол талабаларни мулоҳазага чорлайди ва тўғри ва аниқ жавобни топишга замин яратади. Берилган барча саволларга талабалардан ҳамкорликда жавоб излаш талабаларни бир-бирига бўлган муносабатини янада ривожлантиради.

Ўқув тадбирларини ўтказиш

Таълим муассасаларида ўқув ишларига оид аудиториядан ташқари тадбирларни ташкил этиш энг муҳим масалалардан биридир. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячилар болаларни ўзи хоҳламаган фаолият турларига мажбур қилмаслик керак. Чунки, бола қизиқмаган фаолият турини бажаргиси келмайди. Масалан, 4-ёшли болага расм чиз деб мажбурлаш керак эмас. У бола ўзи хоҳлаган фаолият тури билан шуғуллансин. Умум таълим мактабларида ҳам ўқитувчилар таълим жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши керак. Ёш индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш- касб таълими

бўйича ўқув материални мазмуни фан ва техник тараққиётни ҳозирги даражасига мос равишда ўқувчиларга тушунарли бўлиши керак.

Дарс мавзулари ўқувчиларга мос ва тушунарли бўлиши керак;

* ўтилаётган мавзунинг маъноси ва ҳажми, амалий машғулотлари ўқувчилар тайёргарлигига, жисмоний ривожланганлигига ва ёшига мос бўлиши керак;

* мавзулар соддадан мураккаблашиб бориши керак, шунингдек, ўқувчилар билим доирасини янгиликлар билан тўлдириб бориши зарур;

* айрим ўқувчиларга индивидуал ёндашиши керак, чунки ўқувчиларнинг айримлари янги мавзунинг осон тушунса, айримлари қийинчилик билан тушунадилар;

* кўргазма куроллардан тўғри ва ўринли фойдаланиш.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун билишга қизиқишни ривожлантиришда рангли ўқув қўлланма ва дарсликлардан фойдаланишнинг аҳамияти катта. Рангли китобларнинг кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг билишга қизиқишларини ўстиришда аҳамияти катта. Юқори синф ўқувчиларида ҳам рангли ўқув қўлланма ва дарсликларнинг аҳамияти жуда катта. Чунки, рангли ўқув қўлланма ва дарсликлар орқали болалар кичик ёшлигидан бошлаб теварак атрофдаги олами тушуна бошлайди. Ўқувчиларни ёшлигидан касбга ривожлантиришда таълим муассасаларида тўтказиладиган конференцияларнинг роли катта. Талабалар конференцияларда иштирок этиш орқали ўзининг мутахассислига бўйича кўплаб ахборотларга эга бўладилар.

Талабаларда ўқиш мотивларини шакллантириш босқичлари

Талабаларнинг билишга қизиқиши мотив сифатида ривожланиши ўзига хос узоқ йўлга эга бўлиши мумкин. Айрим ўқув ҳаракатлари таъсирчисидан то бутун фаолиятнинг устувор мотивигача. Ҳатто ўқишнинг етакчи мотивларидан бирига айланиб, қизиқиш шахснинг маънавий бойишигача кўмаклашувчи умумий йўналганлигининг аҳамиятли қисмига айланиши мумкин. Ҳар қандай мотив сингари билишга қизиқиш ажралган ҳолда ривожланмайди, унинг тикланиши бошқа мотивлар билан бирга кечадики, қизиқиш улар билан бойийди ва уларга ижобий таъсир этади.

Билишга қизиқишнинг ижтимоий мотивлар билан ўзаро алоқаси жиддий бўлиб, улар орасида ўқитувчи ва ўқувчилар билан мулоқот алоҳида рол ўйнайди.

Ижтимоий мотивлар кенг, узоқлашган, истиқлолли, уларнинг ифодаси таълимнинг бошланғич давридаёқ пайдо бўлади.

Мотивлар қуйидаги турларга бўлинади

Ахлоқий мотивлар-жуда муҳим гуруҳ, уларда шахс шаклланишининг жиддий жиҳатлари, аввало, одамларга, фаолиятга, ўзинин жамиятдаги ва жамоадаги ўрнига нисбатан ахлоқий муносабатлари ифодасини топади.

Мулоқот мотивлари -бу гуруҳ ўқувчиларини ўқишга реал ундайди.

Ўқув мотивлари-соф шахсий тузилма, бироқ улар предметлар дунёсидан бошланади. Билиш мотивлари- тоборо характерли гуруҳ зеро, у билиш- ўқув предметига нисбатан муносабатни ифодалайди. Бунда тоборо аҳамиятли билишга қизиқиш ва эҳтиёжлар саналади.

Билишга қизиқиш ўқувчининг фаоллиги, таълимга мустақиллиги асосида ётади. Таълим муассасасига муҳаббатни шакллантиради. Билишга қизиқиш ривожланишининг янада юқори босқичида шахснинг барқарор кирраси, сифати бўлиб, кўпинча билиш фаолиятига изчил интилиш билан характерланади. Бундай айниқса, ўқув материали мазмунидан келиб чиқадиган омиллар ва барқарорлик алоҳида аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, мотивлар тизими бевосита шахснинг меҳнатга, одамларга ва ўз-ўзига муносабатларидан келиб чиқади ва ундаги характер хусусиятларини ҳам белгилайди. Уларнинг ҳар биримизда реал шарт-шароитларда намоён бўлишини бирор масъулиятли иш олдидан ўзимизни тутишимиз ва муваффақиятларга эришишимиз билан баҳоласак бўлади. Масалан, масъулиятли имтиҳон топшириш жараёнини олайлик. Баъзи талабалар имтиҳон олдидан жуда қайғурадилар, хаттоки, кўрқадилар ҳам. Улар учун имтиҳон топшириш жуда катта ташвишдай. Бошқалар эса бу жараённи босиқлик билан бошдан кечириб, ичидан ҳаяжонланаётган бўлсалар ҳам, буни бошқаларга билдирмайдилар. Яна учинчи тоифа кишилари умуман беғам бўлиб, сира ўйламайдилар. Табiiй, шунга мувофиқ тарзда, ҳар бир тоифа вакиллари учун ишининг муваффақияти ва фаолиятнинг самараси турлича бўлади. Бунга ҳар бир шахсдаги даъвогарлик даражаси ҳам таъсир қилади. Даъвогарлик даражаси юқорироқ бўлганлар билган - билмаганини исбот қилишга уринсалар, ана шундай даражаси пастлар бор билганини ҳам яхши айтиб беролмай, яна ўқитувчи билан тортишмайдилар ҳам. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз ижтимоий фаолият мотивларидан ташқари, шахсий хислатларимизни ҳам билишимиз ва онгли тарзда ҳулқимизни бошқара олишимиз керак.

**17.4.Ўқитувчининг ахборотлардан ижобий фойдаланиши,
аудиториянинг технологиялар билан таъминланганлиги.
Асосий атамаларни намоиши ва замонавий технология тушунчаси.
(электрон технология элементлари, амалий дастурий таъминот ва
вазифа, кириш ва чиқиш қурилмалари, тармоклар)**

Компьютер тизими икки асосий қисмларга бўлинади. Электрон технология элементлари ва амалий дастурий таъминот. Электрон технология элементларига машинани ташкил қилувчи жисмоний қисмлари киради. Амалий дастурий таъминот эса тизимлардан (ўрнатиш қўлланмаси) яъни, компьютерни аниқ бир иши учун жавобгар қурилмадан иборат.

Электрон технология элементлари

Кириш қурилмаси компьютернинг ишлатувчидан маълумот олиши учун хизмат қилади. Энг асосий қурилмалардан бирлари –бу клавиатура ва сичконча. Бошка махсус кириш қурилмалари жой стиклар, ёруғлик каламлари сенсор панеллари, графикали планшетлар, овоз аниқлаш қурилмалари, оптик сканнерлар. Чиқиш қурилмалари компьютернинг ишлаш натижаларини ишлатувчига намоиш қилади. Уларни ичига монитор ва принтерлар киради, аммо компьютер маълумотларни плоттер ва нутк синтезаторига ҳам чиқариб бериши мумкин. Монитор ва принтерларнинг дисплейга маълумот чиқариш сифати ҳар хил бўлиши мумкин. Мониторлар ишлаш қобилиятига караб турларга бўлинади (кднс = квадрат дюймга нукталар сони).

Принтерлар

Принтерлар ишлаб чиқарилиш тизимига караб ҳар хил бўлади. Улар “қаттиқ нусха” чиқариши мумкин. Бозорда нархларнинг тушиши уларни барчага сотиб олиш имкониятини беради. Энг яхши каттиқ нусхалар лазер принтерлари оркали чиқарилади, аммо лазер принтерлари киммат ҳам хисобланади. Улар одатда даража эмас олий сифатли иш бажаришни хоҳловчи офисларда ишлатилади.

Қаттиқ дисклар

Сақловчи қурилмалар компьютердаги маълумот ва муҳим файлларни сақлаб уларни кейинчалик нашр қилиш учун имконият беради. Каттиқ дисклар ҳозирги кунга келиб компьютерни ичида бўлиб жуда ҳам самарали ишлатилмоқда. Чунки, тизим хажми катталашгани сари уни ишлатиш кийинлашади, шу сабабли такомиллаштирилган графика ва овозли қобилиятлар тизими яратилган. Каттиқ дискда маълумотларни сақлаш ҳозирги кунда муҳим. Бу вариант талабаларга компьютердаги маълумотларни флеш сақловчига ўтказишга ёрдам беради. Бундан ташқари, бу қурилма талабаларга уйдан олиб келинган маълумотларни мактаб компьютер хонасидаги компьютерда нашр қилишга имконият беради.

CD BA DVDЛАР

Кўпгина мактабларда каттиқ дискда сақлаш чекланганлиги сабабли тармоқлар орқали узларига шахсий система ўрнатишади. CD-ROMкупрок мультимедиа компьютерларида ишлатилади, чунки унда катта хажмли овозлар, графикалар ва видео клиплар бўлади.

- DigitalVideoDisk/Rewriteable (DVDR/W) маълумотлар сақлаш учун ишлатилади.

- мусика, кино ва бошқа файллар. Улар керак вақти такроран янгиланиб ва қайта сақланиб ишлатилиши мумкин. Бошқа вариант талабаларга каттиқ дискда сақланган маълумотларни қушимча нусхасини олишга имкон беради. Компьютернинг фойдали томони шуки унда дарс жараёнида ишлатиш мумкин бўлган катта хажмли маълумотларни сақлашдир. Барча энциклопедиялар, умумий синф библиотекаси, тарихдаги махсус маълумотлар туплами, илм-фан, санъат ҳақидаги манбалардан талабаларнинг изланиш фаолиятида ёрдам беради. “Изланиш” хусусиятлари шундаки у талабаларга бир ёки икки суз маъносини киритиб узларига керакли матн ва мақола топишга ёрдам беради. Талабалар уларни аввал ўқиб чиқиб кейин нашр қилиши мумкин.

Асосий тизимли қурилма

Энг охирги компьютер компоненти бу асосий тизимли қурилма(процессор) материнская платадаги хотира чипи билан бирга бўлади. Бу компьютердаги кириш ёки сақлаш, жойлаш тизими, намоиш тизими (ТХ тезкор хотира), талабаларга жавоб бериш тизими (математик

ечимлар ва жойламлар), сакланган маълумотларни олиш ва дисплейда намоиш қилиш учун жавобгар “мия” ҳисобланади.gain".

Тизимли таъминот

Тизимли таъминот компьютер учун мулжалланган барча тизим йиғилмаси булиб каттик дискда, CD-ROM диск, ёки юклаш рухсат этилган жойларда сакланиши мумкин. Тизим иккита асосий гуруҳларга туширилиши мумкин: тезкор ва киритиладиган тизимларга. Тезкор тизимда компьютерни ишга тушурувчи қўлланмалар булади. Киритиладиган тизимлар эса ишлатувчи компьютерда бажара оладиган ишларни бажаради. Улар матнли процессорлар, маълумотлар базаси, электрон жадваллар, таълимга ва молияга оид дастурлар, ўйинлар ва мулоқот дастурлардир.

Таълимий тизим таъминоти

Бозорда таълимий тизим таъминоти кўпайиб кетгани сабабли, таълим оловчи маълум бир дастурни сотиб олишдан олдин уни синчиклаб ўрганиб чиқиши керак. Бунинг умумий уч поғонаси мавжуд. Уларни қуйидагича баҳолаш керак. Биринчи, ичидаги ишлатилиш инструкцияси ва дастур билан танишиб чиқиш керак, ускунага керакли булган талаблар, ва уни ўрнатилиши. Дастур ўрнатилган ва ишлатишга тайёрами, баҳоловчи ўрнатиши керак ёки билимли талаба баҳоловчи шошмасдан ўйлаб, талабаларга ишлатиш учун қулай қилиб ўрнатиши керак.

Учинчидан, дастур ўзи агар хатоликлар бўлса кўрсатиб беради. Ҳар хил хатоликларни клавиатура орқали куриб чиқиб, уларни хизмат кафолат муддати тугамагунча аниқлаш керак. Кўпгина туман мактаблари манбаларни яъни, китоблар дарсликларни ҳар бир таълим даражасига бир хил қилиб нашр қилиб таълим тизими таъминотини камайтирмоқдалар. Кўшимча қилиб айтадиган бўлсак, кўпгина туманлар тизим таъминотини бошқарувчи билан ўрганиб чиқиб ва такомиллаштириб ҳозирда тасдиқлатиб кейин савдога бермоқдалар.

Тармоқлар

Тармоқ икки ёки ундан кўп компьютерларнинг бир бирига алоқаси орқали амалга ошади аниқроқ қилиб айтганда, компьютер тармоғи бу маълумотлар алмашинуви бўлиб аппарат ва дастур таъминоти орқали

маълумотни бир компьютердан иккинчи компьютерга юбориш учун хизмат қилади. Қисман, компьютер тармоқлари инфраструктуравий алоқа симлари, кабеллар, фибра оптик тармоқлар, денгиз ости кабеллари ва спутниклар орқали уланади. Тармоқнинг бошқа қисми дастур таъминотини сақлаб уни бошқаради. Компьютер тармоқлари бошқа компьютер тармоқларига уланиб улардан ниҳоятда буюк компьютер яратади.

Компьютер тармоқлари учун бир неча турлар мавжуд, улар:

- Маҳаллий-воҳа тармоқлари (LANS)—компьютерлар барчаси бир бинода бўлиб бир-бирига боғланади.
- Кенг-воҳа тармоқлари (WANS)—компьютер масофадан телефон ёки радио алоқалари орқали уланади.
- Кампус масштабидаги тармоқ (CANs)—аниқ бир географик воҳа, мактаб, университет ёки ҳарбий база орқали уланувчи тармоқ.
- Метрополитен воҳаси тармоқлари (MANs)— махсус шаҳар ёки шаҳарчага маълумот берувчи тармоқ.
- Уй-воҳасидаги тармоқ (HANS)—барча алоқаларга уланиш шахсий уй телефони орқали амалга оширилади.
- Интернет-умумий йўллар ёрдамида мулоқот қилиш ва маълумот алмашиш.

Тармоқ турларининг имкониятларига қараб, ўқитувчи маҳсулдор ва қизиқарли маълумотларни ўз талабаларига бериши мумкин.

Талабалар ўқиш жараёнида компьютерни ишлатиш учун масъулият ҳис қилишни ўрганишлари керак. Интернетни ишлатиш қонун-қоидаларини бир нечта хиллари аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Компьютерни бирор-бир жойини синдирган талабанинг компютери ёки таълим дастури ёпилади ва талаба агар ҳар-хил керакли вазифаларни ўз вақтида кечиктирмай бажариш учун ўқув биноси компютеридан фойдаланиши мумкин.

Туман ва мактаб курслари ўқув технологиясида керак бўладиган манбаларни талабалар кутаётган даражада бўлишини таъминлаб беришмоқда. Курслар талабалар ва ўқитувчиларнинг жамоа ва қонун чиқарувчи фондларда технология ишлатилиш ҳаракатлари учун жавобгар бўлади. Ўқув компьютерларини ишлатилиш стандартлари талабаларнинг ўқув жараёнига тегишли манбаларни кўпайтириб уларни билимини ошириш ўқишга тааллуқли бўлмаган талабалар билимини пасайтирувчи сайтларни йўқотишдан иборатдир. Компьютер ишлатилиш вақти талабалар учун чегаралангандан бери, ўқув жойларда ишлатиладиган компьютерлар сони камайиб кетган.

Технология ишлатилиш вазифалари шуки, тумандан институтга ва талабадан штатга маълумот юборишдир. Давлат ва халқ ҳам уларни технология билан таъминлашларини кутади, хуллас бу занжир укув жамиятининг бошқарувидан боўланади. Интернетдан фойдаланиш хавфлилигини инобатга олган ҳолда сиёсат ва ўқув жамиятларини бошқаруви талабаларни ўқув жараёнидаги назоратни кучайтириш керак.

Бошка электрон ускуналар

Синфда компьютердан фойдаланишдан ташқари электрон I-pods, Walkman, ва уяли алока телефонлардан чиқадиган товушлар талабаларни ўқув жараёнидаги эътиборини чалғитиб дарсга бериладиган диққатни йукотади. Телефондан чиқадиган ҳар доим одатий бўлиб эшитиладиган мусикалар дарсда талабалар билим олишига имконият бермайди. Ўқув жараёнида қандайдир уқиш ёки ёзиш учун берилган вазифани ҳаяжонланиб бажараётган талаба фикрини уяли алока телефонларининг мусикаси овози ноурин пайтда чалғитади ва шу билан талаба билими пасаяди. Фаол ва ақлли ўқитувчи дарсжараёнида талабаларнинг фикрини бир жойга жамлаш учун талабаларга компьютердан бошка электрон алокалардан фойдаланишга руҳсат бермайди.

Ўз компьютерларига эга бўлган талабалар дарсга киритилмайдилар чунки, улар интернетдан фойдаланишда конун-қоидаларга риоя қилмаган бўлишлари мумкин. Ўқитувчилар дарс жараёнида бирор-бир муҳим ва дарс якунида баҳоланадиган вазифа бажарилаётганда компьютердан уқиш ва таълимга оид вазифада фойдаланмасдан, бошка вазифаларда фойдаланиб жамият компьютерларини самарасини туширса шундай талабаларни кузатиб туриши керак. Фойдаланиш учун манба ва материаллар ҳамма жойда мавжуд—мактабда, тармоқда, китоб сотиладиган дўконлирда ва қабул қилинган мактаб дастурларида қандай қилиб бу маълумотларни олиш мумкин ва қандай қилиб уларни ишлатишдан олдин баҳолаш мумкин.

Электрон манбалар билан алока

Агар синфхонасида компьютер интернет тармоғига уланган бўлса, изланиш имкониятлари чегараланмаган бўлади. Дунёнинг кент тури орқали талабалар бошка мамлакатдаги талабалар билан алока қилиши мумкин. дунё журнал ва мақолаларидан керакли маълумотлар олиши мумкин.

Масалан, агар талабалар оби-ҳаво ҳаво ҳақида ўрганаётган бўлса, улар тармок оркали бошқа иқлимли жойда яшаётган талабалар билан гаплашиб уларни яшаш шароитини муҳокама қилиши мумкин. Шунда улар глобал иқлим ҳақида метеорологлар билан биргаликда маърузалар тайёрлашлари мумкин—ва бу ҳаммаси ягона компьютердан амалга оширилади.

Меҳмон экспертлар

Ўқув жойининг кутубхоначиси ва сўзловчи технолог эксперти бўлганлиги синфдатеҳнологиядан фойдаланишда тайёрланиб, керакли такдимот ва бошқа усулда дарсутиш имкониятини беради. Ўқитувчи бундан ташқари экспертларни талабаларни ичидан белгилаб бошқа талабаларга аниқ бир проект устида ишлашга имкония беришлари керак. Олий таълимда эса, технологик гуруҳларга юкори малакали ассистент уқитувчини ассистент ўрнида сайлаб куйиши керак. Манбаларнинг кўплиги ўқитувчи ва талабаларга теҳнологиядан самарали равишда фойдаланганда режалаштирилган такдимот ва проектларни кутилгандек намойиш қилишга имконият беради. Ҳар бир гуруҳдаги эксперт уларни ҳар доим куллаб,уларга курсатма ва маслаҳатлар бериши мумкин. Мактаб жамоасида экспертлар ўқитувчилан ўз фаолиятларини бошлайдилар.

Электрон манбалар билан бўлишиш

Кўпгина мактаб туманлари ўз дарс режаси ва кенгайтирилган маълумотлари керакли кунлик хариталар, погонали қўлланма ва керакли материаллар, фикр мулоҳазалари билан бўлишишади. Бундай ишлар жуда фойдали бўлиб, ҳар доим қайси ҳужжат ва маълумотни аниқлаштириб ишлатиш учун яхши имконият беради. Топилган ва талаб қилинган материалларни курсатма бўйича ишлатса жуда яхши натижага эришилади. Бундан сўнг, айрим веб сайтларда дарс режаси ва қўлланмалар бўлади. Шунини инобатга олиш керакки, айрим вебсайтлар сервердаги маълумотлар жойини текширмайдилар. Мақсадли ва ташаббускордек кўринган дарс мавзуси ҳар доим ҳам сиз кутгандек бўлмаслиги мумкин.

Юкланган маълумотларни қидираётганда масофавий ускуналарни ва бошқа маълумот манбаларни текшириш керак, нашр этилган маълумотни тушуниш ва уни қаерда ва ким ёзганини билиш муҳм роль ўйнайди. Кўпинча бу айнан бир туманга тегишли махсус дастур бўлиши мумкин. Ҳар доим ўз хавфсизлигингиз учун буни сўраш керак

Аниқлик ва қонунийлик

Интернет аниқлик ва қонунийликни бузувчи кўпгина кўпгина маълумотларга эгадир. Ҳозирги кунда кўп ўқилмайдиган газета вақитоблар нашр этилишидан олдин ёзувчи томонидан ўқиб текширилади. Интернет эса вебсайтлар, блоklar ва маълумотлорнинг очик форумидир. Талаба биринчидан ягона бир натижани билиши керакки (бу материал олдин интернетда чиқарилмаган-ми ёки ҳамма кўриб бўлган-ми ва ишлатган-ми уни). Масалан, талабаларга шуни маълум қилиш керак-ки Wikipedia яхши маълумот манбаси бўлиши мумкин, лекин у умуман нашр қилинадиган маълумот. Шунда талабалар маълумотни аниқлиги ва қонунийлигини баҳолаб уларга қандай даражада тўғри келишини билишлари керак.

Биринчидан дарсни ёш ўрганувчига таништириб маълумотлар бериш керак. Биринчи ёш ўрганувчиларга поғонама-поғона тушунтириш керак, ундан сўнг эса қуйи ўрганувчиларга маълумот бериб тушунтирилганда уларни вазифа бажаришларига ёрдам бўлади. Талабалар ўз изланишлари учун жуда ҳам кўп маълумот топишлари мумкин ва уларни сақлаб қуйишлари мумкин. Албатта ўқувжойлари талабаларнинг ҳужжатларини хавфсизлигига жавоб бермайди, талабалар интернетдаги ўз ҳужжатларини синчиклаб текшириб туришлари керак.

Талабалар бирор-бир мавзуда изланиш олиб боришдан олдин баҳс ва мунозараларда иштирок этишлари керак. Улар маълумот ва мулоҳазалар қидирадими? Шунда талаба қайси мавзунини ҳақиқий ва долзарблилигини кўриб чиқади-ми? Америка колонизациясининг ўрганишда талаба маълумотларини дунёнинг янги энциклопедиясидан, PBS, ва Joe Smith, Age 8, учинчи лойиҳадан фойдаланиши мумкин-ми?

Маълумотни сақлаб қўйишдан олдин муаллиф ҳақидаги маълумот (ишлаш-жойи, институти, яшаш жойи, ишлаш жойи)ни билиши керак. Хар бир поғонага аниқлик киритиш керак. Яна бошқа муҳим эътиборни шунга қаратиш керакки, қачон бу маълумот ёзилган. Айрим маълумотлар учун жуда ҳам аҳамиятлидир. Кейингиси эса ким томондан ва кимга атаб ёзилган. Муаллифнинг эшитувчиларини билиш уни ёзган манбаларини ичини билишга ёрдам беради. Талаба маълумотни қанчалик фойдали эканлигини ҳам кўриб чиқиши керак, чунки маълумотни кўриб чиқаётганда уни қанчалик керакли эканлигини аниқлаш мумкин. Ва ниҳоят, талабалар керак бўлганда маълумотлар аниқлигини “қайтадан кўриб” чиқиб, уларни жамлаши керак.

Кўпрок маълумот олиш учун маълумотни самарали ва қимматли эканлигини текшириши керак, каранг махорат 13.5.

Вазифага тегишли бўлган асбобларни ишлатиш ва лойиҳалар асосида шахс ва гуруҳлардаги ўқув жараёнида келиб чиқадиган муаммоларни ечиб уларни натижасини баҳолаш. (режалаштириш, яратиш ва ўқув манбаларга бой ҳужжатларни ёзиш, кенгайтирилган ҳужжатлар ва ҳужжатлар базаси; график асбобларни ишлатиш; интернет тармоғи орқали ҳамкорликда ўрганувчидек, инициатор ва киритувчидек электрон жамоаларда иштирок этиш).

Талабаларга яхши кўрсатмалар билан дарс ўтишни таъминлаш учун технологик асбоблар ҳар-хил ва уларни қайси бири сифатли эканлигини билиш керак, ўқитувчи кўрсатмаларнинг мақсади ва технологик асбоб ўртасидаги боғлиқликни ўйлаб чиқишлари керак. Кўрсатмали технология асбоблари оддийгина уч илк категорияга қисмга бўлинади :

(а) кўрсатма, амалиёт, баҳолаш, (б) яратиш, ва (с) изланиш.

Кўрсатмали амалиётни баҳолаш

Биринчи категория бу- кўрсатма, амалиёт, баҳолаш, кўпрок индивидуал ва кенг гуруҳларда кўпинча , “қўшимча “ вазифа берилганда ишлатилади. Бу кўпрок ўқиш дастурларида бўлиши мумкин, улар ҳафтани бир неча вақтини ўқиш амалиёти дастурида берилган вазифа бажарувчи гуруҳларда учрайди ва ўрганувчилар кўпроқ қисман баҳоланадилар. Ёки бу кўпроқ тезлаштирилган дастур бўлиб, вақтли битиришни мўлжаллаётган талабалар орасида ишлатилиши мумкин. Бу типдаги дастурларда кўпгина фойда бўлиши мумкин, улар талабарга технология ҳақида ўргатмайди, бу дастурлар дўстона ва осон ишлатилиши мумкин.

Яратувчи асбоблар

Иккинчи категория, яратишга қаратилган бўлиб, унда талабалар матнларни ўрганиш, жадвалларда ишлаш, график асбоблар мультимедияда тақдимот қилиш ва технология билан ишлай олишни кўрсатишда кенг қўлланади.

Таълим жараёнига турлича ёндашув.

Талабаларда таълим жараёнига жалб этишнинг турли хил йўл ва усулларидан фойдаланиш лозим. Таълим жараёнига ёндашиш фаолият турларининг қизиқарлилиги муҳим аҳамиятга эга. Аудиторияда талабалар овоз чиқариб ўқишни яхши кўрадилар. Талабаларга мусиқа, она-тили, оғзаки маърузалар ўқишни кўпроқ хоҳлайдилар. Кўрсатмали ўқиш талабаларда ўқишга бўлган кўникма ва малакаларни шакллантирибгина қолмай, балки улар диаграмма, карта, видео, графика ва фотосуратларга билан ишлаш кўникма ва малакаларини ошириб боради. Масалан, ўқувчилар имтиҳонлар жараёнида аудиторияда эса топшириғини муҳокама этадилар, тест материалларини ечадилар, мунозарада иштирок этадилар, аудиокассетани тинглайдилар, оғзаки имтиҳон топширадилар ва материалларни ёзиб ҳам борадилар. Бундай талабалар ўз устида ишлашни, илмий-тадқиқот лойиҳаларини бажаришни, ролли ўйинларни, мусиқа, спорт ва рақсни жон дилдан яхши кўриб ўйнайдилар. Бу фаолият турларини тўғри ташкил этиш талабалар учун муҳим аҳамиятга эга.

Ахборотларни турли хил шаклда етказиш учун ишлаб чиқариш технологияларидан (масалан, слайд -шоу, мультимедия ва тақдимотлар) ва машғулотларда ахборот материалларидан фойдаланишнинг турли хил усуллари. Мулоқот воситаларидан фойдаланиш

Таълим жараёнида ўқитувчилар турли ахборот воситаларидан фойдаланиб дарсда ижобий натижаларга эришиш учун ҳаракат қилишлари лозим. Тадқиқот ишларининг кўрсатишича, техника воситаларининг аҳамияти дарснинг юқори натижасини белгилайди. Таълим жараёнида кўрсатмалиликнинг аҳамияти ниҳоятда зарур. Кўрсатмалилик воситаларига фотосуратлар, график ишлари, видео намоишлари ва тарқатмалилик киради. Дарс жараёнида илмий тадқиқот ишларининг намуналаридан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Турли хил дарс шакллари ташкил этишда муомала маданиятининг ўрни ва роли беқиёсдир. Олиб борилган таққиқот ишларининг кўрсатишича дарс жараёнида янги ахборотлардан дарс жараёнида фойдаланиш ижобий натижаларни беради. Талабалар билимини мустаҳкамлашда янги илмий тадқиқот ишлари тажрибасидан фойдаланиш яхши самара беради.

Талабаларда мулоқот маданиятини шакллантириш

Аудиторияда муҳокама таҳлил ишларини олиб бориш энг муҳим масалалардан биридир. Бу эса талабалар ўртасида очик мулоқотни юзага келиши учун сабаб бўлади. Ўқитувчининг асосий вазифаси аудиторияда талабаларнинг фаол иштирокини вужудга келтиришдан иборат. Аудиторияда олиб борилаётган дискуссиянинг аҳамияти шундаки талабалар бир-биридан олган маълумотларига таяниб ўзининг мутахассислиги бўйича жуда кўп маълумотларга эга бўладилар. Аудиторияда онлайн мулоқот шаклларида ҳам фойдаланиб туриш лозим. Ўқитувчилар аудиториядаги талабаларнинг муҳокамасидан сўнг фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиришга эътиборини қаратиши керак. Ўқитувчилар аудиторияда талабаларнинг бир-бирини ўқитишга даъват этишлари зарур. Ўқитувчилар аудиторияда талабаларни фикрлашга ундайдиган саволларни беришлари керак.

Талабаларнинг савол-жавобларда фаол иштирокини таъминлаш

Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллашида савол-жавобларга фаол иштирок этиши энг муҳим масалалардан биридир.

Ҳар қандай муамманинг жавобини ечишда интерфаол усулларнинг аҳамияти катта. Ҳар қандай муаммони ечиш учун саволларга тўғри ва аниқ жавоб берилиши энг муҳим масалалардан биридир. Талабалар саволларига тўғри ва аниқ жавоб олишлари учун ўқитувчилар билан ҳам мулоқотни мунтазам равишда олиб боришлари лозим.

Технологияни ишлатишни билиш. кўпгина жамоа бўлиб ечиладиган муаммо ва ҳолатларни ечимида жуда муҳим ва амалиётларда самарали ва керакли равишда ишлатишнинг ижобий натижаси

Ҳозирги кунда жуда кўп методист ва педагог олимлар «**Замонавий педагогик технологиялар**» талаба-ўқувчиларга таълим-тарбия беришда кўзланган мақсадга эришишни тўла қафолатлайди, деб қаралмоқда. Тўғри, замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқаришда бошқарувчидан катта куч талаб қилинмайди. Махсус технологиянинг ўзи қўйилган мақсадга тўла эришишни қафолатлайди. Аммо, бу назарияни педагогик технологияда тўлалигича қабул қилиб бўлмайди, чунки бунда объект шахс бўлиб, унинг онги таклиф қилинаётган технологияни тўлалигича қабул қила олмайди,

аксинча уни инкор қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига киритишда унинг бошқарувчиси бўлган педагог кўзланган мақсадга эришишнинг бош кафолатчиси бўлади. Демак, замонавий педагогик технологияларни унинг асосий негизи бўлган ахборотлар технологиясини таълим тизимига жорий этишда унинг бошқарувчиси бўлмиш педагогнинг тайёргарлик даражасини биринчи ўринда ҳал қилиш бугунги кун **«Педагогика» фанининг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди.**

Олий таълимда замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш кўламини кенгайтириш, бу йўналишда илғор педагогик тажрибаларни татбиқ этиш, ҳар бир фан бўйича бу соҳада аниқ режаларни тузиш ва амалга ошириш; дарслик, ўқув қўлланма, дастур, маъруза матнларини тайёрлаш, илмий-методик ишларда, ўқув-тарбия жараёнига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этишни ривожлантириш, уларни ахборот воситалари билан таъминлаш ҳамда коммуникацион тармоқларга боғлаш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Умуман олганда, олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир педагог қуйидаги замонавий педагогик технологияларни яъни,:

- * замонавий педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари;
- * педагогик технологиялар концепциясининг ривожланиш тарихи;
- * таълим жараёнига технологик ёндашиш ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- * педагогик технологияларнинг дидактик қонуниятларини;
- * ўқитиладиган фанга тегишли илғор ўқитиш технологияларини;
- * дидактик жараёнига маълум вақт чегарасида лойиҳаланиши;
- * ўқитишнинг фаол методларини билиш ва қўллаш олиш;
- * уй вазифаларини мақсадли, ташхисли ва аниқ ўқув элемент тури тарзида бериш, технология лойиҳаларининг мантикий тузилмаси, коррекцияси;
- * ўқув мақсадлари тавсияномасини ишлаб чиқиш;
- * тест топшириқларини талаба фаолият даражаларига мос ҳолда тузиш бўйича кўникмаларга эга бўлиш шарти;
- * интернет компьютер тармоғидан фойдаланиш;
- * ўқув жараёнига электрон почтадан фойдаланиш бўйича кўникмаларга эга бўлиш;
- * рейтинг назорати ва талабаларнинг билимларини объектив баҳолашни билиши керак.

Бугунги кунда республикада олий таълим тизими янги ривожланиш поғонасига кўтарилди: икки босқичли таълим — бакалаврият ва

магистратура фаолият кўрсата бошлади; давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди; талабаларнинг мустақил таълим олишини якка тартибда амалга ошириш жорий этиляпти, таълим мазмунида фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ўз аксини тобора кўпроқ топмоқда; профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга эътибор кучайтирилганлиги алоҳида таҳсинга лойиқ.

Таълим-тарбиявий жараёни ривожланган давлатлар тажрибалари асосида такомиллаштириш, унинг иштирокчилари – ўқитувчи ва талаба-магистр фаолиятини «субъект-субъект» имкониятлари асосида ташкил этиш зарурати бугун барча олий ўқув юртларида педагогика ва психология фанларини ўқув режасига киритиш лозимлигини исботлади. Эндиги вазифа эса, бу фанларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш, педагогик фаолиятнинг сиру синоатларини тадқиқ қилиш асосида амалий хулосаларни қўлга киритишдир.

Шундай қилиб, шахс манфаати ва таълим устуворлиги эътироф этилган бир даврда педагогика фани эркин шахсни шакллантириш қонуниятлари, ёшлар шахсини ҳаётга мослаштиришнинг шакл ва методлари, мазмуни ва принципларини ўрганади. Эндиликда педагогика ўз предмети, фанлар билан алоқаси, педагогик билимлар тизими ва уларнинг мантикий тузилмаси, назарий педагогик билимларни тарбияга, таълим амалиётига қўллаш масалаларига доир муаммоларни қайтадан янгича талқинда қўймоқда. Демак, педагогикада тадқиқотларнинг долзарблиги, бир томондан, жамият эҳтиёжи ўқув-тарбия тизимини янада ривожлантириш билан, бошқа томондан эса, педагогик билимларнинг янгиланиш ва ривожланиш даражаси билан белгиланар экан.

Талабаларни баҳолаш мезонлари ва лойиҳалари, аудитория ва муносабатнинг аҳамияти. талабалар ўртасида ўзаро ҳурматни ва муносабатни тўғри шакллантириш.

Аудиторияда соғлом муҳитни шакллантириш

Аудиториядаги таълим жараёнида талабалар ўртасида ўзаро бир-бирини ҳурмат қилишга ва бир-бирига нисбатан ўзаро муносабатларни тўғри шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўқитувчилар талабалар ўртасида аудиторияда соғлом муҳитни шакллантириб бориши лозим. Аудиторияда қачон соғлом муҳит яратилган бўлса, талабаларнинг билим олишга бўлган қизиқиши юқори даражада шаклланган бўлади. Талабалар таълим жараёнида тўлиқ иштирок этадилар. Аудиторияда таълим

жараёнидаги муаммоларни диққат билан кўриб чиқиш ва тўлиқ муҳокама этиб бориш лозим. Кўпчилик талабалар таълим жараёнида фаоллик билан иштирок этадилар. Ўқитувчилар талабаларнинг таълим жараёнидаги барча муаммоларини диққат билан тинглашлари ва ечишга шароит яратиб беришлари зарур. Ўқитувчилар талабаларга янги ғоялар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришлари лозим. Талабаларнинг бу ғояларни ўзларига ишонч ҳосил қилиб ишлаб чиқишга шароит яратилиши керак. Талабалар ғоялар муҳокамасида фаоллик билан иштирок этиб, мустақил равишда ҳал этишлари лозим.

**Аудиторияда таълим жараёнида талабалар ўртасида ўзаро
муносабатларни шакллантиришда ўқитувчиларнинг фаоллиги.
Аудиториядаги ўзаро муносабатлар**

Аудиторияда талаба ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар ижобий характерда бўлиши керак. Аудиторияда таълим жараёнида талабалар ўртасида ўзаро муносабатларни шакллантириш узоқ давом этадиган жараён.

Аудиториядаги ўзаро мунозарада талабаларда фикрлаш қобилиятини шакллантириб бориш муғим аҳамиятга эга. Ўқитувчилар талабалар ўртасида ўзаро муносабатларни шакллантириш учун барча имконият ва шароитларни яратишлари лозим. Ўқитувчилар аудиторияда талабалардан қайтувчан алоқани амалга оширишга ҳаракат қилиши лозим.

Ўқитувчи тадқиқотчи раҳбар

Тадқиқотларнинг кўрсатишича ўқитувчиларнинг таълим жараёнидаги фаоллиги таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлайди. Ўқитувчилар талабалар ўртасидаги шахсий қизиқишларини эътиборга олишлари лозим. Ўқитувчилар талабаларнинг билишга бўлган қизиқишларини, ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олишлари лозим. Ўқитувчилар томонидан талабалардаги тиришқоқлик мунтазам равишда иошириб борилиши лозим.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, талабалардаги тиришқоқликни кучайтиришда ўқитувчиларнинг ҳиссаси катта. Талабаларда ўқитувчиларнинг ёрдамсиз ўқишга қизиқишни шакллантириб боришга ҳаракат қилиш лозим. Масалан, талабалар томонидан берилган саволга тўғри ва аниқ жавоб беришга ҳаракат қилиши

лозим. Ўқитувчилар талабалар томонидан берилган саволларга тўғри ва аниқ жавоб қайтаришлари лозим.

Улар ҳар бир мавзунинг тақдиротини юқори савияда тайёрлашлари ва талабалар ўртасида қайтар алоқани вужудга келтириш учун ҳаракат қилишлари лозим.

Талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини юқори савияда ташкил этиш

Талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқишини шакллантиришда аудиториянинг жиҳозланганлик даражаси катта аҳамиятга эга. Чиройли жиҳозланган аудиторияда ҳамма талабаларнинг ўқишга бўлган фаоллигини янада оширади. Аудиторияда талаба ўзини эркин ҳис қилиши керак. Аудитория талабаларни ўзига чақирувчи бўлиши керак. У ердаги хонанинг таъмирланганлик ҳолати ижобий бўлиши керак. Талабаларни аудиториядан итариши керак эмас. Деворнинг бўёғи, шифтнинг ранги, мебеллар тўғри танланган бўлиши керак. Аудиторияда мебеллар тўғри жойлаштирилган ва талабалар сонига етарли бўлиши керак. Ўрта мактабларнинг ҳар бир синф хонасида стол, стул ёзув столи ва бошқа мебеллар ўқувчилар сонига етарли бўлиши шарт. Аудиторияда ўқитувчи талабалар билан бемалол мулоқот қилишлари учун мебелларнинг жойлашиши ҳалақит қилмаслиги керак.

Таълим жараёнини ташкиллаштириш

Қуйи синфларда синф етакчиси аудиторияда китоблар ва жиҳозларнинг жойлаштиришга ёрдам беради. Синф етакчилари аудиторияда нарсалар ва предметларни шундай жойлаштириши керакки улардан фойдаланиш қулай бўлсин. Аудиториядаги жиҳозлар шундай тартиб билан жойлаштирилиши керакки улар барчага кўринарли бўлиши ва фойдаланишда қулай жойда туриши керак. Бўлғуси мутахассисларни тайёрлашда ўқитувчилар дарсларни юқори савияда ўқишлари учун компьютер технологияси билан етарли даражада жиҳозланган бўлиши керак. Аудиторияда дарс жараёнини ташкил этиш учун керакли барча материаллар мужассам бўлиши керак. Таълим жараёнини юқори савияда ташкил этиш учун тарқатма материаллар талаба сонига етарли даражада бўлиши керак. Машғулотларда талабалар барча ўқув материалларидан тез осонлик билан фойдаланиши учун етарли даражада бўлиши лозим.

Ўқув устахоналарида хавфсизлик техника қоидаларига риоя этиш

Таълим муассасаларидаги мебел, ўқув лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари ва бошқа инвентарлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш тўғрисида йўриқномада олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида техника хавфсизлиги талаблари тўғрисида маълумотлар берилган.

Техника хавфсизлик талаблари

1. Барча таълим муассасаларида содир бўладиган ёнғин, портлашлар кўплаб моддий зарар кўришга олиб келади. Турар жой, жамоа бинолари хомашё маҳсулотлари ускуна ва дастгоҳлар, тайёр маҳсулотлар ёниб кетади. Натижада бу халқ хўжалигининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш лозим:

1.1. Жиҳоз ва ускуналар сақланадиган хоналар, кўрикли ва ўт ўчирғич, хабар бериш қурилмаси ва бошқалар билан таъминланиши керак.

1.2. Ёнғинга қарши ускуналар сақланадиган жойни тўсиб қўйиш ва бошқа мақсадлар учун ишлатиш ман этилади.

1.3. Чанг ва мойни артиш учун мўлжалланган фойдаланилган материаллар ёпиқ қопқоқли темир қутиларда сақланиши керак.

1.4. Тез ёнувчан ва ёнғинга хавфли материаллар ёнғинга қарши инспекция билан келишилган махсус хонада сақланиши керак.

1.5. Электр ускуналар махсус ажратилган жойга ўрнатилиши керак.

1.6. Электр ускуналарининг носозлиги ёки уларни ишлатиш қоида ва талабларига амал қилмаслик одамни шаклланишига олиб келади.

Фан ўқитувчилари аудиториядаги носозликлар ҳақида зудлик билан мутахассисларга хабар беришлари лозим. Масалан, хонадаги ойналарнинг синганлиги, чироқларнинг носозлиги, девор ва шифтларнинг кўчганлиги ва хавфли ҳолатлар бўлса дарров хабар бериш керак. Гуруҳ раҳбарлари аудиториядаги барча носозликлар ҳақида зудлик билан таълим муассасаси раҳбарларига хабар беришлари лозим.

Талабалар мунтазам равишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишлари лозим. Агар аудиторияда ёнғин чиқса, ёнғинга қарши барча воситалардан зудлик билан фойдаланиш лозим. Аудиторияда ёнғинга қарши барча воситалар бўлмоғи керак. Масалан (инвалидлар коляски) ҳам бўлиши керак.

Ҳамкорликдаги таълим

Ўқув фаолиятидаги фанларни чуқур ўзлаштирилишида ҳамкорликдаги таълимнинг аҳамияти катта. Ўқитувчи таълим жараёнида хатога йўл қўйиши мумкин эмас, ҳар бир гуруҳда аниқ мақсад бўлиши керак. Ҳар бир дарсда гуруҳ тўлиқ бўлса, мавзу тўлиқ тушунарли бўлса гуруҳда ютуқларга эришса бўлади.

Интернет воситалари

Таълим муассасасида мактаб ҳудудида таълим олаётган ёшлар учун вертуал тизим мавжуд. Ўқитувчилар ҳар куни интернетга кириб, талабаларнинг кунлик дарсларга иштироки ва уларнинг ўзлаштиришлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари лозим. Аудиторияни бошқаришда ўқитувчининг интернетдан фойдалана олиши талабаларнинг ўзлаштиришлари бўйича кунлик таҳлилни олиб борилишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўқитувчилар ўзларининг алоҳида веб сайтлари орқали талабаларга уйга берилган вазифаларни таҳлилини юритиб боришлари лозим. Ўқитувчиларнинг ота-оналар билан бундай иш олиб боришлари талабаларнинг дастурни ўзлаштиришлари учун муҳим аҳамиятга эга.

Ота-оналарга ўқитувчилар мунтазам равишда талабаларнинг уйга вазифаларни қандай бажараётганликлари, уларнинг ўзлаштиришлари ҳақида хабар бериб борадилар. Ўқитувчилар уйга берилган вазифалар бўйича талаба билан мулоқотда бўлиб, уларнинг таҳлилини қилиб боришлари лозим. Таълим муассасаларида ўтказиладиган тадбир ва конференцияларда ўқитувчилар ўқитувчилар талабаларнинг ота-оналарини ҳам иштирок этишларини таъминлашлари лозим. Ўқитувчилар давлат таълим стандартларини тўлиқ бажарилишини таъминлашлари лозим. Ўқув дастурларини бажарилишида уйга берилган вазифаларнинг тўлиқ бажарилиша ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўқув дастурларини тўлиқ бажарилиши учун ота-оналар ҳам ўзларининг ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Аудиториядаги ёрдамни таҳлил этиш

Аудиториядаги ёрдамчилар касбий билимларни ўзлаштиришлари учун бюджетдан ташқари маблағлардан ҳам фойдаланишади. Аудиторияга берилаётган ёрдам таълим жараёнида ижобий натижага эришиш учун

муҳим аҳамиятга эга. Аудиторияда жисмоний ва касбий билимларни олиб борилишида аниқликнинг аҳамияти жуда катта.

Жараёни ташкил этиш босқичлари

*Мустақил тадқиқотчилар амалиётчи талабаларга фан асосларини аниқ тушунтиришлари лозим.

*Аудиторияда талабалар билан мустақил тадқиқотчиларнинг ишини муҳокама қилиш.

*Ўқитувчи ва мустақил тадқиқотчи кунлик график ишларида келишувга амал қилишлари лозим.

*Бирон-бир масалани муҳокама этишда аниқликка риоя этишлари лозим.

*Мустақил тадқиқотчилар аудиторияда талабалардан қайтиш алоқани ўрнатишга риоя этишлари лозим.

Ўқитувчилар ижобий натижага эришишлари учун олиб борилган тадқиқот ишларининг ижобий натижаси бўлиши лозим. Ўқитувчилар оналарнинг ёрдамига таяниб мустақил ўқитувчиларга ёрдам кўрсатишлари лозим.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1.Талабаларнинг таълим жараёнига актив иштирокини таъминлаш учун қандай методлардан фойдаланиш лозим?

2. Аудиторияда таълим жараёнида талабалар ўртасида ўзаро муносабатларни шакллантиришда ўқитувчиларнинг фаоллиги нималардан иборат бўлиши керак?

3.Таълим жараёнини ташкиллаштиришга нималар киради?

4.Ўқув устахоналарида хавфсизлик техника қоидаларига риоя этишда нималарни эътиборга олиш лозим?

Мустақил иш топшириқлари.

1-топшириқ

1.Касбий малакавий тузилмада кадрларнинг ўзгариши мавзусига доир “Тоифалаш” жадвалини тўлдилинг.

Инсонлар	Технологиялар	Моддий-техникавий таъминот	Ташқи таъсирлар

2 - топшириқ

2.Ходимлар ихтисослигини таҳлил қилиш методикасини ФСМУ технологияси ёрдамида таҳлил қилинг.

Савол	Ўзбекистон Олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш ҳар йили 38-40 минг киши атрофида ўзгариб туради
(Ф) Фикрингизни баён етинг	
(С)Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У)Фикрингизни умумлаштиринг	

3- топшириқ

3.Ходимлар олий таълими мавзусига доир “Тоифалаш” жадвалини тўлдилинг.

Бошланғич ўқиш дастурлари	Тадбиркорлик ишини комплекс ўқишини таъминлаб берувчи дастурлар	Бошқарув фаолиятини ўрганиш дастурлари	Мутахассисни ўқитувчи дастурлар

18-БОВ. Билимларни намойиш этиш тавсифномаси, баҳолашнинг турли методлари ва босқичларидан фойдаланиш, технологик методлар.

Ўқитувчининг касбий маҳорати. Ўқитувчи педагогларнинг касбий шакллантириш

Режа

18.1. Ўқитувчининг назорат ва баҳолаш бўйича вазифалари.

18.2. Талабаларнинг таълим жараёнидаги билим, кўникма ва малакаларига қўйилган баҳолаш мезони.

18.3. Аудиторияда фанлардан аниқ ва тўғри маълумотларни олиш учун қайтиш алоқасини шакллантириш.

18.4. Таълим жараёнида талабаларнинг ўз-ўзини баҳолашларини ривожлантириб бориш.

18.5. Талабалар билимларини рейтинг назорати.

18.6. Болаларни оилада таълимга жалб этиш.

Таянч иборалар

Аудитория, билим, малака, мулоқот қилиш, мустақил таълим, қайтиш алоқаси, тақдимот қилиш, назорат, баҳолаш, фаолият, ўқитиш, ўргатиш, техника хавфсизлиги, шахс, тизимлилик.

Аудиториядаги таълим жараёни аниқ режаслаштирилган бўлиши лозим.

Ўқитувчилар бўлажак ота-оналар учун махсус билимларни ҳам бериб боришлари лозим. Ўқитувчилар фан асосларини талабаларга чуқур ўргатишлари муҳим аҳамиятга эга.

Мавзунинг қисқача таърифи

Ўқитувчилар шахснинг турли фаолият турларини, давлат таълим стандартлари мазмунини, ҳар бир ўқувчининг ўқишдан мақсадини билиши лозим:

*Ўқитувчилар талабаларга касбий билимларни ўргатиб боришлари лозим.

*Турли хил фаолият турларини ташкил этишда талабалар бир-бирига ёрдам кўрсатишлари лозим.

*Турли тадбирлар билан дарсларнинг бир-бирига боғлиқлигини ва уларнинг аҳамиятини билишлари лозим.

*Талабалар ўртасида ўзаро муносабатларнинг қарор топишида касбий билимларнинг аҳамияти.

*Ўқитувчилар дарсларни тақдимот қилишда талабаларнинг саволларига тўлиқ жавоб беришлари лозим.

*Талабаларнинг ота-оналари билан ҳам мулоқот ишларини олиб боришлари лозим.

18.1.Ўқитувчининг назорат ва баҳолаш бўйича вазифалари

Ўқувчилар фаолияти, билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ҳамда баҳолашдан мақсад –ўқувчилар касбий таълими жараёнининг бориши ҳақида холис жорий маълумотлар олиш, ўқувчиларнинг касбий билим, кўникма ва малакалари даражалари ҳамда таълим дастурининг бажарилишини мунтазам назорат қилиш, таълимнинг муайян даврида ўқувчиларни баҳолаш учун маълумотлар тўплаш, ўқувчиларни босқичма-босқич аттестациядан ўтказиш, ўқувчилар касбий билим, кўникма ва малакалари даражаларининг ДТС талабларига мос келишини якуний текшириш, ўқувчиларга касб ва ихтисосликлар бериш.

Ўқувчилар фаолияти, билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ҳамда баҳолашда ўз вақтидалиқ ва тизимлилиқ, холислиқ ва адолатлилиқ, ҳар томонламалиқ ва табақалашганлиқ, ўқувчиларни шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш каби талаблар қўйилади. Бу талабларни тўлиқ ҳисобга олиш учун касб таълими ўқитувчисидаги бир қатор хислатларга эга бўлиши керак.

1.Юқори ғоявийлиқ. Ўқитувчи ўсиб келаётган авлоднинг тарбиячисидир. У ўқувчиларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаши керак.

2.Юқори техника малака. Масалан,таълим жараёнида ўқувчилар ўзлари танлаган мутахассисликка оид билим ва кўникмаларни эгаллайдилар. Шу муносабат билан олий ўқув юртининг талаблари ва мутахассисликларга оид касбий билимлар асосларини эгаллашлари ҳамда кейинги амалий фаолият жараёнида ўз маҳорати даражасини узлуксиз ошириб боришлари керак.

3.Юқори психологик –педагогик тайёргарлиқ. Касб таълими ўқитувчиларининг ўзи билим ва малакаларини юксак савияда эгаллабгина қолмай, ўқувчиларда ҳам маълум малакаларни таркиб топтириш учун уларга билимлар бериш керак. Билим ва малакаларни эгаллаш жараёнининг ўз қонуниятлари бор, мактабдаги таълим шу қонуниятлар асосида ташкил этилади. Касб таълими ўқитувчиси психология, дидактика ва бошқа фанларнинг ўқув жараёнига асос бўладиган муҳим қоидаларини чуқур ўзлаштириб олиши керак.

4.Ўз касбига мухаббат. Ўқитувчилик касбининг ўзига хос томонларини чуқур билаш, ўз касбини фаолиятида эришган ютуқларидан завқланиши, қийнчиликларни енгиб ўтиш учун куч ва имконият топа олиши касб таълими ўқитувчисининг муҳим вазифалари қаторига киради.

Касб таълими ўқитувчиси олий ўқув юртидаги тайёргарлиги ҳар қанча асоси бўлса ҳам, у тугалланган ҳисобланмайди. Маълумки, ҳозирги давр ишлаб чиқариши жуда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Меҳнат куроллари, технологик жараёнлар узлуксиз такомиллашиб бормоқда. Бу касб таълим жараёнида ўз аксини топмоғи керак.

18.2.Талабаларнинг таълим жараёнидаги билим,кўникма ва малакаларига қўйилган баҳолаш мезони.

Баҳолашни шакллантириш

Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш тест ва бошқа методлар орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини тест орқали аниқлашнинг афзаллик томонлари кўп. Ўқитувчининг тўғри ва адолатли асослаши, гарчи, салбий характерда бўлса ҳам, талабани қаноатлантиради. Ўқитувчи билимни доим назоратэтиб балл билан баҳолар экан, талабанинг ишига бўлган муносабатини айтиб ўтади. Эришган ютуқлари учун рақбатлантирса, камчилиги учун қийишди. Уни бартараф этиш мумкинлигини ҳам ижодий тайёргарлик пайтида асосий эътиборни нималарга қаратиш кераклигини кўрсатади. Бундай асослаш талаба ютуқларининг аниқ баҳоси бўлибгина қолмай, балки унинг бундан кейинги ўқишдаги вазифаларини бажаришга ёрдам беради.

Адолатли баҳолаш

Ўқитувчи тестларни талабаларга вариантлар асосида беради. Тест топшириқларини тузишда эссе интерфаол усулидан ҳам фойдаланиш керак.

Талабаларнинг тўғри ва аниқ жавоб қайтаришлари учун саволларни бир нечта вариантларда бериш лозим. Тест топшириқларини тузишда саволлар аниқ ва қисқа бўлиши лозим. Берилган саволларга жавоблар ҳам қисқа ва лўнда бўлиши керак. Ўқитувчилар талабалар билимларини адолатли баҳолашга эътиборни қаратишлари лозим. Таълим олувчиларнинг ўзлаштириш натижаларини ҳисобга олишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

*ўқув дастури асосида мавзу ва бўлимни ўрганишда таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама назорат қилиш;

*ҳар бир якунланган мавзу бўйича таълим олувчиларнинг фаолияти тўғрисида тўлиқ ҳулоса чиқариш;

*ўртача арифметик маълумотларга таянибгина таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини баҳоламаслик;

*таълим олувчиларнинг мавжуд билимларига аниқ, батафсил маълумот бериш учун уларнинг бир неча ўқув йилидаги статистик ўзлаштириш маълумотларига асосланиб таҳлил этиш.

Демак, ўзлаштиришни назорат қилиш ва ҳисобга олиш назорат, ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларини бажаради.

Эссе ёзиш

Талабалар билимини назорат қилишда эсселардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Талабаларнинг фанларга оид муаммоларини ечишида эссе методидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Эссе - французча тажриба, дастлабки лойиҳа, шахснинг бирор мавзуга оид ёзма равишда ифодаланган дастлабки мустақил эркин фикри. Бунда тингловчи ўзининг мавзу бўйича тассуротлари, ғояси ва қарашларини эркин тарзда баён қилади. Эссе ёзишда ҳаёлга келган дастлабки фикрларни зудлик билан қоғозга тушириш, иложи борича ручкани қоғоздан узмасдан – тўхтамасдан ёзиш, сўнгра матнни қайта таҳлил қилиб, такомиллаштириш тавсия этилади. Мана шундагина ёзилган эссенинг ҳаққоний бўлиши эътироф этилган. Эссени муайян мавзу, таянч тушунча ёки эркин мавзуга бағишлаб ёзиш мақсадга мувофиқ. Баъзан, айниқса тарбиявий соатларда таълим олувчиларга ўзларига ёққан мавзу бўйича эссе ёздириш ҳам яхши натижа беради. Бу усул ҳам инсон фикрлаш қобилиятини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Улар норасмий фикр ва қиёфаларни қайд қилиш ҳар томонлама кўриб чиқилмагунча хотирада сақлаб туриш ва уларни янада аниқроқ ифодалашга имкон беради.

18.3.Аудиторияда фанлардан аниқ ва тўғри маълумотларни олиш учун қайтиш алоқасини шакллантириш.

Қайтиш алоқасининг муҳимлиги

Ўқитувчилар талабаларнинг ёзма ишларини текширишда кўпинча бошланишини ўқиб чиқадилар, охиригача ўқимайдилар. Ўқитувчилар талабаларга ёрдам бериб, қайтиш алоқасини кутадилар. Ўқитувчилар талабаларнинг уйга берилган ёзма ишларини текширишлари учун кўп соат вақт сарфлайдилар. Талабалар ўз устларида кўп ишлашлари лозимлигини биладилар. Талабалар шу нарсани яхши билишлари лозимки, улар фақат яхши баҳо учун ўқимасликлари лозим. Талабалар билимларни ўзлаштиришларида фанларнинг бир-бирига боғлиқлигини ўрганиб борадилар.

Қайтиш алоқасининг яхши аспекти.

Ўқитувчи билан талаба ўртасида аудиторияда қайтиш алоқаси яхши йўлга қўйилган тақдирдагина талабалар фақат баҳо учун ўқимаслик кераклигини тушуниб етадилар. Биринчидан, тилларни ўрганиш талабалар учун фойдали.

Таълим жараёнига танкидий ёндашув талабалар учун фойдалидир. Таълим мазмунини ўрганишда фанларнинг бир-бирига боғлиқлигини ўргани бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Талабалар фанлардан аниқ билимларни ўзлаштириб олишлари учун тилларни билиш муҳим аҳамиятга эга. Тилларни билиш бу жуда муҳимдир. Фанлардан аниқ билимларни ўзлаштириш учун қайтиш алоқасини аҳамияти жуда муҳимдир.

Шунинг учун талабалар фанлардан кўп ахборотларни ўзлаштиришлари учун тилнинг грамматикасини билишлари керак. Қисқа муддат ичида ўқитувчи талабалар билан аудиторияда ўзаро муносабатларнинг шаклланишига эришиши керак.

Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари жуда мураккаб хусусиятларга эга. Чунки, у энг оддий руҳий ва ижтимоий боғланишлардан тортиб доимий характерга эга бўлган энг мураккаб ижтимоий ҳаракатлар ва ўзаро муносабатларгача бўлган ижтимоий алоқалар тизимидан иборат. Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлар доимий равишда тартибга солинади ва бошқарилади.

Ўқувчилар ўзаро ҳамкорлик муносабатида ўқитувчи тарбиячи, устоз сифатида намоён бўлади. Ўқитувчининг билими, касбий маҳорати,

дунёқараши, эътиқоди, ҳис-туйғулари, энг муҳими унинг ҳатта-ҳаракатлари улар ўртасида вужудга келадиган ўзаро ҳамкорлик муносабатларига ҳал қилувчи даражада таъсир этади. Ўқитувчининг профессионал бурчи ва масъулияти бу муносабатларни онгли равишда тартибга солиш, яхшилаш ва ривожлантиришни талаб этади. Мабодо, ўқитувчи билан ўқувчи ёки ўқувчилар жамоаси ўртасидаги муносабатлар бузилса, ёмонлашса, бунинг учун ўқитувчи жавобгар деб қаралади.

Ўқитувчи ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларида маълум маънавий –ахлоқий қоидалар, талабларга риоя қилиши зарур;

Улар қаторига қуйидагилар киради:

-ўқитувчининг ўзаро ҳамкорлик муносабати ўқувчиларга қадриятларни сингдириш воситаси бўлиши;

-ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг характери учун маънавий-ахлоқий масъулият профессор ўқитувчи зиммасида бўлиши;

-ўқитувчи ўз хулқи,ҳис-туйғулари, ҳатта-ҳаракатларини муттасил назорат қилиб, бошқариб бориши;

-ўқитувчи баркамол инсон сифатида ,етук мутахассис сифатида ўз обрўйини оширадиган ҳатта-ҳаракатларнигина қилиши;

-ўқитувчининг ўқувчига ўзаро ҳамкорлик муносабати,фақат расмий эмас,балки зарур пайтида дўстона бўлиши;

-ўқувчига нисбатан хушмуомалали бўлиш, уни ҳурматлаш, ундаги яхши сифатларни ошириш;

-ўқувчиланинг хато фикр-мулоҳазалари,ноўрин ҳатта-ҳаракатларига бардошли бўлиш, таъна қилмаслик, педагогик назокат ва одоб билан уларни тўғри йўлга бошлаш зарур.

18.4.Таълим жараёнида талабаларнинг ўз-ўзини баҳолашларини ривожлантириб бориш.

Талабалар фаолиятининг ҳар хил шароитларида ўзлаштиришнинг асослари

Таълим жараёнини керакли жиҳозлар билан таъминлаб қўйиш.

Таълим жараёнидан кутилган мақсадга эришиш ва талабалар яхши ўзлаштиришлари учун аудитория барча жиҳозлар билан таъминланган бўлиши керак. Бу эса кўп омилларга боғлиқ. Талабаларнинг аудиториядаги таълим жараёнида яхши ўзлаштиришлари ўқитувчиларга кўп жиҳатдан боғлиқ.Таълим жараёнида сифат ва самарадорликка эришишлари ва

ўзлаштиришлари учун ўқитувчилар фаолият турларини тўғри олиб боришлари зарур.

Масалан, ўқитувчи битта мавзуга тайёрланиши учун бир неча соат тайёргарлик кўриши керак. Билимларни талабалар онгига етказиш бу жуда оддий иш эмас. Ўқитувчи дарсни кузатиб туриб, талабалар дарсни қандай ўзлаштирганлигини билиб олади. Шунга қараб ўқитувчи дарсни давом эттириш керакми ёки йўқми? Буни ўзи ҳал этади. Фанлардан мураккаб мавзуларни талабалар ўзлаштиришлари учун улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчининг билиш фаолиятининг яна бир фарқли хусусияти унинг кечиш характериدير. Ўқувчининг жалб этилаётган таълим жараёни турлича кечиши: субъект кучи фаоллиги, мустақиллиги, турлича сарф этилиши билан бориши мумкин. Айрим ҳолларда унинг жараёни тақлидий репродуктив, бошқаларда изланиши, учинчиларида ижодий характерга эга бўлиши мумкин.

Ўқувчиларнинг билишга қизиқиши мотив сифатида ривожланиши ўзига хос узоқ йўлига эга бўлиши мумкин. Айрим ўқув ҳаракатлари таъсирчисидан то бутун фаолиятнинг устувор мотивигача.

Таълим мазмунининг билишга қизиқишни уйғотишнинг ўзига хос томонларига қуйидагилар киради: ўқув материалининг янгилиги, билимлар мазмунига тарихий ёндашув, четлаб ўтиш, замонавий фан ютуқларини кўрсатиш, билимларнинг амалий роли, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва ўқитувчи ўқувчи муносабатлари ва бошқалар.

Талабалар билимини рағбатлантириб бориш уларни яхши ўқиши учун асосий омил ҳисобланади. Ўқув тарбия жараёнида билим, кўникма ва малакалар шаклланганлигининг назорат қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, назорат қуйидаги функцияга эга:

1. Назоратнинг диагностик функцияси. Назорат натижаси билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражаси аниқланади.
2. Назоратнинг талабаларда билим олишга иштиёқини ўстириш функцияси.
3. Назорат жараёнида талабаларнинг шахсий хислатлари шакллантирилади ва энг асосийси ривожлантирилади.
4. Таълим функцияси.
5. Назоратнинг тарбиявий функцияси.
6. Назоратнинг баҳолаш функцияси.
7. Назоратни талабаларда билимга қизиқишни уйғотиш, жонли фикрлашга ўргатувчилик функцияси.

Назорат жорий,оралик, якуний каби 3-турга эга.

Талабаларга ҳар куни уйга берилган вазифаларни журналда ҳар куни қайд этиб бориш билим олишдаги яхши натижаларни таъминлайди. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда ҳар кунлик баҳоларни қайд этиб борилиши уларда билишга қизиқишни шакллантиради.

Норасмий баҳолаш

Ҳар йили янги ўқув йили бошланишида ўқитувчилар талабаларнинг норасмий баҳолашнинг шаклларида фойдаланишади. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини норасмий баҳолашда тест топшириқларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Аудиторияда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашда мунозараларнинг ташкил этилиши баҳолашда ижобий натижа беради. Таълим жараёнида бундай баҳолашнинг ижобий томонлари кўпроқ.

Ўқитувчилар таълим жараёнида ижобий натижаларга эришиши учун талабаларни ўқув фаолиятини кўпроқ кузатишлари муҳим аҳамиятга эга. Бундай кузатувлар таълим жараёнида кўпроқ талабаларга барча ахборотларни беради.

Норасмий баҳолашнинг камчиликлари

Норасмий баҳолашнинг турли хил шаклларида фойдаланиш талабаларда аниқ маълумотларни олиш учун асосий омил ҳисобланади. Норасмий баҳолашда талабаларни кузатиш муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, агар ўқитувчи дарсга кайфиятсиз кирса талабаларнинг баҳолашнинг натижаси яхши бўлмайди. Бунда эса ўқитувчининг касбий тайёргарлиги муҳим аҳамиятга эга. Талабаларнинг билимини норасмий баҳолаш ҳар ҳафта гуруҳ журналида қайд этиб борилади.

Ёзма қайд этиш

Ахборотларни ёзма қайд этиб борилиши талабанинг билим даражасини кучли ва кучсиз томонларини белгилаб бориш ҳисобланади. Бу усул билан талабаларнинг билим даражасини қайд этиб борилиши таълим жараёнини таҳлил қилиш учун асосий омил ҳисобланади. Ўқитувчи оддий кодлаштириш тизими орқали болаларни матнни овоз чиқариб ўқишга

ўргатиб боришлари лозим. Ўқитувчилар мунтазам равишда талабалардан машхур ёзувчилар ётишиб чиқиши учун матнни ўқиш джараёнини таҳлил этиб боришлари лозим. Кичик мактаб ёшида барча ахборотларни ўзлаштиришлари учун матнни тўлиқ ўзлаштиришдан фойдаланишлари лозим. Бу эса мунтазам равишда баҳоларни олиш учун ижобий натижа беради. Бу эса талабаларга фанлардан барча ахборотларни ўзлаштиришлари учун аниқ ва мавҳум тушунчаларни бир-биридан таҳлил қилишга имконият яратади. Ўқитувчилар талабаларнинг ёзма ишларини аниқ ва тўғри баҳолашга аҳамият беришлари лозим. Талабаларга ёзма ишларни аниқ ва тўғри ёзишга ўргатиш жуда муҳим масалалардан биридир. Талабалар билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришлари учун ёзма ишларнинг аҳамияти жуда зарур эканлигини билишлари зарур. Шунинг учун таълим жараёнида талабаларнинг билишга қизиқишларини шакллантириб бориш энг муҳим аҳамиятга эга.

Математика фанидан талабаларни норасмий баҳолаш

Математика фанини яхши ўзлаштирган талабаларнинг келажакда ўз ўрнини топиши учун энг муҳим омил ҳисобланади. Математика фанини яхши ўзлаштириш учун эса математика фанини яхши билиш лозим. Кўпгина ўқитувчилар математика фанидан тест топшириқларини ечиш орқали уларнинг билим даражаси кучли ёки кучсиз эканлигини аниқлаб оладилар. Лекин, шунинг унутмаслик керакки фақат тест маволларини ечиш орқали математика фани тўлиқ ўзлаштирилмайди. Балки, математика фанини чуқур ўзлаштириш учун мунтазам равишда шуғулланиш керак бўлади.

Аудиторияда кузатиш

Ўқитувчилар аудиторияда ижобий натижаларга эришиш учун ва уларни тўғри баҳолаш учун кузатишдан фойдаланилади. Билим жараёнини кузатишдан ташқари уларда хулқ-одоб қоидаларини қай даражада шаклланганлигини мунтазам назорат этиб боришлари лозим. Мунтазам тизимли ташкил этилган кузатиш талабаларнинг юқори натижаларга эришишнинг асосий омили ҳисобланади. Аудиторияда кузатишнинг мунтазам равишда ташкил этилмаганлиги уларнинг хулқ-атворида камчиликларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Ўқитувчи бир ҳафтада беш ёки олти талабани кузатиши керак.

Талабаларнинг ота-оналарига ёзма ахборотларни бериб туришлари учун мунтазам кузатувни амалга оширишлари лозим. Ҳар ҳафтанинг охирида ота-оналарга талабанинг ҳафта давомидаги хулқ-атворини ёзма равишда баён этиб боради. Болаларни ёшликдан маълум бир йўналишда тайёрлаш учун ўқитувчилар ҳар бир болага кундалик дафтар тутадилар. Кундалик дафтарда баланинг кунлик фаолиятлари қайд этиб борилади. Ўқитувчилар ҳар кунлик талабаларнинг фаолият турларини назорат этиб боришлари лозим. Талабаларнинг хулқ-одобларини тўғри йўлга қўйиш учун ўқитувчилар уларнинг камчиликларини айтишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Талабаларнинг аудиторияда дарс вақтида ўқитувчининг берган саволларига тўғри ва аниқ жавоб қайтаришга ўргатиб боришлари лозим. Талабаларнинг бир-бирига бўлган ўзаро муносабатларини шакллантириш муҳим аҳатиятга эга.

Қиёсий баҳолаш

Талабалар ўқитувчининг берган саволларига тўғри ва аниқ жавоб беришга ёшликдан ўрганиб боришлари лозим. Талабалар билимига қиёсий ёндашишнинг тавсифлари қуйидагилардан иборат:

- * маммоларни бартараф этишда олий даражадаги тартибга амал этилиши;
- * талабаларга ўз-ўзини баҳолашга шароит яратиш;
- * талабаларга нарса ва ҳодисалар ҳақида аниқ хулосалар чиқаршга ўргатиш;
- * талабаларга барча фанлардан яхши ўзлаштиришлари ва имтиҳонни яхши топширишларига шароит яратиш;
- * талабаларга таълим жараёнида фаол иштирок этишга талаблар қўйилади;
- * таълим жараёни мақсадини тўғри аниқлаштириб олиш.

18.5.Талабалар билимларини рейтинг назорати

Педагогик,услубий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида дидактик тестлар қуйидаги 2-гурӯҳга ажратилади:

а) назарий билимларни назорат қилувчан, малака ва қобилиятларни текширувчи ўзлаштириш тестлари;

б) реал, ўқув имкониятлари бўйича диагностика тестлар ҳамда умумий ва махсус ўқитиш тестлари.

Тестлар типалогияси асосида топшириқларни танлаш,уларнинг структуравий ўзаро алоқадорлиги ва таърифлари қуйидаги омилларга боғлиқдир:

1. Тестларнинг фанлараро қўлланиш соҳаси.

а) оралиқ назорат тестларида мавзулар, боблар бўйича билим ва ўзлаштириш элементларини текшириш;

б) кўп мавзулар бўйича фанларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳисобга олмаган ҳолда билим ва ўзлаштиришнинг чегаравий назоратини ўрнатиш;

в) кўп фанлар бўйича фанларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда билим ва ўзлаштиришларнинг чегаравий назоратини ҳисобга олиш;

г) бутун курс бўйича билимларни назорат қилиш (тест асосида фанлараро туркум тестларни ҳам яратиш мумкин).

Бу ҳолларнинг ҳар бирида фан топшириқларининг қуйидаги саволлари ҳар хил қўйилади:маркетинг-молия,менежмент,солиқлар каби интегратив билимлар ва ҳ.к.

2. Норматив тест тузилишининг умумий йўналиш бўйича мақсади ёки критериял характердаги тестлардан фарқи шундаки, норматив тестларда йиғилган ҳисоб натижаларига кўра бир гуруҳни бошқа гуруҳ билан, гуруҳ ичидагиларни эса бир-бири билан солиштириш мумкин.

Критериял тестларда эса ҳар бир ўқувчининг қандайдир ёки мутахассисликка оид топшириқларини ечиш учун зарур бўладиган билим ва ўзлаштириш қобилиятлари очиб берилади яъни, критериял тестлар ва унга мос топшириқлар ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари аниқ фан соҳалари бўйича ўқитиш мақсадининг минимал талабларига қай даражада эришгани ёки эришмаганлиги ҳақидаги саволларга жавоб беради.

3.Тестларнинг дидактик -психологик йўналиши қандай тест ишлаб чиқиладиганлиги ёки адаптациядан ўтаётган тестни унинг муаллифи қандай характерлашни аниқлайди:

а) назарий билимларни назорат қилиш учун ўзлаштириш тестлари;

б) берилган фан бўйича билим ва малакаларни назорат қилиш тестлари;

в) ўқитиш тестлари.

4. Назорат босқичлари бўйича йўналиш:

а) кириш назорати;

б) кундалик (жорий) назорат ҳарқуни амалга ошириладиган ёки ўқув жараёни мавзулари бўйича;

в) чегаравий назорат оралиқ назорат маълум фаннинг алоҳида бўлими тугаши муносабати билан ўтказилади.

г) маълум курснинг тугаши муносабати билан ўтказилади.

Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашни тўғри йўлга қўйиш, уларда ўтилган фанларга нисбатан ижодий ёндашиш, мустақил фикрлаш, ўз билимини доимий равишда ошириш, адабиётлардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш демакдир.

Касбий мажбуриятларни бажариш.

Болалар таълимида оиланинг ўрни, фаол мулоқотда бўлиш учун таъсир этувчи омиллар ўрни.

Талабаларнинг оиласи билан алоқада бўлиш

Кўпгина ўқитувчилар оилалар билан алоқа қилиш учун кўпгина йўللари билишади. Ўқитувчилар йилни бошлашдан олдин ўзларини талабанинг оиласига таништириб кейин ўқиш жараёнини бошлашади. Улар ота-оналар ўз хоҳиш ва истакларини айтишлари учун ўз почта ва телефон ракамларини беришади. Юқори синфларда ўқитувчи ўқувларга курс ҳақида маълумот берилган тарқатма материаллар бериб, оилаларга улар мулоқотда бўлишга тайёрликларини ёзишади. Бу ҳолат очиқ ва позитив бўлиб, оилалар ўқитувчи билан мулоқотда бўлишларига имконият беради.

Яна бир бошқа алоқа тури ҳар ҳафталик белгиланган мулоқотдир. Технология ривожланиши ота-оналар билан мулоқотни енгиллаштирди. Почта тез ва фаол алдоқа манбаси бўлиши мумкин (ва талабаларнинг “мен маълумотларни йўқотдим” деган сўзларини йўқотади). Айрим ўқитувчиларда синф календари, тест синовлари, лойиҳалар ва айрим керакли ва ёрдам берувчи маълумотлар жойлаштирилган вебсайтлари бўлади. Бошқа ўқитувчилар синфда онлайн бошқарув тизимини ишлатиб унда синф календари, талабаларнинг вазифалари ва баҳолари бўлади, унга логин орқали киришади.

18.6..Болаларни оилада таълимга жалб этиш

Оилаларда ота-онаси кўпроқ болалар тарбияси билан шуғулланишлари лозим. Васийлар ва турли бошқа ташкилотлар болалар тарбияси билан таълим муассаларида шуғулланиниб боради

Болаларни тарбиялаш ва соғломлаштириш ишини амалга оширишнинг йўл ва усуллари ўқувчиларга ахлоқий сабоқ бериш каби махсус ишни ташкил қилишда алоҳида хусусиятга эга. Ушбу йўллари кўриб чиқайлик. Ахлоқий билим бериш бир қанча тарбиявий вазифаларни бажаради: инсон

ҳаёти ва маданиятининг ахлоқий қадриятлари тўғрисида кенг тасаввур беради.

Ахлоқий тасаввурлар, қараш, мулоҳазани шакллантиришга ва шу асосда ахлоқий эътиқодни шакллантиришга таъсир кўрсатади:

- ўқувчиларни ўзларининг ахлоқий тажрибаларини мушоҳада қилишлари ва бойитишларига ёрдам беради;

- турли манбалардан ахлоқ тўғрисида олинган билимларни тарбиялайди;

- шахснинг ўзини ахлоқий тарбиялашга ёрдам беради.

Ахлоқий билим асосан ахлоқ тўғрисидаги суҳбатлар, маърузалар, мавзуй кечалар, турли касб намоёндалари билан учрашувлар, ўқувчилар конференцияси ва бошқа воситалар билан амалга оширилади.

Ахлоқий билим беришни ташкил қилишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, уларнинг шахсий ахлоқий тажрибаларини, ахлоқий меъёрлар тўғрисидаги хабардорлик даражасини, ахлоқ, соҳасидаги ўзлаштирган билимларининг ахлоқий талаблари билан муносабатини ҳисобга олиш зарур.

Ахлоқий меъёрларни тушунтириш ахлоқий билимларнинг пойдевори бўлиб хизмат қилувчи дунёқарашга таянилганда самарали амалга оширилади. Масалан, инсоннинг ватанга муносабатининг ахлоқий моҳиятини очиқ берувчи ахлоқий тушунчалар, давлатнинг ижтимоий тузилиши, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, ижтимоий ва маданий қадрият аниқ, тушунилган ҳолдагина ўзлаштирилиши мумкин.

Психологларнинг аниқлашларича, кичик мактаб ёши ахлоқий талаб ва меъёрларни ўзлаштиришга мойиллигининг юқорилиги билан характерланади. Бу шахс ривожланишига ўз вақтида ахлоқий пойдевор қўйиш имконини беради. Кичик ёшда шахснинг ахлоқий ривожланишини белгиловчи тарбиянинг моҳияти боланинг ҳиссий ҳозиржавоблигига таянувчи инсонпарварлик муносабати ва ўзаро муносабатларини шакллантиришдан иборат.

Ўсмирлик ёшида яқин атроф-муҳитини ўзлаштиришда муайян тажриба пайдо бўлади, тенгдошлари билан барқарор алоқалар ўрнатилади, ўз-ўзини англаш, хусусан шахсни тасдиқлашга эҳтиёж кучаяди, ўсмир атрофдаги кишилар намунасига эргашади, идеал ахтариш, ўз мавқеини белгилаш воситасини танлашга интилади.

Ўз-ўзини англаш ҳиссиёти ривожланишининг маълум босқичда, ўспиринда, ҳаётда ўз ўрнини топиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бу эҳтиёж шахснинг ижтимоийлашувчи жараёни, жисмоний ривожланишининг ўзига

хос хусусиятлари қандай ўтишига боғлиқ равишда ниҳоятда қарама-қаршилиқда намоён бўлади.

Болаларни ахлоқий тарбиялашда болалар мулоқотларини тўғри ташкил қилишнинг роли каттадир. Муваффақиятли уюштирилган мулоқотда бола фақатгина айрим укув ва кўникмаларни қабул қилиб қолмасдан, хатти-ҳаракатнинг усул ва йўллари, нутқ равлонлигини, гавдани тутиш ва бошқа ҳолатларини ўрганади.

Машғулотларга биринчи марта келган ота-оналар шахснинг шаклланиши муаммолари билан эмас, балки боланинг жисмоний ривожланиши билан қизиқадилар. Шунинг учун маърузаларда боланинг ҳар томонлама ривожланишида оиланинг аҳамиятига асосий эътибор берилади.

Мулоқот боланинг эҳтиёжи бўлиб, унинг ривожланишида улкан аҳамиятига эга. Бола ота-онаси ва оиланинг бошқа аъзолари билан ўзаро мулоқот жараёнида уларга мақсад қилиб, ҳулқ-атвор нормалари, қоидалари ва шакллари ўзлаштиради. Оиладаги мулоқот ҳар доим эмоционал асосда бўлади. Бироқ, ҳамма ота-она ҳам болалар билан мазмунли, педагогик жиҳатдан қимматли мулоқотни ташкил этишга интилавермайди. Айрим ота-оналар болага кўплаб қимматбаҳо ўйинчоқлар, китобчалар, ширинликлар совға қиладилар, телевизорни бутунлай улар ихтиёрига бериб қўядилар ва шу билан уларнинг барча эҳтиёжларини қондираяпман деб ҳисоблайдилар. Лекин боланинг энг муҳим эҳтиёжи ота-онаси билан мулоқотда бўлиш эҳтиёжи қондирилмай қолади. Болаларни тарбиялаш ва соғломлаштиришда ота-оналарнинг биргаликдаги меҳнати айниқса муҳимдир.

Тиникиб ухлаш бош мия асаб ҳужайраларининг тўла ором олишини таъминлайди, бу эса бутун организмнинг мўътадил ўсишига, унинг иш қобилиятини сақлаш ва қайта тиклашга ёрдам беради.

Инсон саломатлигини сақлашда эрталабки бадантарбиянинг аҳамиятини болаларга тушунтириш ҳамда уларнинг эрталабки бадантарбия билан шуғулланишига кўникириб бориши ота-она назоратини талаб этади. Бадан- тарбия болани саранжомликка, интизомга ҳам ўргатиб боради.

Овқатланишнинг тўғри ташкил этилиши ҳам боланинг соғлом бўлиб ўсишининг асосий омилларидан биридир, ота-оналар томонидан боланинг белгиланган муайян соатларда овқатланишга, овқатланишдан олдин қўл ювишга, овқатдан кейин оғиз чайишга, кунига икки марта тиш тозалашга, ҳафтада бир марта ваннада чўмилтиришга, қўл ва оёқ тирноқларини олишга одатлантириб бориши зарур. Ушбу ҳолатлар болада жисмоний маданият унсурларини шакллантиради.

Лойиҳалардан фойдаланиш

Самарали ресурсларни қўллаб-қувватлаш тизимларидан фойдалананиш муҳим аҳамиятга эга. (масалан, мураббийлар, хизмат марказлари, университет) профессионал ривожлантириш эҳтиёжларини кондириш учун муҳим восита ҳисобланади.

Малакаларнинг ўқитувчи баҳолаши билан боғлиқ хусусиятларини, мақсад ва тартибини белгилайди ва ўқув кўникмаларини яхшилаш учун баҳолаш натижаларидан фойдаланади. Самарали супервайзерлар, мураббийлар ва бошқа ҳамкасблари билан амалий кўникма ишлари масалаларини муҳокама қилиш учун ва профессионал билим ва кўникмаларини ошириш учун муҳим восита ҳисобланади. Малакаларни тушунади ва илм, педагогик маҳорат ва технологик ривожлантириш учун профессионал ривожланиш ресурслари (масалан, устоз ва бошқа қўллаб-қувватлаш тизимлари, конференциялар, онлайн ресурслари, семинарлар, журнал, профессионал уюшмалар, курс) дан фойдаланади.

Малакаларнинг акс эттириш ва кучли аниқлаш ўзини-ўзи баҳолашда турлимуаммолар ва потенциал муаммолари, ўқув фаолиятини такомиллаштириш ҳамда профессионал мақсадларга эришиш лозим.

Ҳуқуқий ва ахлоқий таълим

Ҳуқуқий ва ахлоқий таълимга қўйилган талаблар таълим тузилмаси ҳисобланади. Малакаларнинг ҳуқуқий тарбиячилар (масалан, махсус таълим билан боғлиқ бўлган, талабалар ва оилаларнинг ҳуқуқлари, талаба интизом, холислик, бола) ва таълим билан боғлиқ вазиятларда ҳуқуқий кўрсатмаларга амал қилинган ҳолда амалга ошириш лозим. Малакаларни билади ва таълим ресурслари ва технологиялардан фойдаланиш, (масалан, муаллифлик ҳуқуқи, маълумотлар хавфсизлиги, махфийлик, таълим сиёсати) билан боғлиқ ҳуқуқий ва ахлоқий талабларга эга.

Таълим жараёни педагогик жараённинг ажралмас, муҳим қисмларидан бири бўлиб у ўқитиш, билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш масалалари билан шуғулланади. Таълим назариясини “Дидактика” тушунчаси билан ҳам ифодаланади. “Дидактика” сўзи грекча “Дидаско” сўзидан олинган бўлиб, “Ўқитиш, ўргатиш” деган маънони билдиради. Дидактиканинг ўрганиш объекти ўқув жараёни, ўқув жараёнининг ривожланиш қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари, методлари ва шакллари дир. Таълим жараёнининг асосий моҳияти тарихан тўпланган ижтимоий билим ва

тажрибани ёш авлодга етказиш, авлодлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни маълум тизим орқали амалга ошириш бўлиб ҳисобланади.

Фан ва техниканинг ривожини ҳам илмий билимларнинг ҳажмига ва характери таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси эса ўз навбатида таълим тизимида ўз аксини топади. Таълим тизими ҳар бир жамиятнинг ривожланиш асоси бўлиб хизмат қилади. Чунки айнан таълим тизими жамиятнинг ҳар бир аъзосини маънавий, илмий дунёқарабини шаклланишида энг асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам барча тарихий юксалиш, янгилаш босқичларида айнан таълим тизимини ислоҳ қилиш муҳим ўрин тутган. Таълим тизими ҳар бир жамиятнинг ривожланиш даражасидан ҳамда шу жамиятнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда шаклланади.

Ўсиб келаётган ёш авлод таълими жараёнида:

* зарур билимлар билан қуроллантирилади;

* керакли малакаларга эга бўлади;

* кўникмалар ҳосил қилади.

Ўқув жараёнида таълим олувчилар ва педагоглар ўртасида ўзига хос муносабатлар ўргатилиб бу жараён икки томоннинг биргаликдаги фаолияти натижасида боради. Шунинг учун ҳам таълим жараёни икки томонлама характерга эга дейилади. Педагоглар ва талабаларнинг фаоллик даражаси таълим жараёнининг самарасини белгилайди. Албатта бу жараёнда педагог йўналтирувчи сифатида майдонга чиқади. Педагог аниқ мақсадни кўзлаб режа ва дастур асосида билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради. Талабалар эса уларни фаол ўзлаштириб олишлари керак. Таълим жараёнида педагог ўргатиш, билим, малака, кўникма ҳосил қилиш вазифасини бажарса, талабалар ўзлаштириш жараёнини ўз бошидан кечирадilar. Бу мураккаб психик жараён бўлиб, сезги, идрок, тасаввур, тафаккур кабилар иштирокида боради.

Ўқиш талабаларнинг ўзлаштириш, билиш қобилиятлари, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларини ҳосил қилиш жараёнидир. Бу пассив томошабинлик жараёни эмас, балки талабага номаълум бўлган ҳақиқатларни очиб берадиган фаол, ижодий фаолият жараёнидир.

Таълимнинг асосий вазифаларидан бири инсоният ҳозиргача эришган илмий билимлар ва фан техниканинг ютуқлари билан ёш авлодни қуроллантиришдир. Ёш авлодда шундай билимлар тизимини яратиш лозимки, бу билимлар уларнинг кейинги ривожини учун асос бўлиб хизмат қилсин. Ҳозирги кунда билимлар ҳажми, ахборотлар ҳажми тобора ошиб бораётган бир даврда таълим тизими талабаларга беришили керак бўлган

билимлар, малака ва кўникмалар ҳажмини белгилаш ҳамда бу жараёнда қайси омилларни ҳисобга олиш керак деган масалаларни ечимини топиш устида бош қотирмоқда. Зарурий билимлар ҳажмини белгилаш ва шу билан бир қаторда ўқиш муддатини аниқлаш энг муҳим масалалардан бири. Таълим жараёнида бирор фан соҳасидаги инсоният томонидан эришилган ҳамма нарсаларни ўрганиш керак деб ўйлаш мутлақо нотўғри бўлар эди. Ўқув жараёнида энг асосий, энг муҳим билимлар- фанларнинг асослари ўрганилади. Аммо шунга қарамай ҳозирда ўрганиш зарур бўлган янги-янги фанларнинг тармоқлари (экология, ЭҲМ, оила психологияси, иқтисод асослари, маънавий асослари) вужудга келмоқдаки улар таълим ҳажмини бениҳоя кенгайтишига сабаб бўлмоқда. Бундай муаммолар ҳозирда деярли барча давлатларда мавжуд ва ҳар бир давлат бу муаммоларни ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Биз бу муаммоларни таълим тамойилларини (принципларини) бузмаган ҳолда, ёш авлоднинг соғлиғига зиён етказмаган ҳолда ечимини топишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Мактабгача таълимнинг вазифалари қуйидагилардан иборат;

- * болаларни халқнинг бой миллий, маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида ақлий ва маънавий ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш;
- * болаларда миллий ғурур, ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш;
- * мактабгача ёшдаги болаларда билим олиш эҳтиёжини, ўқишга интилиш майлларини шакллантириб, уларни мунтазам равишда таълим жараёнига тайёрлаш;
- * боларнинг тафаккурини ривожлантириш, ўзининг фикрини мустақил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш;
- * болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлигини таъминлаш.

Жисмоний тарбиянинг мақсади ва вазифалари

Жисмоний тарбиянинг мақсади ва вазифалари жамиятнинг эҳтиёжлари билан белгиланади. Бу эҳтиёж тарбиянинг умумий мақсадидан келиб чиқади, бу мақсад ўзида маънавий бойликни, ахлоқий покликни ва жисмоний баркамолликни мужассамлаштирган уйғун ривожланган шахсни шакллантиришдан иборат. Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбияси вазифаларини ҳал этишда уларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинади. Жадал ўсиш ва ривожланиш мактабгача ёшдаги бола организмнинг ўзига хос хусусиятидир.

Лекин, системалар ва улар вазифаларининг шаклланиши ҳали тугалланмаган бўлади.Шунинг учун мактабгача ёшдаги бола жуда нозик бўлади. Шу муносабат билан қуйидаги соғломлаштириш вазифалари биринчи ўринга қўйилади:

1) ҳаётни муҳофаза қилиш, касалликка қарши кураш олиб бориш, организмнинг ташқи муҳит таъсирига қаршилигини ошириш;

2) организмнинг барча тизимларини тўғри ва ўз вақтида ривожлантириш, уларнинг функционал имкониятларини кенгайтириш.

3) тўғри қадди-қомат ва товонни шакллантириш, уйғун жисмоний ривожлантириш.

Болалар организми номукамал, нозик бўлсада, барча тўқималарнинг жуда эгилувчанлиги, тезкорлиги, модда алмашинуви жараёнларининг жадаллиги қудратли ривожланишни таъминлайди.Бола шароитларининг ўзгаришига, катталарга нисбатан анча тезроқ ва яхшироқ мослашади. У ўзига тушунарли билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга идроки баланд бўлади, бу эса бир қанча таълимий вазифаларни ҳал этиш имконини беради:

1) жисмоний машқлар билан шуғулланиш ва маданий гигиеник кўникмаларни ўзлаштириш билан боғлиқ дастлабки билимларни шакллантириш;

2) шахсий ва ижтимоий гигиена кўникмаларини сингдириш;

3) келгусида спорт билан шуғулланиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳаётий зурур ҳаракатлар,малака ва кўникмаларни шакллантириш.

Жисмоний машқлар болаларнинг тўлақонли ақлий, ахлоқий, эстетик ва меҳнат тарбиясига ёрдам бериб, уларнинг маънавий –иродавий сифатларини (жасурлик, ҳалоллик, қатъият ва бошқалар) ривожлантириш.

Жисмоний тарбия мақсадлари ва вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун бизнинг мамлакатимизда ягона давлат тизими барпо этилган.

Жисмоний тарбия шартлари

Асаб тизимини муҳофаза қилиш болани тўлақонли жисмоний ва руҳий ривожлантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Даставвал у фаолиятнинг турли хилларини алмаштиришни белгилаб берувчи оқилона режимни ташкил этиш орқали таъминланади, бунда турли шакллардаги ҳаракатларга катта ўрин берилади. Боланинг кундузги ва тунги тўлақонли уйқусини таъминлаш ҳам жуда муҳим аҳамиятга эгадир,бу якка тартибдаги эҳтиёжлар ва олий асаб фаолиятининг иши хусусиятларига мувофиқ амлга оширилади.

Болаларда асаб босиқлиги учун қулай руҳий иқлим яратиш катта аҳамиятга эгадир. Ижобий ҳис-туйғулар бош миёна қобиғи ишини яхшилайдиган, ундаги биотокларнинг бир меъёрида бўлишига таъсир этади. Бу барча анализатор тизимларини муваффақиятли кечишига ёрдам беради. Ҳиссий ҳолатнинг ўзгариши билан барча органлар фаолияти ўзгаради. Ижобий ҳиссиёт физиология тизимлари вазифаларини фаоллаштиради, салбийлари чарчатади.

Мактабгача тарбия муассасаларидаги жисмоний тарбиянинг навбатдаги шакли оддий муҳитни барпо этиш зарурлигидир яъни, хона ва участкани оқилона, болаларнинг ёшига мувофиқ тарзда мебел ва физкультура ускуналари билан таъминлашдир.

Зал ва участка болаларнинг ҳаракатга бўлган эҳтиёжини қондириш учун энг кўп даражада мос келиши керак. Бунинг учун залда камида тўрт қатор гимнастика девори, тўртта скамейка, бир неча дарвозачалар, тахталар, нишонлар ва болаларнинг сонига қараб кичик ускуналар бўлиши керак. Участкада физкультура анжомлари бўлган спорт майдончаси, сакраш чуқурчаси бўлган югуриш йўлкаси, спортнинг таркибий қисми бўлган ўйинлар учун турли мосламалар бўлиши керак.

Мавжуд нормативларга мувофиқ тарзда сани тарбия гигиена вазиятини барпо этиш ҳам жисмоний тарбиянинг муҳим шартидир. Бу шарт хона ва участкада озодлик ва тартибни сақлашни, хонада ёруғлик, ҳаво ва ҳарорат режимига риоя этишни, шунингдек болалар ва катталар кийими гигиенасини кўзда тутати.

**Оила,ота-оналар, боқувчилар ва бошқа юридик шахсларни таълим тизимига эътиборини қаратишни шакллантириш.
Талабаларнинг оилаларига эътиборни қаратиш**

Изланишлар шуни кўрсатди-ки, оила қанчалик кўп бола таълимига эътибор қаратса, шунча бола кўп ютуққа эришади. Шу муаммо бўлиб келмоқда-ки айрим ўқитувчилар болалар таълимида ота-оналар факатгина байрамларда ва мажлисларда иштирок этиб ёрдам берсалар кифоя деб ўйлашади. Шу сабабли ўқитувчилар ота-оналарни жалб қилувчи стратегияларни яратиш устида бош қотиришади. Ота-оналарни бирор-бир ишда бошқарувчи, саёхат қилдирувчи, ота-оналар залида иштирокчи, махсус ўқувчи, касб ҳақида гапирувчи ва ёрдам берувчи сифатида чақиришади. Бундан кўпроқ сақланиб қолиши учун ҳаракат қилишади. Бундан ташқари волонтер ота-оналарни мактабга ёрдам ва бошқа вазифалар учун ҳам чақиришлари мумкин. Айрим ўқитувчилар бир йилда бир нечта тадбирларни режалаштиришади: Махсус байрамлар учун хонани безатиш, тақдим этиш ва ўтказиш.

Ота-оналар мактабда барча тадбирларда ва мажлисларда фаол иштирок этсалар-да, уларни фарзандлари кўп ўқиса ҳам улар кун мактабда ўтира олмайдилар. Кўпгина ота-оналар кун бўйи ишлашади ва мактабга бора олмайдилар. Ўқитувчи ота-оналарни жалб қилишни ҳар- хил йўллари билан ўйлаб чиқишлари керак бўлади: —Ота-оналарни таълим тизимида эътиборини кўпайтириш керак.

Ўқитувчилар ота-оналарга йил давомида синфда қандай ишлар бажарилганлигини ва фарзандини қандай ютуққа эришганлиги ҳақида маълумот берса оила орасида катта ютуққа эришган ҳисобланади. Маълумотли хатлар қисман самара беради.

— Ота-оналар синфда нима бўлаётган ва қандай ишлар олиб борилаётганини билишни яхши кўрадилар ва шу билан ўзларини тинчлантирадилар. Масалан ўқитувчи ота-оналарга таълимий мақсадга эришиш учун қандай ёрдам бера олишлари ҳақида ҳам маслаҳат беришлари мумкин, Ўқитувчи ота-оналарга ҳар куни фарзандлари билан 20- дақиқа китоб ўқишлари мумкин эканлиги ҳақида айтишлари мумкин. Фаолликни ривожлантириш учун ўқитувчи ўқувчи қандай қийинчиликларга дуч келишлари ва қандай саволларга дуч келиши мумкинлигини ҳақида маълумот бериши ва ота-оналарга амалий маслаҳатларни бериш керак.

Ота-оналар кўпинча ўқитувчи қўнғироқ қилганда жавоб беришмайди ва бу ёмон хабар деб ўйлашади. Ўқитувчи яхши хабар билан ҳам қўнғироқ

килиши мумкин. Ўқитувчилар алоҳида шахсан ота-оналарга махсус маслаҳатлар ҳам бериши мумкин. Масалан, талабаларга аниқ бир фанга оид кўшимча дарс ўтилиши керак. Ўқитувчи талабага дарсдан ташқари фанга доир чуқурроқ ва тушунарлироқ билим бериши мумкин.

Ҳар-хил феъл-атворли ва мухтож оилалар билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

Талабаларнинг оилалари билан ҳамкорлик

Бугунги кунга келиб ўқитувчилар синфларда кўпгина ҳар хил маданиятга мансуб талабалар билан ишлашади. Бу ҳар хиллик дарсни янада кизик ўтиш учун имконият яратсада, айрим пайтларда ўқитувчида қийинчилик туғдиради, оилаларнинг ҳар хиллиги мактаб кутаётган дарс бўлишига йўл қўймаслиги мумкин. Биринчидан, ўқитувчининг барча ота-оналар ва оилаларга нисбатан ҳурмати юқори даражада бўлиши керак. Ўқитувчиларнинг вазифаси синфда талабаларни баркамол ва етук инсон бўлиб етиштиришларига кўмаклашишдир. Шунда улар турли маданиятли талабалар ўз маданиятларига хос равишда фикрлашади ва уларга қандай таълим бериш керак йўллари аниқлай олишади. Иккинчидан, ўқитувчи агар ҳар бир талаба ҳақида шахсан ва алоҳида гапирса ютуққа эришадилар. Уларни гуруҳида талаба сони кўп бўлса ҳам, талабаларнинг қобилиятларини алоҳида таъкидлаб ўтса, ота-оналар болаларини "яхши кўлларда" эканлигига амин бўлишади. Учинчидан, ўқитувчилар болаларни тарбиясида ҳамкор каби фаолият кўрсатсалар болаларни таълими ривожланади. Ота-оналар фарзандларини яхши билишади ва улар учун маълумот ва маслаҳат олиш муҳимдир.

Ва ниҳоят, ўқитувчилар турли оилалар билан мулоқотда бўлганда сабрли бўлишлари керак, танқидга ўхшаш айрим методлар қўлланмаслиги зарур. Бундай ҳолатлар ўқитувчини бошқарувчидан ассистент олишга талаб қилади. Бу жараён кўпинча жуда ноодатийдир кўпинча ўқитувчилар ота-оналар билан дўстона ва мулойим муносабатда бўлсалар, улар таълим дастурига ёрдам беришади.

Мавзуни ўзлаштириш учун саволлар

- 1. Билимларни намоёништириш, баҳолашнинг турли методлари ва босқичларидан фойдаланишда нималарга аҳамият бериш лозим?*
- 2. Ўқитувчининг касбий маҳорати қандай бўлиши керак?*

3. Ўқитувчи педагогларнинг касбий шакллантириш учун нималарга эътибор қаратилиши керак?

4. Талабаларнинг оилалари билан ҳамкорлик алоқалари қандай йўлга қўйилиши лозим?

Мустақил иш топшириқлари

1. «Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетлиги» методини ишлаб чиқинг. Қуйида келтирилган методлар билан танишинг ва уларни манбасига кўра устунларга жойлаштиринг.

Ҳикоя

Далда бериш

Педагогик талаб

Оғзаки ва ёзма ташаккур билдириш

Маъқуллаш

Тушунтириш

Ўқитиш

Ўргатиш

Кўнгилни кўтариш

Маъруза

Ишонч билдириш

Ахлоқий суҳбат

Машқ қилиш

Тарбияловчи вазифалар

Мусобақа

Баҳс

Мукофотлаш

Жамоатчилик фикри

Намуна кўрсатиш

Қайд қилиш

Танбеҳ бериш

Тарбияда рағбатлантириш ва жазолаш методлари	Ижтимоий онгни шакллантиришга хизмат қилувчи методлар	Одатлантириш ва фаолиятда машқлантириш методлари

19-БОБ. ОИЛАЛАР БИЛАН ФАОЛ МУЛОҚОТДА БЎЛИШ АСОСЛАРИ. УЗЛУКСИЗ МУЛОҚОТНИНГ МУҲИМЛИГИ

Режа

19.1.Таълим тизимини ривожлантириш учн ота-оналарнинг кўллаб турувчи манбаларини мунтазам равишда ишлатиш.

19.2.Таълим жараёнининг турли хил шаклларида ўзаро муносабат ва касбий фаолиятнинг ижобийлиги.

19.3.Таълим муассасасининг тадбирларига иштирок этишни таъминлаш.

19.4.Касбий ривожлантириш воситаларини тушуниш ва фойдаланиш.

Таянч иборалар:

Аудитория, билим, кўникма, малака, мулоқот қилиш, мустақил таълим, қайтиш алоқаси, тақдимот қилиш, назорат, баҳолаш, фаолият, ўқитиш, ўргатиш, техника хавфсизлиги, шахс, тизимлилик.

Мавзунинг қисқача таърифи

Таълим жараёнида ота-оналарнинг кўллаб-қувватлаши жуда кадрлидир. Бу фарзанд, ота-она ва ўқитувчиларни орасидаги муносабатни яхшилайдди. Ўқитувчи учун масъулиятли вamuҳим касбий маҳорат отоналар билан мулоқотни яхшилашдан иборатдир. Бир нечта асосий мисоллар оғзаки мулоқотни ривожлантиради (телефон оркали суҳбатлашиш), умумий шаклдаги синфдаги маълумотлар оркали ёзма мулоқотни самарасини кўтаради.

Ўқитувчилар ота-оналарга синфдаги барча жараёнларни таништиришлари керак, факатгина синф коидалари ва сиёсати, жадваллари вавазифалардан кутилаётган жараёнлар, мулоқот жараёнлари, маъруза жадваллари, ва бошка ўхшаш маълумотлар билан чекланиб колмасликлари керак. Буларни кўпи ўкув жараёнини бошида хат шаклида бўлиши мумкин. Энг муҳими шундан иборат-ки, улар хатосиз бўлиши керак. Хатларни юборишдан олдин ўқиб текширадиган ўқитувчи бўлса яхши бўларди. Яхши ва хатосиз ёзув, аниқ мулоқот ривожланиш ва ўрганиш учун туртки бўлади.

Агар керак пайти ота-оналар билан талабаларни ҳаётини муҳокама қилиш учун кидарганда, (телефон, хат ёки киши оркали) асосий муаммолар эсдан чикиб бўлади. Шунда мақсадли ва касбий маҳоратни кўллаб ота-оналар билан гаплашиш керак. Бу талабаларнинг хулқ- атворига янада кўпрок кўмак беради.

Талабалар ҳақида танқид қилаётганда эҳтиёт бўлиш керак, чунки бу болага нисбатан салбий таъсир қилиши мумкин. Бундан ташқари ота-оналар билан муносабатда фақат танқидий муносабат шаклланиши керак эмас. Ўқитувчиларнинг ота-оналар билан мулоқоти яхши муҳитда яратилса яхши бўлади. Шунини инобатга олиш керак-ки, ота-оналарга ёмон ва салбий янгилик айтганда, улар ўзларини ёмон ва ноқулай ҳис этишади. Шунинг учун янгилик ва маълумотни ҳал қилиб кейин маълум қилиш керак. Ота-оналар ва ўқитувчилар орасида ёмон белга ва тамға қолиши керак эмас..

Агар тоа-оналар ўқитувчиларга ўз фарзандларинг муаммолари ҳақида билишни истаб боғланганда улар тез вақт ичидаунга жавоб кайтаришлари керак. Ҳар доим ота-оналар билан олиб борилган ёзма маълумотларни вақтида нусхасини олиб сақлаб қўйинг чунки, кейинчалик улар ўқитувчига керак бўлиши мумкин.

Тарбия берувчи ота-оналар, боқувчилар ва юридик шахслар билан маъруза ўтказиш

Ота-она-ўқитувчи умуман олганда бир нарса учун уч мақсад асосида кўришиши мумкин. Биринчидан, ўқитувчи балки ота-оналар билан фақат талабани хулқ-атворини муҳокама қилишни истайди. Иккинчидан, ўқитувчи ота-оналардан фарзанди ҳақида маълумот олишни истайди. Бундай маълумотлар ўқитувчининг саволларига жавоб бериши мумкин. Учинчи мақсад ота-оналарнинг айрим тадбирларга ва талабларга кўрсата оладиган ёрдамлари бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда бу муаммолар ҳал қилинади.

Маърузани режалаштириш

Агар маъруза жадвалга киритилган бўлса, у ўқитувчи ёки ота-оналар илтимоси билан бўлса ҳам ўқитувчи бу маърузага синчковлик билан тайёргарлик кўриши керак. Ўқитувчи ота-оналар вазиятни тушунашлари учун барча талабаларнинг ишлари, хулқ-атвори ҳақидаги ҳисоботларни ва тегишли маълумотларни йиғиши керак. Сўраб билмоқчи бўлган савол ва маслаҳатларни тайёрлаб, ёзиб қўйса ундан ҳам яхши бўларди. Маъруза пайти чалгимаслик ва маърузани бўлинмаслиги учун бўлиб ўтадиган вақт ва жойни олдиндан режалаштиринг.

Маърузани ўтказилиши

Маъруза бошлаганда ота-оналарга енгиллик яратинг. Вақтни кераксиз гапларга кетказмасдан, уни кайфият кўтарувчи ҳолатда бошланг. Талабалар ҳақида позитив ва ижобий гаплар билан бошланг. Кучли ва эътиборли гапларни танлаб олинг.

Барча муаммоларни ечими топилиши мумкинлиги сабабли аниқ натижа ва маълумотларни кузатинг ота-она ёки фарзанд ҳақида ҳукм чиқарманг. Талабаларнинг аниқ ва намунали ишларини ота-оналарга кўрсатинг. Ота-оналарнинг нутклари ва истаклари яхши тингловчиси ва эшитувчиси бўлинг. Бундай маълумотлар сизга талабани дарсга қизиқтириш учун жуда керак бўлиши мумкин.

Ва ниҳоят, маърузани ота-она ва ўқитувчи орасида тузилган келишуви билан тугатинг (талабаларга тегишли ҳолда). Маърузани ижобий тарзда тугатинг ва ота-оналарни иштирок этганлари учун миннатдорчилик билдиринг.

Маърузадан кейин

Маърузадан бир ёки икки кун ўтиб ота-оналарга маърузада келишилган қисқа ёзма режа ва маълумот юборсангиз яхши бўларди. Ноанъанавий ва кўп гапирувчи бўлиб туюлмаслик учун мулойим ва касбингизни устаси бўлинг. Агар муаммо талабани хулқ- атвори ва билимини ўзгартиришга қаратилган бўлса, узок вақтни олади шунинг учун, ота-оналарга талаба эришаётган ютуқларни ва ўзгаришни мунтазам равишда маълум қилинг.

19.1.Таълим тизимини ривожлантириш учун ота-оналарнинг қўллаб турувчи манбаларини мунтазам равишда ишлатиш

Кампбел ва Дикенсоннинг айтишича (1992) "Кўп интеллект орқали ўқитиш ва ўргатиш," "Кўшма штатлардаги ўзгарувчи демографик аҳволнинг вазияти полимаданиятнинг қаттиқ шаклланишидир."1990 ва 2030 йиллар ўртасида Америкалик аҳоли ва мактаб жамияти сезиларли даражада ўзгаради деб тахмин қилишмоқда "оқ танли аҳоли сони 25%га етса, Афро-Америкаликлар сони 68%, Осиё-Америкалик, Тинч Китъалик, ва Ҳинд Амарикалик сони 79%, Испан-Америкалик аҳоли сони 187%." га етади.Синфдаги миллат турлари кўплиги дарс ўтиш ва ўқитиш

стратегияларин ҳар хил қилиб яратишга ва талабаларнинг ҳаётига мос равишда модул асосида бўлиши керак.

Технология ва усталик

Усталик маҳорати талабаларнинг ўрганиш жарёнида ютуқларга эришишлари учун асосий йўл бўлиб келмокда. Ўз касбининг усталари қобилиятли талабалар билан аниқ бир фан устида ишлаб, уларга шу фанга оид маълумотларни кўшимча тарзда ўргатишмокда. Талабаларни дарсдан ташқари шкитувчилар ўзлари биладиган илмларини бериб ўқитиш мактабда қобилиятли талабаларни сонини кўпайишига олиб келмокда. Турли жамият катламларига мансуб ўқитувчилар билан тенг ва баробар ўрганиб ўқиган талабалар кўп маданиятли ўргатиш тизимини яратмокдалар.

Шахсларо технологияни ишлатиш синфда ўқитилаётган материални тушунишни истаган талабалар таълимида турли концептуал ўрганиш ва маҳорат билан дарс ўтишни ривожлантиради. Технология талабаларга ўз илмий изланишларига доир илмий иш бажараётган дўстлар ва гуруҳлар топишга ёрдам беради, уларни бажариши керак бўлган академик муаммоларини ҳеч қандай тўловсиз ечимини топишга ёрдам беради. Масофавий ўқитиш синфда ва ундан ташқари талаба ва ўқитувчилар орасидаги ҳолатни интерфаол усулда саклаб турувчи ҳолат ҳисобланади. Талабаларга синфда таълим олаётган ўзларига ўхшаб билим доираси кенг бўлмаган синфдошлардан саволларга жавоб беришларини кутгандан кўра тўғридан-тўғри ўқитувчидан сўраган яхши.

Жамият ресурсларига боғланиш кўшимча академик ўқишни тикловчи талабаларга керакли маълумотларни олишга ёрдам беради. У ерда керакли фанга доир маҳаллий университетлар ва жамоалар орқали коллеж ва университет талабаларининг суҳбати орқали бўлиши мумкин ва синфда керакли маълумотлар берилган бўлса талабалар уларни билиш имкониятлари мавжуд.

Жамият бу- ресурс

Жамият талабалар тажрибасини оширувчи ҳаётий манба бўлиб ҳисобланади. Жамият камайтирилган ва сушт бажарилаётган мактаб таълиминини таъминлаб берувчи омил деб ҳам айтса бўлади. Давлат ва федерал таълим грантлари давлат бюджети қисқарганлиги ҳисобидан мактаб таълимининг молиявий бюджети ҳисобидан таъминланмокда.

Мактаб жамияти молиявий таъминловни хурсандлик билан қабул қилади, уларни таълим учун керакли буюмлар харид қилиш учун ҳам ишлатса бўлади (компьютерлар, принтерлар ва технологик буюмларга), шу билан бирга кам маош олувчи, кам таъминланган талабаларга текин дафтарлар, ноутбуклар, мактаб сумкаси ва талабаларнинг барча керакли буюмларини олишга ҳам сарф килса бўлади.

Жамият бозорларида хавфли ва жазога тортилган мактаб ўқувчилар билан ишлайдиган ўқитувчиларга буюмларни чегирмали нархда олиш имкониятлари мавжуд. Ҳам касбан ва ҳам шахсан давлат талабаларнинг таълим олиши учун таъминловчи дастурлар ишлаб чиқилган:

- талабаларни келажакда таълимга оид мақсадларини кўллаб турувчи дастурлар;
- қандайдир саноатнинг йўналишига кизиккан талабаларга қобилятли ва махоратли ўқитувчиларни бириктириш;
- кам маош олувчи ва кам таъминланган уйсиз талабаларга ўқишни бошлашдан олдин молиявий ёрдам кўрсатиш;
- мактаб жамиятидаги айрим фанларни тушунишга кийналган ва академик ва ижтимоий кийинчиликлари бор талабалар учун таълим соҳасини таъминловчи малака курслари яратишни ривожлантириш;
- ота-она-ўсмир-жамият форумларида жамиятни ўзгартирувчи овоз бериш форумларини таъминлаш;
- компьютер ва интернет тармогига уланмаган ота-оналарга талабаларни дарсга керакли ҳужжатларни тайёрлаб, бошқа талабалардан орқада қолмасликлари учун сотиб олиш имкониятларини таклиф қилиш;
- синфда тўхталиб ўқитувчидан академик таълимда ривожланмай ва ўсмай қолган талабаларга нима кераклигини билиш.

Жамият ресурслари таълим олишни истайдиган аммо имконияти паст, давлат ва федерал фондларига муҳтож мактаб жамоалари, оилалар ва талабаларга ҳаётий муҳим нарсалар ва қўшимча ёрдамдир.

Алоқа қилиш учун асбобларни ишлатиш

Кўпгина кўрсатмалар дастурлар ўз ичига қисқа клипларни олган бўлиб, талабаларга фикрларини намойиш қилишга ёрдам беради. Масалан, кўпгина илмий дастурлар жуда қисқа клипларга эга бўлиб, унда илмий принципларни намойиш қилса бўлади. Бадиий дастурлар ўз ичига қисқа драматик ҳикоя ёки адабиётнинг бир йўналиши ҳақидаги маълумотни олган

бўлади.Бў йуллаб талабани олдинги билимини эсга солиб янги мавзуни бошлашига ёрдам беради, улар кўпрок кўриб эслаб колувчи талабалар учун муҳимдир. Кўпгина мактабларда электрон ва чоп этилган маълумот ўқитувчи ота-оналар биланг мулокатда бўлиши учун жуда кераклидир. Масалан, кўпгина талабаларнинг ота-оналари кун бўйи ишда бўлишади, улар учун тармокка караб уй вазифасини билиш осонрок уни муҳокама килгандан кўра. Кўпгина мактабларда тармоклар бўлиб уларда ўқитувчилар келмаган талабаларга уйга вазифани жўнатишлари мумкин.

Умуман олганда, бу маълум-ки кўп ўқитувчилар ота-оналар билан мулоқотда бўлишади. Кўпгина ота-оналар ўқитувчини гапларига ишониб уларни метод ва стратегияларини кўллаб-куватлашади. Ва ота-оналар ўз касбига шундай махорат билан караб вактида уларга маълумот етказган ўқитувчилар хакида хурмат билан гапиришади.Кўпгина ўқитувчилар вебсайтларга эга бўлиб, у ерда намунали талабанинг ишларни жойлаштиришлари мумкин, бундан ташқари керакли ва ёрдам берувчи маълумотларни ҳам киритишлари мумкин. Бундан ташқари бу ўқитувчи талабаларни ишлари қайта киритилмаганлигини текшириш учун фойдалидир. Кўпгина одамлар синф хоналарда талабаларнинг ишларида уларнинг расми бўлиши керак деб айтишлари мумкин, улар индивидуал ёки гуруҳда ишласалар ҳам бўлиши керак. Бу уларни ҳимояси учун аҳамиятлидир. Бу йўналишларни ишлатишни билган ўқитувчилар учун ҳар хил ўқитиш методлари мавжуд. Кўпгина туманларда ўргатувчи семинарлар, коллежларда эса шу методларни ўргатувчи дарслар ва вебсайтларда ўқув кўлланма шаклида берилган, шунга оид видео роликлар мавжуд.

19.2.Таълим жараёнининг турли хил шаклларида ўзаро муносабат ва касбий фаолиятнинг ижобийлиги

Таълим мазмунининг тузилмасини макродаражаси модули блок ёрдамида амалга оширилади. Модулли блок ёндошув таълим мазмуни асосини ажратиб олишга ёрдам беради, ҳамда касбий таълим тизимини мослашувчанлигини таъминлаб беради.

Аниқ бир йўналиш бўйича таълим мазмунини текшириш бошланғич касбий таълим соҳаларидан бошланади. Касб таълими мазмуни умумий ҳолда умумтаълим ва касбий тайёргарликни ўз ичига олади. Умумтаълим тайёргарлик гуманитар ва табиий илмий блоклар орқали таништирилади.

Умумтаълим блокига – назарий ва амалий ўқув материали киради, яқин касблар гуруҳи интеграция асосини ўтайди, тармоқлардан яъни ишлаб чиқаришдан ажратилган ёки тармоқлараро даражада бўлади.

Таълимда касбий блок энг асосийси ҳисобланади, касбий блокда ўқув материали, турли касбий фаолиятни сўралаётган даражада ўрганилади. Мутахассислик блоки – назарий ва амалий ўқув материали касби мутахассислигини ўрганиш учун зарур.

Умумий мутахассислик блоки – айрим ҳолларда кўрсатилади, кенг миқёсли техника ва технологияни қамраб олувчи, меҳнатнинг мазмуни бўйича нисбатан ҳар хиллиги билан фарқланади. Бир неча мутахассисликлар учун касблар бўйича умумтаълим мазмунини ажратиб, умумий мутахассислик блокига киритилиши мумкин. Масалан, «Тикувчилик» касби учун таълим мазмуни танланганда, юқори қатлам бўйича – тикувчилик ишлаб чиқаришга тўғри келади, ўрта қатлам бўйича кийимларни, яқка тартибда тикиш технологияси, яқин касблар гуруҳи, қуйи қатлам – «тикувчилик» касби мутахассисликлар: масалан, аёллар енгил кийимлари тикувчиси кабилар.

Биринчи қатлам ажратилган мазмун умумтехник блоки кўринишида тикувчилик ишлаб чиқариш учун бўлади (фанлар «Материалшунослик», «Бозор иқтисодиёти»), иккинчи қатлам – яқка тартибда кийимларни тикиш – яқин касблар гуруҳи умумкасбий блок кўринишида («Маданият», «Кийимларни лойиҳалаш асослари»), учинчи қатлам тикувчилик касби учун умумий блок кўринишида («Кийимларни тикиш технологияси асослари», «Кийимларни моделлаштириш ва конструкциялаш асослари»). Учта асосий блоklarга мос келувчи 3 та мутахассисликлар: аёллар енгил кийими, аёллар устки кийими, эркаклар кийими. Бу блок «Кийим тайёрлаш технологияси» ўқув фани танланган мутахассисликка боғлиқ ҳолда аниқ мазмунлардан иборат.

Қўшимча 4 -та блокни кўриб чиқамиз.

1. Йўналишни ўзгартириш блоки – эгалланган касблар асосида янгисини эгаллаш, ишсизларни ўқитиш тизими учун муҳимдир. Тикувчини қайта ўқитиб ўзини мутахассислигига мос равишда бичувчи мутахассислигини бериш. Бундай йўналишни ўзлаштириш тикувчига яқка фаолиятни олиб боришига ёрдам беради.

2. Касбий таълимни ошириш блоки – кадрлар тайёрлашнинг 2 тизими билан боғлиқ. Агар 2 тизим – умумтехник даража ва тармоқли тайёрлашни касбий таълимни ўрта даражасигача олиб бориш масаласи

бўлса у ҳолда касбий таълим дипломлари билан техник дипломни ҳам оладилар.

3. Бизнес блок – бозор иқтисодиёти шароитида муҳимдир. Бу блок одамларни бозорга боришга ва ўз ишини очишга ёрдам беради. Блок – касбий тайёргарликдан ўтиб кетувчи блоки – ўз касби бўйича янги техника ва технологиялар ҳақида маълумотлар янги техника ва технологияларда ишлаши учун ишчилар, мутахассислар тайёрлашда муҳимдир. Бу блок бўйича ўқитиш бирор фирма томонидан унинг илтимосига кўра ўқув дастурига киритилиши мумкин

Ўқитувчиларнинг касбий муносабатларини қўллаб қувватлаш ва талабаларнинг таълимий фаолиятини қўллаб қувватлаш

Ўқитувчи ўзи таълим бераётган фанини чуқур ва мукаммал билиши ва ўқувчилар билан мулоқот эҳтиёжига эга бўлиши керак. Кенг ва асосли билимга эга бўлган педагог ҳар бир дарсини эркин ўтади ва қийналмайди. Ўқувчиларнинг ҳар бир саволига жавоб бера олади. Дарс жараёнида келиб чиққан муаммони ўқувчилар билан эркин муҳокама этади ва унга ўзининг тўғри, аниқ муносабатини билдиради.

Ўз фанини мукаммал билган ўқитувчи мукаммал саволлардан ўзини четга олмайди. Ўқитувчи бутун фаолияти давомида ўз устида ишлашни, билимини кенгайтириши талаб этилади. Педагогнинг ғоявий-сиёсий билими, назарий, педагогик-психологик, услубий ва технологик билими мукаммал бўлиши керак. Талаба касбий билимларни чуқур эгаллаш билан бирга амалий педагогик фаолиятни ҳам кенгайтириши керак.

Ўқитувчиларнинг касбий муносабатларини қўллаб қувватлаш лозим. Ўқитувчиларнинг фаолиятлари ранг-баранг ва кўп қирралидир. Улар ҳар бир машғулотни ўтказишга пухта тайёргарлик кўришлари лозим. Дарс жараёнида қўлланиладиган тарқатма материалларни олдиндан тайёрлаб қўйишлари керак. Ўқитувчилар касбий муносабатларда бир-бирларини қўллаб – қувватлаб туришлари лозим. Талабаларнинг таълимий фаолиятини қўллаб қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Дарс жараёнида фаол иштирок этган ўқувчиларни рағбатлантириб бориш лозим.

Мутахассисларнинг мажбуриятлари

Таълим муассасаларида ташкилий ишларни амалга оширишда ўқитувчилар болалар билан кўпроқ бирга ишлашлари лозим. Кўп одамлар мутахассис бўлсаларда ўқитувчининг ёрдамига мухтож бўладилар.

Сертификатли мутахассис ўқитувчилар махсус дастур ёрдамида ишлайдилар. Айрим ўқитувчилар эса мактаб дастури билан ишлайдилар.

Таълим тизимини бошқаришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам иштирок этади. Уларнинг Республика таълим тизимини бошқаришдаги ўрни ва роли қуйидагилар билан белгиланади:

1. Таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар.

2. Ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёзларини белгилайдилар.

3. Таълим сифати ва даражасига, шунингдек, педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлайдилар.

Шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бош ваколатларни ҳам амалга оширадилар. Таълим муассасаси унинг раҳбари томонидан бошқарилади.

Болаларни гуруҳларга бўлиб махсус билим бериш

Ўқитувчилар талабаларни ўқитиш жараёнида улардаги жисмоний камчиликлар бўйича махсус билим берадилар. Жисмоний камчилиги бўлган талабалар учун махсус билим берилиши шарт. Махсус фандан дарс берадиган ўқитувчилар ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига алоҳида ёндашишлари лозим. Махсус фан ўқитувчиларини ҳар бир ўқувчи учун алоҳида иш режаси бўлиши керак. Ҳар бир талаба учун алоҳида ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиши керак. Бу ҳужжатлар ҳуқуқий ҳужжатлар деб юритилади. Замонавий ўқитувчилар ҳар бир талабага яқка ёндашган ҳолда иш олиб боришлари лозим. Кўпгина таълим муассасаларида бундай талабаларга алоҳида ёндашган ҳолда иш олиб борилиши лозим. Ўқитувчилар ота-оналардан, логопед вравчлардан, керакли мутахассислардан, таълим муассасаси психологларидан маслаҳатлар олиб туришлари лозим.

Ўқув дастурлари таҳрирчиси

Ўқув дастурлари таҳрирчиси барча ўқув дастурларини таҳрирдан ўтказиши лозим. Бундай мутахассислар ўқитувчилар билан ҳамкорликда ишлаб иш аниқ иш юритишлари лозим. Масалан, барча таълим йўналишлари ўқув режа ва дастурларини таҳрирдан ўтказиб, уларнинг мутахассисликлар учун ҳар томонлама мукамал тузилганлиги ҳақида кафолат бера олишлари лозим.

Технологиялар таҳрирчиси

Технологиялар таҳрирчиси битта таълим муассасасида ёки тумanning бир нечта таълим муассасасида фаолият олиб бориши мумкин. Бундай услубчилар ўқув дастурларини тажрибадан ўтказишларида фойдаланишлари мумкин.

Иш ҳужжатларини юритувчи

Ўқитувчининг мустақил методик ишларида ўз сиёсий онгини ўстириш, касби бўйича билим ва тажрибани кенгайтириш, таълим-тарбия соҳасидаги ўз билим ва маҳоратини шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Индивидуал методик иш бутун ўқув йилига тузилган режа бўйича олиб борилади. Унда ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими берувчи узтозларнинг ўз педагогик маҳоратларини ва ўз билимларини чуқурлаштириш мақсадида индивидуал методик топшириқлар назарда тутилади. Уларга қуйидагила киради: фан бўйича маъруза матнларини такомиллаштириб бериш, педагогик мавзулар бўйича методик кўрсатмалар;

Ўқув дастурининг энг қийин мавзулари бўйича мавзулари бўйича методик кўрсатмалар тузиш; ўқув методик қўлланмалар ишлаб чиқиш; мақолалар тайёрлаш; илмий тадқиқот ишларини олиб бориш. Бу топшириқлар ҳар бир педагог учун мажбурий минимал ҳисобланади.

Ўқитувчига методик жиҳатдан ёрдам бериш нуктаи назаридан назарий ва амалий машғулотларга бошқа ўқитувчиларнинг киришини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай дарсга киришлар натижасида ҳамкасблар дарс ўтишдаги камчиликларни аниқлаб, уни бартараф этишга ёрдам берадилар, илғор тажрибаларни эса бошқа ўқитувчилар орасида ёйилишига кўмаклашадилар. Методик ишларнинг шакллари хилма-хил эканлиги, улар мазмуни ва ўтказилиш муддатига кўра аниқ режалаштирилиши керак.

Методик ишларни ўтказиш учун ҳафтанинг маълум бир қисмини ажратиш керак. Айтайлик, агар бу мақсад учун сешанба куни ажратилса, шу куни жамоа равишдаги методик ишларнинг бир формаси ўтказилади.

Ота-онадар қўмитасининг ташкилотчилиги

Таълим муассасаларида фаол ота-оналар турли хилдаги тадбирларни ташкил этадилар. Таълим муассасаларида талабалар учун ўқув йили давомида ўқув ишларига оид тадбирлар, ижтимоий тадбирлар ва китоб ярмаркалари ташкил этилади. Ота-оналар қўмитаси ўзларининг фаолияти давомида таълим муассасасига ҳар томонлама беғараз ёрдам кўрсатадилар. Масалан: аудитория хонасини жиҳозлаш, кутубхонани жиҳозлаш ва бошқалар.

Таълим муассасаси ҳаётида жамоатчиликнинг роли

Мактаб жамоачилигининг ҳамжиҳатлилиги. Ўқувчиларни тарбиялашда оила ва мактаб ҳамкорлигининг алоҳида вазифалари мавжуд:

- оилада соғлом муҳитни яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олиш, фарзандлар ота-онасига, ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, ўзаро ғамхўр бўлишини таъминлаш;

- фарзандларга чуқур дунёвий билим асосларини бериш, маърифатли ва маънавийатли кишилар бўлиб етишишларини таъминлаш;

- болаларнинг маънавий баркамол ва жисмоний соғлом бўлишлари учун иқтисодий ва ижтимоий муҳитни яратиш;

- болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш, истиқлол ғоялар ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш;

- болаларнинг бўш вақтини педагогик нуқтаи назардан келиб чиқиб унумли ташкил қилиш, уларга қўшимча таълим бериш;

- болаларга таълим беришни илғор педагогик технологиялар, замонавий ўқув услубий дастурлар асосида ташкил этиш, ўқув тарбия жароаёнларини жаҳон андозаларига мос равишда таъминлаш;

- тарбияси оғир, қаровсиз қолган болаларнинг ота-оналари билан ишлаш, оилаларга педагогик ёрдам бериш.

Малака ошириш

Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш бу уларни амалий фаолиятга янада тайёрлайди, болаларни ривожлантириш бўйича ўқув-услубий янги билимлар билан қуроллантиради.

Таълим муассасалари педагог ходимларини ҳар томонлама янги билимлар билан қуроллантиришда малака оширишнинг аҳамияти Ўқитувчи ўзининг билимларини ҳар томонлама ривожлантириб, қисқа вақт ичида жуда катта билимларни ўзлаштириб оладилар. Ўқитувчи ўзи таълим бераётган фанни чуқур ва мукамал билиши ва ўқувчилар билан мулоқот эҳтиёжига эга бўлиши шарт. Ҳар бир ўқитувчи ўзи ўқитаётган фаннинг ўтмиш тарихини ҳозирги аҳволини ва келажагини билиши керак. Кенг ва асосли билимга эга бўлган педагог ҳар бир дарсини эркин ўтади ва қийналмайди. Ўқувчиларнинг ҳар бир саволига жавоб бера олади. Дарс жараёнида келиб чиққан муаммони ўқувчилар билан эркин муҳокама этади ва унга ўзининг тўғри, аниқ муносабабтини билдиради. Ўқитувчи бутун фаолияти давомида ўз устида ишлаши билимини кенгайтириши талаб этилади. Педагогнинг ғоявий-сиёсий билими, педагогик-психологик, услубий ва технологик билими мукамал бўлиши керак.

Мактабдан ташқари таълим

Болаларнинг ҳар томонлама ривожлантиришда мактабдан ташқари таълимнинг аҳамияти катта. Ўқувчиларга ўқитувчилар мактабдан ташқари таълим марказининг ўқитиш фаолиятининг турлари ҳақида тўлиқ ва аниқ ахборот берадилар. Мактабдан ташқари таълимнинг фаолият турлари кўп. Мактабдан ташқари таълим марказларида ҳар бир фаолият тури яхши ташкил этилади ва ўқувчилар бу фаолият турларини мукамал эгаллайдилар.

19.3. Таълим муассасасининг тадбирларига иштирок этишни таъминлаш (масалан, таълим муассасаси муаммолари ҳақида қарор қабул этиш, ғоялар ва тажрибалар алмашиш ва лойиҳа ва тадбирларда фаол иштирок лойиҳа ва тадбирларни ташкил этиш ишида фаол иштирок этиш)

Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар бир-бирига ўзаро таъсир қилиши табиий ҳол.

Ўқитувчилар биргаликдаги фаолият жараёнида ўқитувчининг нималарга қодир эканини, илм-фанга қўшган ҳиссасини, билимдонлиги ва маънавий-ахлоқий қиёфани тезда пайқаб оладилар ва шунга қараб ўзаро ҳамкорлик муносабатида бўладилар. Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлар жуда мураккаб хусусиятларга эга.

Таълим тизимидан фойдаланишнинг ижобий томонлари (масалан, сервис маркази, университет ва давлатнинг ташаббускорлиги) учун касбий ривожлантиришнинг қониқарлилиги

Таълим тизимидан фойдаланишнинг ижобий томонларини касбий ривожлантириш энг муҳим аҳамиятга эга. Назарий билимнинг вазифаси, мазмуни, усуллари, ташкилий шакллари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, битта мақсадга яъни, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга қаратилади. Шунинг учун назарий ва ишлаб чиқариш таълим ўқув муассасаларидаги ўқув жараёнининг мустақил, аммо ўзаро алоқадор қисмлари ҳисобланади.

Таълимда назарий дарс соатлари билан амалий машғулотларнинг соатлари маълум нисбатда бўлиши лозим.

Шундай қилиб, **назарий таълим** талабаларнинг умумий билим, ижтимоий, умумкасбий ва махсус фанларни ўрганишларини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш таълимининг асосий вазифаси - келгусида малакали мутахассис бўлиб етишадиган талабаларни муайян касб соҳасида бевосита фаолият кўрсатишга тайёрлашдан яъни, билимларни амалиётга татбиқ этишга ўргатишдан, зарур касб кўникмаси ва малакасини шакллантиришдан иборат. Касб-ҳунар таълимида ишлаб чиқариш таълими ишлаб чиқариш ва ўқитиш муаммолари билан чамбарчас боғланган.

Ишлаб чиқариш таълимининг асосий муаммоларидан бири бўлиб қуйидагилар ҳисобланади; унинг мазмунини ишлаб чиқиш; ишлаб чиқариш

таълимида назарий ва амалий билим бериш мазмунини қайта кўриш; ишлаб чиқариш таълими тизими бўлиб, у мазмун, ўқитиш усуллари ва ўқитиш жараёнини биргаликда ҳал этишни тақозо этади.

Касбий таълим муаммолари

Касбий таълим умумий таълимдан ўзининг таълим мақсади, ўргатиш мақсади, ўзларининг дастурлари ва дастур мазмунининг танланиши, ўқитишда амалий фаолият билан боғланиш ва бошқалар билан фарқ қилади. Касбий таълимда касбий фанлар дастурини ишлаб чиқишга касбий тавсифнома талабларидан келиб чиқилади. Умумтаълим ва касбий таълим жараёнлари, асосан, бир-бирига ўхшаш бўлсада, кўп ҳолларда бир хил дидактик принциплар, методик усуллар қўлланилади, касбий таълимда назарий ва амалий ўқитиш жиҳатлари билан тубдан ажралади. Чунки бу ерда таълим жараёни кўпинча ишлаб чиқариш билан биргаликда олиб борилади.

Таълим жараёни самарадорлигини оширишда ўқитувчиларга бериладиган тавсифномалар.

Ўқитувчиларни баҳолаш

Талабаларни баҳолашда ўқитувчилар қаттиққўл бўлишлари лозим. Ўқитувчилар талабаларни баҳолашда танқидий методлардан фойдаланишлари лозим. Барча ўқитувчилар ўзларининг иш фаолиятларида самарадорликка эришишлари лозим. Ўқитувчилар ҳамкорликдаги методлар орқали таълим жараёни мақсади ва вазифаларини аниқлаб олишлари лозим. Биринчидан, ўқитувчилар таълим жараёни самарадорлигини ошириш учун тинмай излашишлари лозим. Иккинчидан,

ўқитувчилар бир-бирларига ёрдам кўрсатишлари лозим. Масалан, ўқитувчилар таълим соҳасида бирор бир муаммога дуч келсалар ёки бирор бир тадбирни ташкил этишда қийинчиликларга дуч келсалар бошқалар билан ҳамкорликда ҳаракат қилишлари лозим. Профессор ўқитувчилар бир-бирларининг фаолиятларини назорат қилишлари ва ёрдам беришлари лозим.

Иш жараёнидаги муаммоларни ҳал этишда касбий билим ва қобилиятларнинг аҳамияти

1. Иш жараёнидаги муаммоларни ҳал этишда касбий билим ва қобилиятларнинг аҳамияти каттадир. Ўқитувчи педагогик фаолиятининг таркибий қисмларига қуйидагилар киради:

1) ўқувчи шахсини ривожланишини лойиҳалашга, ўқувчилар билан ишлаш усулларини танлаб олишга имконият берувчи конструктив қобилиятлар;

2) академик қобилиятлар;

3) перцептив қобилиятлар;

4) нутқ қобилиятлари;

5) ўқувчиларни хилма-хил фаолият турларига жалб қилувчи ташкилотчилик қобилиятлари;

6) авторитар қобилиятлар;

7) коммуникатив қобилиятлар;

8) педагогик ҳаёл;

9) диққатни тақсимлаш қобилияти.

Иш жараёнидаги муаммоларни ҳал этишда касбий билим ва қобилиятларнинг аҳамияти жуда каттадир.

19.4..Касбий ривожлантириш воситаларини тушуниш ва фойдаланиш

Профессор ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини, билимларини, касбий малакаларини оширишда интернет воситаларини аҳамияти.

Касбий ривожлантириш воситалари

Профессор ўқитувчиларнинг ўқув жараёни амалиётида касбий ривожлантиришнинг аҳамияти катта. Ҳар бир ўқитувчи ўзи ўқитаётган фаннинг ўтмиш тарихини ҳозирги аҳволини ва келажагини мукамал билиши керак. Кенг ва асосли билимга эга бўлган педагог ҳар бир дарсни эркин ўтади ва қийналмайди. Дарс жараёнида келиб чиққан муаммони ўқувчилар билан муҳокама этади ва унга ўзининг тўғри, аниқ муносабатини билдиради. Ўз фанини мукамал билган ўқитувчи мукамал саволлардан ўзини четга олмайди. Педагогнинг ғоявий-сиёсий билими, назарий, педагогик-психологик, услубий ва технологик билими мукамал бўлиши керак.

Талаба касбий билимларни чуқур эгаллаш билан бирга амалий педагогик фаолиятини ҳам кенгайтириши керак. Профессор ўқитувчилар ўзларининг малакасини ҳар беш йилда ошириб боришлари лозим. Улар 150-соатлик курсларда иштирок этадилар. Малака ошириш курсининг битирув малакавий ишини ҳимоя этадилар ва сертификат оладилар. Ўқитувчи ҳар доим ўз билимларини ўзи баҳолаб боришлари лозим. Ўз устида мукаммал ишлаши лозим.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Оилалар билан фаол мулоқотда бўлиш асослари (талабаларнинг ютуқлари ҳақидаги маълумотлар билан алмашиш) ва уларни муаммоларига жавоб беришда нималар эътиборга олинади?
2. Узлуксиз мулоқотнинг муҳимлигига нималар киради?
3. Таълим жараёни самарадорлигини оширишда ўқитувчилар қандай вазифаларни амалга оширишлари лозим?
- 4 Касбий ривожлантириш воситаларидан таълим жараёнида қандай фойдаланиш лозим?

Мустақилд иш топшириқлари

1-топшириқ

Ўқитиш воситаларининг ривожланиш истиқболлари мавзусига доир Т-чизмани тўлдириш.

Телеконференциянинг асосий афзалликлари	Телеконференциянинг салбий томонлари
1. Долзарб масалалар муҳокамасини тезкор ташкил этиш ва ҳудудий жиҳатдан узоқда бўлган, бу масалага қизиққан ўртоқларни ўз вақтида хабардор қилиб қўйиш. Бу ҳолатда бирор жойга боришга ва транспорт харажатларига зарурият қолмайди. Мутахассис ўз иш жойидан узоқ вақт кетмайди. 2. Муҳокама қилиш учун иштирок этувчи ташкилотлардан биридаги ҳар қандай материалдан — жадвал, диаграмма, матндан фойдаланиш мумкин. Баъзан айрим ҳисоб китоблар қилиш ёки модел вазиятларни қайтариш керак бўлиб қолади. Буларнинг барини телеконференция учун фойдаланиладиган техника ёрдамида бажариш мумкин. 3. Телеконференция аппаратуралари мавжуд бўлганда, муҳокама этиладиган муаммо бўйича қарор қабул қилиш учун	

қатнашиши зарур мутахассислар доирасини кенгайтириш мумкин. Анъанавий усуллар орқали эса ишни амалга ошириш мушкул. 4. Телеконференция пайтида маълумотлар базаси билан алоқа бўлганда деярли ҳар қандай маълумотнома ахборотидан фойдаланиш ва у билан бутун телеконференция иштирокчиларни таништириш мумкин бўлади.	
--	--

2-топширик

Ўқув жараёнига янги ахборот технологияларини киритиш йўллари мавзусига оид “Инсерт” жадвалиги тегишли белгиларни қўйинг.

Микродаражадаги ўқитиш мазмунининг тузилмаси	Тегисли белги
Ҳозирги замон ахборот технологияларининг асосини қуйидаги учта техника ютуғи ташкил этади: 1. Ахборотнинг машина ўқийдиган тушунчаларда жамлаш муҳитининг пайдо бўлиши (магнит, ленталар, кинофильмлар, магнит дисклар ва ҳ.к.); 2. Ахборотни ер шарининг исталган нуқтасига вақт ва масофа бўйича муҳим чеклашларсиз етказишини таъминловчи алоқа воситаларининг ривожланиши, аҳолининг алоқа воситалари билан кенг қамраб олиниши (радио эшиттириш, телевидение, маълумотларни узатиш тармоқлари, йўлдош алоқа, телефон тармоғи ва ҳ.к.); 3. Ахборотни компьютерлар ёрдамида берилган алгоритм бўйича автоматлаштирилган ишлаб чиқиш имконини (саралаш, таснифлаш, керакли шаклда ифодалаш, яратиш ва ҳ.к.) ошириш. Таълим тизими нуқтаи назаридан ахборот технологияларининг жорий этилиши билан бирга юзага келадиган қуйидаги муаммолар муҳимдир: 1. Техник муаммолар – булар таълим тизимида фойдаланиладиган электрон ҳисоблаш ва микропроцессор техникасига қўйиладиган талабларни, уни қўллаш хусусиятларини белгилайди; 2. Дастур муаммолари – булар таълим тизимида фойдаланиш учун дастур таъминотининг таркиби ва турларини, уларнинг қўлланиш таркиби ва хусусиятларини белгилайди; 3. Тайёргарлик муаммолари – булар ўқитувчи ва ўқувчи, педагог ва талабаларнинг ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш уқуви билан боғлиқдир.	

20-БОБ. Ўз-ўзини баҳолашни шакллантириш, кучли томонини аниқлаштириб олиш, муаммоларни ечиш, таълим жараёнини ижобийлигини таъминлаш ҳамда касбий мақсадни амалга ошириш.
Талабаларнинг билим захираси

Режа

- 20.1. Таълим технологияларидан фойдаланиш жараёнида ҳуқуқлардан фойдаланишнинг қоидалари.
- 20.2. Талабалар машғулотида қўйиладиган талабларнинг аниқ ҳисобга олиниши.
- 20.3. Турли вазиятлардаги талабаларнинг касбий фаолияти.

Таянч иборалар

Ҳуқуқий маданият, ҳиссий тушунлиқ, инсон, ривожланиш, умумий ўрта таълим, касбий таълим, касбий педагогика, касбий маҳорат, педагогик фаолият, педагогик жараён, педагогик мулоқот, таълим технологиялари, илк болалик даври.

Мавзунинг қисқача таърифи

Ҳуқуқий маданият умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмидир. У умумий маданиятнинг шунчаки бир қисми эмас, балки унинг ўзаги, негизи, асосидир. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим ҳамда моддий, маънавий, ахлоқий ва бошқа мафкуравий омиллар асосида шаклланиб ва ривожланиб боради. Ҳуқуқий маданият фуқароларнинг етуқлиги ва онглилигини кўрсатувчи меъёрдир. Ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина ҳуқуқий билимли ва маданиятли ҳисобланиши мумкин. Ўқитувчиларнинг биринчи вазифаси талабаларга махсус ва ҳуқуқий билимлар билан қуроллантиришдир. Кўп мактабларда болаларни кузатиш гуруҳлари ташкил этилган. Бу гуруҳларнинг таркиби ўқитувчилар, психологлар, методистлар талабаларга ҳуқуқий саводхонлик бўйича билимлар берадилар. Ўқитувчилар барча ахборотларни юқори ташкилотларда муҳокамадан ўтказиб талабаларга етказадилар. Кўзи ожиз ва заиф эшитувчи болаларнинг врач кўригидан ўтказишиб уларга психолог томонидан баҳо қўйилади. Талабаларни касбга йўналтиришда ҳужжат ишларини шакллантиришда аудиториядаги мулоқотнинг аҳамияти катта.

Мактаб тизимидан чиқишнинг ҳаракатлари

Кўпгина талабалар мактаб тизимидаги тартиб интизомдан чиқиш учун ҳаракат қиладилар. Ўқитувчи ва талабалар учун мактабнинг ўз тартиб қоидалари мавжуд. Ўқитувчилар учун билим заҳирасини эгаллашнинг махсус сиёсати йўқ. Талабалар ва ўқитувчилар аудиторияда қониқарли муҳитни шакллантиришлари лозим.

Оила ҳамкорлиги

Ногирон талабаларнинг билим олишлари учун оила ва маҳалла ҳамкорлиги муҳимдир. Ҳар бир оиладаги талабаларнинг таълим олишларидан ота-оналардан ташқари маҳалла фаоллари ҳам ҳар талаба фаолиятдан хабардор бўлишлари керак. Ногирон талабаларни ўқитиладиган таълим дастурларини амалга ошириш учун махсус мутахассислар жалб этилади.

Кичик ноқонуний воситаларни ҳисобга олиш

- * Сиёсий ишларда ноқонуний аралашининг олдини олишда тартиб интизомга риоя этиш.
- * Низомнинг тузилиши.
- * Оддий аудиторияларда талабаларнинг ноқонуний ишларда иштирок этмасликларини таъминлаш.
- * Имконияти чекланган талабаларга ҳар томонлама тўғри таълим ва тарбия бериш.
- * Имконияти чекланган талабаларга махсус дастур бўйича дарслар олиб борилади.

Аҳоли турар жойларида жисмоний имтиёзлардан фойдаланиш

- * Аҳоли турар жойларида талабалар учун имтиёзлардан фойдаланиш (масалан, соғлиги, жисмоний ривожланганлиги ва нутқининг шаклланганлиги).
- * Аҳоли турар жойларидатаалабалар учун барча шароитларнинг қониқарлилиги (масалан, ўйинчоқларнинг етарлилиги, болалар майдончаларида қурилиш воситаларининг мавжудлиги, ўқув материалларининг етарлилиги).

Вазиятдан тўғри фойдаланиш

Болаларни ёшлигидан бошлаб ёмон одатлардан ҳимоя этиб бориш керак катталар болаларни кичик ёшлигидан бошлаб тўғри таълим-тарбия ишларини олиб боришлари лозим. Бу нарса ҳар бир инсоннинг асосий вазифаси бўлиб, (болаларни ҳимоя этиш ташкилоти, менежерлар ва давлат идоралари раҳбарлари учун энг муҳимдир). Боланинг шахсий ҳаётига тегишли барча ахборотлардан хабардор бўлишлари лозим. Бу ҳар бир мутахассиснинг шахсий ишига киради. Улар шу мутахассислиги бўйича диплом, сертификат ва лицензияга эга бўладилар. Агар, уларнинг олган диплом, сертификат ва лицензиялари шубҳа туғдирса, давлат томонидан бекор қилинади. Лекин, ҳар бир инсон адвокат хизматидан фойдаланиб ўзининг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя эта билиши керак.

Америка Қўшма Штатларида ноқонуний ҳужжат олган мутахассислар судда кўриб чиқилади ва кейин бир қарорга қилинади. Кўпчилик ноқонуний ишлар ҳақида болаларга тўлиқ тушунча берилиши улардан сир тутилмаслиги керак. Бу ҳақда ўқитувчилар маъруза қилишлари ва қарорни кенгаш аъзолари чиқаришлари лозим. Ноқонуний ишлардан дарҳол хабардор бўлишлари лозим.

Ўқувчининг ҳис-туйғусидаги камчиликлари

Ўқитувчилар ўқувчиларга оғир рухий камчиликлар ҳақида тўлиқ ахборотлар бериб боришлари лозим. Ўқитувчилар ва махсус мутахассислар ота-оналарга руҳиятида камчилиги бўлган болаларга қандай ёрдам кўрсатиш ҳақида билим беришлари лозим. Талабалар мактаб ва оила ўртасидаги алоқалар ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлишлари лозим. Икки томонлама алоқа ишлари яхши олиб борилгандагина ишлар яхши самара бериши мумкин. Агар, талабаларнинг хулқ атворида камчилиги бўлса, зудликда ўқитувчилар уларни бартараф этишнинг йўллари излашлари лозим. Ўқувчиларнинг хулқ атворидаги камчиликларни психо-терапевт билан муҳокама этиб туриш керак. Уларга бу мавзуда мактаб раҳбарлари, психологлари, методистлари ўз ўрнида маслаҳат беришлари лозим. Тез-тез ўқувчилар оиласи билан боғланиб туришлари лозим. Ҳеч бўлмаса кўп оилалар даволаш терапияларига мурожаат этишлари лозим.

Даволаш терапияларини ўтказилиши болаларни ёшлигидан бошлаб тўғри соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун асосий манба бўлиб ҳисобланади. Даволаш муолажаларини ўтказишда врачлар яқиндан ёрдам

кўрсатишлари лозим. Тўғри врачлар дорини тавсия этишлари мумкин лекин оналар болаларга дориларни ичиришда жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари лозим. Ота-оналар шуни билишлари лозимки, бу дорилар болаларни нутқини бузилишидаги сабабларни бартараф эта олади. Ота-оналар эса дорииларни ножўя таъсирларини ҳам билишлари лозим.

20.1.Таълим технологияларидан фойдаланиш жараёнида ҳуқуқлардан фойдаланишнинг қоидалари (масалан, ҳуқуқи, маслаҳатлардан фойдаланиш, хавфсизлик чоралари, низолардан, тўғри сиёсатдан фойдаланиш).

Қонуний авторлик ҳуқуқларини билиш

Педагогларнинг авторлик ҳуқуқларини ҳимоя этишда қонунлардан фойдаланишнинг аҳамияти катта. Ўқитувчилар ўзларининг талабалари учун авторлик ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда турли хилдаги ўқув қўлланма ва услубий тавсияномаларни нашр этишлари лозим. Педагогларнинг айрим қизиқарли ўқув қўлланмаларини нашр этишга қонун йўл қўймайди. Айрим ҳолларда мактаб ўқувчилари учун ўқув қўлланмалар қисқа резюме шаклида нашр этилади. Ўқитувчилар шуни билишлари лозимки, ёзиладиган ўқув қўлланмалари давлат қонунлари талабларига мос ҳолда ёзилиши керак. Ўқитувчилар учун энг муҳими, нашр этилган ўқув қўлланма ҳаммага таалукли бўлиши керак. Уларни бир неча копияда нашр этишлари мумкин.

Ўқув материалларига қўйилган талаблар

- * Поэзия: 250-сўздан иборат бўлиши керак.
- * Проза: бир тўлиқ очерк ,2500 сўздан иборат.
- * Иллюстрация: график, расм ва мақолалардан иборат.

Тестлардан фойдаланиш

Тестлар тузилгандан сўнг бир қанча нусхада ўқув қўлланма шаклида копия қилинади. Тестлар ўқув қўлланма шаклида кўпайтирилганидан сўнг ундан фойдаланишга рухсат берилади.

Тестлардан фойдаланишнинг ижобийлиги

Ҳатто кичкина шеърлар ҳам бир нусхада нашр этилади. Бир ўқув йили учун 3-та қисқа элементдан иборат ўқув услубий қўлланма керак бўлади. Бир ўқув услубий қўлланманинг икки марта такрорлаб қўлланилиши тақиқланади. Ўқув қўлланманинг ёзиш жараёни тугатилмасдан туриб, матнни сотиш тақиқланади.

Техасдаги ўқитувчилар учун билим олиш тамойиллари (масалан, талабаларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатлари) сиёсий машғулоти, техас педагогларининг иш жараёнидаги одобининг аҳамияти

Техасдаги ўқитувчилар учун билим олиш тамойиллари таълимнинг энг муҳим масалалари назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Қуйидагилар энг муҳим дидактик тамойиллар қаторига киради:

- * таълимнинг илмий, мунтазам ва изчил бўлиш тамойили;
- * таълим ва тарбиянинг бирлиги тамойили;
- * таълимда назария ва амалиётнинг бирлиги тамойили.

Шунингдек, қуйидаги тамойиллар ҳам мавжуд:

- педагогик жараённинг тизимлилик тамойили-таълим-тарбия ва шахс ривожланиши, муайян тизимга эга эканлигини англатади;

- асосланганлик тамойили-туркум ўқув предметларини ўрганиш объектининг моҳияти, муҳим хусусиятлари, алоқалари, объектив олам билан муайян муносабатларини ўзида ифодалайди. У ҳар бир ўқув предметига тегишли фан асослари сифатида талқин этиб, ўзи учун ядро, ўзак ҳисобланган тизимлаштирувчи маълумотларга эга бўлади ва шу маълумотларнинг шахс томонидан ўзлаштирилиши, унинг аниқ соҳа бўйича билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатларга эга бўлишда таянч бўлиб хизмат қилади.

Инсонпарварлик тамойили - педагогик амалиётда инсонийлаштириш билан биргаликда қўлланилади. Бу ҳар икки тушунча ҳам луғавий жиҳатдан юнонча “humanus” инсонийлик ва “humanitas” инсоният сўзидан олиниб, бир ўзакка эга бўлсада, уларнинг бошқа-бошқа маънолар англатиши олимлар томонидан эътироф этилган. Узлуксизлик тамойили - фан-техника тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш технологияларини амалиётга кенг

кўламда кўллаш ҳозирга замон ва истиқболда мустақил равишда ижодий фаолият кўрсатиш учун шахсга бутун умр етарли бўлган.

Назариянинг амалиёт билан боғлиқлик тамойили-ўқувчилар ўзлаштирган билимлари уларнинг бевосита ҳаёт фаолиятида қўлланган ёки дастуриамал бўлиб хизмат қилгандагина аҳамиятли эканлигига ишора қилади. Амалиётда қўлланмаган билимлар асоссиз бўлиб, қисқа вақт давомида унутилади. Тарбиянинг маълум бир мақсадга қаратилганлиги қондаси болалар жамоасининг ривожланиш истиқболларини кўра билишга ёрдам беради. Ҳар бир тарбиявий тадбир олдиндан пухта ўйланган, муайян мақсадни амалга оширишга бўйсундирилган бўлса, унинг ғоявий-сиёсий даражасини кўтаради, танланган усул ва воситалар мақсадга мувофиқ келади, уларнинг тарбиявий таъсири юқори бўлади.

Тарбия мақсадини белгилашда жамият талаблари, давр нафаси, миллий хусусиятлар асос қилиб олинади. Тарбиянинг мақсади — ҳар томонлама камол топган — мукаммал инсон шахсини тарбиялашдир.

Ўқитувчилар жамоаси ва ҳар бир ўқитувчи ана шу мақсадлардан келиб чиқиб, тарбиявий ишларнинг вазифаларини белгилайди, унинг мазмунини аниқлайди ҳамда мактаб иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда ёш йигит-қизларни тарбиялашнинг шакл ва услубларини танлайди.

Тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик қондаси бу умумий таълим мактаби янги педагогик тафаккур эгаси, муносиб шахс, ўз ишининг устаси бўлган ўқитувчига муҳтож. Ўқитувчининг билим савияси, маънавияти жамиятни ҳаракатга келтирувчи, тараққиётга элтувчи етакчи омиллардан биридир. Ўқитувчи юриш-туриши, хатти-ҳаракати, кийиниши, муомаласи билан ўқувчи қалбига кириши, уни эзгулик сари йўналтириши керак.

Бир бутун педагогик жараёнда таълим доимо тарбиявий вазифаларни, тарбия эса ҳаётни билиш, унга тайёрланишдек масъулиятли вазифани бажаради. Тарбиянинг вазифалари кўп қирралидир. Таълимнинг асосий вазифаси ўқувчи-талабаларни билимлар билан қуроллантириш бўлса, тарбияда ўқувчи-талабанинг жамиятимизда қабул қилинган ахлоқ-одоб қоидаларига мос келадиган эътиқодини, ахлоқий малака ва кўникмаларини, эҳтиёж ва интилишларини таркиб топтириш муҳимдир.

Агар, бола яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатланиб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлиб чиқади. Агар, тарбиясиз, ахлоқи бузилиб ўсса, насихатни қулоғига олмайдиган, ҳар хил бузуқ ишларни қиладиган, нодон, жоҳил бир расвойи олам бўлиб қолади. Тарбия қилувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл

марказига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан бериб, катта қилмоғи лозимдир. Зероки, амри шарифи узра хулқимизни тузатмоққа амр қилинганмиз. Лекин, хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядир.

20.2.Талабалар машғулотиға қўйиладиган талабларнинг аниқ ҳисобга олиниши

Талабалар машғулотиға қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

- * сифат яъни, таълимнинг белгиланган даражасини эгаллаш;
- * оммавий яъни, таълимнинг белгиланган даражасини бир вақтнинг ўзида кўп сонли ўқувчилар эгаллашлари лозим;
- * самарадорлик яъни, таълимга сарф қилинган харажатлар энг кўп самара бериши лозим;
- * олий таълим яъни, ўқув жараёнининг асосий вазифаси –фикрлашни ўргатиш ва билимларни ўзлаштириш;
- * ҳозирги кунда ўқув жараёнининг барча шакллари, барча ўқитиш услубиётлари талабаларни мустақил ишларни фаоллаштириш мақсадида фаоллаштирилмоқда;
- * талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш вазифаларини белгиламоқда.
- * ўқитувчилардан таълимнинг фаол ўқитиш методларидан, тест топшириқларидан, аниқ вазиятлардан мақсадли фойдаланиш талабини қўймоқда.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш фан асосларини пухта ўргатишга боғлиқ эканлигини кўрсатади.

«Касбий педагогика» фанининг асосий тушунчалари, мазмуни касбий таълимнинг турли тизимларида қуйидаги вазифаларни бажариши мумкин:

- ўқитувчиларнинг янги ва янада мураккаб тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўз касбий маҳоратини ошириши;
- касбий-техник таълимнинг янги концепцияларини амалга ошириш восита ва йўлларини яратишга эътиборни қаратиш, фаол-ижодкор шахсни тарбиялаш;
- педагогик билимларни эгаллашга янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш;
- таълим-тарбиянинг самарали шакл ва методларини ишлаб чиқиш;
- ривожланиб боровчи янги педагогик жараёнларни лойиҳалаш, таълим оловчиларнинг барча имкониятлари ва қобилиятларини ишга

солиши учун шароит яратиш, касбий маҳоратни эгаллаши учун сарфланадиган вақтни қисқартиришга эришишдан иборат.

Бугунги кунга келиб, малакали билим тизимининг ривожланиш тенденцияси билимни регионлаштириш, интеграциялаш, стандартлаштириш, демократлаштириш ва бошқаларнинг тўхтовсиз ривожланишини амалга оширади.

Талабалар билимини баҳолашнинг энг муҳим аҳамияти.

Таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш

Баҳолашнинг таълим тизими стратегияси мувофиқлигининг самарадорлигининг ва уни рўёбга чиқаришнинг кейинги таҳлилини мақсад қилиб қўйган жараён деб белгилаш мумкин. Баҳолашнинг муҳимлиги ва юз бераётган ўзгаришларни мониторинг қилиш, тизимнинг ҳамда унинг таркибий қисмларининг кучли ва заиф томонларини имкон қадар илк босқичда аниқлаш учун ҳамда ушбу тизимнинг самарали амал қилишини, сабаблари билан бирга, тавсифлаш учун хизмат қиладиган восита эканлигидан келиб чиқади.

Таълим берувчи ўқитиш билан бир вақтда таълим олувчиларнинг ўрганилаётган мавзунини қандай қилиб идрок этишини, эса сақлашга ҳаракат қилишини ва уни амалда қўллаш малакаларини эгаллашини ҳисобга олиб бориши керак.

Ҳисобга олиш

Ҳисобга олиш-бу ўқитишнинг муайян бир даврда таълим олувчилар ва таълим берувчи фаолиятини умумлаштириб хулосалаш. Ҳисобга олиш натижасида таълим берувчи ҳам, таълим олувчи ҳам ўзларининг кейинги бажарадиган ишларининг шаклини ва мазмунини белгилайди. Ўзлаштиришни ҳисобга олиш таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини рағбатлантириб, маълум бир ҳаракатларни бажариш учун унинг ифодасини тавсифлайди. Шунингдек, ўзлаштиришни ҳисобга олиш таълим берувчининг фаолиятини ташкил этади. Ўқитиш методлари ва шакллари тобора такомиллашуви натижасида баҳо ўқитувчининг педагогик маҳорати кўрсаткичига айланмоқда ва таълим берувчининг ўз малакасини ошириб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Тўғри ташкил этилган ҳисобга олиш натижасида таълим берувчи таълим олувчиларнинг ўзлаштиришини аниқ баҳолай олади, уларнинг ўз

билимларини такомиллаштиришга интилишини юзага келтиради, ақлий ва ахлоқий ривожланишига таъсир этади. Таълим олувчиларнинг ўзлаштириш натижаларини ҳисобга олишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- * ўқув дастури асосида мавзу ва бўлимни ўрганишда таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама назорат қилиш;

- * ҳар бир якунланган мавзу бўйича таълим олувчиларнинг фаолияти тўғрисида тўлиқ хулоса чиқариш;

- * ўртача арифметик маълумотларга таянибгина таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини баҳоламаслик;

- * таълим олувчиларнинг мавжуд билимларга аниқ, батафсил маълумот бериш учун уларнинг бир неча ўқув йилидаги статистик ўзлаштириш маълумотларига асосланиб таҳлил таҳлил этиш.

Демак, ўзлаштиришни назорат қилиш ва ҳисобга олиш назорат, ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларини бажаради.

Назорат қилиш

Назорат қилиш вазифаси ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалар даражасини аниқлаш ва баҳолашдан иборат. Бу ўув материалларини ўрганишнинг кейинги босқичида ўтиш имкониятларини аниқлаштиради ҳамда таълим берувчининг ўқув методлари ва усулларини тўғри танлаганини назорат қилади.

Ўқитиш вазифаси

Ўқитиш вазифаси таълим олувчиларнинг билимини текширишда аниқ кўринади. Янги мавзуни мустаҳкамлаш жараёнида ёки уй вазифасини текширишда таълим олувчиларнинг ўтилган мавзуни такрорлашга, улар учун тушунарсиз бўлган маълумотларни билиб олишлариги имкон туғдиради. Чунки, гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар жавоб бераётган таълим олувчининг фикрини диққат билан тинглашади ва аввал эгаллаган билимларини мустаҳкамлаб, қўшимча маълумотлар билан бойитишади. Ўртоқларининг жавобларига қўшимча қилишга ечилмай қолган саволларга жавоб беришга шайланиш орқали ўрганилаётган мавзуни аниқлаштиришга ҳаракат қилишади.

Назоратнинг тарбиялаш вазифасишундан иборатки, таълим олувчилар текширишга тайёр бўлиши учун дарсларни ўз вақтида тайёрлайдилар, бўш

вақтларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар, интизомга ўрганадилар. Шунингдек, текшириш ва баҳолаш таълим олувчининг ўз билимлари ва қобилиятларини ўзи мустақил аниқлашига ҳам ёрдам беради. Ўзидаги камчиликларни кўра олишга ва уни тугатиш йўлларини излашга кўмаклашади.

Энг асосийси, ўзлаштиришни ҳисобга олиш, шахснинг ижобий фазилатларини шакллантириш, яхши ўқишга хоҳиш уйғотиш, ўқув ишларига виждонан ёндашиш, яхши ўқишга хоҳиш уйғотиш, ўқув ишларига виждонан ёндашиш, жавоб тайёрланишда мустақил бўлиш ҳамда билиш фаолиятини чуқурлаштиришга қаратилмоғи лозим. Агар, назоратнинг ўқитиш ва тарбиялаш вазифалари тўғри амалга оширилса, шахснинг тафаккурини ривожлантиришга, ҳис-туйғулари ва ахлоқий сифатларини тарбиялашга имкон туғдиради. Бу эса ўз-ўзидан назоратнинг ривожлантирувчи вазифаси саналади.

Баҳолашда эътиборга олинадиган омиллар

Фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни баҳолаш учун савол ва тестлар, топшириқлар ва машқлар, лойиҳалар, ёзма ишлар берилади. Назорат саволлари ва тестлар талабаларнинг билим олишга қизиқишларини, мустақил фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга, таққослаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш усулларида фойдалана олиш маҳоратларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Таълим олишнинг давлат тизимида тутган ўрни, ахборотлар ва ёрдам олишда давлатнинг ўрни

Таълим олишнинг давлат тизимида тутган ўрни, ахборотлар ва ёрдам олишда давлатнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Давлат талаблари барча олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот муассасалари учун мажбурий ҳисобланади.

Давлат талабларига мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор истиқболли йўналишларидан, янги ахборот ва педагогик технологияларни жорий этишдан, шунингдек, олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги жаҳон ютуқлари ва тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда, тузатишлар киритилиши ва қўшимчалар қўшилиши мумкин.

Ушбу давлат талабларига қуйидаги таърифлар қўлланилади:

- * олий ўқув юртидан кейинги таълим;

- * жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий педагогика кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури.

- * катта илмий ходим изланувчилар институти;

- * ишлаб чиқаришдан бўшаган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан изланишлар олиб бориш;

- * мустақил изланувчанлик ишлаб чиқаришдан бўшамаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фан доктори даражаси изланувчилари учун олий ўқув юртидан кейинги таълим.

- * катта илмий ходим изланувчи-олий таълим муассасидаёки илмий тадқиқот муассасасига мустақил изланувчанликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;

- * мустақил изланувчи - олий таълим муассасидаёки илмий тадқиқот муассасасига мустақил изланувчанликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилдиган олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига катта илмий ходим изланувчилар лавозимига қабул қилиш олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот муассасалари ташкил этадиган махсус комиссиялар томонидан танлов асосида амалга оширилади.

20.3. Турли вазиятлардаги талабаларнинг касбий фаолияти

Турли вазиятлардаги талабаларнинг касбий фаолиятини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаёт, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида жавоб бера оладиган, болаларга таълим-тарбия беришга махсус тайёрланган одамларнинг меҳнат фаолиятидир.

Фаоллик -бу ўқув жараёнида юзага келадиган вазифаларни онгли мақсадга мувофиқ бажаришга интилишнинг намоён бўлиши. Талабаларни билим,малака ва кўникмаларини фаол эгаллашга рағбатлантирувчи турли усуллар мавжуд. Талабалар билимларни эгаллаш бўйича ҳеч қандай қийинчиликсиз, иштиёқ билан ишлайдиган жараён энг юксак мақсад ҳисобланади. Одатда,ўқувчилар ўзларининг жуда қизиқувчанликлари билан

ажралиб турадилар. Педагоглар улардаги бу хислатни қўллаб – қувватлашлари ва ривожлантириб боришлари лозим.

Талабалар ўз билимларини амалда қўллай олсагина онглиликка эришади. Таълим олиш онглилик – фаоллик билан узвий боғлиқдир. Талабаларнинг активлигини ошириш ўз меҳнат натижасини фойдали эканлигини онгли англаш демакдир. Масалан, талабани бажараётган ишини коллеж кўргазма залига фойдаланиш, уни тезроқ битказишга ҳаракат қилади.

Талабаларнинг юқори фаоллигига: машғулотнинг мазмуни, мақсад, вазифаларини аниқ баён қилиш, ўқувчиларга ижодий характердаги меҳнат топшириқларини бериш. Онглилик ва фаоллик билан фаолиятни олиб бориш талабаларда мустақил ижодий фикрлашни ўстириш заруриятини пайдо қилади.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

- 1. Таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолашга қўйиладиган талаблар нималардан иборат бўлиши керак?*
- 2. Таълим оловчиларнинг ўзлаштириш натижасларини ҳисобга олишда нималарга эътибор қаратилиши лозим?*
- 3. Ўз-ўзини баҳолашни шакллантириш, кучли томонини аниқлаштириб олиш, муаммоларни ечиш, таълим жараёнини ижобийлигини таъминлаш, касбий мақсадни амалга оширишнинг мақсади нималардан иборат бўлиши керак?*

Мустақил иш топшириқлари

1-топшириқ

Бўлажак ўқитувчини тайёрлашда педагогик амалиётнинг ўрни ва аҳамиятини “Чархпалак” жадвали асосида аниқланг.

Бўлажак ўқитувчини тайёрлашда педагогик амалиётнинг ўрни ва аҳамияти мазмуни	Педагогик амалиёт	Педагогик амалиёт мақсади	Педагогик амалиёт вазифалари
Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда ўқув- педагогик жараёнининг асосий қисми ҳисобланади			
Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш, олган билимларини амалиётда синаб кўриш, педагогик фаолият масъулиятини ҳис этишга ўз устида ишлаш кўникмасини шакллантириш, шунингдек, тажрибали ўқитувчиларнинг иш фаолиятини ўрганишдан иборат.			
• Талабаларда ўқитувчи касбига қизиқишни тарбиялаш; • Педагогик фаолият ҳақида бир бутун тушунчани шакллантириш; • Педагогик кўникма ва малакаларни шакллантириш; • Педагогик фаолият бўйича тажрибани яратиш.			
Мосламалар ва транспортлар орасида ўзаро боғлиқликни ҳосил қилиш			
Бутунлай автоматлаштириш ёки ярим автоматлаштириш, махсус ёки универсал ускуналар иш жараёни			

2-топшириқ

Педагогик амалиёт турларига доир “Тоифалаш жадвали”ни тўлдилинг.

1-босқич - танишув- педагогик амалиёти	2-босқич - ўқув- педагогик амалиёти.	3-босқич - фаол педагогик амалиёт

3-топширик

Педагогик амалиёт ҳисоботига қўйиладиган талаблар мавзусига оид “Инсерт” жадвалиги тегишли белгиларни қўйинг.

Касб-хунар коллежларида мавжуд бўлган ўқув машғулотларини таълим шакллари	Тегисли белги
Тўлиқ комбинацияланган ўқув машғулоти – назарий таълим шакли бўлиб, у касб-хунар коллежларида энг кўп қўлланиладиган ўқув машғулотлар турига кириди ва барча фанларда фойдаланилади. Тўлиқ комбинацияланган ўқув машғулоти – назарий таълим шакли бўлиб, у касб-хунар коллежларида энг кўп қўлланиладиган ўқув машғулотлар турига кириди ва барча фанларда фойдаланилади. Янги билимларни эгаллаш бўйича ўқув машғулоти. Бу машғулоти кўпинча дастлабки дарсларда ўқувчиларга назарий-янги билимларни бериш учун ишлатилади. Ушбу машғулоти қуйидаги схема асосида амалга оширилади. Билимларни мустаҳкамлаш ва кўникма, малакаларни шакллантириш бўйича амалий ўқув машғулоти. Бу машғулоти барча ўқув фанларини ўқитишда энг кўп қўлланиладиган аудитория машғулотлари турига кириди. Ушбу машғулоти қуйидаги схема асосида амалга оширилади. Билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш бўйича амалий ўқув машғулоти. Бу машғулоти семинар машғулоти деб ҳам аталади. Ушбу машғулотдан кўпинча ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда фойдаланилади. Бу машғулоти қуйидаги схема асосида амалга оширилади. Билимларни мустаҳкамлаш ва кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича амалий ўқув машғулоти. Бу машғулоти тажриба машғулоти деб ҳам аталади. Ушбу машғулотдан кўпинча табиий ва техник фанларни ўқитишда фойдаланилади. Бу машғулоти қуйидаги схема асосида амалга оширилади.	

КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА ФАНИДАН ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Ахлоқшунослик – ахлоқни жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси сифатида баҳоловчи ижтимоий фан тармоғи.

Ахлоқий маданият – 1) борлиқни ахлоқий жиҳатдан англаш, баҳолаш ва ўзгартириш учун инсонга имконият яратувчи маданият тури; 2) инсониятнинг ахлоққа оид маданий тажрибасини ифодалаб, кишилар ўртасидаги муносабатларда қадриятларга, ахлоқий меъёр ва тамойилларга амал қилиши ҳамда шахсни ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб боришидан иборат кўникмаларни йиғиндиси.

Ахлоқий тарбия – ўқувчи ёки талабада ўзаро бир-бирига жамият аъзоларига нисбатан қабул қилинган меъёрлар асосида муносабатларни шакллантириш жараёни.

Ахлоқий тренинг – турли вазиятларда, масалан, муомала маданиятини эгаллашга оид хулқ-атвор, кўникма ва малакаларини ўзлаштиришга йўналтирилган тренинг.

Ахлоқий хислатлар – ахлоқ одобга оид муҳим сифатлар.

Ахлоқсиз – яхши тарбия кўрмаган, ахлоқ қоидаларига бўйсунмайдиган, интизомсиз бола.

Ахлоқсизлик – ахлоқ қонун қоидаларига ҳилоф иш, хатти-ҳаракат.

Аъло (араб.-юқори) – 1) сифатли, фазилатлари жиҳатдан энг яхши, энг юқори, асил; 2) мадраса талабаларининг юқори гуруҳи (қ.Мадраса); 3) ўқув юртлари, мактабларда ўқувчилар билимларини баҳолашнинг беш балли тизимидаги энг юқори баҳо («5» баҳо).

Аълочи – барча ўқув фанларидан аъло баҳо олишга эришган ўқувчи ёки талаба.

Ақл – инсон миясининг дунёни акс эттириш ва шахснинг воқеликка бўлган муносабатларини бошқариб турадиган фаолияти.

Ақли заиф болалар мактаби – ақли заиф болаларни махсус методика асосида ўқитадиган умумий ўрта таълим мактаби.

Ақлий– ақл идрок фаолиятига, фикр юритишга оид; интеллектуал. Ақлий қобилият.

Ақлий тарбия–баркамол шахсни ҳаётга тайёрлаш учун зарур бўлган барча ақлий жараёнлар, билиш қобилиятларини мақсадга мувофиқ шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат жараён.

Ақлий тарбияланганлик – ақлий сифатларнинг ривожланганлик даражаси.

Ақлий тестлар – шахс ақлий заҳирасини намоён қилишга қаратилган психологик диагностика методикаси.

Ақлий ҳужум – муаммони ҳал этишга нисбатан интеллукуал ёндашув. Бунда муаммони ҳал этишга оид шахсий фаразлар илгари сурилади.

«Ақлий ҳужум» методи– муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этишда кенг қўлланиладиган метод.

Баркамол шахс – камолга етган, бекаму кўст, тўла-тўқис инсон, ақлан ва ахлоқан пок, жисмонан соғлом, нафосатли, жамиятда ўзлигини таниган, мустақил фикрлайдиган, эркин, ижодкор, ташаббускор, ишбилармон, фидоий шахс.

Барқарорлик –доимий, мустаҳкам амал қилувчи ҳолатга эришиш, шунингдек, ушбу ҳолатнинг доимийлиги, мустаҳкамлигини ифодаловчи педагогик тушунчалар.

Баҳо – таълим олувчилар билим, кўникма ва малакаларининг миқдорий баҳолашда бал ёки рақамлар воситасида шартли ифодаланиши.

Баҳолаш –ўқувчи ёки талабанинг эгаллаган билим, кўникма ва малакалари ҳамда шахсий сифати даражаларини белгилаш.

Белгили маълумот –алифбо - рақамли белгилар мажмуи яъни, сонли ва сифат белгиларини ўзида мужассамлаштирган маълумот.

«Бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси, ...) ортиқча» методи – таҳсил олувчиларнинг мантиқий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол метод.

Библиография – 1) фойдаланилган босма асарларнинг тизимлаштирилган илмий рўйхати. 2) шундай рўйхатлар тузиш усуллари билан шуғулланувчи илмий соҳа. 3) бирор масалага доир китоб, журнал ва мақолалар рўйхати. 4) газета ва журналларнинг янги чиққан китоблар ҳақида ахборот бериб борадиган махсус бўлими.

«Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим» методи – таҳсил олувчиларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беришга қаратилган интерфаол метод.

Билагон –ҳар нарсадан хабардор, билимдон шахс.

“Билагонлар кўчаси” – дидактик ўйин тури.Бунда ҳар гуруҳ портретларда тасвирланган ёки ўзлари танлаб олган варақаларда номлари ёзилган давлат арбоблари, олимлар, спортчилар кабиларнинг ҳаёти, фаолияти тўғрисида ҳикоя қилиб беришлари керак бўлади.

Билим – ўқувчи ва талабаларнинг табиат, жамият, фан-техника ютуқлари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари. Ўқувчи ёки талабаларга тақдим этиладиган назарий маълумот.

Билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш– ўқитувчининг ўқув материалларини тақдим этиш жараёнида мустаҳкамлик принципини таъминлашга қаратилган махсус ишлари.

Билимдон – катта назарий маълумотга эга бўлган ўқимишли, илмли, билимли шахс.

Билимсиз – билим ва маълумотга эга бўлмаган ўқимаган шахс.

Билиш – 1) таълим жараёнида ўқувчи ва талабаларга тақдим этилган ўқув материалларининг ўзлаштирилганлик даражаси; 2) борлиқ ва унинг объектив қонуниятларни ўрганиш, ўзлаштириш, эгаллаш.

Билиш компоненти– бошқаларни ва ўз-ўзини билишга қаратилган психик жараёнлар: сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, ҳаёл ва ҳ.к.

Билиш назарияси (гносеология, эпистемология) – билиш қонуниятлари ва имкониятлари, билимнинг объектив реалликка муносабатини ўрганади, билиш жараёнининг босқичлари ва шакллари, билишнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги шартлари ва мезонларини тадқиқ қилади.

Билмоқ – муайян соҳада маълумотга, билимга эга бўлмоқ.

Бинар дарс – таълим олувчилар билимдонликни таркиб топтириш имконини берадиган мужассамлашган дарс.

Биографик метод – педагогик тадқиқот усули, шахс келажагини лойиҳалаштириш, тузатиш (коррекциялаш), таххислаш методи.

Бирлашган миллатлар ташкилоти болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) – Бирлашган миллатлар ташкилотининг асосий жамғармаларидан бири, узок вақт давом этган уруш натижасида катта қийинчиликларга дучор бўлган Европа болаларига ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида 1946 йилда тузилган.

Бит-дарс – таркибида суҳбат, ўйин ва ижодий машқларни қамраб олувчи мусобақа характеридаги қизиқарли дарс.

Боб - дарслик, қўлланма ва бадиий асарнинг тугал мазмунга эга бўлган қисми.

Бодибилдинг, культуризм (инг. Body-Bulding – тана тузилиши) – спорт тури; тана мушакларини гантель, штанга, тош ва ҳ.к.лар ёрдамида ривожлантириш, уни чиройли ва бақувват қилишга қаратилган машқлар тизими.

Бола ҳуқуқи – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари Конвенцияси томонидан тасдиқланган умумий, меъёрий қонун қоидалар мажмуи.

Болалар адабий ижодкорлиги – болаларнинг бадиий сўз санъати ёрдамида ўз туйғулари, фикрлари, борлиқни бадиий-образли идрок этиш ва уни ифодалаш имкониятлари.

Болалар боғчаларидаги машғулотлар – мактабгача таълим ёшидаги болалар билан болалар боғчаларида ўтказиладиган таълимий ишлар.

Болалар боғчаси – мактаб ёшигача бўлган болаларни тарбияловчи муассаса. Биринчи марта 1837 йил Германияда немис педагоги Ф.Фребель томонидан ташкил этилган. Болалар боғчаси халқ таълими тизимининг дастлабки бўғини ҳисобланади. (қ. Мактабгача ёшдаги болалар тарбияси). Ўзбекистонда одатдаги Болалар боғчаси 3-7 ёшли болаларга мўлжалланган.

Болалар боғчаси тарбиячиларининг методбирлашмалари – болалар боғчаси тарбиячиларининг педагогик малака ошириш ва тажриба алмашиш орқали методик ишларни ташкил этишга кўмаклашадиган уюшмаси.

Болалар боғчасида конструкциялаш – “конструктор” ёрдамида турли ўйинли қурилиш материалларидан ҳар хил объектлар масалан, уйча, машина, кема, кўприкча кабиларни яшагача қаратилган ўйин ва машғулотлар.

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси – гигиенанинг бир соҳаси; гўдакликдан бошлаб то 17-18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш масалалари билан шуғулланади.

Болалар жамоаси – муайян умумий мақсади ва фаолият турига кўра бирлашган болалар гуруҳи.

Болалар журналлари – болаларнинг ўқишига мўлжалланган даврий нашр.

Болалар ижодий кўргазмаси – болалар ҳаваскорлик ижодий ишларини оммавий намойиш этиш жараёни.

Болалар ижодиёт уйи – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тасарруфидаги мактабдан ташқари таълим муассасаси. 2005 йилда ташкил этилган.

Болалар кинофильмлари – болалар ёши ва дунёқарашига мос бўлиб, уларга таълим-тарбия беришга қаратилган кинофильмлар.

Болалар конференцияси – турли асарлар ва долзарб масалалар муҳокамасига бағишлаб ўтказиладиган синфдан ва мактабдан ташқари таълимий тадбирлар.

Болалар кутубхонаси – мактаб ёшидаги болалалар ва ўсмирларга хизмат кўрсатадиган муассаса. Ўзбекистонда бундай кутубхоналар оммавий равишда 30-йилларда вужудга кела бошлаган.

Болалар майдончалари – мактаб ва мактабдан ташқари муассасалар қошида болалар бўш вақтини ташкил этишнинг мажмуавий шакли.

Болалар мусиқа мактаблари – қ. мусиқа мактаблари.

Болалар мусиқаси – болаларнинг тинглаши ва ижро этиши учун мўлжалланган мусиқа асари. Болалар мусиқаси намуналари содда шакли, ёрқин ифодаси, жонли бадий мазмуни билан ажралиб туради.

Болалар нафақалари – давлат нафақалари тўлашга оид Қонунга кўра вояга етмаган жисмонан носоғлом болаларга ойлик нафақа тўлаш

Болалар психологияси – психология соҳаси, болалар психологик ривожланишнинг умумий ва алоҳида хусусиятларини, турли ёш босқичларида бу жараён қандай кечиши, уни ҳаракатлантирувчи кучлар ва қонуниятларни тадқиқ қилади.

Болалар спорт мактаби – болаларга спортнинг муайян турлари бўйича таълим-тарбия берадиган махсус ихтисослашган ўқув муассасаси.

Болалар танловлари – **фан**, техника, адабиёт, санъат каби соҳалар бўйича болаларнинг ўзаро мусобақалашishi.

Болалар театри – 1) болалар томонидан ижро этиладиган спектакллар.

Болалар техника ижоди - болалар фаолиятининг тури. Одатда бу фаолият моделлар, механизмлар, оддийроқ машиналар, асбоблар, радио электрон қурилмалари ва ш.к.ни яшашдан иборат.

Болалар уйи – қ. Меҳрибонлик уйи.

Болалар фольклори – оғзакиижод намуналари. Одатда болалар ёки улар учун катталар томонидан яратилади. Фольклор жанрининг таркибий қисми.

Болалар хори – юқори ва қуйи овоз тембрига эга бўлган ўғил ва қиз болалардан ташкил топган қўшиқ куйловчи жамоа.

Болалар яслиси – Ясли боғча.

Болалар ўйин қўшиқлари – фольклоржанри. Болалар ўйини жараёнида айтилади. Болалар ўйинининг таркибий қисми бўлиб, ўйин учун замин, кайфият ҳозирлайди, иштирокчилар ҳаракатини тўлдиради, драматик ҳолатни юзага келтиради.

Болалар ўйинлари – болаларниаклий, ахлоқий, жисмоний ва эстетик тарбиялаш воситаларидан бири. Болалар ўйинлари болаларни жисмоний, аклий ва маънавий тарбиялаш воситаси.

Болалар –ўсмирлар спорт мактаблари - Спорт мактаблари.

Болаларни оталиққа олиш жамияти – Россияда 19 аср охиридан бошлаб болаларнинг ҳаёт шароитларини яхшилаш ва таълим-тарбия самарадорлигига эришиш мақсадида ташкил этилган жамият.

Болаларнинг анатомик-физиологик хусусиятлари – бола организмнинг тузилиши, вазифалари, унинг ўсиши ва ривожланишини ўрганувчи ўқув предмети.

Ботирлик – хавф-хатарли ишга дадил киришиш ва амалга оширишда намоён бўлувчи шахсий сифат.

Бош компьютер – ўқув жараёнида кўп машинали ҳисоблаш мажмуаларида бошқа компьютерларни бошқарадиган, тизимда (ҳисоблаш тармоғида)

ишларни ташкиллаштирадиган ва асосий ахборот ишловини амалга оширадиган компьютер.

Бошланғич курс – муайян ўқув фан соҳаси йўналишидаги илк, бошланғич билимлар ва ушбу соҳага тегишли содда маълумотларнинг тизимли баёни ифодаланган ўқув кўрсатмалар.

Бошланғич мактаб – болаларга бошланғич умумий маълумот берадиган умумтаълим ўқув-тарбия муассасаси. Унинг вазифаси ўқувчиларда ёзиш, ўқиш, ҳисоблаш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, табиат ва жамият ҳақида илк билимлар бериш, хулқ-одобга ўргатишдан иборат. Бугунги кунда Ўзбекистонда бошланғич мактаблар йўқ.

Бошланғич таълим – умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи ЎзРда бошланғич таълим 1-4-синфларни қамраб олади. Унда таълим бериш, уларни ақлий, маънавий, жисмоний камол топтиришнинг дастлабки босқичи.

Бошланғич таълим Давлат таълим стандарти - бошланғич таълим мазмуни ва ушбу ўқув предмети бўйича ўқувчилар эгаллайдиган билим, кўникма, малакаларга қўйилган талабларни давлат томонидан тасдиқланган эталони, модели.

“Бошланғич таълим” журнали – 1- 4- синф ўқитувчилари, педагогика коллежлари, педагогика институтларининг бошланғич таълим факультетлариталабаларига мўлжалланган 2 ойда 1 марта чиқадиган илмий методик, ахлоқий-таълимий оммабоп журнал.

Бошланғич таълим педагогикаси – 1) бошланғич таълими назарияси ҳамда методикаси бўйича талабаларга муайян билим, кўникма, малакалар ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув фани; 2) бошланғич таълим методикаси бошланғич синф ўқитиш методикаси билан бўлажак талабаларни куруллантиришга ихтисослашган ўқув фани; 3) педагогиканинг бошланғич таълими назарий, асосий ва амалий асосларини ёритишга асосланган махсус бўлими; 4) бошланғич таълим методикасини ёритишга хизмат қиладиган алоҳида соҳаси.

Бошқариш – жараёни режалаштирилган маромда амалга ошириш, ўқитиш мақсадларига эришиш дастурини рўёбга чиқариш учун хизмат қиладиган педагогик фаолият.

Бошқариш педагогикаси – таълим муассасаларини бошқаришнинг назарий-амалий асослари.

Бошқарувчи педагогик технология – нафақат яхлит педагогик жараёни, балки унинг алоҳида қисмларини қамраб олувчи, юксак ижтимоийлаштирилган шарт-шароитни таъмин этувчи технологиялардир, уларга ташхисловчи, мониторинг, шунингдек, коррекция қилувчи технологиялар киради.

Брайль шрифти – бўртма нукталардан иборат. Кўзи ожизлар ўқиш ва ёзиш учун мўлжалланган. Л.Брайл томонидан яратилган Брайль шрифти асосида 6 нуктани турли вазиятда уйғунлаштиришга асосланган ёзув.

Брейнсторминг – таълим олувчиларнинг ижодий ишларини ҳамкорликда ташкил этишларига оид махсус метод.

Бригада-лаборатория методи – мактаб ўқув жараёнини ташкил этиш усулларида бири-Америкача далтон-планнинг бир кўриниши бўлиб, мустақил ўқув-лаборатория ишларини ўқувчилар бригадаси томонидан бажарилишига асосланган.

“Бумеранг” технологияси – ўқувчини машғулот ва машғулотдан ташқари жараёнларда турли ўқув адабиётлари, муаммоли тажриба бажариш мазмуни билан таништириш, фикрни эркин баён этиш ҳамда муайян тажрибани бажариш давомида уни баҳолашга қаратилган технология.

Бурч – ўқувчи ёки талабанинг, бирор шахс, оила, жамоа, эл-юрт, Ватан олдидаги мажбуриятини англатувчи ахлоқий тушунча.

Бутун сўзлар усули – савод ўргатишнинг илк даврида ўқувчилар диққатига бир қанча сўзлар ва уларнинг график ифодаси (яъни ёзма шакли) тақдим этилиб, сўзлар бўғинларга бўлиб таҳлил этилмай, фақат ўқувчининг кўрув хотирасига таяниб савод ўргатишнинг аналитик методларидан бири.

Бўш вақт – 1) кишининг мажбурий-ижтимоий меҳнати ва бошқа мажбурий машғулотлардан ташқари вақтининг бир жисми; 2) ўз ҳохишига кўра маънавий ва жисмоний ривожланиш, дам олиш учун сарфланадиган вақт.

Касб – махсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун назарий билимлар мажмуасини, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаган, унга жисмоний имконият, ақлий қобилият ва юридик ҳуқуқларни таъминловчи инсоний меҳнат фаолиятининг тури.

Кайковус (XI аср) *Тўлиқ исми* – Унсурул Маолий Кайковус. Ҳаёти ҳақида тўлиқ маълумот йўқ. У /арбий Эрон подшоҳи Шамсул Маоний Қобуснинг набираси бўлган.

Асарлари: Кайковус ўғли Гилоншоҳга атаб «Қобуснома» асарини 60 ёшида ёзади. Асар панд-насихат тарзида ёзилган бўлиб, унда ёшлар тарбиясида жувонмардлик талабларидан энг муҳими ахлоқ тарбиясига алоҳида эътибор беради. Кайковус ёшларда юксак ахлоқий фазилатларни таркиб топтиришни истайди, ёшларни доимо тўғрилиқка, яхшилиқка, адолатлиликка ундайди. Асарда асосан ўзгаларга нисбатан инсоний муносабатда бўлишлик уқтирилади. Ушбу асар мазмунини талабаларга етказиб бериш натижасида талабаларда адолатлилик, сахийлик, самимийлик, инсонпарварлик, қаноатлилик каби ижобий сифатларни таркиб топтириш мумкин.

Камтарлик - ахлоқий тушунча. Шахс кишиларга ва ўз-ўзига муносабатини ифодалашда ўзига нисбатан ортиқ хурмат ва эътиборни талаб қилмасликда

намоён бўлувчи фазилят. Кишилар билан яхши муомалада бўлишда, бошқаларга ҳурмат билан қарашда, ўзини бошқалардан устун қўймасликда, ўзининг мувоффақиятидан мақсатмасликда, ўз хатти-ҳаракати ва хулқиға танқидий кўз билан қарашда кўринади. Камтарликнинг зидди – манманлик, мақтанчоқлик, кибру ҳаволик ва шу кабилар. (ЎзМЭ. Т.: 2002, 4-том, 422-бет).

Касб – кишининг меҳнат фаолияти, доимий машғулот тури; иш турини малакали бажаришға имкон берадиган билим, маҳорат, тажрибани талаб этади. Касблар ичида меҳнат фаолиятининг энг тор соҳаси билан ажралиб турадиган ихтисосликлар бор. Масалан, врач касбига хирург, офтальмолог, невролог, дерматолог ва бошқалар. Касб, одатда, шахснинг асосий тирикчилик манбаи ҳисобланади.

Касбий маданият – меҳнат фаолиятида намоён бўлади. Маданиятнинг бу қисмини ўзлаштириш кўрсаткичлари ва натижалари касбий лаёқатлилиги, ишлаб чиқариш, фойдаланиш, ишчи ҳолатида сақлаб туриш қобилиятлари, касбий ҳаракатчанлик; ўқиш, билимларни ва қурилмаларни қўллаш малакасини ошириш; ихтисосланиш қобилияти; ташкилий лаёқатлилиги – касбий фаолиятнинг масалалари тўғрисида ўзини-ўзи ахборот билан таъминлаш, ўз хатти-ҳаракатларини биргаликдаги фаолияти бўйича ҳамкасб шериклари билан мувофиқлаштириш, қарор қабул қилишда ўзини-ўзи идора қилиш, мустақиллик, якуний натижаға йўналтирилган ўзини-ўзи текшириш, расмий шахслар билан иш юзасидан олиб бориладиган муносабатларни тузишда, ишға олиш ҳужжатларини расмийлаштиришдаги касбий, ахлоқий кўриниши иш жойини ва асбобларни тутиши, илғор тажриба, инновацион жараёнлар, замонавий технологияларни англаш ва қўллашнинг ижодий қобилиятларидир.

Касбий тавсифнома – касбнинг таърифий модели. Касб-ҳунарға тегишли бўлган мутахассисликлар номлари: касбнинг вазифаси ва қўллаш доираси; малакани ошириш истиқболлари; ўқитиш чегаралари (касб-ҳунарға эға бўлиш учун талаб этиладиган умумий таълим даражаси); касбий муҳимликка эға бўлган шахс сифатларининг психологик-физиологик минимуми (тиббий ва ёшға оид чеклашлар); касбий фаолиятнинг таркибий предметлари мажмуаси.

Касбий тайёргарлик – аниқ касбий фаолият доирасида иш бажаришға имкон берувчи билимлар, кўникма ва малакаларни шакллантирувчи жараён.

Касбий тайёргарлик мазмунининг мажбурий минимуми – касбий тайёргарликнинг зарурий минимал даражасини таъминловчи компоненти касбий тайёргарлик таркибида, ўзлаштириш даражаларини кўрсатиб ўқув

шакллари, предмет соҳалари катталаштирилган ўқув элементларини ажратиб кўрсатиш воситаси билан шаклланади.

Касбий тарбия – шахсни касбий шакллантиришнинг икки томони мавжуд. Шахснинг ўз индивидуал хусусиятларга боғлиқ бўлган ички томони ва муайян жамиятнинг муайян ижтимоий-иқтисодий ва тарихий шароилари ва мақсадлари билан аниқлайдиган ташқи томонлари. Бўлажак мутахассисни касбий меҳнат фаолиятига тайёрлаш ва меҳнат бозорида рақобат қила олишга тайёрлиги ва қобилиятини таъминлаш мақсадида ижтимоий етук шахсни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни. Бу индивиднинг талаблари, қобилиятлари, руҳий-жисмоний имкониятлари ҳамда ижтимоий ва ижтимоий этник омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёни ва ўқув ишлаб чиқариш фаолияти доирасида дастурлаштирилади ва амалга оширилади.

Касбий фаолиятнинг мазмуний параметрлари – фаолият модели ва муайян касб-ҳунар (мутахассислик) моделларининг таърифий мажмуи. Касбий фаолият турлари ва ўқитиш предметларига мувофиқ билимлар ва малакалар ҳақида маълумотларни ўз ичига олади.

Касбий фаолият соҳаси – касбий билим, малака ва кўникмаларнинг қўлланиш доираси. Унинг номланиши иқтисодий-ижтимоий соҳалар номлари билан мослаштирилади.

Касбий функция – бу тегишли ўқув муассасаларининг битирувчисига тегишли бўлиб, шахснинг ҳаётда эгаллаган соҳасида фаолият кўрсата олиш, ўз касби доирасидаги билимларни ўзлаштириш ва уларни оғишмай амалда жорий эта олиш фаолиятидир.

Касб-ҳунар коллежи (КХК) - бу ДТС лар доирасида **ЎМКХТ** ни беради. Бунда ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча мутахассисликни эгаллаш имконини беради. 2019-ўқув йилидан бошлаб, 6-ойликдан 2-йиллик касб-ҳунар коллежларига қабул юўлади.

Касб-ҳунар коллежларида тайёрлов йўналишлари – аниқ касбий йўналиш фаолияти соҳасида мутахассисларга касбий таълим бериш доираси. Мутахассисларни касбий фаолиятнинг аниқ соҳаси бўйича тайёрлаш йўналишининг номи меҳнат фаолиятининг мазмуни ва хусусияти орқали аниқланади.

Касб-ҳунар таълими– Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида» ги қонунга мувофиқ умумий таълим мактаблари (9-синф) ни тугутган ўқувчилар қабул қилинади. Таълим муддати 3 йил. КХК ўрта махсус касб-ҳунар таълими

беради; ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир мутахассислик ва 2-3 ишчи – касб малака кўникмаларини эгаллаш имконини беради. КХТ ларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танланган ихтисосликларига эга бўлишини таъминлайди **Кашфиёт** – изланиш, тадқиқот, илмий тадқиқот натижасида, баъзан эса тасодифан топилган, яратилган илмий янгилик. Унда табиат ҳодислари ва жамият қонуниятларини онгли равишда илмий идрок қилиш натижасида эришилади. Кашфиёт туфайли моддий дунёнинг илгари инсониятга маълум бўлмаган объектив қонуниятлар, хоссалари ва ҳодисалари маълум бўлади.

Кашфиёт инсониятнинг билиш жараёнининг даражасини тубдан ўзгартиради ва у фан-техника инқилобининг асосини ташкил этади яъни, фан ва техника тараққиётига тубдан янги йўналишларни бахш этади. .

Каталог — 1. Излаб топиш қулайлигини ҳисобга олиб, тартибга солинган объектлар рўйхати.

2. Информатикада бир хил турдаги объектлар орасидан кидиришни таъминлайдиган маълумотларнинг тузилмасини аниқловчи маълумотнома. Объектлар сифатида маълумотлар элементлари, файллар, дастурлар, серверлар, миқрозлар, принтерлар, магнитли ва оптик тўпловчилар ва бошқалар бўлиши мумкин.

3. Амалий тизимларда талабқилинган маълумотлар йиғмасини ўз ичига олган жилд жойлашган ерини топиш учун бошқарувчи дастур томонидан ишлатиладиган индекслар мажмуи.

Катталиқ – бирор объектни ҳарактерловчи ва унинг муайян бир нусхаси учун берилган сонли ёки матнли қийматни белгиловчи кўрсаткич (*Абдуқодиров А.А ва бошқалар «Ахборот технологиялари» Т.: 2002 й. 135 бет.*)

Кафедра – бир ёки ўзаро боғлиқ бўлган бир неча фанлардан педагогик, услубий ва илмий ишлар олиб боровчи профессор-ўқитувчилар жамоаси.

Квалиметрия – бу шахс интеллектуал ривожини ва тарбиясини ҳақидаги сифатий маълумотларни унинг сонли ҳарактеристикасини орқали ифодалаш ҳақидаги педагогик метод.

Креатив – бу тадқиқотчилик ҳарактерига эга. Ўқувчиларда ижодий тафаккурни жадал (мақсадга йўналтирилган) равишда ривожлантириш таълими.

Кибернетик китоблар – математик моделлаштириш воситалари ёрдамида ҳодиса ва жараёнларни ҳамда манбаларни ҳар томонлама ўрганиш ва тадқиқ қилишга ёрдам боровчи китоблардир.

Кибернетик тизимлар – бу кибернетика фани шуғулланадиган ва бевосита кибернетик методлардан фойдаланиладиган тизимлардир.

Кириш назорати – касбий аҳамиятга эга бўлган умумий таълим фанлари бўйича билимларни баҳолаш. Ўқув муассасасига киришда амалга оширилади (сухбат, тест ва бошқа синон турлари орқали).

Китоб – Ахборотларни, ғоя, образ ва билимларни сақлаш ҳамда тарқатиш, ижтимоий-сиёсий, илмий эстетик қарашларни шакллантириш воситаси; билимларни тарғиботи ва тарбия қуроли; бадиий ва илмий асар ҳамда ижтимоий адабиёт. Халқаро статистикада ЮНЕСКО тавсиясига кўра ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган, табоқлаб тикилган нодавлат нашрни шартли равишда китоб дейиш қабул қилинган.

Кичик мутахассис – умумтаълим ва касб-ҳунар таълими дастурини моваффақиятли ўзлаштирган ЎМҚХТ ўқув муассасалари битирувчиларига бериладиган малака даражаси. Кичик мутахассис:

- тегишли ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида унумли фаолият кўрсата олишни таъминлайдиган назарий ва амалий билимлар мажмуасига, касбий билим, малака ва кўникмаларга эга;

- мазкур жамиятда ўзининг муваффақиятли ҳаёт даражасини таъминлайдиган умумий ва касбий маданиятга, ижтимоий аҳамиятли хусусиятларга ва шахсий сифатларга эга.

Кичик технологиялар – ўқув тарбия жараёнининг алоҳида қисмларини ўз ичига олади. Бу айрим дидактик ва тарбиявий масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланади яъни, улар: таълим технологияси; дарс технологияси; билимлар ва тушунчаларни шакллантириш технологияси; талабалар ўзлаштиришини назорат қилиш ва ҳоказо.

Кузатиш методи-объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни тизимли,узлуксиз,батартиб,мукаммал идрок қилиш жараёни.

Кузатиш технологияси-илмий тадқиқот ишларини бажариш давомида тадқиқотнинг амалий жиҳатларини муайян алгоритмик тизимда амалга ошириш технологияси.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон республикаси “Таълим тўғрисида” ги қонуни. Т.1997.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т.1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. Ўзбекистон ,1997.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.. Т. Ўзбекистон ,1997.
5. Абдухолиқов С. ва бошқалар. Инженерлик и педагогикаси ва илғор педагогик технологиялар фанидан услубий қўлланма. Т;2003.
6. Асқарова Ў.М. Ҳайитбоев М. Педагогика. Тошкент:2008.
7. Ибрагимов Х, Абдуллаев Ш. Педагогика назарияси. Дарслик. Т. Фан ва технология. 2008.
8. Иноятлов У.И, Муслимов Н.А, Рўзиева И.Д. Педагогика. ТДПУ, 2013.
9. А.И. Авазбоев, Я.У. Исмадиёров. Касбий педагогика. Т;2014.
10. Маҳкамова М.Ю. Педагогик технологиялар. Т; Фан ва технология, 2012.
11. Нишоналиев У.Н. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. Т;2007.
12. Рашидов Н.Ғ. ва бошқалар. Касбий педагогика блокини ўқитиш методикаси. Ўқув-услубий қўлланма. Т;2007.
13. Сайфуллаев Б. Исакулова Н. Касбий педагогика. Т;2015.
14. Хўжабоев А.Р. Касбий таълимнинг методологик асослари. Ўқув қўлланма. Т;2004.
15. Шарон Вунне, М.С. Касбий педагогика ва маҳорат. АҚШ. 2015.
16. Шарипов Ш. ва бошқалар. Касбий таълим методологияси. Ўқув услубий қўлланма. Т; ТДПУ. 2005.
17. Шарипов Ш. Касб-ҳунар таълими тизимида ўқувчиларда ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришнинг узлуксизлиги. Монография. Т; Фан, 2005.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-боб. Инсоннинг ривожланиш жараёнлари.....	5
1.1. Мавзунинг қисқача таърифи. Инсоннинг ривожланиш жараёнлари.	5
1.2. Жисмоний ривожланиш.....	7
1.3. Илк болалик даври.....	8
1.4. Когнитив (академик) ривожланиш.....	9
1.5. Ўқувчиларни билишга бўлган қизиқишларини шакллантириш.....	11
2-боб. Илк болалик даврида болаларнинг ривожланишларини таҳлил қилиш йўллари, уларни ўрганиш, билиш жараёнларини ривожлантириш йўллари таҳлил қилиш.....	15
2.1. Когнитив ривожланишдан орқада қолишни аниқлаш.....	15
2.2. Ривожланаётган болаларнинг эҳтиёжларини қондириш.....	16
3-боб. Болаларда жисмоний ўзгаришларни пайдо бўлиши. уларнинг жисмоний ўсиши ва соғлигига (овқатланиш, уйқу, ҳомиладорлик даври) таъсир этувчи омилларнинг бошқа қобилиятларга таъсирини кўрсатиш. Когнетив, ижтимоий, ҳиссий).....	19
3.1. Илк болалик ва бошланғич ўзгаришлар.....	20
3.2. Ўсмирлик даври ўзгаришлари.....	20
3.3. Муомала маданиятининг ўзига хос хусусиятлари.....	21
4-боб. Талабаларнинг илк болалик даврида (эътиборни камлиги, ота-она ажрашиши, уйсизлик) ижтимоий ривожланишнинг ҳиссий ривожланишларига таъсири (Когнитив ва жисмоний).....	24
4.1. Талабаларнинг илк болалик давридаги ижтимоий ривожланишининг ҳиссий ривожланишга таъсири.....	25
4.2. Когнитив ривожлантириш босқичларига мурожаат қилиш.....	26
5-боб. Ўзлаштиришдан орқада қолишни белгиларини билиш ёки ўзлаштириши паст талабаларни эрта ёшлиқдан 4-босқичли даража орқали аниқлаш.....	32
5.1. Ўзлаштиришдан орқада қолиш белгиларини билиш ёки ўзлаштириши паст талабаларни эрта ёшлиқдан 4-босқичли даража орқали аниқлаш.....	35
5.2. Илк болалик даврида 4-босқич орқали маъноли, узлуксиз ва фаол ўрганиш, ўйнаш тажрибаларини бутун бола ривожланишига таъсирини билиш.....	39
6-боб. Ўрта даражадаги таълимга ва ўрта даражадаги мактабларга мантикий тўғри келадиган тавсиялар ва ўсмирларга керакли нарсаларни билиш.....	44
6.1. Ўрта даражадаги таълимга ва ўрта даражадаги мактабларга мантикий тўғри келадиган тавсиялар.....	44
6.2. Ўзининг ижобий тушунчасига эга бўлишга таъсир натижалари.....	44

6.3. Ўз тушунчасини кучайтириш жараёнини бошланиши.....	46
7-боб. Хавфли тарбияланувчиларда ривожланиш ва ўрганишда дуч келадиган қийинчиликларни тушуниш йўллари (гиёҳванд моддалар ва ичкиликни қабул қилиш, зўравонликни кўпайиши).....	50
7.1. Хавфли тарбияланувчи бўлиш сабаблари. Хавфли тарбияланувчиларнинг жамиятга таъсири.....	50
7.2. Ҳиссий тушкунлик белгилари.....	51
7.3. Хавфли тарбияланувчиларда ривожланиш ва ўрганишда дуч келадиган қийинчиликларни тушуниш йўллари.....	52
8-боб. Ўқитувчи талабани турлилигини ўрганиши ва тушуниши.....	56
8.1. Турли муҳит ва муҳтожликлар билан ўсган талабаларни қабули ва ҳурмати. Синфни турлилиги.....	56
8.2. Аудиториядаги турлиликни ҳурмат қилиш. Турлиликни ўргатиш.	57
8.3. Ўқитувчи талабани турлилигини ўрганиши ва тушуниши. Турли муҳит ва муҳтожликлар билан ўсган талабаларни қабули ва ҳурмати. Аудиториядаги турлиликни ҳурмат қилиш.....	58
8.4. Таълим олувчиларни ўқув билиш фаолиятини ташкил қилиш методи.....	60
8.5. Турли хил ўқитишнинг авзалликлари.....	62
9-боб. Талабалардаги турли шахсий тушунчаларни англаш босқичларини билиш.....	68
9.1. Намунали ўқишнинг маданий тушунчаси.....	68
9.2. Билим ва иш–ҳаракат усуллари мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш. Намунали ўқишнинг маданий тушунчаси.....	70
9.3. Талабалардаги турли шахсий тушунчаларни англаш босқичларини билиш.....	71
9.4. Ўзлаштирмайдиган ўқувчиларни Яхши баҳолар билан рағбатлантириш.....	72
10-боб. Режа тузиш ва ўргатишнинг мантиқий тушунарлилиги , ўзлаштиришни баҳолашнинг объективлиги ўқитувчи фаолиятини нг асосидир.....	78
10.1. Таълимни ишлаб чиқариш орқали амалга ошириш шакли ва турлари.....	82
10.2. Талабалар билимларини рейтинг назорати.....	84
10.3. Талабаларнинг таълим жараёнидаги билим, кўникма ва малакаларига қўйилган баҳолаш мезони.....	85
11-боб. Талабаларнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш, ўқитувчи фаолияти самарадорлигини баҳолаш, индивидуал ва гуруҳларда ўқитишнинг режалаштиришни йўл-йўриқларини баҳолаш.	90
11.1. Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятларини ташкиллаштириш шакллари.....	94
11.2. Таълим бериш усуллари танлаш.....	95
11.3. Дарс режалари ва уни мантиқий изчилликда фаол шакллантириш.....	99

12-боб. Ўқитувчи ўқувчилар учун таълим жараёнида ўқитиш воситаларидан фойдаланишнинг аҳамиятини тушуниши.билимларни кўрсатмали ва ижобий режалаштириш ва ҳамкорликдаги баҳолаш.....	108
12.1. Ҳозирги замон ўқитиш воситаларининг тавсифномаси.....	109
12.2. Ўқитиш воситалари ва уларни турлари.....	115
12.3. Ўқитиш воситаларининг ривожланиш истиқболлари.....	117
12.4 Ривожлантириш босқичларининг таълим жараёнига боғлиқлиги. Фаолият турлари. Жисмоний ва ақлий ҳаракатлар.....	121
12.5. Ўқувчилар билиш фаолиятининг хусусиятлари.....	129
13-боб. Талабадарни ўқув устахонадаги ишларга йўналтириш (масалан, кичик мактаб ёшида синфда оддий ўйинчоқлар учун шкаф ясашга ўргатиш, биргаликда материалларни сақлаш, предметлардан ижобий фойдаланиш, тизимли ахборот олиш).....	136
13.1. Ўқитувчиларнинг бошқарувчанлик қобилияти. Педагогик фаолиятни бошқариш	136
13.2. Таълим жараёнини таҳлил қилиш (масалан, график ташкилотчилик ёрдами), илмий-тадқиқот ишларининг тузилиш (масалан, талабаларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш) қобилиятларни ривожлантириш.....	138
13.3. Ўқитувчининг ҳар бир иш йўналишини таҳлил қилиш, хулқ-атворни назорат қилиш, (масалан, ўқитувчи, кутиш, талабанинг гуруҳ амалиёти, ўқитувчи ва талабанинг муносабатлари) талабаларнинг таълим жараёнини режалаштириш ва баҳолаш. Ҳар бир хулқ-атвор.....	140
13.4. Талабаларда хулқ-одоб қоидаларини шакллантириш.....	140
13.5. Талабаларда мустақил таълим фаолиятини ташкил этиш.....	141
14-боб. Ўқитувчилар фаолиятининг таҳлил қилишнинг турли хил усуллари (масалан, маърузачи) ва талабалар роли (масалан, гуруҳ қатнашчиларининг фаол кузатувлари талабалар таълимига боғлиқлиги) Ўқитувчининг таълим жараёнидаги ўрни.....	154
14.1.Билимларни қўллашда кўникма ва малакаларни шакллантириш.....	156
14.2.Касбий таълимнинг самарадорлик мезони.....	156
14.3. Аудиториянинг таълим жараёнидаги аҳамияти.....	158
14.4.Дарснинг тузилиши.....	159
14.5.Билим олишга йўналтирилган катта мақсадлар.....	160
14.6.Аудиторияда талабаларнинг билимларини ривожлантириш (масалан, талабалар ва кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари ўртасида ижобий ҳурматни шакллантириш, юқори босқич талабаларининг инсонларга ҳурмати).....	162
14.7. Таълим жараёнидаги самарадорликни таъминлаш.....	164
15-боб. Ўқитувчиларнинг турли хил фаолиятларини таҳлил қилиш, аудиторияда ишчанлик муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш..	169
15.1. Ўқитувчининг илмий тадқиқот ишларига йўналтириш. Ижобий мулоқотни таъминлаш.....	169

15.2. Таълимдан самарали фойдаланиш.....	171
15.3. Гуруҳ фаолиятини ташкил этиш.....	175
15.4. Болалар ғоясини ривожлантириш.....	175
16-боб. Гуруҳ фаолиятини бошқариш ва ташкиллаштириш. Талабаларда ҳамкорликда ишлаш қобилиятини ривожлантириш. Ҳамкорликдаги таълим. Таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг ўқитишда бошқарувни ташкил этиш. Бошқарувни таҳлил этиш.....	179
16.1.Тартиб интизомни бошқариш методлари.....	180
16.2. Талабалар ўртасида содир бўлган низоларни бартараф этиш.....	182
16.3. Кичик ёшдаги болалар учун кун тартибини аҳамияти, тинчлантириш ва фаол ўйин фаолияти, ўқув фаолиятини лойиҳалаштириш.....	182
16.4. Талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини юқори савияда ташкил этиш.....	183
16.5. Талабаларда бошқарувни шакллантиришда ўқитувчининг касбий билимлари. Жараённинг аҳамияти.....	185
16.6. Назария ва методларнинг қўлланилиши, ўқувчиларнинг хулқ- атвори таҳлили ва бошқарилиши.....	195
16.7. Таълим жараёнида талабаларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш. Турли хил интерфаол методлардан фойдаланиш (масалан, муҳокама этиш, муаммони ҳал этиш) ва ўқитувчилар таълим жараёнини турли хил услубий қўлланмалар билан таъминлаш, таълим жараёнида талабаларнинг ақлий салоҳияти ва фаоллигини таъминлаш. Муаммони биргаликда ҳал этиш.....	205
17-боб. Талабаларнинг таълим жараёнига актив иштирокини таъминлаш (масалан, самарали дарснинг тузилиши, гуруҳларда гуруҳ талабаларининг жипслиги, талабаларнинг вақтдан самарали фойдаланишга ўргатиш).....	212
17.1. Талабалар билимининг фаоллиги ва аҳамиятлилиги.....	216
17.2.Ўқув методик материаллар.....	218
17.3. Таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш.....	219
17.4. Ўқитувчининг ахборотлардан ижобий фойдаланиши, аудиториянинг технологиялар билан таъминланганлиги. Асосий атамаларни намойиши ва замонавий технология тушунчаси. (электрон технология элементлари, амалий дастурий таъминот ва вазифа, кириш ва чиқиш қурилмалари, тармоклар).....	225
18-боб. Билимларни намойиш этиш тавсифномаси, баҳолашнинг турли методлари ва босқичларидан фойдаланиш, технологик методлар. Ўқитувчининг касбий маҳорати. Ўқитувчи педагогларнинг касбий шакллантириш.....	243
18.1.Ўқитувчининг назорат ва баҳолаш бўйича вазифалари.....	244
18.2.Талабаларнинг таълим жараёнидаги билим, кўникма ва малакаларига қўйилган баҳолаш мезони. Баҳолашни шакллантириш.....	245
18.3.Аудиторияда фанлардан аниқ ва тўғри маълумотларни олиш	

учун қайтиш алоқасини шакллантириш. Қайтиш алоқасининг муҳимлиги.....	247
18.4. Таълим жараёнида талабаларнинг ўз-ўзини баҳолашларини ривожлантириб бориш. Талабалар фаолиятининг ҳар хил шароитларида ўзлаштиришнинг асослари.....	248
18.5. Талабалар билимларини рейтинг назорати.....	252
19-боб. Оилалар билан фаол мулоқотда бўлиш асослари. Узлуксиз мулоқотнинг муҳимлиги.....	265
19.1.Таълим тизимини ривожлантириш учн ота-оналарнинг кўллаб турувчи манбаларини мунтазам равишда ишлатиш.....	267
19.2.Таълим жараёнининг турли хил шаклларида ўзаро муносабат ва касбий фаолиятнинг ижобийлиги.....	270
19.3. Таълим муассасасининг тадбирларига иштирок этишни таъминлаш (масалан, таълим муассасаси муаммолари ҳақида қарор қабул этиш, ғоялар ва тажрибалар алмашиш ва лойиҳа ва тадбирларда фаол иштирок лойиҳа ва тадбирларни ташкил этиш ишида фаол иштирок этиш).....	277
20-боб. Ўз-ўзини баҳолашни шакллантириш, кучли томонини аниқлаштириб олиш, муаммоларни ечиш, таълим жараёнини ижобийлигини таъминлаш ҳамда касбий мақсадни амалга ошириш. Талабаларнинг билим заҳираси.....	282
20.1. Таълим технологияларидан фойдаланиш жараёнида ҳуқуқлардан фойдаланишнинг қоидалари (масалан, ҳуқуқи, маслаҳатлардан фойдаланиш, хавфсизлик чоралари, низолардан, тўғри сиёсатдан фойдаланиш). Қонуний авторлик ҳуқуқларини билиш.....	285
20.2. Талабалар машғулотиға қўйиладиган талабларнинг аниқ ҳисобға олиниши.....	288
20.3. Турли вазиятлардаги талабаларнинг касбий фаолияти.....	292
Касбий педагогика фанидан қисқача изоҳли луғати.....	296
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	307

Қозғоз бичими 60x84 1/8. б/т. 19,5. Адади 50 нусха.
 Нархи: Келишилган ҳолда. Буюртма рақами 17
 "PRINT REBEL" МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
 Тошкент шаҳри Олмазор тумани,
 Ўразбоев кўчаси, 35-уй.